

Анвар Ҳожиаҳмедов

ҲУСНИ ТАЪЛИЛ
САНЪАТИ

TOSHDO'TAU



0000002815

436.2

89

АНВАР ҲОЖИАҲМЕДОВ

X-44

Ozbek filologiyasi
fakulteti
O'QUV ZAL

ҲУСНИ ТАЪЛИЛ САНЪАТИ

10283

ALISMER NAVOIY NOMIDAGI
Teshido'tau
AXBOROT-KRSURS MARKAZI

Ozbek filologiya
fakulteti
KUTUBXONASI


Тошкент
«Янги аср авлоди»
2008

ALISMER NAVOIY NOMIDAGI
Teshido'tau
AXBOROT-KRSURS MARKAZI

Құлингиздаги мазкур китобни ўқиши асносида Навоийдан олдин ва Навоийгача яшаган, шунингдек, замонавий шеъриятимизда қалам тебратаеттган шоирларнинг ҳусни таълил санъатидан гүзәл бадиий ифодалар яратиб, ҳаётый тимсолларни бетакрор бир тарзда ифодалаганликларига гувоҳ бұласиз.

Шунингдек, ҳусни таълилнинг гүзәл санъат намунаси шоирларимиз ижодининг ўзига хос жиҳатларини акс эттирибгина қолмай, уларнинг нозик дид соҳиблари эканлиги улар ижодидан келтирилген мисраларда ўз аксини топған.

Китоб айни шу жиҳатлари билан сизни бефарқ қолдирмайды, деган умиддамиз.



ISBN 978-9943-08-284-7

© Анвар Ҳожиақмедов «Ҳусни таълил санъати». «Янги аср авлоди», 2008 йил

ЖОЗИБАЛИ ТАДҚИҚОТ

Ўзбек мумтоз поэтикаси деганда асосан шеър санъатлари ва аруз илмини кўз олдимиизга келтирамиз. Поэтиканинг энг қизиқарли биринчи қисми – бадий санъатлар илми Ўзбекистонга олим Ёқубжон Исҳоқовнинг саъй-ҳаракати билан кириб келди, дейиш мумкин. Ё.Исҳоқовнинг «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида 1970 йилдан ёритила бошлаган «Классик поэтиканан маълумотлар» туркумидаги мақолалари бу фикримизнинг далилидир.

Бадий санъатларнинг муайян шоир ижодидаги амалиёти эса Мақсад Шайхзоданинг «Устоднинг санъатхонасида» мақолала-рида кўринди. Уларга ҳавас қилиб камина ҳам «Шеър санъатлари» номли қўлланма эълон қилган эдим.

Илм оммавийлашсагина ҳақиқий фойдали илм бўлади. Поэтикан чинакам оммавийлаштирган олим профессор Анвар Ҳожиаҳмедов бўлдилар.

Олим ва талабаларнинг поэтикага қизиқишилари жонланган бўлса-да, поэтика илми ҳануз XX асрнинг охирларида ҳам оммавийлашиб улгурмади.

Бу ҳодиса, менимча, олим Анвар Ҳожиаҳмедовнинг уч-тўрт йил давомида қўзиқориндай бирин-кетин олам юзини кўрган китоблари «Шеърий санъатлар ва мумтоз қофия», «Шеър санъатларини биласизми?», «Мумтоз бадиият малоҳати», «Огаҳий даҳосининг олмос қирралари» номли бадий санъатлар ҳақидаги рисолалари ва арузга доир «Аруз вазнини ўрта мактабда ўрганиш», «Ўзбек арузи лугати», «Навоий арузи нафосати» сингари илмий-оммабоп ва тадқиқот тарзидаги асарлари туфайли юз берди. Поэтиканинг Ўзбекистонда оммавийлашуви профессор Анвар Ҳожиаҳмедов илмий ижоди туфайли юзага чиқди. Тўғри, бу орада профессор Тўхтамурод Бобоевнинг «Шеър илми таълими», профессор Раҳмонқул Орзивековнинг «Шеър санъатлари таҳлили», Т.Бобоев ва З.Бобоевнинг «Бадий санъатлар», Робия Ражабованинг «Тамсил санъати» сингари рисолалари ҳам

элга манзур этилди. Поэтиканинг оммавийлашуви учун бадиий санъатларнинг энг муҳим қисмларини тадқиқ этиш лозим эди. Бу иш А.Хожиаҳмедовнинг китобида бажарилди, аниқроғи етмишдан ортиқ бадиий санъатлар мөҳияти қашф этиб берилди.

Энди уларнинг бир шоир ижодида кўринишини кузатиш ҳам мароқли эдикни, олим бу ишни Огаҳий асарлари юзасидан амалга оширган.

Олимлар «Энди бадиий санъатлар илми қайси йўналишда ўсар экан?» деб ўйлаб юрганларида, Робия Ражабова «Тамсил санъати»ни номзодлик диссертацияси миқёсида ишлаб, илмга тадқиқ этди.

Професор Анвар Ҳожиаҳмедов бу соҳада ҳам катта олимга хос жасорат қўрсатди. Ҳусни таълил санъати ҳақида алоҳида тадқиқот яратдилар.

Дарҳақиқат, икки юзга яқин бадиий санъатлар сафида энг адабий мушоҳадабопи ва энг қизиқарлиси ҳусни таълил эканлигини кўпчилик билади.

Ушбу тадқиқотнинг илмга қўшган ҳиссасига келсак:

- а) ҳусни таълил мөҳияти асосли илмий ёритилган;
- б) ўзбек мумтоз адабиётida ҳусни таълил санъатининг қўлланниш тарихи изчил ўрганилган;
- в) ҳусни таълил санъатини қўллашдаги анъана ва янгилик қашф этиш ҳолатлари тадқиқ этилган;
- г) ҳусни таълил санъати амалиётидаги тимсоллар ва рамзлар оламига яхши «саёҳатлар» қилинган ва ҳоказо.

Гарчанд ноқулай бўлса-да тан олайликки, айрим олимларимиз ҳанузгача ҳусни таълилни тамсилдан фарқ этишда қийналадилар. Шу маънода олиб қарайдиган бўлсак, ушбу тадқиқотнинг аҳамияти катта.

Бу китоб мутолаасида олим ҳам, оддий китобхон ҳам мириқиб адабий мушоҳадалар уммонига шўнғиб кетади: санъатдаги шартлилик, рост ва ёлғоннинг санъатда деярли чегарасизлиги, шоирнинг фикрий ўйинмачоқ билан бадиий қашфиётлар қилишига ҳарлаҳазада гувоҳ бўлади. Мутлақо асос бўлолмайдиган дахлсиз шоирона далиллар барчани чуқур ҳайратта чўмдираверади...

Ҳам илм, ҳам ҳайратларга кон бўлган китоб мутолааси сизга қутлуғ бўлсин!

Ваҳоб РАҲМОНОВ,
Филология фанлари номзоди, доцент

МУҚАДДИМА

Кўп минг йиллик адабиётимизнинг гўзал ва пурмазмун анъаналарини давом эттириш ва ривожлантириш барча асрлар давомида бадиий сўз тараққиётининг энг муҳим омили бўлиб хизмат қилган. Ҳар бир давр ижодкорлари ўтмиш шеърияти ва бадиий насрини ҳар томонлама ва чуқур ўрганиб буюк маликул қаломларимиз меросларига хос юксак ғоявийлик ва баркамол санъаткорликдан, услугуби ранг-баранглик ва бадиий гўзалликдан баҳраманд бўлиб, кўплаб адабий мўъжизалар, бетакрор ва сержозиба нафис дурдоналар яратгандар.

Ушбу ижодий тамойил бадиият соҳасида ҳам изчил давом этиб келган ва илми маоний ва илми баён, илми бадеъ ва илми аруз, шунингдек илми қофияларнинг изчил ривожланиб боришида алоҳида аҳамиятга эга бўлган.

Адабиётшунослигимиз тарихини кузатар эканмиз, X асрдан бошлаб туркий шеъриятда хилма-хил бадиий санъатларнинг тобора кўпроқ қўлланиб борганини, шоирларимиз араб ва форсий адабиётларнинг бу соҳадаги тажрибаларини ўзлаштира бориб, уларнинг ривожига муносиб ҳисса қўшганларининг гувоҳи бўламиз. Шундай санъатларнинг бири ҳусни таълил бўлган эди.

Ўз моҳияти, ижодкор онгига туғилган нафис бир ғоявий-бадиий ниятни бирон ҳаётий ҳодиса ёки ҳолат, афсонавий воқеага файритабиий сабаб келтириш воситасида фоят таъсирчан, аксар ҳолларда ҳайратомуз бир тарзда ёрқин ифодалашни назарда тутувчи ушбу санъат XIV аср бошларига келиб шеъриятимизда кенг қўллана бошлаган ва бадиий маҳоратнинг муҳим жиҳатларидан бирига айланган эди. XIV–XV асрларда ижод қилган Хоразмий ва Юсуф Амирий, Хўжандий ва Ҳофиз Хоразмий, Атоий ва Лутфий, Саккокий ва Гадоий каби кўплаб лирик сўз соҳиблари ҳусни таълил санъатининг бир-биридан гўзал ва пурмазмун намуналарини яратиб, бадиий тафаккуримиз ривожига

муносиб ҳисса құшылар. Даҳо ижодкор Алишер Навоий эса ушбу санъатнинг янгидан янги ифода имкониятларини қашф этиб, уни лирик ва эпик ижоднинг энг маҳсулдор усулларидан бирига айлантируди.

Хусни таълил санъатига қизиқиши XVI–XIX асрлар шеъриятида янада кучайди. Ушбу даврнинг Бобур ва Машраб, Мунис ва Огаҳий, Муқимий ва Фурқат каби маликул қалом ижодкорлари устоз Навоий анъаналарини изчил давом эттириб файритабиий талқин қилиш усулининг кўплаб нодир намуналарини яратдилар.

Мазкур ажойиб санъат замонавий шеъриятимиздан ҳам ўрин олиб, устоз Ҳабибий ва Собир Абдулла, Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов сингари сўз соҳиблари томонидан янги тараққиёт босқичига кўтарилди. Бу даврга келиб, хусни таълил замонамиз ва замондошларимизнинг ёрқин тимсолларини бадиий акс эттиришга хизмат қила бошлади. Келажак шеъриятимизда ҳам бу санъатнинг муносиб ўрни бўлиши шубҳасиз.

Хусни таълил санъатининг назарий масалалари, унинг мумтоз шеъриятимиздаги ўрни, даҳо ижодкорлар ва таниқли соҳиби қаломларимиз ижодидаги қўлланиш кўлами ҳақида адабиётшуносликка оид илмий асарларда анчагина маълумотлар берилган. Араб, форс ва туркий тилларда яратилган бадиий илмига доир кўплаб китобларда, хусусан, Муҳаммад Умар Родуёнийнинг «Таржуман ул-балоға», Рашидиддин Ватвотнинг «Хадойиқ ус-сехр фи дақойиқ аш-шеър», Шамс Қайс Розийнинг «Алмуъжам», Атоуллоҳ Ҳусайнининг «Бадойиъ ус-санойиъ», Аҳмад Терозийнинг «Фунул ул-балоға» каби асарларида ушбу санъатнинг табиати, хусусиятлари, турлари баён қилинган. Файритабиий талқин усулининг бадиий тимсоллар яратиш, асар таъсирчанлиги, жозибасини таъминлашдаги ахамияти Атоий, Лутфий, Алишер Навоий, Огаҳий каби ижодкорларнинг ҳусни таълил санъатидан фойдаланишдаги маҳоратлари қирралари академик Иzzат Султонов ва Алибек Рустамов, таниқли адабиётшунос олимлар Е.Э.Бертельс, Ёқубжон Исҳоқов, Ҳамидулла Болтабоев, Ваҳоб Раҳмонов ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ўз ифодасини топган.

Аммо мазкур бадиий усульнинг табиати ва ифода имкониятлари ҳам, унинг адабиётимиздаги тарихи ва ривожланиш қонуниятлари ҳам, даҳо шоирларимиз ижодидаги ахамияти

ҳам ҳалига қадар жиддийроқ ўрганилган эмас. Хусусан, унинг Алишер Навоий ижодий камолотидаги ўрни, у яратган бетак-рор ва безавол бадиий лавҳалар нафосату назокати кенгроқ тадқиқ этилмаган. Улуф шоир ижодига бағишлиланган илмий асарларда ушбу муҳим масаланинг жузъий қирраларигина қаламга олинган.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, ушбу таъсирчан сўз санъатидан бадиий ижодда фойдаланиш учун ёш шоирлар унинг назарий ва амалий муаммолари, ифода имкониятла-ри, шеъриятимиздаги тарихи, йирик шоирларимизнинг бу со-ҳада эришган мудаффақиятларидан яхши хабардор бўлишлари лозим. Ушбу санъат назарияси ва амалиётини пухта билиб олиш ёш адабиётшунос олимлар, филолог талабалар, хусусан бу хил тасвир усулини мактаб ва лицейлар, коллекция олий ўқув юрг-ларида ўргатувчи ўқитувчилар учун ниҳоятда зарурдир.

Қўлингиздаги китоб асосан Алишер Навоий фазалиётида ҳусни таълил санъатининг қўлланиш масаласига бағишлиланган. Биз ушбу мавзуни ўрганишда улуф шоир фазалиётини асос қилиб олиб, «Хазойин ул-маоний» девонларидаги барча ҳусни таълил ифодаларини тўплаб, уларнинг барчасига хос гоявий-бадиий фазилатларни, шоирнинг шу соҳадаги кашфиётлари моҳияти-ни умумлашма хулосалар асосида баҳолаш усулига таяниб иш кўрдик. Шу хилдаги тамойил улуф шоир яратган ҳусни таълил ифодаларини турли жиҳатлардан гуруҳлаштириб, улардаги анъ-анавийлик ва кашфиётчилик муаммоларини ҳам, файритабиий талқин табиати ва кўринишларини ҳам, ҳусни таълилнинг тим-соллар оламини ҳам, ниҳоят, Навоий даҳосининг XV – XX асрлар шеъриятидаги файритабиий талқин усули ривожидаги ўрни-ни ҳам кенг кўламда, муфассалроқ ва чуқурроқ тадқиқ этиш ҳам-да ёритишга имкон бериши шубҳасизdir. Мазкур тадқиқотга қўл урар эканмиз, аввало ҳусни таълил назариясининг бир қатор муҳим жиҳатлари, хусусан, унинг шеъриятимиздаги ўрни, та-биати, файритабиий сабаб кўрсатишнинг гоявий-бадиий тамо-йиллари, бошқа санъатлар билан муносабати, тимсоллар олами, ушбу санъат ривожида анъанавийлик ва кашфиётчиликнинг аҳамияти каби муаммоларни ёритишга эътибор қаратдик. Сўнгра ҳусни таълил санъатининг шеъриятимиздаги, хусусан, фазалнавислигимиздаги шаклланиш ва камол топиш тарихи, Хоразмий, Атоий, Лутфий, Саккокий, Гадоий каби йирик шо-

ирларнинг ушбу санъатдан фойдаланиш соҳасидаги ютуқлари-га тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Алишер Навоийнинг мазкур санъатга муносабати, араб, форс-тожик адабиётларидан ҳусни таълил назарияси ва амалийтини ўрганиши, ўзигача бўлган туркӣ шеъриятда гайритабии талқиннинг кўлланишига муносабати, бу соҳадаги анъаналарни давом эттириши ва ривожлантириши, шоир кашфиётлари кўла-ми ва аҳамияти, ҳусни таълил ифодаларининг тимсоллар олами ҳақидаги мулоҳазалар китобнинг асосий бўлимидан жой олди.

Кейинги бўлимда Навоий анъаналарининг XVI–XIX асрлар мумтоз шеърияти ва замонавий лирикада ривожлантирилишига доир фикрларимиз ўз ифодасини топди. Унда хусусан, Бобур ва Нодира, Мунис ва Оғаҳий, Муқимий ва Фурқат, Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидовлар шеъриятида ҳусни таълил санъатига муносабат, Алишер Навоийнинг ушбу соҳадаги анъаналарини давом эттириш ва камол топтириш тамоиллари, гайритабии сабаб кўрсатиш усулларининг ривожлантирилиши, бу йўналишдаги янги ижодий кашфиётлар ҳақидаги мулоҳазалар баён этилди.

Хулоса қисмida тадқиқотларимиз якунларини ихчам тарзда мужассамлаштириш билан бир қаторда ушбу санъат назарияси ҳамда амалиётини ўзлаштириш бўйича баъзи тавсияларни бериб ўтишни лозим кўрдик.

Ушбу рисола шу соҳадаги дастлабки тажрибадир. Шу туфайли унда ҳусни таълил санъатининг барча жиҳатлари қамраб олинмаган бўлиши мумкин. Шунингдек, асарда шоирларимиз ижодидан танланган ҳусни таълил намуналарининг такрорланиш ҳодисаси ҳам учраб туради. Кўплаб гайритабии талқин ифодаларини турли жиҳатдан тадқиқ этиш жараёнида шу такрорлар лозим деб топилди. Муҳтарам китобхонлар ўз фикр-мулоҳазалари билан асарнинг кейинги нашрини такомиллаштиришга ёрдам кўрсатадилар, деб ишонамиз.

БИРИНЧИ БОБ

ҲУСНИ ТАЪЛИЛ – ЭНГ ГҮЗАЛ САНЬАТ

Сўз мулкининг соҳибқирони, буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий ўзининг машҳур «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида маликул калом мавлоно Лутфий ҳақида фикр юритар экан, шундай деб ёзган эди:

«Мавлоно Лутфий (алайҳирраҳма) – ўз замонининг маликул каломи эрди, аммо туркийда шуҳрати кўпрак эрди ва туркча девони ҳам машҳурдир ва мутааззизул жавоб матлаълари бор, ул жумладан бири будурким:

Нозуклук ичра белича йўқ тори гесуюи,
Ўз ҳаддини билиб, белидин ўлтирур қўйи»...

Даҳо ижодкорга хос юксак фазилатларни таъкидлаётган муаллифнинг ўз баҳоси далили сифатида унинг юқоридаги байтини келтириши тасодифий ҳол эмасди, албатта. Шу биргина байт мисолида Лутфий бадний иқтидори тажассумини намойиш этиш Навоийнинг асосий мақсади бўлганини кўриш қийин эмас. Келтирилган мисолга диққат қиласак, унда мумтоз шеъриятимизга хос муҳим бир анъанавий ғоя – маҳбуба латофатига хос бир белги – бели сочи толасидан ҳам нозикроқ эканлиги нафис бир лавҳа – сочининг белдан қуий туриши манзараси асосидаги файритабиий талқин воситасида ғоят таъсирчан ифодалангани, яъни «Маҳбубамнинг соч торлари нозикликда унинг бели билан тенглашомлади, шу туфайли улар ўз ҳаддини билиб, белидан қуий ўлтирадилар», тарзидағи ҳусни таълил асосида жозибали тасвирланганини кузатишимиз қийин эмас.

Бу ўринда ҳазрат Навоийнинг ўз устози ижодига бўлган улкан эҳтироми билан бир вақтда Лутфий шуҳратининг кенг ёйилишининг асосий боисларидан бири бўлган ана шу шеърий санъатга муносабати ҳам сезилиб туради. Чиндан ҳам кенг бадий

имкониятга эга бўлган ҳусни таълил санъати Лутфий яратган ғазалларда кўп қўлланиб, барча шоирлар эътиборини қозонган эди.

Маълумки, бадиий адабиётда далиллаш ёрқин, ҳаётий тимсоллар яратиш, лирик кечинмалар ёхуд эпик манзараларнинг ўқувчилар оммаси томонидан тўлиқ ва ишонарли тасаввур қила олишларига эришишнинг энг муҳим шартларидан бири саналади. Гарчи мумтоз шеъриятда далиллашнинг воқеъликни табиий тасвирлашга хизмат қилиши шарт қилиб қўйилмаса-да, ижодкор ифодалаётган фикрларни аниқлаштириш, гавдалантирилаётган лирик ёки эпик тимсоллар қиёфаси, ички олами, орзу армонлари моҳиятини атрофлича англаб етиш, бинобарин, муаллифнинг гоявий-бадиий нияти, бадиий салоҳияти, усубнинг ўзига хослиги каби масалаларни пухтароқ тушуниб етиш учун бу усубнинг ўзига хос кўринишларидан фойдаланиб келингган. Адабиётимизда асрлар давомида кенг қўлланиб, гўзал ва бетакрор, сержозиба ва таъсиран обидалар яратишга хизмат қилган ташбиҳ ва ташхис, талмиҳ ва тамсил, ирсоли масал ва ҳусни таълил каби санъатлар ана шундай далиллаш воситалари эди.

Шеъриятимиздан муносиб ўрин эгаллаган ҳусни таълил санъатининг хусусиятлари ўтмиш адабиётшуносларининг асарларида таъкидлаб кўрсатилган. XI асрнинг охири ва XII аср бошларида яшаб ижод қилган таниқли аллома Рашидиiddин Ватвот ўзининг «Хадойиқ ус-сеҳр фи дақойиқ аш-шеър» асарида ушбу санъатни шундай таърифлайди:

«Ушбу усубнинг моҳияти шундан иборатки, шоир байтда бири бирининг сабаби бўлган икки сифатни келтиради, аслида эса бу ҳақда сўз юритар экан, ўз асарининг чиройли ва бетакрор бўлиб чиқиши учун улар ўртасида бирон муносабат топишни истайди, холос».¹

Бинобарин, ҳусни таълил байтда бир нарса, ҳодиса ёки ҳолатга бир нарсани сабаб қилиб кўрсатишдан иборат бўлиб, бу хил усул асарнинг латофати ва таъсиранлигини таъминлашга хизмат қилиши керак.

XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI аср бошларида яшаб ижод қилган машҳур адабиётшунос олим мавлоно Атоуллоҳ Ҳусайн-

¹Рашид ад-дин Ватват. Сады волшебства. Перевод с персидского Н.Ю.Чалисовой. Изд-во «Наука», Москва, 1985, стр. 168

ний «Бадойиъ ус-санойиъ» китобида: «Ҳусни таълил улдурким, бир ниманинг бир сифатин иқрор қилурлар ва ул сифатни исбот қилиш учун ул ниманинг ўзига муносиб бир иллату сабабини келтирурларким, ҳақиқатта ул сабаб бўлмагай, лекин лутф эътибори била ани сабаб қылған бўлурлар», деб таъкидлар экан, унинг мумтоз форс шеъриятида қўлланган тўрт турини кўрсатиб ўтган эди.

«Аввалги тури улдурким, – деб ёзади аллома, – ул сифат ул нимада ҳақиқатда бўлур, аммо унинг кўриниб турган сабаби бўлмас, ўшангага бир сабаб кўргузурлар, андоқким (байт):

Хатти мушкине навишта бар рухаш килк-и қазо,
То бувад аз баҳри дафъ-и чашм-и бад хирзу дуо

(таржимаси: «Қазо қалами унинг юзига мушкин бир хат ёзмиш, ёмон кўзни дафъ этиш учун қайтариғу дуо бўлсин учун»).

Мазкур байтнинг биринчи мисрасида маҳбуба юзида мавжуд бўлган бир сифат, яъни унинг лаби устидаги майин туклари мушкин хат деб таърифланган. Бу ҳолат сабаби аниқ қўзга ташлашиб турмайди. Шоир эса иккинчи мисрада ана шу ҳаётий ҳолатга бадиий сабаб кўрсатиб, ушбу мушкин хат ёмон кўзни дафъ этиш учун ёзилган қайтариғу дуодир», деб ёзади. Далилнинг ҳақиқатдан узоқ бўлган шоирона ифодагина эканлиги намоён бўлиб турибди.

«Иккинчи тури улдурким, – деб давом этади олим, – воқеий сифатнинг зикр этилган кўргузма сабабидан ўзга кўрунуб турган сабаби бўлур, андоқким (байт):

З-он кашам пеш-и ту ҳар дам, оҳ, эй ороми жон,
То кунам аз дил бирун мутлақ ҳаво-йи дигарон

(таржимаси: «Эй ороми жон, сенинг қошингда ҳар дам оҳ тортишмнинг сабаби шуки, кўнгилдан ўзгаларнинг ҳавосини (иштиёқини) бутунлай чиқариб ташламоқчиман»).

Китобни таржима қилиб нашрга тайёрлаган академик Алибек Рустамов қўлэзма ҳошиясида ушбу байтга берилган қуидаги изоҳга дикқатимизни жалб этади: «Ҳар дам оҳ тортишнинг кўриниб турган сабаби бор: famu алами кўп. Аммо муҳаббатда изҳор қилинадиган латиф бир ибора билан унга бошқа бир са-

баб кўрсатилган». Демак, ҳусни таълилнинг ушбу тури олдинги-
сидан биринчи мисрадаги фикрнинг ҳақиқий сабаби бўлган
ҳолда, иккинчи мисрада мазкур воқеий ҳолатга ҳаётий бўлма-
ган бадиий сабаб кўрсатилиши билан фарқланади.

Атоуллоҳ Ҳусайнин ҳусни таълилнинг учинчи турини шун-
дай таърифлайди: «Учинчи тури улдурким, ул ниманинг сифа-
ти ҳақиқатта бор бўлмас, аммо одатан бўлмоғи ҳам мумкин
бўлур, андоқким (байт):

Аzon шуд ром ба ман, эй Атоий, оҳу-йи ваҳший,
Ки бўйи меҳр он ваҳший ғизол ҳам шанид аз ман.

(таржимаси: «Эй Атоий, ул ваҳший оҳу менга шу сабабдан
ром бўлдики, ҳатто ваҳший ғизол ҳам мендан меҳр ҳидини
сезди»).

Тўртингчи турини таърифлаётган олим унинг ҳусусиятлари-
ни шундай таъкидлайди: «Тўртингчи тури улдурким, ул нима
сифати ҳақиқатда ҳам бор бўлмас, одатан бўлмоғи ҳам мумкин
ҳам бўлмас, андоқким (байт):

Хаёл-и он бут-и хунрез аз чашмам нашуд берун,
Аzon дар хоб ҳам резад зи чашмам қатраҳо – ий хун

(таржимаси: «Ул қонтўкар бутнинг тасвири кўзимдан чиқиб кет-
мади, шу сабабдан уйқуда ҳам кўзим қон томчиларини соча-
ди»).

Алломанинг ушбу санъат турлари ҳақидаги фикрлари билан
танишар эканмиз, мана бу жумлалар дикқатимизни тортади:

«Яна ул («Изоҳ»соҳиби – А.Ҳ.) дептурким, шакка асослан-
ган иллат ҳам ҳусни таълифа тааллуқидир. Мунда зикр этил-
ган иллату сабаб андоғтурким, анинг иллатлигин қатъяян иддио
қилмаслар, андоқким (байт):

Гўйи ки шудаст абр-и найсон
Аз ёр жудо, ки гашта гирён.

(таржимаси: «Найсон (апрел) булути ёрдан жудо бўлганга ўхшайди,
шунинг учун йиглаляпти»).

Аллома бу санъатни таълил деб атабтур ва ани ҳақиқаттин
йироқ бир ниманинг сифатин исбот қилмоққа хос қилиптурким,

анга муносиб бир иллатни зарофат била иддио қилғайлар, токим эшитгувчи ани ҳақиқат деб тасаввур қилғай ва ул учинчи турда мазкур бўлғон байт янгилиғдур.

Ул яна дептурки, баъзилар бу санъатни ҳусни таълил деб атабтурлар ва дептурлар: ул андоғдурким, икки васфни ул тарзда зикр қилурларким, бири иккincinnisinинг иллати бўлур ва мақсад ҳар иккисининг зикри бўлур».²

Юқоридагилардан маълум бўладики, ҳусни таълилнинг асосий хусусияти бирон ҳодисага сабаб, далил келтиришдан иборат бўлиб, ушбу сабаб, далил ҳаётий бўлиши ҳам, гайритабиий бўлиши ҳам мумкин.

Мумтоз шеъриятимиз саҳифаларини кўздан кечирсак, ҳаётий сабаб кўрсатилган ҳусни таълил ифодаларини кўплаб учратишимиш мумкин. Масалан, Алишер Навоийнинг «Хазойин улмаоний» асарида ҳам бу хил мисоллар анчагина учрайди.

Шоир қаламига мансуб:

Васли аро кўрдум: teng эмиш бўйю сочи,
Тун-кун teng экан, зоҳир ўлур бўлди чу наврўз

байтидаги биринчи мисрада маҳбуба бўйи билан сочининг тенглиги таъкидланган. Бу ҳаётий ҳолат бўлиб, сочи узун гўзаллар учраб туради. Бу хил таърифнинг сабабини қидириш ҳам жоиз эмас: табиат у қизни шундай яратган. Лекин шоир иккincinni байтда бу ҳолатни наврўз чоғидаги ҳодисага сабаб қилиб кўрсатади. Сабабини аниқлаб бўлмайдиган табиий ҳодиса ёки ҳолатни шу хилда далиллашга интилиб, нафис бир бадиий лавҳа келтириш ҳусни таълилнинг биринчи турига хосдир. Навоий:

То узори жилва айлар – жилвагардур зулфи ҳам,
Меҳр то айлар таҳаррук – соя доги тебранур

байтида ҳам табиий ҳолат – маъшуқа юзи жилва қилганда, зулфи ҳам жилваланишига қуёш харакатланганида соянинг ҳам тебранишини сабаб қилаётгандек бўлади. Диққат қилинса, бу ўрин-

² Атоулоҳ Ҳусайнин. «Бадойиъ ус-санойиъ». Форсчадан Алибек Рустамов таржимаси. Faфур Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. – Тошкент, 1981, 138-139-бетлар.

да ҳам воқеий ҳодиса ҳаёттый лавҳа билан далилланәётганини, оқибатда ҳусни таълил ифодаси юзага келганини қузатиш қийин эмас.

Шоир қаламига мансуб:

Совуғ оҳеким чекармен, гарм ўлур оқмоққа ашк,
Чашмаларда сув бўлур иссиғ, ҳаво бўлғач совуқ

мисраларидаги нафис ҳусни таълил шу тарздадир. Ижодкор ошиқнинг совуқ оҳ чекканида кўзларидан иссиқ ёш томаётганини ҳаво совуқ бўлганида чашмалардаги сувнинг илиқ бўлиш ҳодисаси билан далилламоқчи бўлади. Аслида эса бу хил талқин ҳам чиройли сабаб кўрсатишдан бошқа нарса эмас.

Номаи шавқум не навъ ул ойға еткай, чунки мен
Эл отин ўқур ҳасаддин ёзмадим унвон анга

байтида иккинчи мисранинг биринчисига нисбатан сабаб вазифасини бажараётгани аниқ сезилиб туради. «Шавқим номаси у ойдек гўзал маҳбубамга қандай қилиб етар экан, ахир мен эл отини ўқиб билишидан ҳасад қилиб мактуб унвонини ёзмадимку?!» деган мазмун ифодаланган ушбу мисраларда келтирилаётган далил, «ҳасад қилиб» ибораси туфайли алоҳида зakovat касб этган. Демак, бу ўринда ҳам ҳаёттый ҳодисага таъсирчан бир воқеий сабаб кўрсатилаётганини инкор этиб бўлмайди.

Ҳусни таълил санъатининг иккинчи бир тури эса бирон табиий ҳодисанинг сабаби бўла туриб, унга ҳақиқий бўлмаган ҳаёттый сабаб кўрсатишни тақозо этади. Масалан, Навоий битган:

Недин билман юзум сарғарди муҳриқ ишқ тобидин,
Юзи ўтқа яқинроқ бўлған элнинг чунки рангиндуру

байтининг биринчи мисрасида ишқ ҳароратидан ошиқ юзининг сарфайгани таъкидланар экан, ушбу ҳолатнинг асл сабаби ишқий кечинмалар эканлиги маълум бўлиб турса ҳам, ўзгача бир сабаб, яъни ўтга яқинроқ ўтирган кишиларнинг юзи шундай рангин бўлиши кўрсатилади. Шоир

Юзум олтингедекдуур бу важхинким, ҳолиё,
Сиймбарлар ул кишинингдурким, онинг моли бор

мисраларини битар экан, аввал ошиқ юзининг олтингедек саргай-
ганини таъкидлайди, ушбу ҳолатнинг сабаби аниқ: ошиқнинг
дарди- аҳволига кумуш танли гўзал дилдорлар мол-дунёси
бўлган пулдорларга насиб этишини сабаб қилиб келтирияпти.
Байтда ҳаётий лавҳага воқеий далил қўллар экан, ҳусни таъ-
лилнинг яна бир бетакрор намунасини ўқувчи эътиборига ҳаво-
ла этган.

Хатинг бош чеккали холинг кўрунмас,
Кўкарди чун экин, гум бўлди дона

байтида Навоий келтирган шоирона далил ҳам шу хил бадий
талқин натижасидир. Маҳбуба лаби устидаги майнин туклар унинг
холини яшириб турганини тасвирлаётган ижодкор бу ҳолатга
ҳаётий бир лавҳани: экин кўкариб чиққанида ургунинг кўрин-
май қолишини далил сифатида келтиради. Ҳар икки мисрадаги
тасвир ҳаётий, лекин далил чиройли ифодалангани билан ўқувчи
дилини ўзига мафтун этади.

Ҳусни таълилнинг яна бир кўриниши биринчи мисрадаги ифо-
даланаётган муболагали тасвирни ҳаётий бир воқеа, мисол ёки
мақол билан далиллашни назарда тутади. Масалан, Навоий

Чун масал бўлди сочинг зулм ичра, ёшурмоқ не суд,
«Мушк исин ёшурса бўлмас», бу масал машҳур эрур.

байтида биринчи мисрадаги: «Сочинг зулм қилиши билан ма-
шҳур бўлди, буни яширишдан фойда йўқ», деб таъкидлар экан,
ушбу фикрни «Мушк исини яшириб бўлмайди», деган масал
машҳурку!» тарзидаги ифода билан далиллайди. Шоир мис-
раларда «масал» сўзининг «машҳур» тарзидаги маъносидан
ҳам, «мақол» тарзидаги маъносидан ҳам усталик билан фой-
даланиб, кўркам бир ҳусни таълил намунасини яратишга эри-
шади.

Чун Навоий кўнгли синди, эмди лутфунг не осиф,
Ким, ушатса шишани бутмас яна пайванд ила

байтидаги бадий далил ҳам юқоридаги мисралар билан ҳамо-
ҳанг. Биринчи мисрада шоир ўз кўнглининг сингани ва энди маҳ-
буба лутфи бефойдалигини таъкидлаган бўлса, иккинчи мисра-
да синган шишани улаб бўлмаслиги ҳақидаги мақол билан
юқоридаги фикрни далиллашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Не айб, шодлиғ ашким кўп оқса васлингда,
Баҳор фасли бўлур чашмалар суйи афзун

мисраларидаги бадий сабаб ҳам ўз нафосати билан кўнгилга
роҳат бағишлади. Шоир қаламига мансуб

Не кунки кўрсам, тушумга кирса не тонг,
Қўёшға боқсаю кўз юмса ҳам қўёш кўрунур

байтидаги санъат ҳам шу тарздаги сабаб асосига қурилган.
«Юзини кўрганимдан сўнг у гўзал тушимга кирса ажаб эмас,
ахир қўёшга боққан киши кўзини юмса ҳам қўёш кўринадику»,
маъносини ифодаловчи ушбу мисраларда ҳаётий ҳолатга таби-
ий далил келтирилган.

Ҳусни таълил санъатининг юқоридаги турлари шеърияти-
мизда кўп йиллар мобайнида изчил қўлланиб келинган. Ле-
кин улар ўртасида ушбу санъатнинг бирон ҳаётий ҳодиса ёки
ҳолатга файритабиий сабаб кўрсатиш мақсадини кўзлайди-
ган тури бошқаларига нисбатан кенгроқ қўлланганини кўриш
мумкин. Ҳусни таълилнинг бу кўриниши унинг бошқа турла-
рига нисбатан ижодий хаёлтотга, янгидан-янги бадий тим-
соллар ва лавҳалар яратишга имкон бериши жиҳатидан аж-
ралиб туради. Шу туфайли биз мазкур китобда ҳусни таълил-
нинг ушбу тури ҳақида кенг кўламли ва мукаммал маълумот
бериш, шоирларимизнинг бу соҳадаги санъаткорлиги, ижод-
ий тафаккур даражаси, яратилган бадий лавҳаларнинг
шоир ғоявий- бадий ниятини очишдаги ўрни, ўқувчилар ом-
масига таъсири каби масалаларга алоҳида диққат қилишни
лозим топдик.

Мавлоно Атойи

Бир тўя кўргаймумен деб талъатингни тўлун ой,
Тунглукингда ўлтутур то субҳ мендек телмуруб


байтида ажыб бир ҳусни таълил ифодасини яратганди. Диққат қилинса, байтда аввало ҳәётий бир ҳолат – ёр деразасидан күри-ниб турган түлин ой манзарасини кузатамиз. Бу ҳәётда жуда күп учрайдиган табиий ҳодиса. Унинг юз беришига бирон ҳақиқий сабаб топиш ҳам амри маҳол. Лекин зукко шоир бу күринишга ўқувчани ҳайратлантирали бир сабаб күрсатади: гүё түлин ой ҳам гўзал маҳбубага шайдо бўлганмишу, ошиқ йигитга ўхшаб ёр жамолини бир марта бўлса ҳам тўйиб кўриб олиш учун дераза олдида то субҳга қадар жилмай интизор бўлиб ўлтирганмиш.

Кўрсатилаётган сабаб ойга тааллукли бўлиб, унинг табиатига мос бўлиб тушса ҳам, файритабиийлиги, ҳәёт ҳақиқатига мос кел-маслиги, аникроғи, ифоданинг, кўрсатилган сабабнинг ҳәётий мантиқдан узоқлиги яқъол кўзга ташланиб турибди. Ташхис санъатидан фойдаланаётган ижодкор осмон ёритгичига инсон ҳусусиятларини кўчирган ҳолда бадиий ёлғон қўллаб, маҳбубанинг мафтункор ойга нисбатан ҳам латофатлироқ эканлигини таъкидлаётгани, ошиқ йигитнинг эҳтиросли муҳаббатини олқишилаётганини англаб етиш қийин эмас. Бу ўринда шоир йўл кўйган бадиий ёлғон эса ўзига хос нафис бир лутғ, сўз ўйини холос.

Мавлоно Лутфий қаламига мансуб

Юзидин лола ранг элтиб ўелиб шаҳрға кирмас,
Кишиким бўйнидин боғлаб кетурмогунча саҳродин

мисраларидағи ҳусни таълил яна ҳам мароқли. «Маҳбубамнинг кизил юзларини кўриб ранги ўчган лола уялганидан шаҳарга киролмайди, одамлар уни бўйнидан боғлаб саҳродан олиб кела-дилар», деган маънони ифодалаётган ушбу байтдаги файритаби-иий сабаб алоҳида эътиборга лойиқ. Байт матнига эътиборни қаратсак, шоир аввало лоланинг тоғ этакларида учрашини таъ-кидлаб: «У шаҳардан қочиб юради, унга кира олмайди» деган фикрни бизга ҳавола қилаётганини англаймиз. Бунинг ҳақиқий, ҳәётий сабаби табиат тақазоси, холос. Лекин шоир ўз олдига бу хил сабабни таҳлил қилиш мақсадини кўймаганлиги ҳам аён бўлиб турибди. Аникроғи, ижодкор лоланинг шаҳарга кира ол-маслиги сабабини излашга киришади-ю, жавобни: «Лоланинг шаҳарга яқинлаша олмаётганининг сабаби унинг гўзал маҳбуба ўзига тенглашомаслиги, уни кўрган заҳоти ранги ўчиб кетаёт-



ганлиги туфайли одамлардан уялиши экан», деган хulosага келади. Бу ўринда лолага инсон хусусиятлари – ранги ўчиш, уялиши ҳолатлари күчиралаётганлиги, яни ижодкор айни бир вақтда ташхис ва муболага санъатларидан истифода қылган ҳолда файритабиий далил келтираётганига ишонч ҳосил қиласыз. Ҳақиқатан ҳам, шоир таъкидлаётган сабаб ҳаётдан узоқ ва мантиқан асоссиз эканлиги яқын күзгө ташланиб турибди. Чунки аслида лоланинг тоғда ўсиши маҳбуба латофатига ҳеч қандай алоқаси йўқлиги, севги фақат инсонлар гагина хослигини яхши биламиз, шу туфайли шоир талқинининг жиддийлигига ишонмаймиз ҳам, лекин ижодкор бадиий нияти – маҳбуба гўзаллиги чиройли бир тарзда тасдиқланганига тан берамиз-у Лутфий хаёлот оламига, маҳоратига тассанно айтамиз.

Демак, ҳусни таълил санъати байтда ифодаланаётган ҳаётий воқеа, ҳодиса ёки ҳолатга файритабиий, яни ҳақиқий бўлмаган бирон сабаб кўрсатиш, шу восита орқали у ёки гоявий-бадиий ниятни амалга ошириш, бирон гоя ёки фикрни таъкидлаб кўрсатишни назарда тутади. Биробарин, ушбу санъат қўлланган байт уч нарсани ўз ичига олади:

1. Ижодкор тасвирлаётган ҳаётий ҳодиса ёки ҳолат, тарихий ёки афсонавий воқеа.
2. Шу ҳодиса, ҳолат, воқеанинг ҳаётий бўлмаган, файритабиий, номантиқий сабаби – ҳусни таълил.
3. Ҳаётий ҳақиқатга ёки афсонавий воқеага файритабиий сабаб кўрсатишдан назарда тутилган гоявий-бадиий ният.

Шеъриятимиздаги ҳусни таълил намуналари хилма-хил ҳаётий ҳолатлар, табиий ва афсонавий ҳодисаларга асосланади. Шоирлар кўпинча самовий мавжудотлар ҳолати ва ҳаракатини файритабиий изоҳлаш йўли билан ҳусни таълил санъатига хос лавҳалар чизадилар. Масалан, қуёш ҳаракатини шу хил тасвирлаш воситасида кўплаб чиройли байтлар яратилган.

Ой юзунг наззорасидин қолур эрмиш бенасиб,
Онинг учун кечқурун ҳар кунда йиғлар қон қуёш.
(Гадоий)

Меҳр юз кўрмай ўчашур, пардадин чиққач қуёш
Олғали қўймас сориғ юзин қаро ердин уёт.
(Навоий)

Фалак меҳри булутдин кўзга чекмиш пардаи мушкин,
Магар боқиб қўёшим ғозига кўзи қамошибдур.

(Оғаҳий)

Келтирилган байтлар мазмунига диққат қилсак, қуёшнинг
ҳолати, ҳаракати асосида бетакрор бадиий лавҳалар ифодалан-
ганини кўрамизки, уларнинг ҳар бири ҳусни таълил санъатининг
гўзал намуналариридир.

Турли ҳаётий ҳодисалар, ўсимликлар, мевалар, ашёлар ҳола-
ти заминида ҳам ҳусни таълил санъатининг чиройли намуналари
яратилган. Масалан, Навоийнинг

Банд аёғида нединдор, бошида савдо ўти,
Эй пари, ишқингда гар худ бўлмамиш девона шамъ

байтида шамънинг кўрининишини муҳаббат дардида девона
бўлган одамга ўхшатиб, табиий ҳолат ғайритабиий тарзда тал-
қин қилинган. Ташбиҳ ва ташхис санъатларига асосланган бу
хил тасвирда ҳусни таълил маҳбуба гўзалиги, латофатини таъ-
сирчан қилиб ифодалашга имкон берган. Лутфий қаламига ман-
суб бўлган

Ой юзунгнинг хижлатидан гул қизорди, ҳолиё,
Ханда бирла ўткарур, чун инфиоли бордурур

байтида гулнинг қизариб очилиши хижолатдан юзи қизарган ва
ўзининг ноқулай аҳволини яшириш учун зўрма-зўраки табассум
қилаётган одамга қиёсланиб кишини лол қолдирувчи тасвир чи-
зилган.

Шонрнинг:

Ҳайратда қолиб писта оғиз очтию қолди,
Мажлисда чу оғзинг соридин кечти ҳикоят.

... Лаълининг ширинлигин бир кун битар эрди қалам,
Боши зону остида қолди чибинлар илкидин

каби байтларида ҳам писта, сарв, қалам ҳолатлари ҳусни таълил
учун асос бўлган.

Гадоийнинг

Ул ҳаловатлик зулол ирнинг рамузин фаҳм этиб,
Бош олиб зулматға кирди оби ҳайвон шармсор

байтидаги ҳусни таълил санъатидан завқ олиш учун оби ҳайвон (ҳаёт суви) ер остидаги зулматда бўлиши ҳақида афсоналар, масалан, Искандарнинг ҳаёт сувини ичиш мақсадида зулматга кириши ҳақидаги афсонавий ҳикоядан хабардор бўлиш талаб қилинади.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳусни таълил санъати қўлланар экан, тасвирланаётган ҳаётий ҳодиса ёки ҳолатнинг ҳақиқий сабабларига эътибор берилмайди. Бу хил сабаблар мутлақо бўлмаслиги ҳам, сезилар-сезилмас бўлиши ҳам, аниқ кўриниб туриши ҳам мумкин. Ўзбек шеъриятидан ҳам бу масалага доир кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Лутфийнинг

Сабо ширин дудоқингға тегубон ўтти ер узра,
Ўшал имкон билан ернинг наботин найшакар қилди

байтини мутолаа қылсак: «Тонг насими ер узра кезаркан, ширин лабларингга ҳам тегиб ўтди-ю, шундан кейин ер ўсимлигини шакарқамишга айлантирди», деган латиф бир маъно ифодаланганини кўрамиз. Шоир таъкидлаётган ҳаётий ҳодиса – ер юзида шакарқамишнинг ўсаётганилиги. Бунинг ҳақиқий сабаби сифатида нимани кўрсатиш мумкин? Ушбу саволга жавоб топиш мушкул. Шунга қарамай шоир ўзи тасвирлаган ҳодисанинг сабабини топишга интилиб, найшакарнинг пайдо бўлишига сабаб тонг шамоли олдин маҳбуба лабига тегиб ўтиб кейин ер юзи бўйлаб кезаркан, ер ўсимлигини шакарқамишга айлантиргани эканлигини таъкидлайди.

Мавлононинг

Писта онт ичтики, торлиқ ул оғиздин олмайин,
Ёрилибдур ўзга қилмиш гўёи савгандини

байтидаги воқеий ҳақиқат – пистанинг қорни ёриклиги. Бунинг ҳаётий асоси нима бўлди экан? Дараҳт устида эканлигига ўз

табиатига кўра ёрилганими ёки одамлар томонидан чақилганими? Аниқ бир хулосага келиш маҳол. Бундан қатъий назар, шоир ушбу ҳақиқатга ажойиб бир файритабиий сабаб ўйлаб топган: у энди маҳбуба оғзидағи торликка даъво құлмайман, деб қасам ичган экан, лекин ўз сүзида турмаган шекишли, қорни ёрилиб кетибди». Мавлоно бу ўринда «Ёлғончининг қорни ёрилиб ўлади», деган халқ иборасига ишора қилаётгани яққол кўзга ташланиб турибди.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турганидек, шоир томонидан қаламга олинаётган ҳаётий ҳодиса ёки афсонавий ривоятнинг ҳақиқий сабаби бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар ижодкор ўз ғоявий-бадиий ниятига мувофиқ келадиган файритабиий сабаб – ҳусни таълилни ифодалайверади.

Энди ҳусни таълилни ифодаси, яъни шоир келтирадиган файритабиий сабаб ҳақида суҳбатлашайлик. Адабиётимизнинг кўп асрли тарихи қўрсатишича, ушбу санъат ифодаланаётган сабабнинг албатта файритабиий, ҳаёт ҳақиқатига мос келмайдиган бир тарзда бўлишини шарт қилиб кўяди. Сабаб асосида сўзсиз ижодкор таъкидлаётган ҳаётий ҳақиқат, ҳолат ёки афсонавий ривоятда тилга олинаётган шахс ёки ҳайвон, қуш ёки буюм, баъзан мавхумий бирон тушунча (масалан, жон, кўнгул) номи ётади, сўнг у билан алоқадор файритабиий далил келтирилади. Натижада бир шахс, ҳайвон, қуш, буюм, мавхум тушунча ҳақида ўзаро узвий алоқада бўлган икки фикр юзага чиқади. Кейинги ҳукм олдинги ҳаётий воқеъликтининг сабаби қилиб қўрсатилади-ю, лекин ҳар икки фикр ўртасида мантиқий мувофиқлик бўлмайди, аниқроғи, сабаб соxта, ҳазилинамо мазмунига, лутф, сўз ўйини маъносига эга бўлади.

Ҳусни таълилни ифодаси шу туфайли ҳам аксар ҳолатларда енгил, самимий кулги уйғотади. Фикримиз исботини юқорида келтирилган мисолларда ҳам яққол кўришингиз мумкин.

Шоир таъкидлаётган сабаб файритабиий, номантиқий экан, бу ижодкорнинг ёлғончилиги деб баҳоланмайдими? Ўқувчи бу хил сабабни қабул қиласверадими? Йўқ, асло! Мазкур кўринишдаги «ёлғончилик» сўз санъати табиатига мос келаверади. Ҳазрати Навоийнинг

Сўз ичраки ёлғон эрур нописанд,
Чу назм эттилар, қилди доно писанд

Улки ғазал чеҳрасига берса зеб,
Англаб ани табъкашу дилфириб.
Чин демаги ҳарзаву ҳазён бори,
Турфа буқим, яхшиси ёлғон бори.

деб таъкидлаганларида, ҳусни таълил санъатини ҳам назарда тутгандари айни ҳақиқат.

Китобхон албаттга шоир келтираётган сабабнинг файри ҳаётий эканини, у ўз фоявий-бадиий ниятидан келиб чиқиб, атайлаб «ёлғон» ишлатаётгани, бу хил файритабиий, номантиқий далил атайлаб шу тарзда ифодалаётганини англаб етади ва бу хил фикрларни шартли қабул қиласи-да, муаллиф маҳоратига тасанно айтади.

Ҳусни таълил маҳорати... файритабиий сабабни ифодалаш санъаткорлиги... У нималардан ташкил топади, сўз салоҳияти-нинг қайси қирраларини ўзида намоён этади?

Шубҳасиз, шоир ҳусни таълил ифодасини яратар экан, табиат ҳодисалари, инсонлар ва жонзорлар ҳаёти, хилма-хил мева-лар, гулларнинг шаклий ва ранг хусусиятлари, одамларнинг уларга муносабати, халқ орасида кенг тарқалган афсона ва ривоятлар мазмунини асос қилиб олади. Лекин бундай нарсаларни ҳар бир шоир ҳам кўрадику, у ҳолда нима учун ҳар бир ижодкор яратиб ташлайвермайди ҳусни таълилнинг бир-биридан мунаққаш ифодаларини?

Фикримизча, ҳусни таълил ифодаларининг майдонга келиш жараёнини қуидагича белгилаш мумкин:

1. Ушбу санъат лавҳалари табиат манзараларини ҳаёт ҳодисалари, кундалик турмуш воқеъликларини кузатиш давомида куттилмаган тасодифий тарзда, тўсатдан шоир дилида пайдо бўлади-да, унинг ёдида сақланиб, сайқал топиб, сўнг ғазал ёхуд маснавийдан бир байт кўринишида ўрин олади. Дейлик, баҳор айёми тонгги насим эсаркан, боғда ўтириб гўзал манзарани ҳавас билан кузатаётган шоир дарахтлар, ниҳолларнинг аста тебра-нишига боқиб, тўсатдан уларни кимгadir таъзим қилаётгандек кўринишини хаёлга келтиради. «Улар кимга салом бераётган экан?» деб ўйлаб кетади у. Кўз олдида боғда кезаётган гўзал қиз гавдаланади-ю, манзара байтга айланниб ижодкор кўнглидан ўрин олади.

2. Шоир дилида аввало **ғоявий**-бадиий ният, ёр чөхрасининг янгича, бетакрор васфини яратиш мақсади пайдо бўлади. Бу орзу уни туну кун изланишга ундейди. У ҳаёт манзараларини син-чиклаброқ кузатар экан, бир қатор бадиий лавҳаларни кашф этиб, улардан бирини танлаб таҳрирдан ўтказади-ю, ўз асаридан ўрин беради.

3. Ўтмишининг буюк ижодкорлари асарларини мутолаа қилиб, айни вақтда уларнинг бадиий салоҳиятлари сирларини ўрганишга интилаётган шоир бошқа санъатлар қаторида ҳусни таълил намуналарини синчковлик билан назардан ўтказар экан, ўзига манзур бўлган бадиий обидалардан илҳомланиб, яратилган ҳусни таълил ифодаларини янада такомиллаштириш ёки шу лавҳаларнинг очилмаган қирраларини кашф этиш нияти билан уларнинг янгича талқинларини қофозга туширади.

Масалан, Атойи ва Лутфийлар ғазалиётидаги ҳамоҳанг бир неча байтни кўздан кечираильик. Бир ғазалида Атойи маҳбуба юзининг гулдан ҳам латифроқ эканини ҳусни таълил воситасида шундай таърифлаган эди:

Севингандин гул ўз тўнига сифмас,
Ким они юзунга нисбат қилурлар.

«Одамлар гулни маҳбуба юзига ўхшатадилар, бундан севинган гул тўнига сифмай кетади», мазмуни ифодаланган ушбу байтда «гул тўни» ибораси ўринсизроқ қўлланганини сезиб олиш қийин эмас. Мавлоно Лутфий ушбу байтни ўқиганида, бунга эътибор берган бўлса керакки, ўзининг қуйидаги байтини биттар экан, шу мантиқий номувофиқликка барҳам берган эди:

Фунча севиниб тўнига сифмас,
Ўхшатсам ўқунг бошоқи бирла.

«Фунчани сен отган ўқ бошоқи (уқ учи)га ўхшатган эдим, у севинганидан ўз тўнига сифмай кетди», маъносини ифодаловчи ушбу мисралар Атойи тасвирига қараганда мазмунан мукаммалроқ, мантиқан асослироқ эди. Диққат қилинса, фунча шаклан ўқ учидаги «бошоққа», яъни учбурчак кўринишидаги темир парчасига ўхшашлиги ҳам, бу қиёсдан севинган фунча тўни – яшил куртакнинг ёрилиб, учидаги қизил гул барглари намоён

бўлиши ҳам мантиқан бенуқсон эканлигини кўриш қийин эмас.
Атойининг

Оғзингда мулькиз оятин Исо кўруб зиёд,
Сиздин қочиб ёшунди кўк ичра ўёттин

байтидаги ҳусни таълилга қараганда, Лутфий битган

Исо фалакка ошти, чун бўлди лабинг жон бергучи,
Шармандаликдин кетмаса кўкта анга не бор эрур

мисраларидағи ғайритабиий талқин мазмунан баркамоллиги
 билан ажралиб туради.

Алишер Навоийнинг шириклигидан лаблари ёпишиб қолиб
 ошиқ йигит ҳолини сўрашга оғзини очолмаётганини тасвирла-
 гани кўпчиликка таниш. Шоир Фурқат ҳам албатта ундан яхши
 хабардор бўлган ва ўша мисралардан таъсирланиб ўзининг

«Нуқта лаб устида бежодур», – дедим, айди кулиб
 «Саҳв қилмиш котиби қудрат магар таҳрирда»

мисраларини битган эди. Бу хил ифода Навоий таъкидлаган
 фикр, яъни «Нуқта (хол) лаб устидан ўрин олса, янада чиройли-
 роқ кўринади», маъносини янгича бир тарзда акс эттириш маҳо-
 ратидан далолат бериб турибди.

Анчагина ҳолларда икки шоир талқинидаги ўхшашлик ёки
 мазмунан яқинлик уларнинг бир-бирига таъсири сифатида эмас,
 балки таворуд, яъни тасодифий такрор тарзида юз беришини
 кузатилади. Масалан, шоир Ҳоғиз Хоразмий қаламига мансуб

Бас ажабдур кўзларим ёши, юзунг кўрган аро,
 Чун бўлур истора пинҳон, бўлса пайдо офтоб

яъни: «Аслида сўфтоб пайдо бўлганида юлдузлар пинҳон бўлар-
 ди, шуниси ажабланарлики, юзингни кўрганимдан сўнг кўзла-
 римдан ёш тинмаяпти», маъносини ифодаловчи байти билан Али-
 шер Навоий яратган машҳур

Оразин ёпқач, кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
 Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлгач қуёш

мисралари орасида ижодий алоқадорлик сезилгандек бўлади. Буни эса адабиётимиз тарихи саҳифалари инкор этади, зеро Ҳофиз Ҳоразмий ижоди билан Навоий таниш бўлмаган. Бинобарин, байтлардаги ҳамоҳанглик таворуд натижасигина бўлиб, биринчи байт иккинчисининг юзага келиши учун хизмат қилмаган. Бу хил мисолларни адабиётимиз тарихидан кўплаб келтиришимиз мумкин.

4. Шоир ўзи илгари яратган ҳусни таълил ифодаларини таҳрир қилиб, баъзи янги тафсилотлар билан тўлдириб, байт мазмумни ва тимсолларини сақлаб қолган ҳолда янгилangan лавҳалар чизади. Жумладан, мавлоно Лутфий бир fazалида

Нетар лола туруб ёбонда мунча,
Үёtingдин агар овора йўқтур

тарзидаги ҳусни таълил ифодасида лоланинг даштда ўсишига унинг маҳбуба чеҳрасидан уялишини сабаб қилиб келтирган эди. Шоир бошқа бир fazалида яна лола тимсолига мурожаат қилиб юқоридаги байтни

Эй сарви гул узор, янгоқингдин уфтаниб,
Ёбонга шаҳрдин қочибон лола зор эрур

тарзида таҳрир қилганини кузатамиз. Эътибор қилинса шоир «янгоқингдин уфтаниб», «шаҳрдин қочиб» ибораларини қўллагани туфайли янгича талқиндаги мазкур байт аввалгисига нисбатан ёрқинроқ, жозибалироқ ва таъсирчанроқ чиққан.

Лутфий яна бир fazалида тағин шу тимсолдан фойдаланар экан, бадиий ифодани янада кучайтиради. Зеро,

Юзунгдин лола ранг элтиб ўёлиб шаҳрга кирмас,
Ланинг бўйинин киши боғлаб кетурмогунча саҳродин

байти аввал келтирилган ҳар икки тасвирга қараганда мукаммалроқ экани кўзга яққол ташланиб туради. Иккинчи мисрада келтирилган тафсилотлар туфайли лоланинг уялиш ҳолати янада бўртиброқ кўринади.

Мана шу хилдаги таҳрир тимсолларини бошқа шоирлар ижодидан ҳам анчагина келтириш мумкин. Масалан, Алишер Навоий маҳбуба гўзаллигини мадҳ этиб,

Юзига меҳрдин йүқким, юзидин меҳрга ногоҳ
Ҳарорат етмасун дерким, солур ҳар соридин қалпоғ

байтида ҳусни таълилнинг бетакрор бир лавҳасини яратган эди. «Маҳбубам: «Юзимга қуёшнинг ҳарорати таъсир этмасин», деб эмас, балки «Қуёшга чеҳрам ҳарорати етиб унга озор бермасин», деган мақсадда ҳар томондан түсиб олган», деган мазмунни ифодаловчи ушбу мисраларда гўзал дилбар юзининг қуёшдан ҳам нурлилиги, ҳароратлилиги фоят сержозиба тасвирланган эди. Бу ўринда шоир қўллаган акс тасвир усули ниҳоятда қўл келган. Маҳбуба рухсорининг қуёшни куйдириши мумкинлиги ҳақидағи файритабий талқин ушбу байтни ҳусни таълилнинг бекиёс намунасига айлантиргани кўриниб турибди.

Навоий кейинроқ мазкур байтни таҳрирдан ўтказиб, унинг

Йўқки, ул хуршиддин, хуршид ондин куймасун
Дерки, бир ёндин солур чобуксуворим қалпоғин

тарзидағи янгича ифодасини ўз ўқувчилариға тақдим қилди. Ушбу бадиий лавҳани тўлдирган «чобуксуворим» тимсоли тасвирга муҳим бир аниқлик киритгани сезилиб туради. Олдинги байтда маҳбубанинг бош кийими умумийроқ тарзда акс эттирилган бўлса, кейинги икки мисрада маҳбуба тимсоли от устидаги чавандоз сифатида тасвирлангани учун унинг кийиниши, юзини түсиб турувчи қалпоқ кийгани асослироқ туюлади.

5. Ана шундай хилма-хил ижодий жараёнлар давомида яратилган ҳусни таълил ифодаларида ранг-баранг бадиий тимсоллар вужудга келади, уларнинг ҳар қайсиси ўзининг мазмунан янгилиги ва таъсирчанлиги, жилою жозибаси билан ўқувчилар оммасини ўзига мафтун этади, бадиий сўз қиммати ва қудрати ҳақидағи тасаввур, билимни мустаҳкамлайди, қалбларга нафосат туйгуларини олиб кириб, шеъриятга, умуман, бадиий адабиётга муҳаббат ҳисларини камол топтиради. Чунончи, қуидагича тимсоллардан завқланмаслик мумкинми?

— соҳибжамол маҳбубанинг тенгсиз гўзал чеҳрасидан уялиб, юзини булут билан түсиб олган қуёш;

— маҳбуба юзига дераза туйнугидан тўймай боқиб, жойидан қўзғолмай ўтирган тўлин ой;

— дилбар қиз рўпарасида унинг латофати олдида лол қолиб, бошини қуий солиб турган бинафша;

- ошиқ йигитнинг кўз ёшлари билан беллашиш ниятида тинмай йиглаётган булут аҳволи устидан қаҳ-қаҳ уриб кулиб, ерга йиқилиб тушган чақмоқ;
- инсонларга сўз билан жон бағишлашда гўзал дилбар билан тенглаша олмай, шарманда бўлиб осмонга қочиб кетган Исо Масиҳ;
- лаблари ширинлигидан ёпишиб қолиб, ошиқ аҳволини сўрашга оғзини оча олмай хижолат чекиб турган дилрабо гўзал;
- ошиқ ёзган мактубни элтаётиб унда битилган оташин изтиробларга чидай олмай ҳалок бўлиб ерга қулаётган кабутар;
- гўзал дилдорнинг юзини кўриб дала-даштда хижолатга ботгани ва одамлар кўлига тушиб, бўйнидан боғланиб шаҳарга зўрлаб олиб кетилаётган лола;
- ошиқнинг ўтли оҳи таъсиридан қизғиш ранг касб этиб аста сузуб бораётган фамгин булут;
- маҳбуба лаби билан баҳслашишдан ожиз бўлиб, бундай бесадабликни такрорламасликка қасам ичган, лекин ўз аҳдини бузуб ёлғончи сифатида қорни ёрилиб кетган писта;
- ёр васфи битилгани учун ҳар бир саҳифасидан муаттар ҳиднишиб турган шоир дафтари;
- тоғ насими эсаркан, гулзорни тамошо қилиб юрган маҳбубани кўриб қолиб, унга қайта-қайта таъзим бажо қилаётган сирги ниҳоллари каби юзлаб латиф тимсоллар фикримизнинг ялини бўла олади, деб ўйлаймиз. Бундай ҳайратомуз тимсоллар ҳусни таълил сирларини кашф этишда шеър аҳли учун энг яхши намуналар бўлиб хизмат қилгани ҳам шубҳасиз.

Шундай қилиб, ушбу санъатнинг бетакрор ва пурмазмун, таъзимни жозибали ифодаларини яратиш учун аввало ижодий салоҳият, хусусан, хаёлий истеъдод, ҳаммага ҳам насиб қила-пермайтидан бадиий тафаккур иқтидори зарур. Кўриниб туралиган энг оддий ҳақиқатлардан инсон ақлини лол қолдирадиган ҳайратомуз бадиий лавҳалар чизиш, фирт ёлғон манзараларга китобхонлар оммасини ҳайратлантириш, файритабиий лавҳалар билан инсон зотини сўз санъатнинг гаройиб оламига олиб кириш учун чинакам санъаткор, даҳо ижодкор бўлиш керак.

Мавлоно Атоий сув бўйида ўтириб қўлини юваётган гўзал маҳбубани кўрар экан:

Ул иликким, сувдин ориқтур юмас они суда,
Балки сувни пок бўлсин деб илики бирла юр,

яъни «Унинг қўллари сувдан ҳам тозаку, демак уларни сувда юваётганий йўқ, балки сувни поклаш учун қўли билан уни юва-япти», деб фоят нафис ҳусни таълил яратган экан, шоирнинг бадиий тафаккури қудратига тан бермаслик мумкинми? Мавлоно Лутфий

То юзунгнинг васфини Лутфий битибдур, дафтари
Бўлди рангину насими гул келур авроқдин

байтида шеър дафтарининг рангли қоғозлардан ташкил топгани, варақлар орасига баъзан гул солиниши туфайли дафтардан муаттар ҳиданқиб туришини назарда тутиб: «Буларнинг барчасига сабаб варақларда сенинг гулдек юзинг васфи битилганингандир» деб гайритабиий далил келтирас экан, ўзининг кенг кўламли бадиий хаёлоти даражасини акс эттирган эди.

Бундай бир-биридан нодир мисолларни юзлаб келтириш мумкин.

Шеъриятимизда яратилган кўплаб ҳусни таълил ифодаларида маҳбубанинг бекиёс ҳусни латофати, ошиқ йигитнинг унга бўлган вафо ва садоқати, ишқ йўлида чеккан аламу изтироблари таъкидланади. Янада батафсилроқ тўхталадиган бўлсак, ана шу ифодаларга кўра:

– шоир тасвирилаётган маҳбуба шундайин гўзалки, қуёш, ой, юлдузлар унинг жамолига шайдо бўлиб, само узра саргардон кезади, рухсорини бир кўришга зор бўлиб, уни излайди, деразаларидан мўралаб томоша қилишга ошиқади, оёқларини ўпиб, хизматини қилишга шошилади, висолини бир бора кўришганида эса кўзлари қамашиб, булутлар оғушига фарқ бўлишади;

– у шундайин соҳибжамолки, таърифини эшитиб, хижолатга ботган гуллар қизориб, ранглари бўзариб кетади, кийимларини йиртади, унинг юзлари висолига етишиш учун гулобга айланади;

– у шундайин қомат соҳибасики, чаманларнинг латиф сарвлари унга таъзим қилиб чарчашибади, майнин насим оғушидагу номини зикр қилишгани қилишган;

– маҳбуба мўъжаз лабларига рашик қилган фунчаларнинг, писталарнинг оғизлари очилиб қолади, сўзларининг ширинлигига, ҳаётбахшлигига чидаш беролмаган новвотлар шишалар ичига яширинади, оби ҳаёт зулматга кириб пинҳон бўлади, ҳатто Исо

осмонга қочишига мажбур бўлади. Лабларини тасвирлаётган қаламлар ёрилиб кетади;

– маъшуқанинг шаҳло кўзлари оҳуларни дашту биёбонларда сарсон қиласди, нарғисларнинг, бинафшаларнинг бошлари қуий эгилади.

Ошиқ йигитнинг маҳзун ҳолати, сарғайган рухсори, эгилган қоматини кўриб раҳми келган:

- гардун юлдузлардан кўз ёш тўқади;
- шафақ кўксини пора қилиб, қонга ботади;
- шамъ оқшомдан тонгта қадар ёниб, куйиб, ашк дарёсига гарқ бўлади;
- қушлар дардига ҳамдардлик кўрсатиб, эрта саҳаргача бедор чирқиллашади.

У шунчалик кўп изтироб чекканки, кўнгли шунчалик ўрганганди, унинг аламини ёзаётган қофозлар куйиб кул бўлади; унинг мактубини маҳбубага элтаётган кабутарнинг қаноти куйиб ерга қулайди; унинг дарду аламини достон қилиб куйлаётган баҳшилар ҳалок бўладилар.

Ҳусни таълил воситасида яратилган бундай бадиий мўъжизаларни санаб тугатиш мушкил. Ҳа, ушбу санъат ана шундай ҳайратомуз, гўзал, беқиёс. Унинг ҳар бир янги ифодаси шेърият оламини безатувчи нодир бир жавоҳир, бетакрор бир бадиий тимсол. Масалан, улуғ Навоий қаламига мансуб мана бу сўз дурдонаси лол қолдирмайдими ҳар қайси шеър муҳлисини?!

Қатра қонларким томар кўксимга урғон тошдин,
Захмдиндир демаким, қон йиглар аҳволимга тош.

Ҳижрон аламига чидай олмаган ошиқ ўз кўксига тош ураг экан, срга қон томмоқда. Шоир таърифича, бунинг сабаби тошнинг балсанга еткизган яраси эмас (қон ярадан оқаётгани йўқ), балки ошиқ қалбига урилган тош унинг бағридаги дарду-аламнинг кучлилигига чидай олмасдан қонли ёш тўкиб йифламоқда. Садоқатли, жафокаш, ошиқнинг чеккан изтиробларини бундан ҳам ерканироқ, таъсирчанроқ ифодалаш мумкинми?

Даҳо ижодкорлар ҳусни таълил санъати қўйланган ҳар бир ифодада ўқувчи тушуниб олиши зарур бўлган икки бадиий нијатни назарда тутадилар:

1. Китобхон шоир яратган, файритабиий талқиндан ижодкор кўзлаётган асосий мақсадни англаб олиши керак.

2. Улар шоирнинг бу соҳада эришган ижодий муваффақиятига муносиб баҳо беришлари зарур.

Биринчи вазифа яратилган ҳусни таълил ифодасидан ижодкор аниқ қайси ғоявий-бадиий ниятни кўзлагани, маҳбуба ва ошиқнинг қайси бир ҳусусиятини таъкидлаётганини белгилашни талаб қиласди. Масалан, Атоийнинг

Юрурда енг била оғзингни тутма,
Нимаким йўқ туур, ёшурмоғинг не?

байтини ўқиган китобхон қайси хulosага келиши керак? Диқ-қат қилинса, шоирнинг мақсади, ёш келинчакнинг портрети, унинг рўмолча билан оғзини бекитиб юриши эмас, балки: «Йўқ нарсани яшириб нима қиласан?» деган таъкиди эканлиги, бинобарин бу ифодадан мақсад тасвирланаётган гўзалнинг оғзи йўқ даражада кичкина эканлигини бетакрор бир тарзда акс эттиришдан иборатлилигини аниқлаш қийин эмас.

Китобхон олдидағи иккинчи вазифа эса мавлоно Атоийнинг сеҳрли қалами билан яратилган бу нафис лавҳа, ушбу таъсирчан тимсол шеъриятимиздаги янги ҳодиса экани, зоро унгача ҳеч ким маҳбуба оғзининг мўъжаллигини бу тарзда ифодалай олмаганини, яъни шоирнинг янги бир бадиий кашфиёт яратганини муносиб баҳолашдан иборат.

Шеърда келтирилган ҳусни таълил, Шарқ адабиётшунослигида таъкидланишича, қатъий бўлиши лозим. Агар гумон маъносида кўлланилса, у ҳолда бу хил сабаблар «шибҳи ҳусни таълил», яъни «шубҳали чиройли сабаб» деб аталади.

Алишер Навоийнинг

Юзни гуллардин безабму бизни қурбон айладинг,
Ё юзингга тегди қонлар бизни қурбон айлагач

мисраларида эса шибҳи ҳусни таълил қўлланган. Чунки шоир маъшуқанинг юзи атрофидағи гулни қонга ўхшатган ҳолда унинг ёр чеҳрасига тегиш сабабини қатъий қилиб эмас, балки гумон қилиб айтади.

Шеъриятда воқеаларнинг ҳақиқий сабаблари ҳам келтирилади, албатта. Фурқат ўзининг

Ул париваш ишқидинки телбадурман, гоҳ соғ
Чунки бордур орамизда гоҳ сулҳу, гоҳи жанг

дэя ўзининг гоҳ телбанамо, гоҳ соғ эканлигига сабаб қилиб маъшуқа билан ўзи ўргасидаги муносабатни келтирас экан, бу ҳақиқий сабабдир. Бу хил таълил ҳусни (чиройли) таълил эмас, оддий таълил саналади.

Шеъриятимизда кўпинча хилма-хил диний ва тарихий афсоналарнинг қаҳрамонлари номлари, уларга нисбат берилган воқеалар заминида ҳусни таълил санъати қўлланган. Масалан, Мавлоно Атойи қаламига мансуб

Оғзингда муъжиз оятини Исо кўруб зиёд,
Сиздин қочиб ёшунди кўк ичра ўёттин

байтида Исо пайғамбарнинг осмонга чиқиб кетганлиги ҳақида-ги афсона асосида таъсирчан бир ҳусни таълил ифодаси яратилган эди. Шоир таъбирича, Ҳазрати Исо ер юзида сўзлари билан одамларга ҳаёт бағишловчи гўзал қиз пайдо бўлганин кўриб, осмонга чиқиб яширган эмиш.

Ҳусни таълил санъати ўз табиати жиҳатидан тамсил санъатига ҳам яқин туради. Зеро, ҳусни таълил қўлланганида, тасвирланаётган бирон ҳаётий ҳолат ёки ҳодиса тарихий воқеа ёки афсонавий ривоятга фойдаланиб сабаб кўрсатилар экан, үхшаш бирон ҳаётий ҳолат ёки ҳодисани унга сабаб қилиб келтирилади-ю, ушбу икки ҳодиса ўргасидаги мантиқий боғланиш йўқлигига қасдан аҳамият берилмай, хатога йўл қўйилади, аниқроғи ўзига хос бир ҳазил юз беради. Тамсил санъатига мурожаат қилинган шоир ҳам икки ҳодиса ўргасидаги үхшашликка таянади-ю, искеи далил учун келтирилаётган воқеа ёки ҳолат фойдаланиб, ҳақиқий мазмунга эга бўлади. Масалан: Навоийнинг

Жонға қўйғач нақди ишқинг қилди кўнглимни ҳалок,
Ўлтурур маҳрамни султон ганж пинҳон айлагач

бийтида ҳаётий бўлмаган, аниқроғи, мавҳумроқ ҳодиса (севувчи кўнгулиниг ҳалок бўлиши)га бойликларини яширган султон-

нинг хазина сирини сақлаш учун маҳрамларини ўлдириши да-
лил қилиб келтирилади.

Эътибор қилинса, ушбу бадиий ифодада ҳаётий мисол би-
ринчи мисрадаги ҳодисанинг файритабиий сабаб сифатида эмас,
балки уни тасдиқловчи воқеа тарзида келтирилаётганини куза-
тиш мумкин.

Шу ўринда машҳур навоийшунос олим Е.Э.Бертельснинг
«Навоий» китобида келтирилган бир байтта эътиборингизни жалб
этишни истардим. Аллома Навоийнинг

Юзда хай туғёнидин гар кулса оғзи, йўқ ажаб,
Фунчага бўлмас очилмоқ ичмайин гулзор сув

байтини ҳусни таълил санъатига мисол қилиб келтиради. Ваҳо-
ланки, биринчи мисрадаги фикрни гулзорга сув қуйилиши ҳоди-
саси тасдиқласа ҳам, лекин унга файритабиий сабаб бўлиб хиз-
мат қилмайди. Олим бу ўринда тамсил санъати қўлланганини
таъкидлаши мумкин эди.

Шуни таъкидламоқчимизки, тамсил тасвирланаётган у ёки
бу ҳодиса, ҳолатни қиёс, ташбиҳ усули билан тасдиқлашга хиз-
мат қилса, ҳусни таълил файритабиий сабабнигина ифодалайди,
холос. Шунинг учун бу икки сабабни чалкаштириб юбормаслик
керак.

Яна бир жиҳатни ҳам унутмаслик зарур: тамсил санъати
қўлланар экан, икки мисрадаги икки ҳолат ёки ҳодиса ҳаётий
бўлиб, бири иккинчисига мос тушади. Масалан, юқоридаги байт-
да маҳбуба юзи терлагани туфайли у кулаётган бўлса, тамсилда
гулзорга сув келгач фунчаларнинг очилиши ўртасида ҳаётий му-
вофиқлик мавжуд. Аммо ҳусни таълил қўлланганида, бу хил
мувофиқликни кузатмаймиз. Навоий қаламига мансуб

Ушотиб ўқини маҳзун кўнгулни синдумранг,
Ки, эв шикаст топар ҳар қачонки, синди сутун

байтидаги тамсилни кузатсак, биринчи мисрадаги «ўқ» билан
иккинчи мисрадаги «сутун», «кўнгул» билан «эв», «синдумранг»
билан «шикаст топар» сўzlари ўзаро мувофиқ бўлиб, қиёсий
муносабат уларни бириктириб турганини кўриш қийин эмас.
Ҳусни таълилда эса бу хил муносабат кузатилмайди.

Хусни таълил санъати ўз навбатига кўра муболага санъати билан яқин. Аввало шуни таъкидлаш лозимки, кўплаб шеърий санъатлар муболагали тасвирнинг ўзига хос ифодаси бўлиб, ҳақиқий бирон ҳодиса ёки ҳолатни бўрттириб кузатишга асосла-нади. Масалан, сарвнинг маҳбуба қаддига қиёсланиши, ёқутни ёр лаби рангига ўхшатилиши ташбиҳ санъати саналса ҳам, улар-нинг замирида муболага ётишини инкор қилиб бўлмаслиги му-қаррап. Гўзал маъшуқа чеҳрасини тўлин ойга қиёслаётган шоир муболага қилмаяптими? Шундай экан, ҳусни таълилга ҳам муболагали тасвир ифодаси деб қарамоқ мумкин. Шу туфайли ҳам баъзан бу икки санъатни ажратиб олиш қийинроқ ҳам бўлади. Жумладан, Навоийнинг бир ғазалида:

Не тушки, ҳажри балосин кўрарда сескансанам,
Тўкулдамак била қўшнини уйғотур юрагим

байти келтирилган. Мисраларда қўлланган санъат бир қараган-да муболагадан бошқа нарса эмасдек туюлади. Зеро, байтга диқ-қат қилсак, унда ошиқ тилидан: «Тушимда ногоҳ ҳажр аламла-рини кўриб, сесканганимда юрагим шундай дукуллаб урадики, ҳатто қўшни уйқусидан уйғониб кетади» деган фикр ифодаси мужассамлантирилган. Бу хил тасвирда муболаганинг чиройли бир намунасини кўриш қийин эмас. Энди шу фикрни бироз бош-қачароқ тушуниб кўрайлик: «Мен шундай бир туш кўрдимки, қўшни ҳам уйғониб кетди. Бунинг сабаби тушимда ҳажр изти-робларини кўриб сесканиб турганимда, юрагимнинг қаттиқ ду-куллаши қўшнига эшитилгани экан», деган маънони англасак, шоир табиий бир ҳодиса – бирон овоз туфайли қўшнининг уйго-ниб кетишига ошиқнинг туш кўриб, сесканганидан юрагининг дукуллаб уришини сабаб қилиб кўрсатган тарзда ҳусни таълил ифодаси яратилган, дейишимиз мумкин.

Эмас жунундин агар тоғларда бўлса маконим
Ки, қолди баҳри сиришким тубида мулку диёrim.

байтидаги тасвир ҳам бир қараганда оддий муболагадек туюла-ди, лекин унинг замирига диққат қилсак, иккала мисра ўргасида сабабий муносабат мавжудлигини, зеро байтни: «Тоғларда яшаб юришимга сабаб жунундан эмас, чунки мулки диёrim кўз ёшим

денгизи остида қолиб кетгандир» деган маңнода тушуниш лозим. Бінобарин, шоир ошиқнинг тогда яшашини таъкидлар экан, бунга шоирона далил келтирған. Ана шу хил талқын ўта муболағали бўлгани учун ҳам уни фулувв ифодасига йўйиш мумкин.

Ҳусни таълил санъати бевосита ташхис санъати билан ҳам алоқадордир. Ҳусусан, инсон тимсоли иштирок этмайдиган байтларда хилма-хил фазовий мавжудотлар, самовий ҳодисалар, турли-туман мевалар, буюмлар тимсолларига мурожаат қилинар экан, уларга инсоний ҳусусиятлар кўчирилиб жонлантирилади. Алишер Навоий қаламига мансуб

Ой юзунг бирла талашди, буки кўктур орази,
Панжаси бирла қуёш гўё юзига урди кож

байтида «Ой сенинг юзинг билан гўзаллик талашган эди, мана энди ўзининг юзи кўкариб ётибди, унинг бемаъни, беодобона ҳаракатидан дарғазаб бўлган қуёш юзига шапалоқ қўйиб юборганга ўхшайди», деган мазмун ифодаланган. Ойнинг осмонда кўкимтироқ бўлиб кўринишини назарда тутган шоир ҳусни таълил санъати асосида чиройли бир фикрни ифодалаган. Байтда ҳусни таълил санъати ташхис асосига қурилган, шоир «қуёш ойнинг юзига урган» деб тасвирлаганда ҳам, ой юзининг кўкимтирилигини таърифлаганда ҳам, қуёш ва ойга инсонларга хос ҳолат, ҳусусият, ҳаракатларни кўчирган.

Лутфийнинг

Занбури асал оғзи тўла шаҳд эканиндин,
Эрнингни кўруб, bemaza деб бол тўкубдур

байтидаги ҳусни таълил ҳам ташхисга асосланган. Зоро, шоир: «Асаларининг оғзи тўла асал эди, сенинг лабинг ширинлигини кўргач, оғзидаги асални bemaza деб тўкиб ташлади», тарзида тасвирлар экан, асаларига одамлар ҳусусиятини кўчиради.

Баъзан ҳусни таълил санъати ийҳом, тажоҳули ориф санъатлари билан бирга қўлланади. Масалан, Навоийнинг

Сариф қофазмудурким сўзи ҳажрим айлади таҳрир,
Ва ёхуд шуъла тушти саҳфафа ул сўз этиб таъсир?

байтида ўзини билмасликка солиб (тажохули ориф санъатини құллаб) «Хажрим ҳақидағи сүзлар ёзилған қофознинг ўзи сарифмиди ё бу сүзлар таъсир қылғач, у сақиға (қофоз)га шуыла тушиб сарғайиб кетдими?» деган ҳайратомуз мазмунни ифода қиласы. «Сўз» сўзи ҳар икки мисрада икки маънода: сўз ва ўт (чўғ) маъноларида қўлланганки, буни ийҳом санъати намунаси деб биламиш.

Ҳусни таълил санъатининг яна бир фазилати унинг енгил, завқли кулги (юмор) билан суфорилганигидир. Ҳаётий ҳодисанинг файритабиий талқин қилиниши, ҳақиқиӣ, ҳаётий ҳолат билан бадиий талқин орасидаги мантиқий номувофиқлик ўқувчида кулги уйғотмай қолмайди. Алишер Навоий қаламига мансуб бўлган

Дема лафзинким, тили эврулмагондиндур синуқ,
Ким топар тор оғзидан чиққунча кўп озор лафз

байтига диққат қилсак, унда: «Маҳбуба сўзлари унинг тили яхши айланмаётганидан чучук деб ўйлама, оғзи тор бўлгани учун ҳар бир сўз қийналиб, озор чекиб чиқади», деган мазмун ифодаланганини кўрамиз. Тили чучукликнинг тиббиёт билан боғлиқ айрим сабаблари бор албатта, лекин шоир маҳбуба тилининг чучуклигини файритабиий изоҳлаб, унинг оғзи foятда кичиклигини сабаб қилиб кўрсатади. Ҳақиқат билан бадиий сабаб ўртасидаги номувофиқлик, мантиқисизлик енгил кулги уйғотади. Ҳусни таълил санъатининг ҳар бир намунаси худди шундай завқли кулги билан йўғрилгандир. Кулгининг даражаси эса талқиннинг янгилиги, бетакрорлиги, ноёблиги билан белгиланади.

Ҳусни таълил ифодалари шеъриятимиздаги ижодий мусобақалар давомида такомиллашиб борган: бир хил тимсолларнинг янгича талқинлари яратилган, шоирлар бир-бирларидан илҳомланиб янгидан-янги бадиий шарҳлар кашф этганлар. Мавлоно Лутфий:

Жоми май ўпти лабингни, ташна бўлдум қонина,
Ҳақ текурсин, ул ачиқни тортай эмди жомдин

байтида май тўла жомнинг маҳбуба лабига тегишини унинг ўпиншига қиёслаган ҳолда ажойиб ҳусни таълил ифодасини яратган

эди. «Май жоми лабингни ўпишини кўриб, унинг қонини ичишга ташна бўлдим. Оллоҳ еткизсину, жомдан аламимни олиш, жом ичидаги аччиқ майни симириб ичиш менга насиб бўлсин», деган маъно ифодаланган.

Алишер Навоий

Анжуми ашкин тўкар тонг отқуча мендек сипеҳр,
Йўқламиш ул ҳам магар бир меҳри оламгардини

мисраларида юлдузларни сипеҳрнинг кўз ёшларига ўхшатиб, «У ҳам мендек оламни ёритувчи қуёшга интизор шекилли» деган фикрни ифодалаб, чиройли ҳусни таълил намунасини рӯёбга чиқарганди. Фурқат:

Кечалар анжум эмас, ерга тўкилгач он қадар
Раҳм этиб, ҳолим кўриб гардуни гардон йиглади

байтида ҳусни таълил воситасида оламнинг noctor аҳволини таъкидлаган бўлса, XX аср бошида шоир Завқий бу ҳолатни қаламга олиб:

Юрту эл аҳволига мотам тутардин ҳар кеча
Ой кўкси доғу, гардун ашкидур юлдузлар

байтини яратар экан, ёмғирни халқ аҳволини кўриб алам чекаётган гардуннинг кўз ёшлари дея талқин қилганди.

Ҳусни таълил санъатидан ҳозирги шеъриятимизда ҳам кенг фойдаланиш мумкин. Айрим ижодкорлар бу усул воситасида ниҳоятда гўзал ва таъсирчан тасвиirlар чизганлар, бетакрор бадиий лавҳалар яратгандар. Эркин Воҳидов қаламига мансуб «Камтарлик ҳақида» шеъридаги:

Гарчи шунча мағрур турса ҳам
Пиёлага эгилар чойнак.
Шундай экан, манманлик нечун,
Кибру ҳаво нимага керак?
Камтарин бўл, ҳатто бир қадам
Ўтма фуур остонасидан.
Пиёлани инсон шунинг-чун
Ўпар доим пешонасидан

мисраларида ҳусни таълил санъатидан фойдаланиб, ғоятда жозибадор лавҳалар чизилган. Шоир чойнакнинг тузилиши, чой куйища унинг пиёла томон йўналтирилиши, чой ичаётган одамнинг пиёлани лабига теккизиши ҳодисаларини ғайритабиий, бадиий изоҳлаш асосида завқли манзара яратиб, унинг воситасида муҳим бир ғояни ўқувчи онгига таъсир қиласидаган тарзда гўзал қилиб ифодалаган.

Шоирнинг «Ёшлик девони»дан ўрин олган «Узум», «Фунча», «Тун билан йиглабди булбул», «Сурма», «Чашма», «Сарв», «Шоҳи гул», «Гуллар базми», «Кўзгу» каби кўплаб ғазалларидан ҳусни таълил санъатининг гўзал ва бетакрор намуналари ўрин олган.

Ҳа, ҳусни таълил санъати ҳозирги шеъриятимиздан муносиб ўрин олиши керак. Унинг воситасида муайян ижтимоий-ахлоқий ғояларни жуда ёрқин бўёқлар билан жонлантириш имконияти чексиздир.

ИККИНЧИ БОБ

XIV–XV АСРНИНГ І ЯРМИ ШЕҮРИЯТИДА ҲУСНИ ТАЪЛИЛ САНЬАТИ

Ҳусни таълил санъати адабий усул сифатида дастлаб араб ва форс шеъриятида қўллангани маълум. Рашидиддин Ватвот ўзининг «Ҳадойиқ ус-сәхр» асарида ушбу санъатга тўхталиб, «Бу усул араблар ва форсларда кенг тарқалган ва тез-тез учраб туради», деб таъкидлар экан, Фахр Хоразм Замахшарий ҳамда форс шоири Унсурий яратган ҳусни таълил ифодаларини мисол қилиб келтирган эди. Унсурий қаламига мансуб:

Бесабаб йиғлаган булут устидан
Гуллару лолалар куларди шодон

байтида гулу лолаларнинг латиф кўриниши уларнинг кулишига нисбат берилиб, ушбу ҳолат уларнинг бесабаб йиғлаётган булут устидан кулишлари тарзида талқин қилинганини кўрамиз.

Атоуллоҳ Ҳусайнининг «Бадойиъ ус-санойиъ» асарида ушбу санъатнинг 4 та турига мисол қилиб форс-тожик адабиёти на-мояндаларининг еттига байти келтирилган эди. Бинобарин, мазкур усул X–XV асрлар давомида форс-тожик шеъриятида қўлланган бўлиб, унинг хилма-хил кўринишлари асосида кўплаб таъсирчан байтлар яратилган.

XIV аср ўзбек адабиётининг нодир намуналари бўлмиш Хоразмий «Муҳаббатнома»си, Юсуф Амирий «Даҳнома»си, Ҳўжандий «Латофатнома»си каби лирик маснавий – достонларда ушбу санъатга хос файритабиий талқин усулидан фойдаланилганини кузатиш мумкин. Жумладан, Хоразмийнинг:

Очила лаълингиз шаккар сочишур,
Кўруб гулғунчанинг оғзи очилур

байтининг иккинчи мисрасида гунча оғзининг очилишига унинг маҳбуба лабини кўриши сабаб қилиб кўрсатиладики, бу ўринда, икки ҳодиса: лабнинг очилиши билан гунчанинг гулга айланиши ўртасида ҳеч қандай мантиқли алоқа бўлмаса ҳам, шоир уларни ўзаро боғлаш билан файритабиий талқин яратганини аниқлаш қийин эмас. Хоразмий ушбу кичик бир лавҳада «оғзи очилур» ифодасини икки маънода қўллашга эришган. Биринчиси гунча оғзининг очилиб, унинг гулга айланиши бўлса, иккинчиси «гунчанинг оғзи очилиб қолди» маъносини англатувчи ҳайрат ифодаси эди.

Қачонким бўлса тор оғзинг шакарбор,
Сабо гулгунчанинг оғзини йиртор

мисраларида ҳам гунчанинг очилиши бошқа нуқтаи назардан файритабиий шарҳланади. Шоир бу ҳодисани маҳбуба лабини кўриб ўзини йўқотган сабо ана шу гўзал лабга ўхшамоқчи бўлган беадаб гунчани жазолаб, оғзининг қонини келтиргани тарзида талқин қиласар экан, ҳусни таълилнинг янги бир намунасини рўёбга чиқарган эди. Шу достондаги:

Шакарму эрнингиз ё қанд, ё жон,
Үёлур лаълингиздин оби ҳайвон

байтида ҳусни таълилнинг яна бир нозик намунасини кўрамиз. Юзакироқ қараганда, иккинчи мисрада бу файритабиий шарҳ йўқдек кўринади. «Ҳаёт суви лабингиздан уялади» қабилидаги тасвир мантиқдан узоқдек туюлади. Лекин зукко шоир бу мисрада ҳаёт сувининг зулматда бўлиши ҳақидаги афсонага ишора қилиб: «У сенинг лабингдан уялганидан зулматга қочиб кирган» тарзидаги ҳусни таълил лавҳасини яратган.

Хоразмий анъаналарини янада ривожлантиришга интилган салоҳиятли шоир Хўжандий ўз «Латофатнома»сидаги бир неча ўринда нафис ҳусни таълил намуналарини яратган эди. Жумладан:

Булут ичра ёшунди ой юзунгдин,
Шакар сизди қамиш ичра сўзингдин

байтида ойнинг булутлар ортида қолишини унинг маҳбуба юзидан уялиб булутлар орасига яшириниши тарзида файритабиий талқин қиласа,

Қуёш юзунг кўруб ерга йиқилди,
Адоғинг туфроғини сурма қилди

мисраларида қуёшнинг ботиши билан боғлиқ табиий ҳодисани унинг маҳбуба юзидан уялиб, ерга йиқилиб, ёр оёқлари туфроғини сурма қилиши сифатида талқин қилиб ёрқин ҳусни таълил ифодасини рӯёбга чиқарган эди.

Чечак хонига наргис бирла лола,
Боши бирла тутар тун-кун пиёла

байтидаги тасвир ҳам эътиборга лойиқ. Унда шоир наргис билан лоланинг табиий қўринишини файритабиий изоҳлаб, маҳбубага пиёла тутиш тарзида талқин қиласи. Шоир

Сабо гул кўнглакини пора қилди,
Рақибларни идим оввора қилди

мисраларида ҳам гулнинг табиий қўринишини ҳусни таълил усули билан таъсирчан акс эттирган эди.

Хоразмий ва Хўжандийлар изидан бориб, уларнинг асарларида ҳамоҳанг бўлган «Даҳнома» достонини яратган Юсуф Амирий ҳам ҳусни таълил санъатига мурожаат қилиб, файритабиий талқинга асосланган бир қатор ёрқин бадиий лавҳаларни ижод қилди. Унинг қаламига мансуб ушбу санъат намуналари ни кўздан кечирсан, шоир ўз салафларида қўлланилмаган қатор-қатор янги бадиий тимсоллар кашф этганига гувоҳ бўламиз. Унинг қаламига мансуб:

Ёшунуб гул юзунгдин боғларда,
Қочиб лола чиқибон тоғларда

байти гул ва лолалар ҳолати, гулнинг барглар остида яширин ҳолдаги қўриниши, лоланинг эса дала-даштда, тоғларда бўлиши ҳар икковининг маҳбуба юзи олдидағи ҳижолати тарзида фай-

ритабиий талқин қилиниб, гўзал дилдор латофати бўрттириб кўрсатилган.

Юз алвон шевалик шўхи шакарханд,
Ки то кўрди лабингни эриди қанд

мисраларида ҳам қанднинг сувда (чойда) эриши файритабиий шарҳланган.

Набот оғзинг ҳадисин то эшитди,
Хижолатдин бошин олди-ю йитди

байтидаги ҳусни таълил ҳам юқоридагига ўхшаш талқин ифодаси бўлиб, наввотнинг эриб кетиши унинг маҳбуба оғзидан хижолат чекиши билан изоҳланади.

Юсуф Амирий бинафша тимсолига илк бор мурожаат қилган кўринади.

Бинафша сочинг оллида очилмай,
Уётгин бошини юқори қилмай

мисраларида бинафшанинг табиий кўриниши унинг маҳбуба сочи олдидағи хижолатининг боиси тарзида файритабиий талқин қилинган бўлса,

Қўюбон бошини хаттингга хома,
Сўзунг айлаб сабони гарднома

байтида қаламнинг хат ёзишдаги ҳолати унинг маҳбуба олдида таъзим қилиши тарзида шарҳланиб, ҳусни таълилнинг янги ифодаси яратилган. Шоир

Магар қошингда очти писта оғzin,
Ким эл уруб паришон этти мағзин

мисраларида ҳам писта тимсоли биринчи бор шеъриятимизга ҳусни таълил асоси сифатида олиб кирилиб: «Сенинг ҳузурингда писта оғзини очган эди, одамлар уни уриб мағзини чиқаришди» мазмунидаги таъсирчан файритабиий талқин яратилган. Бу ўринда «мағзини чиқаришди» ифодаси «чақиб, мағзини олишди»

ҳамда «бошига уриб, миясининг мағзини чиқаришди» тарзида тушунилади.

Шундай қилиб, XIV–XV асрнинг биринчи ярми адабиётида ҳусни таълил санъатининг дастлабки нафис намуналари Хоразмий, Ҳўжандий ва Юсуф Амирийлар шеъриятида, хусусан, уларнинг нома жанридаги асарларида яратилди. Ушбу ижодкорларнинг бу соҳадаги анъаналари Атоий ва Лутфийлар ижодида янги босқичга кўтарилиди.

Мавлоно Атоий кашфиётлари

XV аср ўзбек шеъриятида алоҳида аҳамият касб этган Мавлоно Атоий ижоди ўз бадииятининг юксаклиги, хилма-хил ифода усуллари, шеърий санъатларга, ёрқин лирик тимсоллар, бетакрор нафис лавҳаларга бойлиги билан ажralиб туради. Айниқса, ҳусни таълил усулининг кенг имкониятларини яхши ўрганган шоир устозлар анъанасини ривожлантириб кўплаб таъсирчан байтлар ижод қилди.

Шу давр ўзбек шеъриятида яратилган ҳусни таълил намуналарида қуёш ва ой ҳаракати ва ҳолатини файритабии талқин қилиб, улар воситасида маҳбуба ва ошиқ қиёфаларини ёрқин тасвирлашга бўлган интилиш яққол кўзга ташланиб туради. Атоий ҳам ушбу самовий жисмларга мурожаат этиб, бир қатор таъсирчан бадиий ифодалар яратган эди.

Шарқ шеъриятидаги бадиий санъатларнинг кўпчилиги қуёш тимсолига асосланади. Хусусан, ташбиҳ ва ташхис, истиора ва муболага, таносуб ва лафф ва нашр каби санъатларнинг энг яхши намуналарини ушбу тимсолсиз тасаввур қилиш қийин.

Шоирлар айниқса ҳусни таълил санъатини қўллашда қуёш нинг ҳолати, турли тарздаги кўринишлари, кўтарилиши ва ботиши манзараларидан унумли фойдаланганлар.

Атоий

Хур shedi ховарийни юзунг инфиолидин
Ҳар кун туғарда кўрки, найлар – изтироби бор

байтида Шарқ қуёшининг чиқиши пайтидаги ҳароратли кўринишни, титраб тургандек ҳолатини назарда тутган ҳолда буни унинг маҳбуба чеҳраси олдидаги хижолати ифодаси сифатида

Файритабиий талқин қилиб, ёр латофатининг беҳад гўзаллигини таъкидлашга эришган. Қуёшнинг бу хил ҳолати билан маҳбуба чиройи ўртасида ҳеч қандай мантиқий алоқа бўлмагани ҳолда Атоий уларни ўзаро боғлиқ, дея муболага қиласр экан, бу – шоир хаёлотининг, аниқроғи, фоявий-бадиий ниятининг ифодасидан бошқа нарса эмас эди, албатта.

Шоирнинг

Янги ой қошлари хижолатидин
Ойларда бирор-бирор кўринур

Байтида эса ҳилол кўриниши билан маҳбуба қошлари ўртасида-ги шаклий ўхшашлик заминида ҳусни таълилнинг яна бир таъсирчан ифодаси яратилганди. Ҳилол бир-икки кунгина ёр қошини эслатиб туради, аммо ҳамма ой давомида ҳам кўринавермайди. Шоир бу ҳолатни унинг маҳбуба қоши олдида хижолат чекиши оқибати сифатида файритабиий талқин қилиб, ёр гўзаллиги, унинг қошлари латофатини бетакрор бир тарзда ифодалайди.

Атоий шу фикрни ўзининг бошқа бир байтида янада кучайтиради:

Қошингизга ўхшатойин деб юрур бир ой тамом,
Айлар охир бир ҳилоле моҳи тобон суратин

«Ой қошингизга доимо ўхшаш бўлиш учун ҳаракат қиласи-ю, лекин ҳилоллик даври тугагач, бу интилиши пуч эканини кўриб адойи тамом бўлади», деган мазмунни ифодаловчи ушбу мисралар ҳам маҳбуба қошлари нафосатини улуғлашга хизмат қилган. Атоийнинг

Ул ҳилолий қошларингга ўхшатай деб ўзини
Бадр ўзин кўргил не ерга еткуур ҳар моҳ-моҳ

Байтидаги ҳусни таълил ушбу мавзунинг бошқа бир қиррасини очиш мақсадини кўзлади. Ой кўринишининг турли манзараларини назарда тутган шоир: «Бадр ўзини ҳилолий қошларингга ўхшатиш учун ҳар ойда не аҳволга солишини кўргин-а!» деган мазмунни ифодалаётган ушбу мисраларда тўлин ой қиёфасининг ойнинг иккинчи ярмида кичрайиб бориши, унинг тобора ингич-

калашиб, охири кўринмаслик ҳолатига кўчиши ғайритабиий изоҳланганини кўриш қийин эмас.

Атоий гул, ғунча тимсоллари заминида ҳусни таълилнинг чиройли намуналарини шеъриятимизга олиб кирди.

Жамолинг васфини қилдим чаманда,
Қизорди гул ўёттин анжуманда

байтида қизил гул рангини бирон нарсадан уялганда инсон юзи-
нинг қизоришига қиёсланган ҳолда нафис бир ҳусни таълил кашф
этилган эди: гўё маҳбуба чиройини эшитиб ўзининг унга тенг
келолмаганидан уялиб кетган гул юзига қизиллик юргурган эмиш.
Бу хил ғайритабиий далиллаш маҳбуба латофатини муболагали
тасвирлашда шоирга қўл келганлиги кўзга ташланиб турибди.
Атоийнинг:

Йўқтуурп гул ғунчанинг ҳадди табассум қилғали,
Гар сабо келтурмаса ҳар субҳ пайғом оғзидин

байтида гул ғунчасининг тонг маҳали табассум қилиши (очилиши)
га тонг шамолининг гўзал маҳбуба оғзининг атрини боғ то-
мон олиб келиши сабаб қилиб кўрсатиладики, бу хил далилнинг
ғайритабиийлиги, ҳаёт мантиқига хилофлиги исбот талаб қил-
майдиган ҳақиқат эканлиги аён.

Атоий ўзининг:

Ғунча севиниб тўниға сифмас,
Ўхшатсан ўқунг бошоқи бирла

байтида ҳам ғунчанинг очила бошлагандаги ҳолатидан маҳбуба
гўзаллигини янгича бир тарзда ифодалашда моҳирона фойдала-
нади. Ғунчанинг оғзи очиларкан, ичидан қизил гул барглари-
нинг кўриниб қолишини маҳбуба отган ўқ учига ўхшатилгани-
дан ўзига сифмай, шодланиб кетиши оқибати тарзида ғайритаби-
й ифодалаш янги ва бетакрорлиги билан ўқувчини ҳайратлан-
тиради. Диққат қилинса, ушбу лавҳадаги қиёсда мантиқий му-
вофиқлик яққол кўзга ташланиб турганини кузатиш қийин эмас.
Яъни ғунча ўз кўриниши жиҳатидан ёй ўқи учидаги пайкон (бо-
шоқ)га, унинг ёрилиши йиртилган тўнга ўхшаб кетади. Бу хил

мантиқий асос қўлланган санъатнинг таъсирчанлигини таъминлаган. Шоирнинг

Талошмиш фунча оғзинг бирла торлиқ,
Сабо оғзина ўгринча урибдур

байтида эса фунчанинг юқоридагича кўриниши, яъни у очила бошлар экан, ичидаги гулнинг кўриниб туриши ғайритабиий талқин қилинади. «Фунча сенинг оғзинг билан торлик талашган эди, тонг шамоли унинг оғзига уриб қонига бўябди», мазмунидаги ушбу мисраларда яна бир янгича ифода кўзга ташланади.

Атоий бинафша, лола, настарин каби ўсимликлар тимсолидан ҳам маҳбуба латофатини ифодалашда фойдаланади. Жумладан,

Ул кунки келиб гашти чаман қилдингу кетдинг,
Насрин яқосин пора қилиб қолдию, гул зор

байтида чамандаги гул, насринларнинг кўриниши уларнинг маҳбуба нафосатидан ҳайратланиши оқибати сифатида ғайритабий шарҳланса,

Бинафша қилди зулфунг бирла даъво,
Эгилди бўйни елдин, кўп еди кож

мисраларида бинафшанинг қиёфаси унинг маъшуқа зулфи билан басҳлашгани, шу бемаъни иши учун (ахир у қандай қилиб зулфига ўхшасин!) шамол томонидан бўйни эгилгани, тарсаки еб юзи кўкариб кетгани таъкидланади. Тасвирни кузатар эканмиз, бинафша кўриниши: бўйни эгиклиги, кўкимтири юзи мағрурлиги учун унга берилган жазо сифатида ғайритабиий талқин қилинганки, натижада шоир маҳбуба гўзаллигини ҳусни таълил усули билан таъсирчан ифодалашга эришган.

Суман пийраханингдин рашк элтиб
Қилур гулдек яқосин чок дерлар

байтида ҳам суман (ёсимин) гулининг кўриниши унинг маҳбуба кўйлагига рашки натижаси тарзида изоҳланаб, ҳусни таълилнинг яна бир гўзал намунаси яратилган эди.

Атоий ғазалларини варақласак, уларда арғувон ва шамшод каби чиройли дарахтларнинг маҳбуба гўзалигини таъкидлаш мақсадидаги ҳусни таълил ифодаларига қўл келганини кузатамиз. Шоир ўзининг

Йилда бир қатла кўринур, зарра чиқмас боғдин
Ўғрилиқ қилғон учун ранги лабингдин арғувон

байтида арғувон дарахтининг фақат боғларда бўлиб, йилда бир бир мартағина гуллаб ўзини намоён қилишига унинг гўзал маъшуқа лабидан ранг ўғирлаганлиги сабаб қилиб кўрсатилади. Ахир ўғирлик қилган гуноҳкор одамлардан уялиб, уларга кўринмай юриши ҳақиқат-ку! Ҳа, бу чиндан ҳам ҳақиқат, лекин унинг маъшуқа лабидан ранг ўғирлагани ҳаёт мантиқига зид, албатта. Аммо худди шу зиддият ҳусни таълил моҳиятини белгилаган. Мазкур ғазалнинг олтинчи байтида эса

Қоматинг сарвин агар шамшоди мискин кўрмаса,
Тутмағай эрди ўёттин бешай Мозандарон

мисралари яна бир ҳусни таълил ифодасини ўзида мужассамлаштирган. Шоирнинг таъкидлашича, гўзал маҳбубанинг сарвдек тик қоматини кўриб хижолат чеккан шамшод дарахти Мозандарон ўрмонига кетган эмиш. Аслида эса Мозандарон ўрмонидаги шамшод дарахтининг кўп учрашига маҳбуба қаддининг қандай алоқаси бор? Лекин зукко шоир бу хил алоқанинг мавжудлигини таъкидлар экан, бу билан ҳаёт ҳақиқатидан чекиниб, файритабиий далил келтираётганини ўзи яхши сезиб турибди. Буни ўқувчи ҳам ҳис қиласи-ю, лекин ана шу чиройли ёлғонни бадиий қонуни сифатида қабул қилиб, ижодкор даҳосига тан беради, унинг тафаккур салоҳиятига тасанно айтади.

Атоий ўз ижодида ҳусни таълил санъатига мурожаат қиласар экан, файритабиий талқин учун хилма-хил меваю ширинликлар тимсолидан ҳам кенг фойдаланади, уларнинг ҳолати, одамларнинг ушбу меваларга бўлган муносабатларини ифодалайдиган манзаралардан ҳайратомуз бадиий лавҳалар яратади. Мана бу тасвирга диққат қилайлик:

Оғзинг, күзунг ҳикоятини бошласам бўлур
Мажлис ичинда пиставу бодомга шикаст.

Ушбу мисраларни ўқир эканмиз, кўз олдимизда улфатларнинг ширин анжумани намоён бўлади: дўстлар гўзал маҳбубалар латофатини мадҳ этиб фазалхонлик қилишар, муҳаббат ҳақидаги қўшиқлар тинглашар экан, олдиларидағи дастурхонга қўйилган пистаю бодомларни чақиб тановул қўлмоқдалар. Лекин шоирнинг қалами бу манзарани бошқача талқин қиласди: «Гўзал маҳбубам, зиёфат чоғи сенинг оғизу кўзингни мадҳ этадиган бўлсанм, йигитлар пистаю бодомларни бигта қўймай чақиб тугатишади, чунки писта сенинг оғзингга, бодом эса кўзингга дъявогар эканини, уларга ўхшай олмагани учун доғда, аламда эканларини билганлари учун ҳар иккисининг таъзирини беришади», деган файритабий талқинни яратади.

Шоир ўзининг шу мавзудаги ҳусни таълил намуналарида турли мева, ширинликларнинг шаклий ҳусусиятларини файритабий талқин этиш йўлидан боради. Жумладан,

Ширин дудоғинг хизматина белини боғлаб
Йиллар югуриб топмади сизни шакар, эй жон

байтидаги ҳусни таълил шакарқамишнинг шаклий жиҳатлари, ҳусусан, танасининг бўғин-бўғин эканлиги асосига қурилган. Маҳбубанинг ширин дудоғи билан шакарқамишнинг ширинлиги ўртасида муносабат кўрган шоир: «Шакар сенинг ширин лабингга хизмат қилиш учун белини боғлаб, йиллар бўйи югуриб излади-ю, лекин тополмади», мазмунини ифодалаган эди. Биринчи байтдаги «хизматингга» сўзи «лабларингни ўз шакаридан, ўз таъмидан баҳраманд қилиш, лаззат бериш» маъносини англатса, «йиллар югуриб топмади» иборасида шакарқамишнинг шаҳардан четда, далада ўсиши ва дастурхонга ўз ҳолида эмас, балки қанд ё шакар кўринишида тортилиши назарда тутилади. Оқибатда эса шоир маҳбубанинг ширин сўз эканлигини ўқувчига жозибали тарзда англатишга эришади.

Атоийнинг

Лабингни қанда кўрмишким, ўёттин
Ёшурди банд ичинда най шакарни

мисраларидаги ҳусни таълил ҳам юқоридағи талқинга яқын туради. Үнда шакарқамишнинг банд-банд бүғимли танаси ҳақида гап борар экан, банд сўзининг «тутқинлик» тарздидаги шарҳига мурожаат қилинib, маҳбуба лабидан уялган шакарнинг қамиш ичига беркиниб, банд қилинганига ишора этиляпти.

Атоий шеъридин лаззат қилур касб
Ўшал лаб васфидин шаккар ҳамиша

байтидаги фаҳрия: «Шакар ўз лаззатини Атоийнинг маҳбуба лаби таърифига бағишлиланган шеъридан касб этган», деган мазмунни ифодаловчи ҳусни таълилга асосланган эди. Тасаввур қилинг-а: шоир олдида шакар турибди, у эса маҳбуба лабининг ширинлиги ҳақида ғазал ўқияпти, буни тинглаб турган шакар эса шоир шеъридан лаззат, ширинлик касб этяпти. Демак, бу шеър бўлмаганида, уни эшитиб қолмаганида, шакар ҳам ширин бўлмасди. Фахрияning моҳияти ана шунда.

Зукко ижодкор ҳаётй лавҳаларни кузатиб, халқ турмушининг ранг-баранг манзараларини файритабиий талқин қилган ҳолда ўз ғазаллари қаҳрамонлари, хусусан, гўзал маҳбуба чиройи ва хулқи авторини жозибали ҳусни таълиллар воситасида жилолантиришга интилади ва бир-биридан таъсиричан бадиий ифодалар яратади. Масалан, унинг қаламига мансуб:

Дур тишинг ила лутф талашқон ёзуғиндин
Пишти суға favвос ани баҳри Аданида

байтида Адандаги марварид терувчи кишилар ҳаёти манзарасига ишора қилинади. Кўз олдимизда сув остидан дур териб чиқаётган favвос қиёфаси жонланади. У денгиз остидан олиб чиққан чифаноқларни очиб, улар бағридан оппоқ дурларни олади-да, уларни тоза ҳолга келтириш учун юва бошлайди. Буни кузатиб турган ёки фаразан шу манзарани тасаввур қилаётган шоир бадиий хаёл қанотида уни янгича, лекин файритабиий талқин қилишга киришади. «Дур сенинг тишларинг билан гўзаллик талашганда, гуноҳи учун favвос уларни сувга пишиб жазолаяпти», деган бадиий талқин маҳбуба тишларининг бекёёс, яъни шоир таъбирача, дуру маржонлардан ҳам ортиқроқ нафосатини таъкидлашга хизмат қилган. Бу ўринда ҳам тасвир, аникроғи, қиёслашдаги

мантиқий мувофиқлик кўзга ташланиб турибди: дур оқлик жиҳатидан ҳам, шакл жиҳатидан ҳам гўзалларнинг тишларига ўхшайди, унинг «сувга пишилиши» ҳам ҳаётий ҳодиса. Шу туфайли ҳам файритабиий далиллаш ўқувчига эриш туюлмай, уни ҳайратга солади.

Насими зулфидин юз рашк элтиб
Ўзин ўтқа солур анбар ҳамиша

байтида яна бир ҳаётий манзара – хушбўй анбар моддасининг атрини таратиш учун оловга ташланиши ҳодисаси файритабиий шарҳланар экан, шоир: «Анбар моддаси маҳбубанинг қопқора муаттар соchlарига рашк қилиб, ҳамиша ўзини ўт ичига отади», деб таърифлайди. Унинг мақсади эса маҳбуба соchlарининг хушбўйлигини таъкидлаш холос!

Кўр хаёли нозигинким, ўзига ёғлиқ атаб
Гоҳ оғзингни ўпар, гоҳи иликингни катон

байтида эса ипак рўмолнинг маҳбуба қўлида бўлиб, қиз у билан оғзини тўсиши рўмолнинг гоҳ маҳбуба қўлини, гоҳ оғзини ўпиши тарзида файритабиий талқин қилиниб, шу усул билан гўзал ёрга хос латофату назокат мадҳ этилади.

Лутфий – ҳусни таълил устаси

Ўз шеъриятини асосан покиза муҳаббат, самимий севги, илоҳий ишқ мавзуларига бағишлиган мавлоно Лутфий ҳусни таълил санъатидан гўзал маҳбубанинг беқиёс латофатли қиёфаси, қуёшу ойдан ҳам малоҳатлироқ жамоли, зилол соchlари, ҳаётбахш лабио, нозик белини файритабиий тасвир усули воситасида ёрқин ифодалаш мақсадини кўзлайди. Нозик адо дилбар маҳбубанинг нурли руҳсорини мадҳ этаркан, шоир қуёш тимсолига мурожаат этиб, олам ёритгичининг кўриниши, турли ҳолатлари, чиқиш ва ботиш манзаралари тасвирини файритабиий талқин қилиш воситасида бир қатор таъсирчан ифодалар яратган эди. Унинг

Қуёш ойдек юзунгнинг хижлатидин
Қочиб тўртинчи кўк ичра чиқибтур

байтида шарқ астрономия илмига мувофиқ қуёшнинг тўртинчи осмондан ўрин олиши ҳақидаги ҳақиқат унинг маҳбуба жамолидан уялиши оқибати тарзида файритабиий талқин қилинади. Гўзал дилдор чеҳраси шу қадар латофатли бўлмаганида, осмон ёрити-гичи пастроқ осмонда жойлашган бўлар экан-да!

Беважҳ чиқар кун юзи давринда уялмас,
Бир йўли ўшал хира кейин солди ҳаёни

байтида эса куннинг ҳар куни чиқиши унинг уятсизлиги ифодаси сифатида файритабиий талқин қилинади.

Эй бути хиргоҳи, ойдур бандай ҳуснунг тамом,
Кун қилур ҳар субҳидам юзунгга туйнуқдин салом

байти ўзининг бетакрорлиги билан дикқатимизни жалб этади. Тонг чоғида қуёш нурларининг маҳбуба деразасига тушишини унинг ўзи мафтун бўлган гўзал дилдорга салом бераётганилиги тарзида талқин қилган шоир ўз ҳаҳрамонига хос бекиёс латофатни янги-ча бир шаклда таъкидлаган бўлса,

Ишорат бирла кун бечора янгилик
Қилур ҳар субҳ ҳуснингга сужуде

байтида бу талқинни янада кучайтиради. Шоир таърифича, қуёш ҳар куни маҳбуба ҳуснига сажда қилармиш. Бу ўринда шоир қуёш нурларининг маҳбуба оёқлари олдига тушишини назарда тутяпти, албатта.

Билурмусенки, кун тушта не учун сайдин қолди?
Йузунгни кўрди соргориб, иликтин борди сафродин

байтида эса қуёшнинг туш пайтида тўхтаб қолгандек бўлиб кўри-ниши, юзининг сарғайиброқ кўзга ташланиши назарда тутилиб, бу ҳолатлар унинг маҳбуба юзини кўриб сафроси ошиб ўзидан кетиши тарзида файритабиий талқин қилинади.

Кун пардага кириб юзунг ою ҳаёсидин,
Йиғлар ўзи-ю орага тортар саҳобни

мисраларида тасвирланган ҳусни таълил ҳам фоятда таъсирчан. «Қүёш сенинг ой юзингдан уялиб, юзини булатлар билан түсиб олади-ю йифтайверади», мазмунини ифодалаган ушбу байтда ёз маҳали қүёш чехрасини булатлар түсиб ёмғир ёғиши манзараси маҳбуба юзидан уялиш оқибати сифатида файритабиий шарҳланади. Шоирнинг мақсади эса гўзал нигор рухкорининг қўёшдан ҳам нурлироқ, латифроқ эканини ёрқин лавҳа воситасида таъкидлашдан иборат.

Кўз тегмасин ул юзгаки, кун андин ўёлди,
Гар мунфаил эрмас, не учун қочти тун ондин

байтида эса қўёшнинг маҳбубадан уялиши унинг тун чофи бошлиниши билан хижолат бўлиб қочиб қолиши тарзида талқин қилинади.

То назар айлади қўёш талъатининг камолина,
Ўзгага бўлса бир ўлим, кунда анга завол эрур

байтида қўёшнинг ҳар куни ботишига ишора қилиниб, бунга унинг маҳбуба жамолини кўрганлиги сабаб қилиб кўрсатилади. «Қўёш маҳбубамнинг талъати камолини кўриб адойи тамом бўлди. Бошқалар умрида бир бор ўлимга дуч келсалар, у ҳар куни завол топади – ер остига киради», деган мазмун ифодаланган ушбу теран маъноли мисраларда.

Лашиди юзунгиз акси фалак кўзгусига тушти,
Ібу кун ул нурнинг оти жаҳонда офтоб ўлди

мисраларида маҳбуба рухсори тасвирининг энг юқори чўққисини кўрамиз. «Азалда юзинг акси осмон кўзгусига тушган эди, бу кунларда эса ўша нур офтоб деб аталган», деган мазмун ифодаланган ушбу байтда «Қўёш гўзал маҳбуба юзининг осмондаги аксидир», тарздаги ўта муболагали ҳусни таълил мужассамланган.

Лутфий ой ва қўёш орасидаги ҳақиқий муносабатларнинг файритабиий талқини асосида ҳам ҳусни таълилнинг гўзал намуналарини яратадики, унинг

Хуршид зарра-зарра нуреки берди ойға,
Дарюза қилди сендин, равшан дурур худойға

байти фикримиз исботи була олади. «Қүёш ойга берган зарра-зарра нурларини аслида сендан тилаб олган эди, бу Аллоҳга аён», мазмунини ифодаловчи ушбу мисраларда ойнинг ўз нурларини қўёшдан касб этганилигига ишора қилинган. Мазкур бетакрор ва таъсирчан тасвир шоирга маҳбуба чеҳраси латофатини жози-бали бир тарзда таърифлаш имконини берган.

Дарюза қилурлар юзидин нур маҳу меҳр,
Султони жамол улдуру, ҳусн аҳли – гадоси

байтида ҳам қўёшнинг ойга нур бағишилаши, ўзи эса бу нурни маҳбуба юзидан касб этиши таъкидланиб, маҳбуба – жамол султони, ою қўёш эса гадо деб талқин қилинади.

Сўрдунгки неча бўлди девонасен қошимдин,
Девонадин сўрасенким неча бўлди ойга

мисраларидағи ҳусни таълил эса «Девонадан ой сўраб бўладими» қабилидаги ҳалқ ибораси асосида яратилган эди. Шоир маҳбубага: «Менинг қошимдан девона бўлиб кетганингга қанча бўлди?», деб сўрадинг. «Ойнинг неча кунлигини девонадан сўрайсан-а!» дей мурожаат этар экан, ошиқ ҳолати билан маҳбуба саволи ўртасидаги номувофиқликни файритабииш шарҳлайди. Биринчи мисрадаги «девонасен қошимдан» иборасидағи ийҳом санъатини эътиборга олсак, маҳбуба саволини: «Менинг қошимни кўриб девона бўлганингга қанча бўлди?» тарзida тушуниш мумкин. Бу ҳолда байт мазмуни янги маънони ифодалайди.

Юзунгни буқун юзума қўй, эй тўлун ойим,
Нуқсонга қўяр юзни чу ой етса камола

байтидаги ҳусни таълил ифодаси эса «юз» сўзини ўз ва кўчма маъноларда қўллаш асосида яратилган эди. «Эй тўлин ойим, бугун юзингни менинг юзимга қўй, чунки ой камолга етса, нуқсонга юз тутадику» мазмунини англатувчи ушбу мисраларда ҳам маҳбуба рухсорининг латофати таъкидланяпти холос.

Маҳбубанинг гўзал жамоли, ҳусусан, бекиёс рухсори, латиф чеҳрасини ҳусни таълил усули билан таърифлаш мақсадида Лутфий айниқса гул тимсолига кўп мурожаат қиласиди. Шоир

ранг-баранг гулларнинг кўриниши, муаттар бўйлари, тароватини файритабиий шарҳлар экан, ўз хаёлот оламининг кенглиги, ижодий фантазиясининг теранлиги ва қўлами билан ўқувчини лол қолдиради. Масалан:

Гул элтур ол ўйла чеҳрадин ранг,
Қизорса, ўғри учун ел урар кож

байтида: «Гул маҳбубамнинг гўзал чеҳрасидан қизил рангни олиб қочади, шу айби учун шамолдан тарсаки еб, юзи қизориб кетган», деган маъно ифодаланган. Кўриниб турибдики, гулнинг қизориши бу ўринда Атойи талқинидан фарқланиб туради. Файритабиий шарҳлаш туфайли ўқувчи шоир тасвирлаётган маҳбуба рухсорининг бениҳоя чиройи ҳақида тасаввур ҳосил қила олади. Лутфийнинг

Гул васфи ҳуснунг эрта била азбар этмаса,
Бўстонда не учун туур очуқ варақлари

байтидаги ҳусни таълил ўзининг янгилиги билан, ифоданинг ёрқинлиги билан ўқувчини ўзига ром қиласди. Зукко шоир гул варақларининг тонг маҳали очиқ туришини унинг ҳар субҳидам маҳбуба ҳусни жамолини ёд этиб фазалхонлик қилиши билан файритабиий далиллар экан, ифодалардаги мантиқий алоқа ўзига жалб қиласди. Инсонларнинг китоб варақлаб, унинг мазмунини ҳаминиги иншора қилувчи ушбу тасвир чиндан ҳам ғоят таъсирчали чиққани.

Кирдинг чаманга субҳидам бурқаъ олиб, кўрди сени
Бир йилға³ тегру уфтаниб, гул тарки гулзор айлади.

байти ҳам файритабиий ифоданинг жозибадорлиги билан ажрапиб туради. Шоир ушбу мисраларда боғдаги ҳаётий манзарани қаламга олади: тонг чоғи гўзал маҳбуба юзидан пардани олиб

³ Бу сўз Лутфий девонининг 1987 йилги нашрида «елқа» тарзида берилган. Бизнингча, бу сўзни «йилқа» деб ўқиш тўғрироқ бўлади. Байт мантиғи ҳам шуни талаб қиласди. (Қаранг: Лутфий. Сенсан севарим. F. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987, 317-бет)

чаманга ташриф буюрибди, унинг тенгсиз жамолидан уялиб кетган гул йил бўйи хижолат чекиб, охири гулзорни тарк этибди. Бу хил талқин гулнинг қизил ранги йил бўйи ўзгармаслиги, кузда эса барглари тўкилиб гуллашни тўхтатишига асосланган бўлиб, ана шу ҳодисани маҳбубанинг гулзорга қадам босиши билан боғлаган ҳолда файритабиий далиллаш ифодасидир.

Ҳусн тўнин кийдингу эскинг учун бўлди талош,
Тортишиб гул топти охир қўнглаки садпорае.

байти ҳам моҳирона қўлланган ҳусни таълил туфайли ғоят нафис чиққан. Шоир маҳбубага: «Сен ҳусн тўнини кияётib эскисини ечган эдинг, бошқалар билан ўша эски кийимингни ташашган гулнинг ўз кийимлари ҳам пора-пора бўлиб кетди», - деган мазмунда мурожаат қиласар экан, гулнинг кўринишига ишора қиласади. Ушбу мисралар нега гулнинг «кўйлаги садпора?» деган саволга чиройли жавоб бўлиб янграйди. Лутфийнинг

Гул ол ирнинг хижлатидин йилда бир чиқар,
Юпқа учун юзи чидамас инфиолға

мисраларида ҳам гул маҳбубанинг қизил лабларидан уялиб, йилда бир мартагина кўриниши таъкидланади. Бу хил далилнинг файритабиийлиги ҳам яққол кўзга ташланиб турибди.

Гулшанга назар қилки, сени кўрмак учун гул
Олтун кетуур ўргада ҳар кун табақ ичра

байтидаги тасвир ҳам пурмазмун. Гулзордаги гулларнинг кўринишини уларнинг гўзал маҳбуба висолига бўлган иштиёқи тарзida файритабиий талқин қилаётган шоир ёрқин ҳусни таълил ифодасини яратган.

Гул келди юзунг давридаким ҳусн сотай деб,
Айланди-ю, ҳеч ерда харидор топилмас

мисраларида ҳам гул савдоси манзарадари файритабиий талқин қилинганини кўрамиз.

Лутфий қаламига мансуб:

Юзунгни күруб гул хижил ўлғони жиҳатдин,
Гоҳи қизорур, гоҳи иши ханда дагулму?

байтида гулнинг қизиллиги, очилиши унинг хижолатлигига нисбат берилса,

Умринда гул юзунга ўзин бир дам ўхшатиб,
Бўлмиш арақта фарқ, ҳануз инфиоли бор

байти шудрингнинг эриши туфайли гулнинг терлагандек кўриниши унинг ўзини маҳбуба чеҳрасига ўхшатганидан уялаётган тарзидаги файритабиий талқинни назарда тутади.

Чу гул кўрдики, сув ҳар кун тегар қутлуқ юзунгизга,
Ёқилди шавқ ўтингдаю бу ҳасраттин гулоб ўлди

байтидаги тасвирни эса ўз мазмундорлигига кўра ҳусни таълимининг ноёб намуналаридан бири сифатида баҳолаш мумкин. Шоир унда гулнинг гулобга айланиш жараёнини назарда тутар экан, «Гул ҳар куни сизнинг қутлуқ юзингизга сувнинг тегишини кўрдии, рашк ўтига ёқилиб, ҳасратдан гулобга – гул сувига айланди», деган теран маънони мужассамлантирган.

Рирқ ўлди юзунг хижлатидин гул арақ ичра,
Сарғарди қўёни боқти чу гул сунъи ҳақ ичра

байтида эса бирданига икки ҳусни таълил қўлланганини кўрамиз. Биринчи мисрада гул устидаги эриган шудринг томчиларига ишора қилаётган шоир бу ҳолатни унинг маҳбуба юзи олдида хижолат чекиши тарзида файритабиий шарҳлаган бўлса, иккинчи мисрада бу манзарани кузатиб турган қуёш ҳайратдан сарғайиб кетгани ҳам шу усул воситасида тасвирланади.

Атоийнинг:

Гул қамарингдин ўғрилаб олди жамол, анинг учун
Шоҳи рабеъ они тикон дорига ўғритеқ осар

Гул урунур қуллуғинг тавқин хижолат берма деб,
Бүйниға фұта солиб ғарқи арақтур ҳар сори

каби тасвирларида ҳам гул маҳбуба жамолидан ҳусн ўғирлаган,
унга тенглашолмагани сабабли ҳамиша ёр олдидә хижолат че-
кувчи тимсол сифатида қаламга олинади.

Лутфий маҳбуба юзидаги холни ҳам ҳусни таълил воситаси-
да жуда нафис таърифлайди. Чунончы:

Хар тори сочинг учини ел юзга текурди,
Нозуклук учун бүлди юзунг устида холи.

«Тонг шамоли соchlаринг торини тебратиб юзингга тегизган
эди, чеҳранг ғоятда нозик бүлгани учун унинг, соч торининг уни
юзинг устида хол пайдо қылды» деган мазмун ифодаланган ушбу
байтда холнинг ҳосил бўлиши соч толасининг нозик юзга теги-
ши оқибати сифатида гайритабиий шарҳланиб, ҳусни таълилнинг
нозик бир ифодасини вужудга келтирган.

Лутфий яратган:

Лоф урап эрди магар ғунча набот оғзинг била,
Оғзина ел урди андоқким тўла қон айлади

байти ҳам Атоий қаламига мансуб:

Талашмиш ғунча оғзинг бирла торлик,
Сабо оғзина ўғринча урибдур

мисраларини ёдга туширади. Ифодаларда, тағсилотларда би-
роz фарқ бор, холос. Диққат қилинса, Лутфий яратган ҳусни
таълилда ғунчанинг маҳбуба оғзи билан торлик талашиши таъ-
кидланган бўлса, олдинги байтда бу хил тасвир кучайтирилиб,
ғунчанинг ўзини афзал деб билиб лоф уриши ҳақида гап бора-
ди. Атоий ғунчани сабо жазолагани ҳақида тўхталса, Лутфий
бу ҳодиса оқибатини кўрсатиб, ғунчанинг оғзи қоп-қора қон
бўлганини уқтиради, қизил гулга айланиши ҳақидаги фикр
қўлланган санъат моҳиятининг тўлароқ англаб олинишини таъ-
минлайди.

Лутфий ҳусни таълил санъатидан фойдаланиш жараёнида лола
тимсолига ҳам тез-тез мурожаат этиб турганини кузатиш мум-

кин. Бу латиф гулнинг ўсиш шароити, кўринишини файритабиий талқин қилиш шоирга ўзи тасвирлаётган гўзал маҳбуба латофатини бетакрор бадий лавҳалар воситасида моҳирона ифодалаш имконини беради. Масалан, у яратган:

Эй сарви гул узор, янгоқингдин ўфтаниб,
Ёбонға шаҳрдин қочибон лола зор эрур

байтида лола маҳбуба юзидан уялиб, даштга қочиб бориб армонда яшаётгани ҳусни таълил усули воситасида ифодаланган бўлса, Лутфий қаламига мансуб ҳусни таълил намуналарида бинафша тимсолига ҳам мурожаат қилинганини кўрамиз. Шоир ушбу нафис чечакнинг кўриниши, хусусан, боши эгиклигини файритабиий изоҳлагани ҳолда бетакрор бадий лавҳалар чизади. У кўпинча маҳбубанинг сунбул соchlари таърифига хизмат қиласди. Мана бу бадий ифодага дикқат қиласди:

Бинафша сунбулини кўрди мушк хирмандек,
Эгилди қомати гўёки хўшачин бўлди.

Ушбу байтда бинафшанинг маҳбуба мушк хирмани мисол сунбул соchlарини кўргач, хижолатдан мошоқчига ўхшаб қомати эгилгани ҳақида гап боряпти. Маълумки, ушбу ўсимликнинг боши эгик ҳолатда бўлади. Шоир унинг ушбу хусусиятини файритабиий изоҳлаш билан гўзал дилбар соchlарининг мушк анбардек қоралигини таъкидляяпти, холос.

Маълумки, Шарқ шеъриятидаги ишқий асарларда маҳбуба оғзининг кичикилиги хилма-хил бадий тасвир воситаларидан фойдаланиб мадҳ этилади. Бу хил таъриф учун ҳусни таълил усули ҳам қўл келади. Мавлоно Лутфий ҳам файритабиий талқин асосидаги бир қатор байтларда шу фикрни таъсиричан мужасамлантиради. Унинг

Ул оғиздин манга бир қатла доги тегмади ҳеч,
Тор учун ҳавсаласи қилмади эҳсон садқа

байтидаги ҳусни таълил санъатидан кўзланган бадий ният ҳам маҳбуба оғзининг кичикилигини таъкидлаб кўрсатиш эди. «Маҳбуба оғзидан манга насиба тегмади, тор бўлгани учун эҳсон беринига ҳавсала қилмади шекилли» мазмунини ифодалаган ушбу

мисраларда оғиз торлиги кўнгил торлигига нисбат берилиб, гайритабиий талқин юзага келтирилган.

Лутфий ижодида ҳам писта, бодом каби мевалар қўриниши, одамларнинг уларга бўлган муносабатлари асосида чиройли ҳусни таълил ифодалари яратилганлигининг гувоҳи бўламиз.

Оғзингдин элтти ўғрилаб чун писта торлигни, анга
Туз суйи онча куйдиларким, охир иқорор айлади.

Байтидаги ҳусни таълил ҳам гайритабиий талқиннинг янгилиги, пистага туз сувини қўйиб, шўр писта тайёрланиши ҳодисасини шоирона ифодалашнинг ёрқин намуналаридан саналади. Маҳбуба лабининг ширинлигини таърифлар экан, Лутфий қалам қўринишидан ҳам бир неча гўзал бадиий лавҳалар чизища моҳирона фойдаланади. Ҳусусан, унинг учи ёриқлигини гайритабиий шарҳлаган шоир маҳбубанинг гўзаллиги, тилининг ширинлиги каби фазилатларни бўрттириб тасвирланган эди. Чунончи, шоир қаламига мансуб:

Оғзинг сифатин қилурда хома,
Кўп тотлиқ учун ёрилди тили

мисраларида қалам учининг ёриқлиги маҳбуба лабининг ширинлиги билан гайритабиий тарзда боғланиб: «Хома (қалам) оғзинг сифатини қоғозга туширас экан, унинг ширинлигидан тили ёрилиб кетди», мазмунини ифодаловчи ҳусни таълил яратади.

Ирнингки қалам тилини ширинлиги ёрди,
Шаккар дедим ондинки самар, сўз келишидин

байтида ҳам қалам тилининг ёрилишига унинг маҳбуба лабининг ширинлиги ҳақида ёзётганилиги сабаб бўлгани таъкидланаиди.

Лаълининг ширинлигин бир кун битар эрди қалам,
Боши зону остида қолди чибинлар илкидин

байтида ажаб бир манзара тасвирланади: бир куни шоир қаламини бирдан чивинлар талаб кетибди-ю, у қалам бошини тизза-

лари – шоир бармоқлари ичига олиб ўзини ҳимоя қилишга тушибди. Муболағали бу хил тасвириңнг жозибаси ундағы ғайритабиій талқын билан изоқланади. Байт ҳаёттій бир тасодиғ түфайли майдонға келған деб таҳмин қилиш мүмкін. Тасаввур қылингки, бир куни Атоій іжод қилиб үтирганида, уннинг қалами учига бир пашиша келиб құнибди, шоир нега бу ҳол іюз берди деб қараса, қофозға маҳбуба лабининг ширинлигі ҳақидағи байт битилаёттган экан, шунда хаёл осмонига парвоз қылған муаллиф ушбу байтни кашғ этған экан.

Лутфий маҳбуба лабининг ширинлигини қаламдан бошқа тимсоллар воситасида ҳам ҳусни таълил усули билан таърифлайди. Жумладан:

Шаккар ирнингдин сұчуклук әлттию тонди набот,
Тузмайин иккі йифочқа охир иқрор айлади

байтида новвот тайёрлаш жарағени ифодаси маҳбуба лабининг ширинлигини ҳусни таълил усули билан таъқидлаш мақсадини күзлайди.

Ёр ирни била урманғиз, эй қанду шакар, лоғ,
Чун оби ҳаёт үфтаниб ондин ёшунубдур

байтида оби ҳаёттінг зулматда бўлиши ҳақидағи Шарқ афсонасига асосланған шоир: «Эй қанд билан шакар, маҳбубам лабидан биз ширинмиз, деб лоғ урманғ, зеро шундай даъвони қылған оби ҳаёт шарманда бўлиб зулматга яшириңган», мазмунини ифодалар экан, нағис бир ҳусни таълил намунасини яратған эди. Лутфий қаламига мансуб:

Занбури асал оғзи тұла шаҳд эканинда,
Ирнингни күруб bemаза деб бол тұкубдур

мисраларида ҳам табиій ҳаёт манзараларини ғайритабиій шархлаш ифодасини күрамиз. «Асалари оғзи болға тұла экан, сенинг лабингни күрибдию, оғзимдаги асал bemаза экан, деб түкиб тишлабди», деган мазмундаги ушбу байтда ҳақиқий ҳаёттінг – асалари асални оғзида түплаши, кейин уни уясига олиб келиб түкиши шоирона асосланған.

Жоми май ўпти лабингни, ташна бўлдим қонина,
Ҳақ тегурсун ул ачиқни тортай эмди жомдин

байтидаги файритабии талқин ҳам фоятда мароқли. Май жомининг гўзал маҳбуба лабига теккани, аниқроғи унинг май ичаётганини кузатган шоир бу ҳолатни ҳусни таълил усулида таърифлаб: «Май жоми сенинг лабингни ўпти, буни кўриб унинг қонига ташна бўлдим. Аллоҳ ҳоҳласа, жомдин ўз аламимни оламан», қабилидаги ифодани яратган.

Ширинлиғидин қофази бир-бирига ёпушти,
Ирнинг сифатин қайдаки ёздим варақ ичра

байтидаги ҳусни таълил ҳам янгилиги ва бетакрорлиги билан ўқувчини лол қолдиради. Бу ўринда ҳам шоир ҳаётий ҳақиқатдан файритабии тасвирга кўчиб маҳбуба лабининг ширинлиғини фоят жозибали ифодалайди. Маълумки, XV асрда шоирлар туз қўшиб тайёрланган сиёҳлардан фойдаланганлар, кўпинча бундай китоб ёки дафтар варақлари енгилгина ёпишиб қоларди. Шу ҳолатни назарда тутган Лутфий: «Лабинг сифатини (ширинлигини) қаерда таърифлаган бўлсам, ўша варақлар бир-бирига ёпишиб қолибди», деган мазмунни акс эттириб, ўқувчилар таҳсинига сазовор бўлган.

Қанд агар ирни билан лоф урса бўлгай калла хушк,
Чун ёшунмуштур қамишлар ичра шаккар илгидин

мисраларидағи файритабии талқин ҳам маҳбуба лабининг ширинлигини қанд ва шакарқамиш тимсоллари воситасида тасвирлаш мақсадини кўзлади.

Лутфий ўз газалларида гўзал маҳбубанинг латиф қадду қоматини хилма-хил бадиий усуллар, шеърий санъатлар воситасида таъсирчан қилиб ифодалашга ўз эътиборини қаратган. Жумладан, ҳусни таълил усулидан ҳам шу мақсадда кенг фойдаланган. Маҳбуба қадди тасвирида ҳусусан сарв тимсоли ниҳоятда кўл келган. Сарвнинг тиклиги, гўзаллиги, унинг шамол чоғи тебраниши ва бошқа ҳолатларни файритабии талқин қилиш шоир учун кенг имкониятлар яратган. Жумладан:

Такрор қылур васфи қадинг сарв, онинг учун
Кўп тебранур андоқки кишилар сабақ ичра

байтида сарв дарахтларининг шамол пайтидаги тебраниши уларнинг маҳбуба қадди васфини такрорлаб, мактабда билимларини такрорлаётган болаларга ўхшаб кўп тебраниши тарзида файри-табиий шарҳланган.

Қоматингнинг қуллуғинда ёш эди, улғайди сарв,
Боши титрар эмди хижлатдин они озод қил

мисраларида эса сарв дарахти учларининг шамолда титраб туриши кекса одамларнинг ҳолатига қиёс қилинади-да, шоирнинг «Сарв кичикликдан қоматинг олдида қуллик қиласди, энди кек-сайиб боши титрайдиган бўлиб қолибди, уни озод қилиб қоматинг олдидағи хижилликдан қутқарақол», мазмунидаги ҳусни таълил ифодаси яратилади. Шоирнинг:

Гар сарв сужуд этмаса қаддингға не нуқсон,
Йўқтур ажаб: аҳмоқлик эрур, чун узун ондин

байтидаги тасвир эса «Бўйи узун одамлар аҳмоқ бўлади» деган халқ ибораси заминида яратилган. «Сарв сажда қўлмаётган экан, бунинг қаддингға қандай нуқсони бўлсин, ахир у бўйи узун бўлгани учун аҳмоқлик қилаётган экан, ажабланиб бўладими?» тарзидағи чиройли бир талқин мужассамлантирилган ушбу мисраларда.

Сарв анингдек қоматинг ҳайронидурким, бошиға
Қилди қушлар ошён андоқки Мажнун устина

мисраларидаги файритабиий талқинда эса машҳур афсонага ишора қилиняпти. «Қоматинг олдида сарв шунчалик лол бўлди-ки, ҳатто қушлар унинг устига Мажнун бошига қурилгандек уя ясасалар ҳам буни пайқамаяпти», деган ҳусни таълил ифодаланган ушбу байтда.

Файритабиий талқин усулини қўллашда халқ афсоналарига мурожаат қилиш шоирнинг:

Зулмат ичинда мунфаил ўлди ниҳон ўлум қаро,
Оби ҳаёт чун хабар топти лабинг зилолидин

байтидаги ҳусни таълил лавҳасидан ҳам күзга яққол ташланиб туради.

Жину малаку ҳур чаман ичра күрунмас,
Юзинг ойидин барчаси шарманда дагулми?

байтидаги ғайри табиий талқин ҳам афсоналарга асосланган эди.

Тұбий не тилар равзада ҳар әвға уруб бош,
Гар бошина йұқтур қадингиз сарви ҳавоси

байтидаги ҳусни таълил ҳам маҳбуба қадди латофати мадхини күзда тутади.

Лутфий баъзан тасаввуфий тушунчалар доирасида жуда нозик ифодалар яратади. Масалан:

Құтлуғ аёғинг ерга тегибдур, онинг учун
Эл ерга құюб бош, құлур барча ибодат

байтида: «Сенинг құтлуғ қадаминг теккан ерга одамлар бош қўйиб ибодат қилишади», деган маъно англашиладики, ундағы маҳбуба тимсолини Аллоҳга нисбат бериш тұғрироқ бўлади, деб ўйлаймиз. Диққат қилинса, шоир мусулмонлар намозини маҳбуба аёғи теккан ерга қилинаётган ибодат тарзида ғайритабиий шарҳлар экан, ҳусни таълилнинг анча нозик талқинига эришганигини кузатиш мумкин. Лутфийнинг

Азалда билдиларким, сен каби фарзанд бўлғуси,
Сенинг юзунгдин одамға малойик саждалар қилди

мисраларидағи ифода ҳам мураккаб ва нозиклиги билан ажрапиб туради. Байтда: «Фаришталар келажақда Одам Атодан сен каби фарзанд туғилишини азалдан билиб, сенинг юзингни қилиб унга сажда қилдилар», деган мазмун ўз ифодасини топган. Бино-барин, фаришталарнинг Одам Атога сажда қилишларига келгусида маҳбубадек инсоннинг туғилиши асос қилиб күрсатилмоқдаки, тасвирдаги ғайритабиий талқинни кўра олиш қийин эмас. Тасвирдаги нозиклик эса Ислом динига хос бир афсонанинг, яна тұғрироғи Одам Ато яратилгач, Аллоҳ таоло амрига мувофиқ

Фаришталарнинг унга сажда қиlgанлиги ҳақидаги ривоятга зид талқиннинг вужудга келганлигидир.

Шоир ўзи яратган ҳусни таълил ифодаларида китобот санъатидан ҳам моҳирона фойдаланганини кузатиш мумкин. Масалан:

Ҳарфлар ичра «мим» нинг нуқтаси чунки ҳеч йўқ,
Ҳайраг ичиндамен ўшул оғзи қошинда холидин

байтида шу хил тасвир усулини кўрамиз. Шоир маҳбуба оғзи ёнидан ўрин олган холга кўзи тушгач, таажжубланади: «Оғиз кичикликда «мим» ҳарфига қиёсланади, лекин бу ҳарфда нуқта ишлатилмайдику?» дей ҳайратланмоқда лирик қаҳрамон.

Лутфий яратган ҳусни таълил ифодаларини Атойи асарларидаги файритабии талқинлар билан қиёсласак, ҳар икки шоир ўртасида ижодий ҳамкорлик, бирининг қаламга олган мавзуси, бадиий лавҳа, чизилган тимсолнинг давом эттирилганлиги, ривожлантирилганини ҳам кўрамиз. Юқорида кузатганимиздек, Атойи маҳбубанинг ипак рўмоли гоҳ қўлини, гоҳ юзини «ўпаётгани»ни қаламга олган эди. Лутфий эса ўзининг

Тегса юзунгга бехуд ўлуб ерга бош қўяр,
Ёғлиқ бошинда ўзга не мушкул хаёли бор?

байтида маҳбуба юзига теккач, ерга тушиб кетган рўмолни унинг ушбу баҳтдан севиниб ўзидан кетиши ва шукронаси учун ерга тушиб сажда қилиши тарзида файритабии талқин қилиб, ёр гўзаллигининг бекиёслигини нафис бир шаклда ифодалашга эришади.

* * *

Ҳусни таълил санъати XV асрнинг бошқа соҳиб қаламлари ижодида ҳам қўллангани уларнинг асарларидан кўзга ташланиб туради. Ҳусусан, Саккокий, Гадоий каби етук шоирлар ҳам ушбу бадиий тасвир воситасидан маҳбубанинг бекиёс гўзаллигини сержило тасвирлаш соҳасида анча кенг фойдаландилар.

Саккокий ўз замондошлари Атойи ва Лутфийлар ижодини кузатиб борар экан, уларнинг файритабии талқин яратиш соҳасидаги ютуқларидан таъсиrlаниб, янгича ҳусни таълил ифодалари яратишга интилди. Унинг:

Юзингни кўрса қилур гул ўзини юз пора,
Хўтан ёзисида оҳу кўзингдин овора

байтидаги биринчи мисра Атойи ва Лутфийлар талқинини ёдга туширса ҳам, иккинчи мисрадаги файритабиий талқин, яъни Хўтан даштида кезиб юрган оҳунинг саргардонлиги унинг маҳбуба кўзи-ни кўргандан сўнгги ҳолати сифатида изоҳланиши ўзига хос ян-гилик эди.

Гул ғунча бўлур кўрса юзини чаман ичра,
Титрар кўруб ой энгини шамъ анжуман ичра

мисраларидағи тасвир ҳам бетакрорлиги билан ўқувчи диққати-ни ўзига жалб қиласди. Эътибор қилинса, биринчи мисрада бошقا ижодкорлар талқинидан фарқли ҳолда фунчанинг гулга айланиш жараёни эмас, балки гулнинг ёпилиб, ғунчага ўхшаб қолиши назарда тутилган ҳолда: «Маҳбубам юзини чаманда кўриб қолса, гул уялганидан ёпилиб, қайтадан ғунча ҳолига киришга шоши-лади», деган мазмун ифодаланганини кўрамиз. Иккинчи мисра-да эса ёниб турган шамънинг титраётгандек бўлиб кўринишига ишора қилиб, бу ҳолат унинг (шамънинг) маъшуқа чеҳрасини кўргандан сўнг юз берган манзара сифатида файритабиий шарҳ-ланганини кузатиш мумкин. Шоирнинг:

Ёноқинг рашикидин ҳар дам қизил ўтқа ёнар лола,
Ул ол энгда қаро менгдин анинг бағриндаги доғи

байтидаги ифода ҳам таъсирчан. Унинг биринчи мисрасида даш-тдаги лолазорнинг кўриниши ўтнинг ёнишига қиёсланиб, маҳбу-ба яноғига рашки келган лола ўзини шу ўтга ташлагани тарзида файритабиий изоҳланса, иккинчи байтда лола «бағридаги» қора доғ дилдорнинг қизил юзидағи қопқора холини кўрган лоланинг раشك ўтида изтироб чекиши оқибати сифатида шарҳланади. Сак-кокий битган:

Қаддингни кўруб сарви сиҳи иргаю бошни,
Қолди тикилиб беҳуду ҳайрон чаманида

байтида эса чаманда тик ўсган сарвнинг учлари у ён-бу ён теб-раниб туриши унинг маҳбуба қаддини кўргач, ҳайрат билан

бош иргатиб, қотиб қолгани тарзида ғайритабий талқин қилинганки, бу ўринда ҳам янгича бир ифодани таъкидлаш тұғрироқ бұлади.

Саккокий айниңса, Миср наботининг күринишидан маҳбуба лабининг ширинлигини бадиий ифодалашда күп фойдаланади. У яратган:

Шаккар ирнинг хижлатидин шишаға кирди набот,
Шайъалиллоҳким, ажаб ширин даҳонсен, ё ҳабиб.

...Ваҳ не нозукдур ҳаловатлиқ дудоқингким, буқун
Инфиолиндин кирибтур шишаға мисрий набот.

...Сўзлашурда шаккар ирнингни кўруб мисрий набот,
Сувға ётиб инфиолиндин ёшурди бошни.

...Дам-бадамдурким, дудоқинг хижлатиндин шаҳрдин
Бош олиб қочқусидур Миср элинингки шаккари

каби байтларда Миср наботининг шиша ичида, сувда сақланиши унинг маҳбуба лаби олдидаги хижолати ифодаси сифатида, чет ўлкаларга сотиш учун олиб кетилиши эса қочиш ифодаси сифатида ғайритабий изоҳланаб, мазмундор ҳусни таълил ифодалари яратилганини кўрамиз.

Лабларинг нозуклигиндин бир оғиз фаҳм этгали,
Сангি хородин чиқиб, ҳайрон юрур оби зулол

мисраларидаги талқин ҳам ғоят таъсирчан. Тоғлар бағридан чиқиб келаётган сувнинг ҳолати унинг маҳбуба лабларига интиқлиги ифодаси тарзида ғайритабий изоҳланган.

Сув бўлди фалак бағри бу оҳим ўтидин,вой,
Эй юзи қамар, кўзлари чўлпоним, умидим.

байтида эса ёмғирли булутларнинг ошиқнинг маҳбуба дарди билан чекаётган оҳи ўтидан ҳосил бўлиши тарзида ғайритабий талқин қилиниши ишқий кечинмаларнинг ёрқин ва жозибали тасвирланишига имкон яратган.

Гунча то лоф урди оғзинг бирла, бир дам кечмагай,
Ким, сабо онинг била даству гирибон бўлмағай

мисраларидаги ҳусни таълил ҳам талқиннинг янгилиги билан
диққатимизни ўзига жалб қиласди. Шоирнинг таъкидича, гунча
маҳбуба оғзидан чиройлиманин, деб лоф ургани учун сабо билан
ёқалашишгани ёқалашишган. Ушбу чиройли ифодада тонг ма-
ҳали фунчанинг сабо билан ўйнашиши назарда тутиляпти, албат-
та. Шоир тасвирича, сабо ҳам маҳбуба оғзига ошуфта, шу ту-
файли лофчи гунча билан талашиб, унинг лабини ҳимоя қиласди.

Айни чоғда Саккокий яратган баъзи ҳусни таълил намуналари
Атойи ва Лутфий талқинларига жуда яқин бўлиб, уларни так-
рорлаётгандек туюлади. Жумладан:

Юз пора қилур гул юзунг оллинда ўзини,
Чун топмади ул равнақу навқон чаманида.

Саккокийдек оғзингни кўруб кони латофат,
Чок айлади гул фунча гирибон чаманида

каби байтларда шундай ҳолат қўзга ташланса,

Бўстонда гул юзингни кўруб кўп ўфтаниб,
Юзи қизорди кўрдум онинг инфиолини

каби мисраларда айнан такрорни кузатамиз. Буни ўша давр мум-
тоз шеъриятидаги ўзаро ижодий таъсир оқибати сифатида изоҳ-
лаш тўғрироқ бўларди.

Шеъриятидаги ҳусни таълил санъати ривожида шоир
Гадоийнинг ҳам муайян ҳиссаси бор. У яратган бир қатор ифо-
далар маҳбуба қиёфасини файритабии талқин асосида тасвири-
лашнинг таъсирчан намуналари сифатида адабиётимиз хази-
насидан муносиб ўрин эгаллайди.

Гадоий етук санъаткор қалам соҳиби сифатида маҳбубани
таърифлар экан, хусусан, қуёш тимсолидан унумли фойдалана-
ди. Унинг қаламига мансуб:

Ой юзунг буржи латофаттин тулуъ этган қуёш,
Заррадек меҳрингга бўлди кўкта саргардон қуёш

матлали фазалдаги:

Тушта күрмиш оразингни зоҳирان бир кун яна
Они истаб кечаю қундуз юрур ҳайрон қуёш

Кўргали нури жамолингни иликтин борибон,
Бўлди мажнуну, юрур бепою сар ҳар ён қуёш

каби байтларда қуёшнинг табиий ҳолати, шом чоғидаги қиёфаси, тўхтовсиз ҳаракати – олам кезиши – барчаси унинг гўзал маҳбуба жамолидан ошуфталиги оқибати сифатида файритабии талқин қилиниб, чиройли бадиий ифодалар, лавҳалар яратилади. Унинг:

Оразингнинг оллида ҳинду мисрлик бош қўяр,
Найири аъзамким, эрур офтоби ховарий.

...Ой юзунгдин мунфаил гар бўлмади кўкта қуёш,
Бас нединду кеча-кундуз сорғориб бу изтироб

каби байтларда ҳам қуёш тимсоли файритабии талқин восита-сида маҳбуба латофатини таъкидлашга хизмат қиласди. Саккокий:

Юзунгиз бирла агар лоф урса, бутмас тўлун ой,
Асли чун кажтабъ эрур, бори хаёлидур маҳол

каби мисраларида эса ойнинг маҳбуба билан ҳусн талашиши бемаънилигига унинг аслида эгрилиги туфайли ўжарлиги сабаб қилиб кўрсатилганки, бу ўриндаги ҳусни таълил ойнинг ҳилоллик чоғидаги кўринишига асосланяпти.

Айни пайтда Гадойи қаламига мансуб бир қатор ҳусни таълил намуналарида Атойи ва Лутфийлар ижодидаги файритабии талқин ифодалари билан ҳамоҳанглик, ўҳашашлик ҳам кўзга ташланадики, буни шоирнинг

... Қўлларингдиндур, ҳабашдин ўлжа тушган тўлун ой.
Тона олмас, белгулук, чун юзида тамғоси бор.

...Фунча оғзингдин хижолатлар топар ҳар қадам-бадам,
Инфиолига гувоҳи ҳол эрур бу хандаси.

...Гул юзунгни кўрмаганда урар эрди лофи ҳусн,
Тальятинг кўргач, равон бўлди хижолатдин гулоб

каби байтларидаши шу хил ўхшашликни шоирларнинг ўзаро таъсири
ёки таворуд юз бериши билан изоҳлаш мумкин, деб ўйлаймиз.

Ҳусни таълил санъати XIV асрнинг II ярми ва XV асрнинг би-
ринчи ярмида яшаб ижод қилган Ҳофиз Хоразмий шеъриятида ҳам
қўлланганлиги эътиборга лойиқдир. У ўзининг беър қатор фазалла-
рида қуёш, гул, новвот, пўлат тимсолидан маҳбубанинг малоҳату
латофатини, айни чоғда бемеҳрлигию қаттиқ кўнгиллигини таъ-
рифлашда моҳирона фойдаланган эди. Жумладан, шоир:

Не сабабдин гул кўринди гулистонда ранг-баранг,
Ол юзунгнинг рангидин топмади эрса инфиол

байтида чамандаги гулларнинг ранг-баранглигини уларнинг
маҳбуба юзидан хижолат чекиши тарзида файритабиий шарҳлаб
ҳусни таълилнинг нафис бир ифодасини яратган эди.

Сўзга келганда ўшул кони шакартек оғзинг,
Бош қўяр сучи лабингға ўшанинг кўра набот

мисраларида эса: «Шакар конига монанд оғзинг сўз бошлагани-
да, унга мафтун бўлган новвот ширин лабларингга бошини
қўяди» мазмуни ифодаланган бўлиб, ижодкор маҳбуба лабига
новвотнинг тегиши манзарасига ишора қилган ҳолда файритаби-
й талқин яратиб, маҳбуба лаблари ширинлигини санъаткорона
таъкидлаган эди.

Кўнгулунгни кўруб дарвиза қилди,
Қатиғлиқни ҳамиша сангу пўлад

байтида тош билан пўлат ўзининг қаттиқлигини қаттиқ кўнгул
маҳбубадан касб этгани, аниқроғи, ундан тилаб олганлиги тар-
зида ҳусни таълил ифодаси яратилганди.

Юқоридагилардан кўриниб турганидек, XIV аср ўзбек мум-
тоз шеъриятида ҳусни таълил санъатининг дастлабки намунала-

ри майдонга келган бўлса, Хоразмий, Хўжандий, Юсуф Амирий каби соҳиби каломлар яратган номаларда файритабии талқин усули асосида қуёш ва ой, гул ва фунча, писта ва новвот каби мевалар тимсоли воситасида нафис бадиий лавҳалар ифодаланган бўлса, XV асрнинг биринчи ярмида бу усул янада ривожлантирилди, ушбу таъсирчан ва ёрқин санъатнинг янгидан-янги имкониятлари кашф этилди, хусусан, бир қатор янги тимсоллардан баракали фойдаланилди, мазкур усулининг бетакрор жозиба майдони янада кенгайди. Ҳусни таълилнинг тобора кенгроқ кўлам касб этиб шоирлар ижодидан мустаҳкам ўрин эгаллай боришида Атойи ва Лутфийлар шеърияти муҳим ўрин тутади.

Шундай қилиб, XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV аср бошлидаги мумтоз ўзбек шеъриятида:

- файритабии талқин асосидаги далиллаш усулининг назарий ва амалий жиҳатлари ўзбек шоирлари томонидан аста-секин ўзлаштирила борди;
- ҳусни таълил санъати ҳар бир ижодкор асарларидан тобора кенгроқ ўрин эгаллай бошлади;
- шеъриятимиз хазинаси хилма-хил ҳусни таълил фоялари, файритабии талқин ифодалари билан бойиди;
- айниқса Атойи ва Лутфий каби соҳиби калом ижодкорлар бу санъатдан фойдаланиш соҳасида муҳим ютуқларни қўлга киритдилар. Ҳусусан, Лутфий ўз фазалиётида шу санъат асосидаги 37 тимсолни қўллаб файритабии талқин усулининг кўплаб бетакрор намуналарини яратди;
- мазкур давр қаламкашларининг ўзаро ижодий ҳамкорлиги жараёнида ушбу санъатнинг янгидан-янги қирралари, имкониятлари кашф этилди;
- айни вақтда ушбу санъатнинг факат маҳбуба латофати тасвири мақсадидагина қўлланилиши унинг имконият қўламини ҳам, тимсоллар доирасини ҳам, фоявий-бадиий талқин миқёсими ҳам анча чеклаб қўйди;
- шунга қарамай бу даврда ижод этган шоирларнинг ҳусни таълил санъати соҳасида эришган ютуқлари уларнинг издошлиари, жумладан Алишер Навоий учун ҳам маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилди.

Файритабии талқин усулининг камолот чўққисига кўтарилиб шуҳрат топишида буюк Алишер Навоийнинг бадиий кашфиётлари алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

УЧИНЧИ БОБ

АЛИШЕР НАВОЙЙ ФАЗАЛИЁТИДА ҲУСНИ ТАЪЛИЛ РИВОЖИ

Бадиий идрок этиш маҳорати

Ҳусни таълил бадиият илмининг энг мураккаб, аммо энг са-
марадор санъати сифатида ижодкордан кучли бадиий салоҳи-
ят, қашфиётчилик, ўткир хаёлот иқтидори, айни вақтда хилма-
хил фанлар соҳасидаги билимларни талаб қиласди. Бир сўз би-
лан айтганда, даҳо шоирларгина ушбу санъатнинг кўплаб бе-
такрор ва нафис ифодаларини, янгидан-янги файритабии тал-
қинларни яратса оладилар, табиатнинг бекиёс кенг манзаралари,
ижтимоий ҳаётнинг ранг-баранг воқеъликларини синчковлик
билин кузатиб, ҳусни таълилнинг ноёб ва ҳайратомуз лавҳалари-
ни, аниқроғи бадииятнинг ажойиб мўъжизаларини қашф этади-
лар.

Шоирларга хос бадиий идрок иқтидори, хусусан, оддий одам-
лар илғаб ололмайдиган манзараларни кўра олиш қобилияти
доимий табиий ҳодисалардан ҳам, лаҳзали воқеъликлардан ҳам
файритабии талқиннинг китобхонлар онгига бир умрга нақшла-
ниб қоладиган ёрқин тасвирлар чизиш имконини беради. Ҳазрат
Алишер Навоий ана шундай мўъжизакор қалам соҳиби, чина-
кам сўз сеҳргари эди.

Даҳо ижодкор Алишер Навоий ўзигача бўлган даврдаги форс-
тоҷик ва туркий адабиётлардан мукаммал хабардорлиги илм
аҳлига аён. Шоир ўзининг «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида
«Ўн беш ёштин қирқ ёшгача» форс-тоҷик шеъриятидан атроф-
лича баҳраманд бўлганини таъкидлаб: «Ўқуриға давовиндин
бу фақир мутолаасига машғул бўлмағон девон оз эркин», деб
ёзар экан, хусусан, Амир Хисрав Дехлавий ва Ҳофиз Шерозий,
Муслиҳиддин Саъдий, Абдураҳмон Жомийлар шеъриятини чу-
кур ўргангани, «Хамса»ни ёзиш жараёнида эса Низомий ва Амир

Хисрав, Ҳожу Кирмоний ва Ашраф, Абдураҳмон Жомийларнинг достонлари унинг бошига дурлар сочганини, «йигитлиги замони ва шабоб айёмида шеърда сеҳрсоз ва назмда фусунпардоз шуаронинг ширин ашъори ва рангин абётидин эллик мингдан ортиқ ёд тутгани»ни айтиб ўтган эди. Бинобарин, Навоий бу жараёнда форс-тожик шеъриятининг бутун нафосату назокатини ўзлаштирас экан, бадииятнинг юзлаб усуслари қатори ҳусни таълил санъати соҳасидаги ютуқларни ҳам жиддий ўргангандиги шубҳасиз.

Шоир XIV-XV асрнинг биринчи ярмида ижод қилган туркигўй соҳиби каломларнинг асарлари билан яхши таниш эди, албатта. Уларнинг ҳар бир ғазали, туюқлари Навоий томонидан ҳар томонлама тадқиқ қилиниб баҳоланган эдики, «Мажолис ун-нафоис» асари бунинг ёрқин далилидир. Бу жараёнда ижодкор ҳусни таълил санъатининг табиати, унинг имкониятлари доираси, гайритабии талқин усулидан фойдаланишда эришилган муваффақиятларга ҳам алоҳида диққат қилган бўлиши табиий. Шундай экан, Навоий ҳар икки адабиётдаги ҳусни таълил анъаналарини давом эттириш ва ривожлантириш мақсадини ҳам ўз олдига қўйганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Форс-тожик ва туркий адабиётлардаги бадиият масалаларидан атрофлича хабардор бўлган Алишер Навоий бошқа санъатлар қаторида ҳусни таълилнинг лирик ва эпик тимсоллар яратиш, бетакрор ва таъсирчан лавҳалар чизиш, ўқувчи хотирасидан ўчмайдиган жозибали манзараларни кашф этишдаги имкониятларини теранenglаб етган эди. Ҳусусан, малик ул-калом шоирлар мавлоно Атойи ва мавлоно Лутфий ғазалиётларида қўлланган бир-биридан мунаққаш тасвирлар бадиий хаёлот олами кенг бўлган ижодкорда ҳусни таълил санъатидан фойдаланиб инсон руҳиятини, унинг түғёни кечинмалари, шаффофтуйгуларини ниҳоятда ёрқин, ҳайратомуз ифодалай олиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилган эди.

Алишер Навоий ўз шеъриятида бу ажойиб тасвир воситасини янада кенгроқ қўламда истифода этишини мақсад қилиб қўйгани кўзга ташланиб туради. Ўзбек тилининг бой ва гўзаллигини, унинг қудрати-ю салоҳиятини имкон қадар тўлароқ намоён қилишга бел боғлаган даҳо ижодкор ушбу санъатнинг имкониятларини янада кенгайтириш, унинг воситасида янада ёрқинроқ ва таъсирчанроқ тимсоллар яратиш ниятини дилига туғиб ол-

ган эди. Даҳо шоирнинг лирик ва лиро-эпик мероси билан чуқурроқ танишсак, унинг бошқа санъатлар қаторида ҳусни таълил усулини ривожлантириш соҳасида ҳам юксак натижаларга эришганлигига ишонч ҳосил қиласиз. Ҳусусан, Навоий ғазалиётидагайрантабии талқин усули кенг қўлланиб, унинг юзлаб янги ва бетакрор ифодалари яратилди.

Шоир, аввало, ҳусни таълил санъати ижодкор бадиий салоҳиятини ёрқин намойиш этувчи ўзига хос кўзгу эканини исботлаб берди. Унинг бир-биридан латиф ғазалларида ушбу усулнинг ифода имкониятлари чексиз эканлиги, иқтидор соҳиби ҳаёт ҳақиқатини файритабии талқин этиш асосида безавол бадиий лавҳалар яратиши мумкинлигини далиллади.

Навоий ҳусни таълил ифодалари учун хизмат қилиши мумкин бўлган ҳаётий тимсоллар қўлламини кескин кенгайтириб, ўзигача бўлган форс-тожик ва туркий ғазалиётда қўлланмаган ўнлаб тимсолларни шеъриятга олиб кирди. Юлдузлар ва булутлар, субҳа ва шафақ, раъд ва барқ, нарғис ва райҳон каби ўнлаб янги тимсоллардан фойдаланиш ҳусни таълилнинг бир-биридан ёрқин ва жозибадор намуналарини яратиш имконини берди.

Шоирнинг мазкур соҳадаги муҳим кашфиёти ранглар тасвирнинг кенг қўламда истифода этиб кутилмаган ҳусни таълил ифодаларини рӯёбга чиқариш бўлди.

Навоий ўз салафлари ижодида қўлланган кўплаб тимсолларнинг файритабии талқин соҳасидаги имкониятларини сезиларли даражада кенгайтирди. Шоир ушбу усулнинг ишорали ҳусни таълил, шибҳи ҳусни таълил каби турларидан ҳам кенг фойдаланди.

Дарҳақиқат, Навоийгача яшаган ижодкорлар, шунингдек, Атоий, Лутфий, Гадоий каби буюк шоирлар ўзларининг лирик шеърлари, ҳусусан, ғазалларида ушбу ажойиб санъатдан асосан маҳбуба гўзаллигию латофатини, назокати-ю ҳулқу одобини бетакрор бир тарзда ифодалаш учун кенг фойдаланганликлари юқорида келтирилган кўплаб далиллардан кўзга аён ташланиб туради. Бу эса ўз навбатида файритабии тимсолларнинг муайян кўлами ва доирасини ҳам белгилаб берган. Яъни улар гўзал ниғор қиёфасини таъсирчан бир тарзда тасвирлашга имкон берадиган тимсолларгагина эътибор қаратганлар, маъшуқа қадду чехраси, лабиу қўзи, холиу киприклари, жилвао рафтори кабиларни ёрқин акс эттиришга хизмат қиласиз.

дом, қанду наввот, сарву шамшод каби тимсолларга мурожаат қилиб, уларнинг ҳолатио ҳаракатлари, шаклу сифатларини файритабий изоҳлаш усулини қўллаганлар.

Алишер Навоий эса мазкур санъатнинг бадиий ифода соҳасидаги имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиб, ушбу анъ-аналарни давом эттирган ҳолда муҳим бир кашфиётдан шеъриятимизни баҳраманд қилди: у ҳусни таълил санъатини ўзи чизаётган лирик қаҳрамоннинг қиёфаю туйғулари, севгилисига бўлган сидқу вафоси, ҳижрон дамларидаги дардли кечинмаларини таъсирчан ифодалаш учун ҳам қўллай бошлади. Шу туфайли адабиётимиз хазинасига кўплаб янги тимсоллар кириб келди, олдин истифода қилинган тимсолларнинг эса имконият доираси янада кенгайди. Шеъриятимизда илгари қўлланмаган юлдуз, анжум, шиҳоб, ахтар, субҳ, шафақ, шамъ, барқ, чақин, қуюн каби ўнлаб тимсоллар ошиқ қиёфаси, ички оламини файритабий ифодалашга мақбуллиги туфайли шеъриятимиздан кенг ўрин олди. Жумладан, Навоий

Эй Навоий, кўк қизиб бўлмиш қизил, эрмас шафақ,
Шуъла ўтлардинки, оҳинг айлади фош остиға

байтидаги ҳусни таълил ҳам ана шундай мақсадни кўзлайди. Дикқат қилинса, шоир шафақни ошиқнинг оҳи ҳарорати билан қизиб, қизишилик кашф этган осмоннинг ҳолати тарзида файритабий ифодалар экан, ошиқнинг ички оламини жозибали ва бетакрор бир тарзда акс эттиришга эришади.

Не ажаб, Фарҳоду Мажнун зикриким бўлмиш унут,
Ким, мен эл ичра жунуну ишқ ила мазкурмен

байтидаги талмиҳли ҳусни таълил ҳам лирик қаҳрамоннинг ишқдаги садоқати туфайли эл тилидан тушмаслигини файритабий шарҳ асосида ифодалашга хизмат қилади.

Ҳусни таълил ифодаларида ошиқ қиёфаси талқинига ўтиш шоир учун янада кенгроқ имкониятлар яратиши анъанавий тимсолларнинг янгича ғоявий-бадиий ниятни рӯёбга чиқариш учун фойдаланишига йўл очди. Чунончи, Навоийгача бўлган шеъриядда ҳилол тимсоли асосан маҳбуба қошининг васфи учун қўлланган бўлса, энди лирик қаҳрамонга хос руҳий ҳолатни таъ-

сирчан акс эттиришга хизмат қила бошладики, бу фикр далилини «Бадоєп ул-васат» девонидаги:

Мен ҳавойини не тонг кўргузсалар бир-биргаким,
Эгма қошинг фикри андоқким ҳилол этмиш мени

байти мисолида кўриш мумкин. Ушбу бадиий лавҳада ёрининг эгма қоши ҳақида ўй сураверган ошиқнинг ўзи ҳам ҳилолга ўхшаб қомати букилиб қолгани, янги ойни томоша қилиб, уни бир-бирларига кўрсатаётган одамлар аслида ошиқ ҳолатидан изтироб чекаётганликлари таъкидланар экан, нафис бир ҳусни таълил манзараси чизилган эди.

Атоий, Лутфий каби ижодкорлар гулларнинг қизаришига уларнинг маҳбуба рухсоридан уялишини далил қилиб келтирган бўлсалар, Навоий бу ҳолатга ошиқ тортган «Ўтлуғ оҳ» сабаб бўлганини таъкидлайди:

Гуллар ўлмиш оташин то ўтлиф оҳим тортибон,
Айламишмен оразинг ҳижронидин гулгашти боғ.

Шоир қаламига мансуб:

Дафъа-дафъа гул сочиilmайдир гулафшон боғида,
Ким, менинг гулгун ёшимдин қатра-қатра қон эрур.

байтидаги файритабиий талқин ҳам шу тарздаги ҳусни таълил ифодаси эди. Мисралардаги дафъа-дафъа, қатра-қатра мутакаррир лафзлари бу хил тасвирга ўзгача бир жозиба бағишлиғанлиги ҳам кўзга ташланиб турибди.

Файритабиий талқин доирасига лирик қаҳрамон қиёфасининг олиб кирилиши, шунингдек эл-юрт ва замон, ижтимоий-ахлоқий ҳаёт фояларининг илгари сурилишида ҳусни таълил санъатининг қўлланиши ушбу усуслни айрим тимсоллар сифатида истеъфода қилиш билан чегараланмай, глобал кўламда ифодалаш, бутун олам манзараларини шу хилда тасвирлаш учун ҳам кенг имконият яратди. Чунончи, Навоий битган:

Кечалар афлок невчун ёш тўкар кийиб қаро,
Бўлмаса мискин Навоий ҳолига мотамлари

байтида тун чоғи оламнинг қоронгулик қаърига чўмиши, фалакнинг юлдузлардан кўз ёш тўкиши уларнинг шоир, лирик қаҳрамон ҳолига куюниб, мотам тутишлари тарзида файритабиий талқин қилинганди.

Навоий мазкур санъатдан фойдаланган ҳолда ижтимоий ҳаёт манзараларини файритабиий тасвирлар экан, ҳусни таълил имкониятларини янада кенгайтиради. Масалан:

Чарх гўёким чекар меҳнат юки давр аҳлидин,
Ким бори жисмидан тер ўлмиш, қадди хам

байтида ана шундай тарздаги файритабиий талқинни кўрамиз.

Шоир яратган юзлаб ҳусни таълил ифодаларини тадқиқ этиш уларнинг аввало ижодкор кузатувчанлиги, табиат ва жамият ҳаётининг ёрқин манзараларини танлаб, уларнинг файритабиий талқин имкониятларини кўра олиши, табиий ҳолат ва ҳаракатларни инсонлар фаолиятига қиёслаб, ҳайратомуз номантиқий лавҳалар чиза олиши, хилма-хил афсоналар учун асос бўлган воқеаларни бадиий шарҳлаш орқали ўз фоявий-бадиий ниятларини рўёбга чиқара олиш каби юксак салоҳият, кучли хаёлий тафаккур, синчков мантиқий таҳлили натижаси сифатида майдонга келганига ишонч ҳосил қиласиз.

Адабиётимиздаги ҳусни таълил ифодаларининг кўпчилик қисми салафлар ижодида қўлланган талқинларнинг кейинги давр шоирлари томонидан ривожлантирилиши натижаси сифатида юзага келган. Бу жараён икки хил кўринишга эга: биринчиси, ҳусни таълил фояси сақланади-ю, файритабиий талқинни янгиланади, иккинчisi, талқин сақланади-ю, фоя янгиланади.

Маълумки, файритабиий талқин шоир томонидан ўйланган у ёки бу фоянинг бадиий ифодаси саналади. Ана ўша фояни рўёбга чиқариш учун муайян талқин амалга оширилади. Жумладан, Лутфий қаламига мансуб:

Юурда енг била оғзингни тутма,
Нимаким йўқ дурур, ёшурмоғинг не?

Байтида шоир назарда тутган фоя маҳбуба оғзининг йўқ даражади кўзга кўринмаслигини таъкидлашдир. Уни рўёбга чиқариш

учун шоир маҳбубанинг юриш маҳали оғзини енг билан тўсиши манзарасини асос қилиб олиб, шу ҳолатни файритабии талқин қилиш учун «Оғзинг йўқку, шундай экан, йўқ нарсани яширишинг нимаси?» қабилидаги фикрни баён қиласди.

Шу фоя Лутфийдан кейинги шоирлар томонидан ҳам давом эттирилди, аммо улар фояни сақладилару, талқинни ўзгартириллар. Жумладан, Навоийнинг

Эй Навоий, оғзидин кўнглумда гар бор эрди шак,
Қатлима чун демади сўз, бартараф бўлди шаким.

байтида: «Эй Навоий, ёр оғзи ҳақида шубҳам бор эди: оғзи бор-микан ёки йўқмикан дердим. Маҳбуба мени ўлдириш ҳақида сўз очмади, шу туфайли шубҳам бартараф бўлди: оғзи йўқ экан», деган мазмунни ифодалаган. Бинобарин, Лутфий асарида «Маҳбубанинг оғзи йўқ даражада», фояси Навоий томонидан ҳам такрорланган, лекин унинг далили сифатида янги бир талқин, «Қатл этиш ҳақида сўз очмади», деган далил келтирилган.

Саккокий яратган:

Элтти оғзингдин ўурлаб писта торликни анга,
Туз сувин қўйдилар онча, ондин иқрор айлади

байтида «Маҳбуба оғзи писта оғзидан ҳам кичик» деган фоя ифодаланган ва бу фикр: «Писта торликни сендан ўғирлаб олиб, ўз айбини бўйнига олмаётган эди. Одамлар унинг оғзига туз сувини кўп-кўп қўйган эдилар, у ўз гуноҳига иқрор бўлди», деган файритабии талқин келтирилган. Навоий ўзининг:

Дема лафзинким, тили эврулмагондиндур синуқ,
Ким топар тор оғзидин чиққунча кўп озор лафз

мисраларида Саккокий фоясини такрорлаб, маҳбуба оғзининг мўъжазлигини таъкидлайди, лекин бу даъвони янги, кутилмаган бир файритабии талқин билан далиллайди: гўзал маҳбубанинг тили чучуклигига унинг оғзи торлиги сабаб бўлган экан, шунинг учун сўзлари у оғиздан чиққунча кўп озор топар, қийналиб, буралиб чиқар экан.

Алишер Навоийнинг ҳусни таълил санъатини ривожлантиришдаги хизмати табиат ҳодисаларининг тўлиқ ва жонли ман-

зараларини ғайритабиий талқын қилиш бўлди. Шоир салафлари ижодида бу хил тасвир усули қўлланган эмасди. Атойи ва Лутфий, Саккокий ва Гадоийлар ижодида табиат ҳодисаларининг айрим лавҳаларигина шу хил талқын учун асос қилиб олинган бўлса, Навоий бир қанча тимсолни бир байтда қаламга олиш билан янги ва бетакрор ифодалар, ўқувчининг ёдидан бир умр кўтарилилмайдиган нафис тасвиirlар яратиш анъанасини бошлаб берди. Масалан:

Баҳор элга айшу манга изтироб,
Кулуб ҳолима барқу йиғлаб саҳоб

байтида ҳаётий бир лавҳа – баҳор айёмида табиатнинг кўриниши: одамларнинг гўзал далаю тоғларда яйраши, лекин ошиқнинг ўз севгилисига етишолмай бу баҳтдан бебаҳралиги, чақмоқ чақиб, момақалдироқ гулдираб, ёмғир қувиши уларнинг шоир изтиробига шериклiği, ҳамдардлиги тарзида ғайритабиий талқин қилинганди.

Раъду сел эрмас, фифону ашк эрур буким, ҳар ил,
Гул юзунг кўргач тутар ўз ҳолига мотам баҳор

байтидаги тасвирда ҳам кўклам чоғидаги табиат манзараси – чақин чақилиб, момақалдироқ гулдираб, сел ёғишини баҳорнинг маҳбуба юзини кўриб, рашки кўзғалиб, ўзининг чиройда унга тенгланша олмаганидан ўз ҳолига мотам тутиши тарзида ғайритабиий талқын қилинаётгани кўзга ташланиб туради.

Навоий қаламига мансуб

Йиғламоқ чун айлади даъво кўзум бирла булут,
Барқ гўё муни фаҳм айлаб йиқилди кулгудин

байтида тасвирланган манзарани чуқурроқ мушоҳада қиласидан бўлсан, унинг ҳаётий ҳақиқатга асослангани, ҳар бир тимсол, ҳар қайси ифоданинг мантиқан далилланганига ишонч ҳосил қилимиз. Тасаввур қилинг-а: баҳор фасли. Бу гўзал айёmdа ўз маҳбубаси висолига ета олмай фифон чекаётган вафодор ошиқ Шигит кўзларидан тинмай ёш оқяпти. Буни кўриб турган булут унни маскара қилаётгандек қаттиқ «йиғламоқда» – жала қуймоқла. Унинг бу ҳаракати кулгили, зоро ҳар қанча интилмасин, ошиқ-

дан күпроқ күз ёш тўкиши амри маҳол. Шунинг учун ҳам бу «мусобақа»ни кузатаётган барқ «қаҳ-қаҳа уриб» (чақмоқ чақилиб, момақалдироқ бўлиб) кулгисининг кучлилигидан «ерга йиқилиб тушди». Эътибор берилса, баҳор чоғида кучли жала ёғиши ҳам, чақмоқ чақилиб, момақалдироқ бўлиши ҳам ҳаётий ҳақиқатлигини англаш қийин эмас. Барқнинг кулгидан йиқилиб тушиши-чи? Бу хил манзарага диққат қилган киши чақмоқнинг юқоридан қўйига, ерга томон ҳаракат қилишини кўра олади. Шоир барқнинг йиқилиб тушиши ҳақида гапирганда ана шу ҳақиқатни назарда тутади. Аниқроғи, барқ – чақмоқнинг ер томон иниши кулгидан йиқилиб ерга думалаётган инсон ҳаракатига қиёсланади. Шундай қилиб, ташхис ва муболага асосидаги ушбу ҳусни таълил намунасида Навоий бадиий даҳосининг салоҳияти яна бир бор бўртиб кўринади.

Алишер Навоийнинг ҳусни таълил санъатини ривожлантириш соҳасидаги муҳим хизмати ушбу санъатга асос бўлган жисмлар, буюмлар, мевалар, қимматли тошлар ва бошқаларнинг шаклий ҳусусиятларидан кенг кўламда фойдаланиш бўлди. Маълумки, нарсалар шаклий файритабиий талқин учун ниҳоятда қулай эканлигига шоирнинг салафлари ўз эътиборларини қаратган ва бу соҳада дастлабки муваффақиятларга эришган эдилар. Жумладан, ойнинг қамар ва ҳилол ҳолатлари, гунча, бинафша, полалар, сарв, писта ва бошқаларнинг ташқи кўринишларини файритабиий шарҳлаш оқибатида майдонга келган кўплаб ёрқин байтлар билан юқорида танишиб ўтган эдик. Бу хил тасвирлар мөҳиятини атрофлича тадқиқ этган Навоий қаламга олинган тимсолларнинг шаклий ҳусусиятларидан янада унумлироқ фойдаланиб, кўплаб бетакрор ва таъсирчан ифодалар яратиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилди ва шу асосда ранг-баранг бадиий лавҳаларни кашф этди.

Навоийгача бўлган шеъриятимизда қуёш тимсолига мурожаат этиб, унинг нурини, ҳаракатини, чиқиши ва ботишини тасвирловчи ҳусни таълил ифодалари яратилганидан хабардормиз. Лекин Атойи, Лутфий, Саккокий ва Гадоийлар унинг шаклига етарлича аҳамият бермагандилар. Алишер Навоий худди шу асосда бир қатор жозибали ва мазмундор талқинларни мужассамлантириди. Масалан, унинг қаламига мансуб:

Ногаҳон отқайму деб бир ўқ қабақ шакли била,
Боши устига келур майдонда ҳар кун офтоб

байтида қүёшни шакл жиҳатидан қабаққа – ёй үқини отища ишлатиладиган думалоқ кўринишдаги нишонга қиёс қилган шоир: «Қуёш ўқ отиш майдонидаги қабаққа ўхшаши туфайли: «Маҳбуба менга қараб ўқ отсади», деган орзу билан ҳар куни ёрим боши устига келади», деган мазмунни ифодаловчи ҳусни таълил намунасини яратган эди. Файритабиий талқин эса қуёш қиёфасини унинг орзуси тарзида шарҳлашда кўзга ташланади. Шоирнинг:

Қуёш юзига боқардин назар эрур ожиз,
Юзингдин элтти магар акс зоҳир ул кўзгу

мисраларида қуёш шакли кўзгуга қиёсланиб, шаклий ҳусни таълипнинг яна бир нодир ифодаси қаламга олинганини кўрамиз.

Навоийгача бўлган шеъриятимизда ҳилол шаклидан деярли фойдаланилмаган эди. Алишер Навоий бу соҳада эътибордан четда қолган имкониятларни кашф этиб, бир қатор ёрқин ифодалар яратди. Жумладан:

Янги ойни қошинг гўё қулум дебтур ҳилол отлиф,
Қади таъзим учун хамдур, бўлуб бу нуктадин мамнун

байтида ҳилол шакли таъзим учун букилган қадга қиёсланиб: «Янги ойни қошинг «қулим» деб атабдию, унга ҳилол деб исм қўйибди, бундан беҳад мамнун бўлган ой таъзимга эгилиб, қаддини хам қилибди», мазмунини англатувчи ҳусни таълил намунасини вужудга келтирган.

Шамънинг шаклий хусусиятларига ҳам Навоий салафлари жуда кам мурожаат этган эдилар. Шоир унинг кўринишларини Гайритабиий талқин қилиши воситасида кўплаб пурмазмун бадиий лавҳаларни акс эттириди, унинг:

Сарвнозим бошида то кўрди мушкин кокулин,
Шамъ айлабдур муанбар дудидин кокул ҳавас

книби ажойиб байтлари фикримиз далили бўла олади. Уларда шамънинг кўринишлари маҳбуба жамолијо кокулига шайдолик ифодаси тарзида талқин қилиниб, бежирим ҳусни таълил ифодалари рӯёбга чиқарилган.

Булатқа ҳұмрат әрмас мәхрдин, балким тутолибдур
Момуқдек баски чиқди оғим үтидин алам қар өн

байтида эса булаттинг қызығыш ранги ошиқ оқининг осмонга ўрлаган үти туташып ёнаётган пахталар тарзида файритабий шарҳланганини күрамиз.

Дема шингарфий булат, қар өн әрүр қонлиғ момуқ,
Тоза доғидин әрүр мендек магар хунбор субҳ

байтида эса шоир субҳдан қызығыш ранг касб этган булатларни қонли пахталарга үхшатыб, ошиқнинг янги яраларига ишора қиласади. Шоир қаламига мансуб

Деманғ үл ой узра солмиш соя бир мушкін булат,
Гүйең мен тортқан ҳажрида дуди оқыдир

мисраларида ошиқ охлары дуди қора булат қиёфасида маҳбуба боши устига соя солаётгандек таъкидланадыки, бу хил тасвир бедил садоқати ифодаси учун хизмат қилаётганини кузатиш қийин әмас.

Ранглар тасвиридан файритабий талқин учун фойдаланиш маҳорати Алишер Навоийнинг қофоз рангларига бағищланған байтларидаги ҳусни таълил ифодаларида ҳам ёрқин акс этиб туради. Маълумки, Навоий даврида китобот учун сариф, қызығыш, қўқимтири, ним яшил қофозлардан фойдаланиб келингган. Навоий эса ана шу рангларни шоирона шарҳлайди:

Эмас ғамимни ёзар ҳатқа зарфишон коғаз,
Ки шуъла чекти дамимдин битир замон коғаз

байтидаги тасвир ҳам юқоридаги талқинга яқин туради, лекин ушбу байтларда қофоз ранги ошиқ нафасидан ўзгаргани таъкидланған. Шоир

Кўргач оғимни ғазабдинму қизарди үл узор,
Йўқса үл ҳұмрат бу ўттинг тобидин бўлди асар

мисраларида маҳбуба рухсоридаги қизилликни тажоҳули орифона усулига амал қилған ҳолда: «Ёрим юзи оҳ урганимга ғазаб-

ланганидан қизордими ёки оҳим ўти ҳарорати таъсириданми?» мазмунини ифодалаган эди.

Чарх даври зулмидиндур гүйёким сарғариб,
Кўргузур йиғлаб, яқо йиртиб, ажаб ашкол субҳ

байтида субҳ ранги фалсафий мушоҳадалар асосида унинг чарх зулмига чидай олмай изтироб чекиши оқибати сифатида таъсир-чан талқин қилинган.

Гўйё тўти хатинг бирла лабингдин сўрди нутқ,
Ким, лиbos ўлди зумуррадгун анга, минқор лаъл

байтида тўтига хос зумуррадгун либос ва лаългун минқор унинг ёр хатти – лаби устидаги майин туклари ва лаъл лабидан баҳс этиши билан файритабиий тарзда далилланган.

Бу қизорган кўз аро мардум эмаским, эл кўзи
Тегмасун ҳуснунгфа деб ўт узра солибмен сипанд.

Байтда: «Қизорган ушбу кўзларим ичидаги қораҷиф эмас, балки сенинг ҳуснингга элнинг кўзи тегмасин деб ўт устига исириғ солғанман», деган мазмун ифодаланганини уқиб олиш қишини эмас. Шоир қизорган кўзни оловга, қораҷифни исириққа қиёслаган ҳолда ошиқнинг ўз маҳбубасига бўлган чексиз муҳаббатини ана шундай файритабиий талқин асосида ёрқин мужассам-лантирган эди.

Хилма-хил рангларни шу хилдаги ҳусни таълил воситасида далиллаш маҳоратига доир мисолларни Навоийнинг лирик ва лиро-эпик шеъриятидан жуда кўплаб келтириш мумкин. Бу билан шоир адабиётимиздаги ҳусни таълил санъатининг ушбу пўналишини бошлаб берди ва ўзи унга муносиб ҳисса кўшди.

Алишер Навоийнинг ушбу санъат ривожига қўшган ҳиссаси ташвиҳли ҳусни таълил соҳасида ҳам яққол кўзга ташланиб туриши. Маълумки, файритабиий талқиннинг ушбу тури бу хил таснирда машҳур афсоналар, тарихий воқеаларнинг қаҳрамонлари номларига, халқ яратган мақол ва ибораларга ишора қилишни шартлаштирган тутади. Навоийгача бўлган даврда яшаб ижод этган йирик шоирлар бу хил ҳусни таълилнинг дастлабки намуналарини шартлаштирган әдилар.

Алишер Навоий бу хил тасвир усулини давом эттирибгина қолмади, балки афсоналардан фойдаланиб файритабиий талқин яратишнинг янгидан-янги имкониятларини кашф этди. Унинг

Нега зулматқа инар Хизр суйи,
Топмаса нўши зулолингдин ўёт

байтида Хизр суви деб аталмиш обиҳаётнинг маҳбуба лабидан уялаб зулматга қочиб кетганига ишора қилиш билан шоирона талқин лавҳаси чизилган бўлса,

Еру кўкни истабон пайдо эмас Хизру Масиҳ,
Қочтилар гўё дудогинг оби ҳайвонин кўриб

мисраларида ҳам Хизр, ҳам Масиҳнинг маҳбуба лабидан уялиб қочиб юриши таърифланади.

Эй хату лаълинг қошида мунфаил Хизру Масиҳ,
Не ёшунмоқдур гар эрмаслар хижил Хизру Масиҳ

байтида яшил кийимда юрувчи Хизрнинг маҳбуба хатти – лаби устидаги майнин туклари олдидаги, Исо Масиҳнинг эса унинг лаби қошидаги хижилликлари ифодасида гўзал бир ҳусни таълил на-мунаси яратилганини кўрамиз.

Ул ёшунгай зулмат ичра, бу фалактин ёнмағай
Кўрсалар хатту лабингни ногаҳон Хизру Масиҳ

мисраларида эса: «Агар хатту лабингни ногаҳон Хизру Масиҳ кўриб қолсалар, буниси зулматдан, униси эса осмондан қайтиб тушолмай юришарди», мазмунидаги файритабиий талқинда ҳам ҳар икки шахс ҳақидаги халқ афсоналарига ишора кўзга ташла-ниб туради.

Алишер Навоий, хусусан Мажнун ҳақидаги афсонага кўпроқ мурожаат этади. Унинг

Магарки мен каби элдин қочарни айласа варзиш,
Кийиклар ичраки Мажнун тамоми умр югурди

байтида Мажнуннинг дашту саҳрода дарбадар кезишига унинг ошиққа ўхшаб ҳалқ орасидан қочишни истагани далил қилиб келтирилган эди.

Мени Мажнундек тутуптур дашт демангким, бу дашт
Тоғлар эрдики, хомун қилди кўнглум қайфуси

мисраларида эса ошиқ чеккан аламлар туфайли тоғлар хароб бўлиб, дашт ҳолатига келганлиги файритабиий шарҳланади. Навоий яратган қуйидаги тасвир фоятда ҳайратомуз:

Топти Мажнун шуҳрату қолди менинг қиссам ниҳон,
Ким, ўлар ҳар ким фасонамни бидоят айласа

Байт мазмунига назар ташласак, унда ошиқ муҳаббати ҳақидаги достоннинг эл орасида машҳур бўлмаслигига бу риво-ятни айта бошлаган ҳар бахшининг бедил чеккан изтиробларга чидай олмай ҳалок бўлгани тарзидаги файритабиий шарҳ ифодаланганини кўрамиз.

«Фавойид ул-кибар» девонидан ўрин олган

Теша бирла қозди тоғ Фарҳоду, мен тирноғ ила,
Эй кўнгул, меҳнат чекарда дема они мен кеби

байтидаги ҳусни таълил ҳам эътиборга сазовор. Шоир унда ошиқни Фарҳоддан устун қўяр экан, бунга Кўҳканнинг тоғни теша билан қозгани, ўзи эса тирноғ билан бу ишни бажаргани, шу туфайли уни азоб чекищда ўзига тенг қўйиш асоссизлигини файритабиий талқин усули асосида ифодалаган эди. Бундай бири биридан нафис ва таъсирчан ҳусни таълил намуналарини Навоий шеъриятидан яна кўплаб келтириш мумкин.

Навоийнинг талмиҳли ҳусни таълил усулини ривожлантиришдаги муҳим хизмати пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо мадҳига бағишлиланган наът фазалларда ул зот фазилатларини қаламга олишда файритабиий далиллаш ифодаларини яратиши бўлди. Бу хил ижодий тамойил шеъриятимиздаги ҳусни таълил хазинасини янги фоялар, янги тимсоллар билан бойитиш, фоят ёрқин лавҳалар чизиши имконини бердики, бу фикр далилини наът фазаллардаги

Сипеҳр ҳар кеча юз минг кўзин недин юммас,
Висолинга яна бир кеча гар эмас муштоқ.

...Қамар ҳар ой боши мўъжизнамой илгингдин
Қочиб бошини ўғирларки бўлур ўйла дутоҳ.

...Даврон чаманидин сен ул лаҳзаки чиқдинг, гул
Тирноғлар ила қилди руҳсорини юз парканд

каби қатор-қатор ҳусни таълил ифодаларида олам сарварига хос
бўлган буёк маънавият, улуғвор ахлоқ, бекиёс инсонпарварлик
каби фазилатлар улуғланади. Бу хил ҳайратомуз файритабиий
талқинлар ҳусусан «Фаройиб ус-сифар» девонидаги олтинчи
ғазалда кўп қўлланган. Ундаги:

Юз эшигинг туфроғига сурта олғайманму деб,
Чарх қасридин қуёш ҳар кун тушар олам аро

байтида қуёшнинг ҳар куни чиқиши унинг Муҳаммад мустафо
эшиклари туфроғига ўз юзини суриш орзуси ифодаси тарзида
файритабиий талқин қилинган бўлса,

Машъале бўлмиш малак илгига равзанг бошиға
Ой чароги кечалар бу нилгун торам аро

мисраларида пайғамбаримиз марқадлари устида порлаётган ой
бу муборак манзилни ёритиш учун фаришталар тутиб турган
машъал сифатида шарҳланади.

Соф кўнглида юзунг меҳрини гўё асрамиши,
Туш ҷоғи ҳар кун қуёш акси эмас Замзам аро

байтидаги ҳусни таълил эса туш ҷоғида Замзам булоғида акс
этайтган нур қуёш эмас, балки булоқнинг соф қалбида жилола-
наётган Набий алайҳиссалом чеҳраларининг меҳри қуёши экан-
лигини таъкидлашга хизмат қилган.

Не учун киймиш қаро ҳар ён солиб жайбиға чок,
Фурқатингдин Каъба гар қолмайдурур мотам аро

мисраларида эса шоир: «Каъба сендан айрилганига мотам тут-маётган бўлса, нега устига йиртиқ қора кийим кийиб олди?» деган фикрни ифодалар экан, аҳли жаҳоннинг Расууллоҳ саллолоҳу алайҳи ва салламдан айрилиб қолгач, чеккан изтироблари-ни Каъба устига ёпилган қора матони файритабиий талқин қилиш воситасида фоят таъсирчан ифодалаган эди.

Юқорида келтирилган мисоллар ҳусни таълил санъати аниқ бир тарихий шахс мадҳи учун кучли бир ифода усули бўлиб хизмат қилгани, шоир ундан ниҳоятда ёрқин тимсоллар яратишида моҳирона фойдаланганидан далолат беради.

Шундай қилиб, Алишер Навоий машҳур афсона ва ривоятларнинг қаҳрамонларига ишора қилган ҳолда файритабиий талқин воситасида фақат маҳбуба латофатини акс эттиришдагина эмас, айни чоғда ошиқнинг ички олами, түғёнли кечинмалари, нозик туйғуларини ҳам таъсирчан ифодалашга эришиш мумкинлигини далиллади.

Алишер Навоийнинг ҳусни таълил ривожига кўшган яна бир ҳиссаси акс тасвир деб аталган усулни адабиётимизга олиб киришда ўз ифодасини топди. Ушбу усул бирор нарсанинг кўзгу ёки сувдаги аксини файритабиий талқин қилишни назарда тутади. Шоир бу хил тасвирга мурожаат қиласар экан, ҳусни таълилнинг бир қатор гўзал намуналарини яратганди. Унинг қаламига мансуб:

Анжум эрмаским, фалак миръоти ичра тушди акс,
Баски, дур сочили ер узра кўзум уммонидин

байтида осмонда чақнаб турган юлдузларни ошиқнинг кўзлари уммонидан ерга сочилган дурларнинг фалак кўзгусига тушган акси, дея файритабиий шарҳлайди.

Сипеҳр баҳрига боқсанг, юзунгга акс дуур мөҳр,
Кўрунур икки қуёш чун бўлур қуёшқа су ўтру

мисраларидаги ҳусни таълил алоҳида эътиборга лойиқ. Ундаги мазмунга диққат қиласайлик. Ошиқ ўзининг гўзал маҳбубасига қаратади: «Сен осмон денгизига боқсанг, юзинг акси бўлган қуёшга кўзинг тушади. Ахир, сувда қуёш акс этса, осмондагиси билан қуёш иккита бўлиб кўринадику!», дея мурожаат қиласар экан,

қуёшни ёр жамолининг акси деб атаб, файритабиий талқиннинг энг кучли ифодаларидан бирини яратади.

Қуёш юзига боқардин назар эрур ожиз,
Юзунгдин элтти магар акс зоҳир ул кўзгу

байтидаги тасвир ҳам юқоридаги мисраларга ҳамоҳанг. «Қуёш юзига боқиши мумкин эмас. У кўзгу (куёш)да сенинг юзинг акс этаётганга ўхшайди», мазмунини ифодаловчи ушбу ҳусни таълил ифодасида ҳам маҳбуба қуёшга қиёсланади. Аниқроғи, қуёшга боқишининг мумкин эмаслигига маҳбубанинг юзи қуёшга ўхшашлиги далил қилиб келтирилган.

Зулфунг олиди бинафша суда кўруб аксин,
Қўймади ёна бошин юқори қилмоққа ўёт

байтида акс тасвир файритабиий талқинни ёрқин асослашга хизмат қилган. Шоир бинафшанинг маҳбуба зулфи олдида хижолат чекишини унинг шаклий қўриниши асосидагина таъкидлаши мумкин эди, лекин у мазкур фикрни далиллаш учун унинг ўз аксини сувда кўриб қолиб уялиб кетиши тарзида ишонарли қилиб ифодалайди. Файритабиий талқин эса бинафшанинг хижолат чекиши шарҳида мужассамлантирилади.

Қадингға сарв бош индурмамиш эмас акси,
Ки, даҳр адаб қилур ани солиб су ичра нигун

байтидаги файритабиий талқин ҳам мароқли. «Сарвнинг сувдаги аксига боққин-а: сенинг қадингга бош эгиб таъзим қилмагани учун даҳр уни сув ичига ботириб таъзирини беряпти», деган мазмун ифодасини кўрамиз ушбу мисраларда. Тасаввур қилинг: сувда сарв акси намоён бўлиб турибди, унга боқиб шоир хаёл дарёсига чўмади: «Сарв сув ичиди нима қиляпти?». Ҳа, у маҳбубам қаддига таъзим қилмаган эди ўз қоматини афзал билиб. Ана шу хатоси учун даҳр уни жазоламоқда.

Сипеҳр узра эмас гулгун булат, ҳар сориким тушмиш
Фалак миръотига акси сиришки лаълфомимдин

байтида ҳам ошиқнинг фалак миръотига тушган лаълранг кўз ёшлари гулгун булат бўлиб кўринаётгани таъкидланади, аниқроғи осмонда кезиб юрган гулгун булатлар ошиқ кўз ёшлари-нинг фалак кўзгусига тушган акси тарзида ғайритабиий талқин қилинади.

Алишер Навоийнинг ғайритабиий талқин усулини қўллашда-ги муҳим қашфиётларидан бири ушбу санъатдан салафлари ижодидаги каби асосан маҳбуба ҳусну жамоли, латофатию назокатини таърифлаш билан чекланмай, лирик қаҳрамон – ошиқнинг маҳзун ҳолати, ачинарли қиёфаси, дардли кечинмаларию бири-биридан дардчил туйгуларини ёрқин ва таъсирчан тасвирлашга эришиш бўлди. Шоир ҳусни таълил доирасига ўзи олиб кирган юлдузлар тимсолидан айни шу мақсадда фойдаланди. У яратган:

Анжум дема, гўёки малойикка туташти
Оҳим ўқи учқунлариким, қўкка етурдим.

... Чарх уза ҳар ён шиҳоб эрмаски, қўкнинг ҳолима
Ёш тўкар ҳар лаҳза чашми ашкбори ҳар кеча

байтларидаги каби ғайритабиий талқинлар бедилнинг руҳий ҳола-ти, чекаётган беҳад изтиробларининг нафис ифодаларини мужас-самлантирган эди.

Лола эрмас урди ўт гулшанга бир гул ҳажридин
Ўртаниб ҳар дам Навоий нола қўлмоғи била

Нега йифлаб анбарин зулфин кесар ҳижрон туни
Ўлмагимни англабон гар шамъ тутмайдур азо

каби ўнлаб, юзлаб тасвирларда ҳам ошиқ ҳиссиётларининг те-
ран тажассуми ўз аксини топган.

Халқпарвар мутафаккир шоир ҳусни таълил усулидан кенг кўламда фойдаланаар экан, табиатни инсоннинг ҳамдарди, унинг муҳаббат туфайли чекаётган беҳад изтиробу аламларига шерик бўлган ғамхўру меҳрибон олам сифатида талқин қиласади. Бино-барин, кўз ўнгимизда табиат ва одамзот ягона бир мавжудот тарзида намоён бўлади, бир-бирини ардоқлайди, бири бирига маънавий мадад кўрсатади.

Бахтим уйқусидин афғонлар чекардин гүйё
Хар кеча кўз юммай анжум то саҳар бедор эрур.

Мунграйиб андоқ синуқ кўнглум бузулурким сипеҳр
Бульжаб ҳолимга юз минг кўз била ҳайрон эрур.

...Кечалар афлок невчун ёш тўкар кийиб қаро,
Бўлмаса мискин Навоий ҳолига мотамлари

каби кўплаб байтларда ана шу ҳамдардлик ғоят ёрқин ва таъсир-
чан ифодаланганди.

Навоий тун, осмон, юлдузлар кўринишларини шу тарзда
шарҳлаш билан бир қаторда инсон ҳаёти билан боғлиқ бир қатор
ҳодисаларни тасвирлашда ҳам шу хилдаги талқинга кўп муро-
жаат қиласди.

Алишер Навоийнинг ҳусни таълил санъати ривожига қўшган
яна муҳим ҳиссаси жамият ҳаёти, ижтимоий адолатсизликлар-
ни акс эттиришда ушбу тасвир усулидан моҳирона фойдаланиши-
да ўз ифодасини топди. Масалан, шоир қаламига мансуб

Бевафолиғ тонг эмас элдинки, деҳқони азал
Экмади асло вафо нахли жаҳон бўстонида

байтига диққат қилсак, одамларнинг бевафолигини таъкидлаёт-
ган шоир ўз фикрини бу олам бўстонига вафо кўчатлари экилма-
гани билан файритабиий тарзда ифодалаётганини кўрамиз.

Сипеҳр зулмидин ул навъ мотамидур субҳ,
Ки, умрлар ўтубон чок эрур яқоси ҳануз

мисраларида эса неча-неча асрлардан бери субҳ ёқасининг чок
эканлиги унинг сипеҳр зулмига муносабати – норозилиги ифода-
си сифатида шарҳланади.

Магар замон ғамидин қочмасун деб аҳли ано,
Иҳота айлади бир-бирнинг устида афлок

байтидаги ҳусни таълил ҳам ғоят пурмазмун. Маълумки, фала-
киёт илмида осмон етти қават ҳисобланади. Ҳозирги замон аст-
рономия фани ҳам осмоннинг (атмосферанинг) гомосфера, гете-

росфера, тропосфера, стратосфера, мезосфера, термосфера, экзосфера каби қатламлардан ташкил топганини таъкидлайди. Навоий ана шу илмий ҳақиқатни ажид бир тарзда гайритабиий шарҳлар экан: «Заҳматкашлар аҳли замона ғамидин қочиб кетмасинлар, деб осмон қават-қават қилиб яратилган», деган мазмунни ифодалайди.

Навоий ғазалиётида бунга ўхшаган янги ва бетакрор тасвиirlарни кўплаб учратиш мумкин.

Алишер Навоий ўз шеъриятида ҳусни таълил санъатини қўлпаш жараённида тилемизнинг бор нафосату назокатини, қудрату салоҳиятини, инсон кечинмаларию туйгулар мавжини, эҳтирослари оламининг оташин инъикосини сержилва ва мўъжизакор байтларда мужассамлантиришдаги имкониятлар қўламини бутун тўлалиги билан намойиш қилишга интилади. Унинг сеҳрли қалами билан битилган бетакрор бадиий лавҳалар шундан далолат беради. Фикримиз исботини шоирнинг лирик меросидан ҳам, олти достонидан ҳам кўплаб келтиришимиз мумкин.

Навоий ҳусни таълил ифодаларини яратиш мақсадида китобот санъатига ҳам мурожаат қилиб, гайритабиий талқиннинг янги имкониятларини кашф этди. Бу ўринда шоир сўзлар имлоси, ҳарфларнинг шакл хусусиятларини ўз даъвоси учун далил сифатида келтиради. Чунончи:

Нуқтаи холинг недин ширин лабинг устидадур,
Нуқта чун остин бўлур ҳар қайдаким ёзилса «лаб»

байтида маҳбуба холининг ноўрин қўйилганини ҳаётий ҳақиқат сифатида кўрсатаётган шоир ўз фикрининг тўғрилигини «лаб» сўзи ёзилганида нуқта «б» ҳарфи остига қўйилиши билан исботламоқчи бўлади. Ушбу далилнинг гайритабиийлиги аён бўлиб турибди, зеро лаб остидаги холнинг «лаб» сўзининг ёзилиши билан ҳеч қандай мантиқий алоқаси йўқлиги, бинобарин, шоир даъвосининг асоссизлиги кўзга ташланиб турибди. Аммо ушбу мисраларни ўқиётган китобхон Навоийнинг далилини шартли ҳолда англаб етиб, ижодкор топқирлигига таҳсин айтади, байтларни маънавий ҳузур касб этади.

Нечукким бўлса «дил» лафзиға нуқта, «зул» бўлур ҳосил,
Мазаллат икки айрилғон кўнгулга етти холингдин

байтидаги китобот санъати ҳам нафис бир ҳусни таълил ифода-сига хизмат қылган: «парчаланган құнглум сенинг холинг туфай-ли ҳақоратланди, хүрланди, чунки «дил» сүзи устига нұқта қўйилса, «зул» (хорлик, ҳақорат) сүзи ҳосил бўладида» деган мазмун ифодаланган эди ушбу байтда.

Кўзум ёруғ тилар эрсанг, ўшурма холингни,
Ки, «кўр» ўлур «кўз» агар нұқтасин ниҳон қилсанг

байтида: «Кўзумга равшанлик тиласанг, холингни яширма, чунки «кўз»нинг нұқтасини яширсанг, у «кўр»га айланади», деган мазмун ифодаланган. Биринчи мисрада таъкидланган фикрни далиллаш учун китобот санъати билан боғлиқ файритабиий далил келтирилганини кўриш қийин эмас.

Алишер Навоийнинг ушбу санъат ривожига қўшган улкан ҳиссасининг бир жиҳати унинг ғазалиётида ҳусни таълилнинг хилма-хил кўринишлари, турларидан кенг фойдаланиш бўлди. Шоир ўз асарларида ҳақиқий ҳусни таълил билан бир вақтда шибҳи ҳусни таълил туридан ҳам кенг фойдаланди. Бу хил файритабиий далиллашнинг асосий хусусияти таълилнинг қатъий таъкидланмай, гумонли тарзда айтилиши эканлигини юқорида қайд этган эдик. Масалан,

Меҳр юз кўрмай ўчашибди, пардадин чиққач юзунг,
Олғали қўймас сориг юзин қаро ердин ўёт

байтида: «Қуёш юзингни кўрмай туриб сен билан ҳусн талашган эди, юзингдан пардани кўтарганингдан сўнг уялиб, ердан бошини кўтаролмай қолди», деган фикр қатъий қилиб айтилган, бу ҳақда ҳеч қандай шак-шубҳага ўрин йўқ.

Гул сочар ел боғ аро, сарви равоним келдиму?
Жон иси гулдин келур, ороми жоним келдиму?

байтидаги файритабиий далиллаш эса қатъий қилиб эмас, балки «шундаймикан?» қабилида гумонли бир тарзида ифодаланган. Унда ўз тажассумини топган ҳусни таълил замирига диққат қилсак: «Ҳар сафар ёрим келганида, ел боғ ичида гул сочиб кутиб оларди, бугун ҳам шу ҳолат юз беряпти: яна сарви равоним келганимикан? Маҳбубам қадам ранжида қилган чоғлари гуллардан

жон иси келарди, бугун ҳам шундай бўляпти: ороми жоним келганмикан?», тарзидағи ифодани кўрамиз. Бундай ҳусни таълиллар, гумонли бўлишидан қатъий назар, кашф этилган далиллашмоҳияти туфайли ижодкорнинг ғоявий – бадиий муддаосини англаб етишимизга имкон беради.

Бахтим уйқусидин афғонлар чекардин гўиё,
Ҳар кеча кўз юммай анжум то саҳар бедор эрур.

байтидаги ҳусни таълил ҳам шу тарзда бўлиб, унда ҳам ғайри-табиий сабаб узил-кесил, қатъий қилиб таъкидланмаган, буни биринчи мисраъ охиридаги гўё сўзидан ҳам сезиб олиш қийин эмас. Диққат қилинса, шоир юлдузларнинг туни билан бедор, кўз юммай чиқишига уларнинг ошиқ баҳти ухлаб қолганидан изтироб чекиши, бу саодатнинг уйғонишини саҳаргача интиқ бўлиб кутиши, бедил орзуларнинг рӯёбга чиқишини ҳамдард дўстлар каби тилаб интизор бўлишини ташбиҳ ва ташхис санъатлари воситасида таъсирчан ифодалаётганини кузатиш қийин эмас.

Алишер Навоий яратган ҳусни таълил ифодаларини тадқиқ этар эканмиз, шоир ўзининг ушбу бадиий лавҳаларини зеҳиلى, шеър илмидан хабардор, зуккотаъб китобхонларни назарда тутиб яратганини англаймиз. Зеро, шоирнинг кўплаб шоирона сабаб келтирилган байтлари ишораларга бой бўлиб, ўқувчидан улар замирига жо қилинган теран фикрларни кўра олиш, англай билиш иқтидорини талаб қиласди. Ижодкор ишораларининг мағзини чақа олмаган ўқувчи бу дурдоналар нафосату назокатидан бебаҳра қолиши аниқ. Мисолга мурожаат қилайлик. Навоий «Фаройиб ус-сигар» девонидаги 558-ғазал мақтасида

Навоий дафтари ҳажринг ёзиб кўз тўкти хунобин,
Чу очсанг сафҳа-сафҳа кўргасен қон ўтканин таҳ-таҳ

мисраларини битган эди. Байт мазмуни қуйидагича: «Навоий ҳажринг дафтарини битар экан, кўзлари қонли ёшлар тўқди. Агар бу дафтарнинг саҳифаларини бирма-бир очиб кўрсанг, уларга қат-қат қон ўтганини кўрасан». Шоир ўз девонларини таърифлаб, уларга қат-қат қон томгани ҳақида гапиряпти. Мисраларда ифодаланган фикр ҳусни таълил санъатини рӯёбга чиқарган: шоир девонларида қон томчилари кўриниб туради, бунинг саба-

би эса уларни ёзиш чоғида муаллиф кўзларининг қонли ёшлари томганлигидандир. Бинобарин, ҳаётий ҳодисага шоирона сабаб кўрсатиляпти, чунки ҳеч қачон инсон кўзларидан қонли ёш томмайди. У ҳолда ҳаётий воқеа қани? Шоир девонларига қат-қат қон ўтгани. У наҳотки ҳаётий ҳолат бўлса?! Шоир девонларидаги қон қаердан пайдо бўлди? Бу саволга ҳозирги замон ўқувчисининг жавоб топа олиши амри маҳол. Бунинг учун ўрта асрларда, Навоий замонасида битилган қўллэзмаларни кўрган бўлиши керак ўқувчи. Ана шу хил девонларда ҳар қайси бетларда сарлавҳалар, айрим кўчирма гаплар аниқ кўриниб туриши учун қизил сиёҳ билан ёзилган. Навоий қон дегандан қизил сиёҳ билан битилган мисраларни назарда тутган.

Шу девондаги наътлардан бирида

Қамар ҳар ой боши мўъжизнамой илгингдин
Қочиб бошини ўғуларки, бўлар ўйла дутоҳ

байти келтирилган. Унда: «Қамар ҳар ой бошида иккига бўлинишни истамай, мўъжизакор қўлингдан бошини олиб қочади», - деган фикр ифодаланган. Ушбу ҳусни таълил моҳиятини англаб этиш учун Ислом тарихидан, Муҳаммад алайҳиссалом ҳаётлари, ул зот ҳақидаги ҳикоя ва ҳадислардан хабардор бўлиш талаб этилади. Шоир бу байтда қайси воқеага ишора қиляпти? Зукко ўқувчи бу ўринда гап пайғамбаримизнинг бармоқлари билан ойни иккига бўлганлари ҳақидаги ҳадис ҳақида бораётганини англай билади. Шу ҳодисага ишора қилаётган шоир камарнинг ой бошида ҳилол кўринишида бўлишига шоирона сабаб кўрсатяпти холос.

Шу девондан ўрин олган

Хатинг ичинда лабингнинг ики холи не ажаб?
Икидур нуқта, ёзилур эса хат ичида жон

байтининг моҳиятини, ҳусусан, унинг ҳусни таълил ифодаси сифатидаги мазмунини пухта тушуниб олиш учун мумтоз шеъритимизнинг назарий масалаларидан хабардор бўлиш зарур. Юзакироқ ёндашсак, ушбу мисраларда: «Хатинг ичидан иккита холинг жой олганича ажабланмоқ зарурияти йўқ. Ахир хат ёзилганда, жоннинг икки нуқтаси бўладику!» деган маъно англашилади. «Хат ичига иккита хол қандай қилиб кириб қолди? Жонда

қандай икки нуқта бор экан?» деб ҳайрон бўлган ўқувчи шоир назарда тутган, ғоявий-бадиий ниятни тушунисб етмоғи ҳам, ҳусни таълил хусусиятларини англаб олиши ҳам мушкул, албатта билимдон ўқувчи эса байт мазмунини: «Хаттинг, яъни лабларинг устидаги туклар орасидан икки холинг ўрин олган экан, бунинг ажабланурли жойи йўқ. Ахир «жон» сўзи ёзилганида иккита нуқта ишлатиладику!» деган маънони ҳам, шоир қўлланган шоирона сабаб аҳамиятини ҳам тушуниб етади. Чунки у «хат» сўзининг икки ўринда тажнис сифатида қўлланниши, «жон» сўзи араб ёзуви билан ёзилганда, икки нуқта ишлатилишидан ҳам хабардор. Шунинг учун ҳам шоирнинг китобат санъати асосидаги ҳусни таълил ифодаси нафосатидан ҳам баҳраманд бўлади.

* * *

Алишер Навоийнинг «Девони Фоний» асаридан ўрин олган ғазалларда ҳам ҳусни таълил санъати қўлланган анчагина нодир байтларни учратамиз. Уларга хос муҳим фазилат қўлланган ҳусни таълил ифодаларининг бетакрорлиги, туркий ғазаллардаги лавҳалардан мазмун ва бадиий жиҳатдан ўзгачалиги, янгилигидир. Шоирнинг форс-тожик тилидаги ғазалларини кўздан кечирап эканмиз, уларда ҳаётий ҳодисаларга табиий сабаблар кўрсатишга доир бир қатор байтларга дуч келамиз. Жумладан, шоир ўзининг бир асарида

Гар ханда зад зи гирия, чашмам, ажаб мадон.
Чун абр ашк рехт гули тоза бар шукуфт.

Ушбу мисралар: «Агар у маҳбуб менинг йиғлашимдан кулса, ажабланма, чунки булат ёш тўкса, тоза гуллар очилади», тарзида таржима қилинади. Кўриниб турибдики, байтда маҳбубанинг йиғлашига ҳаётий сабаб кўрсатилган. Зоро, ёмғир ёққанда гулларнинг очилиши табиий ҳодисадир. Аммо бу келтирилган сабаб ўзининг чиройлилиги, таъсирчанлиги билан ўқувчи дилини ром этади. Шунингдек:

Ҳар ки дар саҳро маро бинад кунад Мажнун хаёл,
Модари гетй ҳамоно зода моро тав-амон.

«Саҳрода кўрган одам мени Мажнун деб хаёл қиласи, дунё онаси икковимизни эгизак туққан бўлса керак», маъносини ифодаловчи ушбу байтда ҳам ошиқнинг Мажнунга ўхшатилиши у билан ошиқнинг эгизак туғилганлиги эҳтимоли билан далилланаидики, бу ўринда ҳам келтирилган сабабнинг нағислиги, бетакрорлиги, жозибадорлигини кўриш мумкин.

Маталаб нахли вафо аз чи, ки деҳқони қазо
Ҳаргиз ин тухми ажаб дар чамани даҳр накишт.

«Вафо ниҳолини сўрама, чунки қазо деҳқони бу ажойиб ургуни жаҳон боғига экмаган», мазмунини англатувчи ушбу байтда ҳам юқоридаги каби далилни кузатишими мумкин. Бу каби мисоллар «Девони фоний» китобида учраб турса ҳам, асарда ҳаётий воқеага табиий бўлмаган бадиий сабаб кўрсатиш ҳусни таълил санъатида асосий ўринни эгаллади. Энг муҳими шундаки, форс-тожик тилидаги ҳусни таълил лавҳалари ўзбек тилидаги шу хил ифодалардан ўзининг янгилиги, бетакрорлиги билан ажралиб туради. Шоир бундай байтларда ўзбекча фазаллардаги бадиий тимсолларга мурожаат қиласа ҳам, гайритабии талқинларнинг янада таъсирчанроқ тажассумига эришади. Жумладан:

Афлок ба як садма, ки аз ишқи азал дид,
Саргашта чунин то ба абад дар таку тоз аст.

«Осмон азалий ишқдан бир зарба кўрди-ю, шундан бери саргардон кезади», мазмунини ифодаловчи ушбу лавҳада ер куррасининг тўхтовсиз айланиши унинг ишқ зарбасига дуч келганлиги оқибати сифатида шарҳланган. Шоирнинг ўзбекча фазалларида бу хил тасвирни учратмаймиз.

Навоий форсий фазалларда қуёш тимсолига мурожаат қиласар экан, илгари фойдаланилмаган бадиий шарҳлар асосида ҳусни таълилнинг нағис намуналарини яратадики, буни

Чун шуда шарманда рўи офтоб аз рўи ту,
Бошад он пўшиданаш рў дар саҳоб аз рўи ту.

(Юзингдан қуёш юзи шарманда бўлгани унинг юзингни кўрганида булут ичига беркиниб олишидан билинади).

Дар нуру сафо чун ки зи хуршед фузунй,
Харгиз нашавад ҳойили рухсора ниқобат.

(Равшанлик ва тиниқликда сен қүёшдан ҳам ортиқсан, шунинг учун ниқобинг рухсорингта ҳаргиз тұсқинлик қилмайды).

Чаро зи базми шабистони мо гурехт, агар
Нашуд зи шаъшааи бода офтоб хижил

(Агар шароб жилосидан қүёш хижил бұлса, нима учун шабистонимиздаги базмимиздан қочди?)

каби бир қатор бадий талқинлар мисолида яққол күришимиз мүмкін. Биринчи байтда қүёш көзининг булаттар билан түсилиши унинг гүзәл маҳбуба юзи олдидеги хижолати тарзида баҳоланған бұлса, иккінчи байт шу фикрнинг давомидең жарапнглайды: гүзәл дилдор рухсори қүёшдан ҳам шу қадар равшанки, ҳатто ниқоб ҳам унинг чеҳраси латофатини түсішга ожиздур, деган янгича бадий ифода яратылған. Тасаввуфий талқин яққол сезилиб турған учинчі байтда эса майда ёр аксини күрган қүёш хижил бўлиб, дўстлар базмидан қочиб кетди, деган яна бир янги тасвирга дуч келамиз. Шоирнинг:

Равшани нафтода дар қасрат зи равзан, балки меҳр
Омада баҳри тамошоят зи бому дар фурӯ

мисраларидағи ҳусни таълил ҳам мазмунан янгилиги билан бизни мафтун этади. «Қасрингга туйнукдан ёруғлик тушмаган, балки қүёш эшик ва томдан сени томоша қилиш учун пастга тушганимикин?» маъносини ифодаловчи ушбу байтда қүёш ҳам ошиқ сенгига дилдорга мафтундир, деган файритабииш шарҳни кузатамиз.

Ҳар шомаш ар наранжи хумор аст ас сабуҳ,
Ларzon ба хок дар шудани офтоб чист?

Байтидаги бадий далиллаш ҳам шоирнинг ўзбекча ғазалиётида упрамайды. «Агар тонг майининг хуморидан ланж бұлмаган бұлса, нима учун қүёш ҳар шомда титраб тупроққа ботади?» –

мазмунини билдирувчи ушбу мисраларда шом пайтида қуёшнинг шафақ туфайли титраб турғандек кўриниши ва фойиб бўлишига янгича бир сабаб кўрсатилган, гўё тонг майи хуморидан ланжлиги уни шу ҳолга солган эмиш. Қуёш ҳаракатини хилмакил тарзда бадиий шарҳлашга оид мисолларни «Девони Фоний»дан яна анчагина келтириш мумкин.

Як шабам он моҳ меҳмон буду з-ин умре гузашт,
Мекунад касби зиё меҳр аз шабистонам ҳануз

байтидаги ҳусни таълил ҳам Навоийнинг туркий ғазалларида учрамайди. Шоир: «Бир кеча у ой уйида меҳмон бўлганди, шундан буён кўп вақтлар ўтган бўлса ҳам, шабистонимдан қуёш ҳалигача нур ва зиё касб қиласди», деб ёзар экан, маҳбуба латофатини янгича бир тарзда намойиш этади. Диққат қилинса, ҳар куни ошиқ қароргоҳига қуёшнинг тушиб туриши гўзал дилдор меҳмон бўлган манзилдан уни қайта-қайта излаб ёрнинг нури-зиёсидан баҳраманд бўлиши тарзида шарҳлангани натижасида ғайритабиий далиллаш санъатининг яна бир нодир намунаси яратилганини кўриш қийин эмас.

Шоир ўзининг бир қатор форсий ғазалларида юлдузлар тимсолига мурожаат қилиб, чиройли ҳусни таълил лавҳаларини ижод қиласди. Масалан,

Рӯ намуда анжуми гардун, чу афканди ниқоб,
Кай намоят он замон к-афтад ниқоб аз рўи ту?

байтидаги бежирим сабаб кўрсатиш санъати шундай дурдоналардан биридир. Шоир: «Юзингга ниқоб тутганингда, осмон юлдузлари юз кўрсатадилар. Юзингдан ниқобни олсанг, қандай кўринади?», деган маънони ифодалар экан, маҳбубани қуёшга қиёслаб у юзига парда-ниқоб тутгандагина юлдузлар намоён бўлиши мумкинлиги, ўша пардасини чеҳрасидан олса, улар кўринмай қолишини таъкидлар экан, ҳусни таълилнинг бетакорор бир намунасини яратган эди.

Шу хил талқиннинг ўзгача бир латиф ифодасини шоирнинг

Зи мушкин парда он моҳ дар шабистон чун бурун ояд,
Чу шабнам анжум ояд бар замин баҳри тамошояш.

мисраларида кузатиш мумкин. «Кечаси у ой қора пардадан чиқса, юлдузлар уни томоша қилиш учун шабнам каби ерга тушадилар», мазмунидаги ушбу таърифда нафис бир ҳусни таълил на- мунасини яратишида моҳирона истифода қилинган.

Шоир шамол ва гард тимсолларида мөҳирона фойдаланиб, маҳбубанинг гўзал қиёфаси, лутфу назокатини бадиий сабаб воситасида ифодалаб беқиёс лавҳалар яратади. «Девони Фоний»даги қуидаги байт шулар жумласидандир:

Бод ҷарост жонфизо, гард зи чист сурмагун,
Гар на ба тавфи дашт шуд жилваи шаҳсувори ман!

«Шаҳсуворим дашту саҳро томонга жилва қилмаган бўлса, нега шамол рухлантирувчию гард сурмарангдир», маъноси англашиладиган ушбу мисраларда дилбар маҳбубанинг даштни кезар ёкан, ҳар томони табассум билан тамошо қилиши шамолнинг жон бахшлигию гарднинг сурмасо бўлишига сабаб қилиб кўрсатилган. Бу ҳам ҳусни таълилнинг янги ва бетакрор ифодаси сифтида ўқувчини ҳайратлантирмай қолмайди.

Навоийнинг форсий ғазалиётida булат тимсолига ҳам анча кенг мурожаат қилинган. У кўп ҳолларда гўзал табиатнинг ҳимоячиси ва ҳамдарди тарзида таърифланиб, ёмғир, чақмоқ ва момақалдириқлар ана шу ҳамдардликнинг ёрқин ифодаси сифатиди тасвирланар экан, ҳусни таълилнинг кўплаб таъсирчан лавҳалари майдонга келади. Масалан, шоир қаламига мансуб

Бар сўғи арӯсони чаман абри баҳорӣ,
Чун сарсари дай дид, ба сад ларза фифон кард.

Биғтида баҳорнинг жонли манзараси шоирона талқин қилинган ҳозири гўзал бир ифода яратилади. «Баҳор булути қишининг қаттиқ шамомонини кўргач, чаман келинчаклари мотамига юз ларза биллиғи фифон қўйди», маъносига эга бўлган ушбу мисраларда баҳор: юги қаттиқ совуқ бўлганида гулзордаги келинчакдек гулдорнинг сўлишини кўрган булатнинг тўхтовсиз фифон чекиши – кетми кет чақмоқ чақиб, момақалдириқ гулдирашини бадиий сабаб ўрсатиш воситасида ёрқин акс эттирилади.

Зи жаври дай ба раёҳин магар ки ёфт хабар,
Ки кори абри баҳорист гиряу фарёд

байтида эса: «Қишининг райҳонларга қилған жавридан баҳор бу-
лути хабар топган бўлса керак, унинг иши йифи-ю фарёд бўлиб
қолди», мазмуни англашилади. Юқоридаги фикр бу ўринда ба-
ҳор булатининг йиглаши тафсилоти билан тўлдирилган.

Навоийнинг бир қатор ғазалларида эса гул ва сунбул тим-
солларидан нозанин дилдор жамолининг гўзалигига файритабиий
сабаб кўрсатиш воситасида жилолантирилган эди. Шоир қала-
мига мансуб:

Гул агар набвад рухат пас вақти таъжиди хиром,
Аз арақ баҳри чи резон шуд гулоб аз рӯи ту?

(Агар юзинг гул бўлмаса, нега жадал юрганингда гулоб тўкила-
ди?) шунингдек,

Чаро ба сунбули раъност дар чаман сад тоб,
Агар нагашта аз он зулфи нимтоб хижил.

(Агар ярим ўрилган зулфдан хижолат бўлмаса, нима учун сун-
бул чаманда юз хил товланади) байтлари фикримизга далил бўла
олади.

Шоир ўзининг туркий ғазалларида шамъ тимсолидан фой-
даланиб, маҳбубанинг тенгсиз малоҳатини мўъжизакор мисрал-
лар зимнига жо этар экан, ҳусни таълилнинг бир-биридан ноёб
лавҳаларини қофозга туширган эди. Куйидаги байтга диққат
қиласайлик:

Пой дарбанд бо фонусу бо гардан занжир,
З-он, ки девонаи он сарви суманбар шуд шамъ.

Ушбу байт қуйидагича таржима қилинган: «Шамъ у сарви су-
манбар девонаси бўлгани сабабли бўйнига занжир тушиб, фонусга қамалди». Навоийнинг «Хазойин ул-маоний» китобидаги
ғазаллар орасида шамъни бу тарзда тасвирлаган мисраларни,
шоирона сабаб кўрсатиш ифодасини учратмаймиз. Ушбу ўрин-
да шоир шамънинг фонус ичидаги ҳолатини, эриган мумнинг
унинг баданида занжирдек кўринишини қаламга олар экан, бу
ҳаётий ҳолатни далиллаш учун унинг маъшуқа мафтуни эканли-
гига ишора қилиб, девонага ўхшаши туфайли бўйнига занжир

солиниб, фонус ичига қамаб қўйилганини таъкидлайди. Кутилмаган бу хил чиройли таълил ўқувчини ҳайратлантиrmай қолмайди, албатта.

Навоий форсий ғазалларда бир қатор наътлар яратар экан, Сарвари олам фазилатларини мадҳ эта туриб, бир қатор баркамол ҳусни таълил намуналарини ўз ўқувчилари диққатига ҳавола қилганди. Шулардан бирида қалам тимсолини чизар экан:

Чун қалам сар бар хатат наниҳод, аз он бувад,
То қиёмат сарнигуни рӯ сиёҳу сийна чок.

Леб ёзганди. Ушбу байт: «Қалам фармонингга бўйсунмаганидан қиёматгача боши қуи, юзи қаро ва сийнаси чокдир», таърида таржима қилинган. Бу ўринда ушбу санъатнинг ишорали (фил ишора) бир турига мурожаат қилингани кўзга ташланади. Маълумки, тарихий маълумотларга кўра, Ҳазрат найғамбаримиз саводлари бўлмагани учун қўлларига қалам тутмаганлар. Шоирлар ана шу ҳолатга ишора қилган ҳолда қалам тимсолини наътларда ифодалар экан, унинг шу туфайли хижолат чекишини гасвирлайдилар. Навоий мазкур мисриларда қаламнинг кўриниши ва ёзиш ҷоғидаги ҳолатини шонронга таърифлар экан, юзи қоралиги, сийнаси чоклиги ва боши қўйилигига диққатни жалб этади. Бир тимсолни уч жиҳитдан акс эттиришнинг ўзиёқ шоир маҳоратидан далолат бериб турибди.

Шоир бир қатор форсий ғазалларида маҳбубанинг гўзал қиёфаси, гулдек рухсори, нафис либосу, қалам қошлари, тик қомати-ю, нозли нигоҳларини шу хилда тасвирлар экан, кўпгина сержило байтлар яратган эди. Унинг юзи таърифига бағишнинган қуйидаги байт ҳам фоят таъсирчан:

Бода гулгун зи акси рухи гулгуни ту гашт,
На ки, аз нашъи май барги гулат рангин шуд.

(«Май нашъасидан юзинг рангин бўлгани йўқ, балки май сенинг тулринг юзинг аксидан қизарди»).

Байт мазмунига эътибор қилган китобхонундаги ҳусни таълил акс тасвир усули ифодаси эканлигини кўра олади, зеро маҳбуби тутган қадаҳдаги май у гўзалнинг рухсорига гулгунлик

бахш этгани инкор қилиниб, аксинча унинг (майнинг) ёр чехрасидаги қизилликдан рангинлик касб этгани уқтирилмоқда.

«Девони Фоний»даги муҳтараъ фазалларнинг биридан ўрин олган мана бу байтда эса маҳбубанинг жонбахш сўзлари таърифланар экан, ҳусни таълил воситасида фоят жозибали, айни вақтда ниҳоятда муболағали бир далил кўрсатилади.

Расми мурдан шояд ар аз рўи олам бар фитад,
Жони ширин бас, ки з-он лавҳои шаккарханд рехт.

(«Ўлиш расми шояд олам юзидан йўқолса, чунки у шакар лаблардан кўп ширин жон ёғилиб туради, яъни унинг ширин лаблари кишига жон бағишлайди»).

Дикқат қилинса, оламдан ўлимнинг йўқолиши эҳтимоли борлигига маҳбубанинг лабларидан жон ёғилиб туриши сабаб қилиб кўрсатилганини уқиб олиш қийин эмас.

Навоий лирик қаҳрамон қиёфасини гавдалантириш, хусусан, унинг ёр ҳажрида чеккан изтиробу аламлари, нолаю фарёдларини ёрқин ва таъсирчан акс эттиришда ҳам ҳусни таълил имкониятларидан кенг фойдаланади. Масалан, шоир

Зи наъли рахшаш оташ жаст, гўё
Зи оҳам наъли сумми бораги сўхт

яъни: «Отининг туёғидан ўт чақнади, ўтли оҳимдан отининг туёғи куйган бўлса керак», деган мазмунни ифодалар экан, маҳбуба мингандан туёғидан ўт чақнашини ошиқ оҳидан от туёғининг куйиши тарзида бадний далиллайдики, ўқувчи бу хил ҳусни таълилга тасанно айтиб юборганини ўзи ҳам сезмай қолади.

Аз оташи дили ман бар забон маёр ҳадис,
Ки ҳирқаташ назанад бар лаби ту табхола

(«Дилим куйиши тўғрисида тилингга сўз олма, чунки унинг ҳарорати лабингга уриб, учук чиқармасин»)

байтидаги ҳусни таълил ҳам фоят таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Шоир гўзал маҳбубадан ошиқ дилининг куйиши ҳақида сўз очмасликни илтимос этар экан, акс ҳолда ҳарорат унинг лабига уриб, учук чиқаришини далил қилиб келтирмоқ-

да. Яна янги бир бадиий лавҳа, ҳайратомуз ва бетакрор бир шо-
ирона ифода.

Маъшуқа оғзининг кичиклигини ушбу санъат воситасида
моҳирона тасвирлаш Навоийнинг

Саволи бўса, ки кардам, гарам жавоб надод,
Ажаб мадор, ки ҳечаш даҳан намебинам

мисраларида ҳам кўзга яққол ташланиб турди. «Бўса сўрага-
шимда жавоб қайтармаса, ажабланма, чунки оғзини ҳеч кўрга-
ним йўқ», маъносини англатувчи ушбу байтда келтирилган ба-
диний сабаб ҳам марокли.

Мурғи дилро зон ба сўйи гулшани васлат ҳавост,
То нагардад ранжа хоки он чаман аз пои ў

байтидаги тасвирда ҳам шоирнинг ҳусни таълил ифодаларини
яратиш соҳасидаги бадиий салоҳияти тобланиб турди. «Дилим
куши висол гулшани томон юриб боргандা, у гулшан тупроғи
озор чекмасин, деб учиб бормоқни хоҳлайди», мазмунидаги ушбу
мисраларда ёр васлига иштиёқ ҳисси янгича бир тарзда жило-
лантирилганини кўрамиз.

Бундай мисолларни «Девони Фоний» китобидан яна кўплаб
келтириш мумкин.

Ҳусни таълилнинг тимсоллар олами. Қуёш, ой ва юлдузлар васфи

Шеъриятимизда яратилган ҳусни таълил намуналарини куза-
тар эканмиз, уларда аввало самовий жисмлар, ҳусусан, қуёш,
ой, юлдузлар ҳолати ва ҳаракатини файритабиий асослаган ҳол-
да маҳбуба латофатини таъсирчан ифодалашга интилишни кўра-
миз.

Алишер Навоий қуёш тимсоли заминида ҳусни таълил ифо-
даларини қаламга олар экан, ўз салафларининг бу соҳадаги му-
ваффақиятларини назарда тутмаслиги мумкин эмас эди албат-
та. Буюк ғазалнавис устозлар анъанасини давом эттирибигина
қолмади, балки ушбу тимсолга асосланган кўплаб бетакрор байт-
лар яратиб, шеъриятимиз ривожига кучли таъсир кўрсатди.

Даҳо ижодкор уни, аввало, гўзал маҳбубага ошиқ бўлган сиймо сифатида тасвирлар экан, куёшнинг табиий хатти-ҳаракатини ҳусни таълил санъати воситасида фоят таъсирчан ифодалайди.

Юз эшигинг туфроғига сурта олғайменму деб,
Чарх қасридин қуёш ҳар кун тушар олам аро

мисрасида қуёшнинг ҳар куни ер узра пайдо бўлиши, ўз нурлари билан оламни мунаvvар айлаши гўё унинг бекиёс маҳбубага ошиқлиги ифодаси тарзида шарҳланади.

Недин оёғинга тушгай бошингға эврулубон,
Қуёш гар ўлмаса ҳусн узра қуллуғингға мутеъ

байтидаги ҳусни таълилда эса қуёш нурларининг маҳбуба оёқларига тушиши билан мутеъ инсоннинг хожаси оёқларига эгилиши ўртасида ўхашашликни кўрган шоир хуршиди оламнинг гўзал дилдорга қуллутқ қилиши унинг ошиқлиги далолатидир, деб талқин қиласди.

Шоирнинг: «Ой ўз нурини қуёшдан олгани каби, қуёш ҳам ўз нурларини маҳбубанинг мунаvvар чеҳрасидан касб айлаган», деган фикри ифодаланган:

Равшандурурки, меҳр юзингдин олур сафо,
Йўқса, не важҳ ила қамар ондин топар зиё

байтидаги ҳусни таълил ҳам ҳаётий ҳақиқатга асосланган эди.

Зарра эрмаским, қуёш ажзоси нур айларга касб,
Ул пари қасрига равзандин қилур ҳар дам нузул

байтида эса ушбу фикр янада батағсилоқ, янада ҳаётийроқ акс эттирилган. Маҳбуба яшаётган қаср туйнугидан тушиб турган қуёш нурларига қараб хаёл дарёсига чўмган шоир офтобни гўзал дилбар юзидан нур олишга тушган, дея шарҳлади.

Шоир қуёшнинг сувдаги аксини кузатар экан, уни фоят табиий талқин қилган ҳолда фоят жозибали ифодалар кашф қиласди.

Сувда эрмас меҳр акси, балки дарё жонига
Солғон ўтлар хаста жоним оҳи оташнокидур.

байтида қүёшнинг сув юзасидаги акси ошиқ оловли оҳининг дарё жонига солган ўтлари тарзида ифодаланади. Яъни ошиқнинг сув бўйида чеккан оҳ-фарёди дарё жонига ҳам ўт солибди. Сувдаги қүёш аксини шу хилда талқин қилиш, ҳаётий воқеъликни файритабиий изоҳлаш ҳусни таълилнинг гўзал бир намунасини рӯёбга чиқарган.

Боққач қүёш рухсориға андин қилурмен кўз ёши,
Ким, ул мусоғир ойима ҳусн узра бас монанд эрур

байтида ҳам қүёшга боққан киши қўзига ёш келиши файритабиий талқин қилинган. «Қүёш юзига боқарканман, уни ойдек гўзал маҳбубамга ўхшатаману, ёримни эслаб қўзларимга ёш тўлади», деб талқин қиласди шоир ошиқ ҳолатини.

Меҳр эмас, оҳим ўтидин кўкка етмиш бир шарап,
Айб эмасдур гар десам, дам урсам афлок ўрганур

байтида қүёш ошиқнинг оҳи ўтидан кўкка етиб борган бир учқун сифатида талқин қилинади. Шу асосда: «Нафасимдан фалакни куйдириб юбораман», десам айб бўлмайди», деб ёзади шоир.

Ушбу тимсол билан боғлиқ қатор ҳусни таълил санъати на муналарида унинг маҳбуба ҳусни олдида хижолат чекиши қўёш ҳолати ва ҳаракати, хусусан, ботишини турлича талқин қилишга асосланганини кузатамиз. Чунончи:

Қўёш дамин ола олмай, кириб қаро ерга,
Йиқилди, ҳуснда гўё юзунг била талашуб.

...Қўёш сени кўруб андоқ уялди ўз юзидин,
Ки ерга кирди тура олмай инфиоли била.

Инфиолидин қўёш кирди қаро туфроғ аро,
Қилғанингда жилва ул рухсori гардолуд била

...Эй, узоринг оллида шарманда меҳри ховарий,
Йўқса невчун ёшинур ҳар кеча андоқким парий

киби қатор байтларда шу хил тасвирини кузатамиз. Уларнинг барчисида қўёшнинг ботиши унинг уялиши туфайли қаро ерга кириб

кетиши тарзида асосланиб, бир-биридан гүзал ва ҳайратомуз лав-халар чизилади.

Қуёш ҳаракатини бошқа самовий жисмлар, ҳолатлар билан боғлиқ тасвирланганда, ҳусни таълилнинг янада нафисроқ ифодалари майдонга келадики, буни:

Юзунг хижолатидин меҳр уйла сарғармиш,
Ки субҳ айлар онинг заъфаронидин кулгу

ёки

Меҳр тобон рашқдин ботти кўруб чеҳрангда хай,
Ким қуёшқа кўрди мунча тоб юлдуз рашқидин

каби байтлар мисолида яққол кузатиш мумкин.

Ёзар фаришта қуёш саҳфасига васфингни,
Магарким, ул фалакий топмас обдон қофоз.

байтидаги қуёш талқини ҳам мушоҳада қилишга арзирли. «Фаришта қуёш саҳифасига сенинг васфингни ёзади, у фалакий мавжудот бунинг учун муносиб қофоз тополмаган бўлса керак-да!», деб таърифлайди шоир қуёшнинг ҳолатини. Бизнингча, Навоий қуёш юзидағи ёзув ҳақида тўхталар экан, XV аср астрономия фани ютуқларига асосланади. Қуёш юзида турли доғлар мавжудлиги ҳақидаги илмий фикрлар шоирга юқоридаги таъриф учун асос бўлиб хизмат қилган бўлса ажаб эмас. Акс ҳолда байтдаги фикр мантиқига путур етган бўларди.

Мумтоз шеъриятимизда ҳусни таълил санъатининг ривожи ой тимсоли билан ҳам боғлиқdir. Бу гўзал самовий мавжудот ўз фазилатлари бўлган кўпладб ижодкорларни ғоят таъсирчан бадиий лавҳалар яратишга илҳомлантирган. Бундай лавҳалар орасида ой ҳолати ва ҳаракатини файритабиий далиллаш тарзидағи ҳусни таълил ифодалари алоҳида ажралиб туради.

Алишер Навоий ой тимсолидан ҳусни таълил санъатида фойдаланишининг юқоридаги анъаналарини атрофлича ўрганиб чиқди ва янгидан-янги бадиий талқинлар яратди.

Шоир мазкур ёритгичнинг табиати, кўриниши хусусиятларига асосланган ҳолда ажойиб тасвирлар чизади, бетакрор лавҳалар яратади.

Тұлин ойни недин эл құлур васф,
Ки, мушобиқдурур ул юзга тамом

байтида халқ ичида тұлин ойнинг васф этилиши, чунончи шоирлар ижодида мадҳ этилиши унинг, яғни тұлин ойнинг маҳбуба юзига ұшашшлиги билан изохланади. Албатта, бу асос файритабий. Ижодкор ойнинг доғли чеҳрасини файритабий тарзда талқин қиласар экан, үзи тасвираетган маҳбубанинг ҳусну жамоли ундан ағыл, афзал эканини таъкидлайди.

Қамар юзинде мушту көждин күрдүм асар ҳар ён,
Хамоно ул қүёш бадмаст бұлғонда талошибидур

мисраларида юқоридаги таърифни янада муфассалроқ ифодалайди: бадмаст қүёш билан маҳбубани талашган тұлин ой мушт сб юзи моматалоқ бўлибди. Юқоридаги байтда ойнинг тұлган ҳолати назарда тутилган бўлса,

Янги ойни қошинг гүё қулум дебтур ҳилол отлиғ
Қади таъзим учун хамдур, бўлуб бу нуктадин мамнун

мисраларида янги ой – ҳилолнинг күрениши – эгик қомати қулларнинг ўз хожаси олдида этилиб таъзимда туришига қиёсланиб, маҳбуба власфи таърифланган. Ой ҳолатини бу хил ташбиҳ асосида файритабий талқин қилиш билан ҳусни таълил санъатининг имконият доираси фоятда кенглиги яна бир бор исботланган.

Ойнинг булатли осмондаги күрениши шоир хаёлотини янгидан янги бежирим бадиий лавҳалар чизишга илҳомлантиради.

Ой фалак ҳиргоҳида ондин чекар юзга саðоб,
Ким, оча олмас юзин ул моҳи ҳиргоҳ оллида.

Байтидаги тасвирга диққат қилинг-а. Гұзал маҳбуба ҳуснига тенг кела олмаган ой ўз юзини очишга ҳам журъат қилолмай, юзига булатни парда қилиб олибди. Булат ортидаги ойнинг күренишини бу хилда шарҳлаш кишини хайраттага солмай қолмайди, албатта.

Навоий ғазалиётидаги бир қатор ҳусни таълил намуналари ойнинг ҳаракатини файритабий тарзда шарҳлашга асосланади.

Токи шамьи анжумандур моҳи шабгардим менинг,
Кўк шабистонида ой ҳар тун қочар шабгир ила

байтида бу ҳодиса ойнинг маҳбубага тенг кела олмагани туфайли унинг олдидан қочиши тарзида тасвириланса,

Ой ботти мунфаил бўлубон ул жамолдин,
Шоядки чиқмағай яна бу инфиолдин

мисраларида ойнинг ботиши унинг гўзал маъшуқа олдидағи хижолати оқибати сифатида талқин қилинган.

Юқоридаги байтларда Ойнинг кўриниши, ҳолати, ҳаракати маҳбуба латофати, унинг ойдан ҳам гўзалроқ эканлигини таъкидлашга хизмат қилган бўлса, бир қатор байтларда шоир улардан ошиқ аҳволини ёрқинроқ ифодалашда ўринли фойдаланади. Чунончи,

Ой ҳалокимфа тутуб мотам, кийиб тундин қаро,
Оразин силли била аҳли азокирдор эрур

байтида ойнинг қоп-қора тундаги кўриниши қора кийиб аза тутаётган инсонга қиёсланиб, ошиқ кечинмаларини таъсирчанроқ акс эттиришга имконият яратган.

Навоий ҳилол тимсоли заминида ҳам таъсирчан ҳусни таълил намуналарини битганди. Уларда ҳилол аввало ёр ишқида қадди эгилган ошиқ қоматига қиёс қилиниб, бедилнинг садоқати, жафокашлиги улуғланади.

Шоир ой тимсолидан ўзининг наът фазалларида Мұҳаммад алайҳиссалом сийратларини ифодалаш учун фойдаланиб, ҳайратомуз лавҳалар чизади. Жумладан:

Зиҳи Буроқинг изидин қамар узорида доф,
Муайян икки қароқингга сурмаи мозоф

байтида тўлин ой юзида кўриниб турган доғларни Расулуллоҳ минган Буроқ излари тарзида талқин қилиб, файритабиий ифода яратган эди.

Шеъриятимизда юлдузлар таърифида маҳбуба назокату латофатини тасвирилаш, ошиқ ҳолатини ёрқин бўёкларда акс эттириш учун кенг фойдаланиб келингани аён. Ҳусни таълил санъ-

ати юлдузлар кўрининишини файритабиий тарзда талқин қилиш орқали муҳаббат кечинмаларини фоят таъсирчан ифодалашга қўл келган.

Навоийгача бўлган мумтоз fazалиётда юлдуз тимсолидан ҳусни таълил санъатини қўллашда фойдаланиш анъанаси деярли кўринмайди. Ҳазрат Алишер Навоий бу соҳада бир-биридан ёрқин лавҳалар чизганлар.

Навоий юлдузлар тимсолидан ҳусни таълил усулида аввало маҳбуба гўзаллиги, латофатини таъкидлаш учун кенг фойдаланиди. Масалан:

Кўк хулласидин ёйиб атлас йўлунга анжум,
Анжум дуридин сочиб бошинг уза гавҳар чарх

байтида юлдузларни чархнинг гўзал маҳбуба бошидан сочаётган гавҳарлари сифатида тасвиirlайди.

Йўқ-йўқки, юзунг шамъига парвонадур анжум,
Ким, бир-бир алар шоми висолингда бўлур фош.

мисраларида эса юлдузлар маҳбуба ҳусни шамъи атрофида чарх ураётган парвоналар тарзида акс эттирилади.

Шамъ эмас ердин, кавокиб чархдин байрам туни
Ким, эрур ер-кўк туман минг кўз билан ҳайрон санга

байтидаги ҳусни таълилда эса юлдузлар байрам туни маҳбуба жамолига ҳайрон қолган чархнинг минглаб кўзларидир, дея ифодаланади.

Сипеҳр ҳар кеча юз минг кўзин недин юммас,
Висолинга яна бир кеча гар эмас муштоқ

мисралари ҳам юқоридаги байтга ҳамоҳанг бўлиб, юлдузлар гўзал санамга ошуфта бўлган сипеҳрнинг муштоқ кўзлари сифатида талқин қилинади.

Мунграйиб андоқ синуқ кўнглум бузулурким, сипеҳр
Булъажаб ҳолимға юз минг кўз била ҳайрон бўлур

байтида юлдузлар ошиқнинг фожиали аҳволига ачинган, унинг садоқати, тоқатидан ҳайратланган сипеҳр – фалакнинг юз минг-лаб күзлари тарзида ифодаланади.

Бундай гўзал лавҳаларда юлдузларнинг файритабий ифодаси маҳбуба латофатини таъкидлаш учун хизмат қилаётганини кўриш қийин эмас.

Алишер Навоий юлдузлар тимсолидан айниқса, ошиқ ҳолати, туйғуларини ёрқин тасвирлашда унумли фойдаланади.

Шоир маҳбубани тўлин ойга, кўк осмонни унинг мовий либосига, юлдузларни шу либоснинг танга-танга босма зарҳал гулларига нисбат берар экан, тунги осмоннинг сеҳрли манзарасини чизади:

Турфа оедур узоринг, кўк анга мовий либос,
Анжум оНИНГ танга – танга босма қилған зарҳали

Яна бир байтда само ёритгичлари маҳбубанинг маҳрамларига қиёсланиб, таъсирчан тасвир яратилади:

Шабистонингда анжум маҳраму, кун бўлғали маҳрум,
Бу гул-гул очилиб ҳар кеча, ул бир хор-хор элтур.

...Уёлиб тер оқизди, анжум эмас,
Шоми ҳижронида торами мийну

байтидаги ҳусни таълил ҳам foят пурмазмун. «Осмонда порлаётган юлдузлар эмас, улар маҳбубам ҳажри шомида уялган кўк осмон юзидағи терлардир», деб ифодалайди шоир ошиқ кечинмаларини.

Хижлатда не терларки кавокибдин оқизди,
Ой кўрди чу хур shedи жамолинг арақ ичра

байтида эса юлдузлар маҳбубанинг қуёшмисол жамолини терлаган ҳолда кўриб хиёколат бўлган ойнинг юзидан оқаётган терлар тарзида талқин қилинади.

Фам туни ҳар тараф оҳим ўқи ул ой ғамида
Чархдин ўтканининг ўрниму, ахтарму экин?

байтида эса тажоҳули орифона усули ҳусни таълил учун восита вазифасини бажарган: шоир юлдузларни ошиқнинг чархни тешиб ўтган оҳ ўқлари ўрни, деган талқин қиласиган, бетакрор бадиий лавҳа чизган.

Навоий тийра шомин кавкаби ашки қилиб равшан,
Бу юлдузлар анга гүёки дурри шабчароғ ўлмиш

байтига назар ташласак, унда: «Навоийнинг қоронги кунлари ни унинг юлдузлардек кўз ёшлари равшан қиласиди. Бу юлдузлар унга гүё дурри шабчароғдир», деган сермазмун фикр ифодаланганини кўрамиз.

«Тунги осмонда чақнаб турган юлдузлар ошиқ аҳволини томоша қилаётган кўзлар, сипеҳр, чархнинг кўзларидир», деган талқин қиласиди шоир уларни ўзининг мисраларида:

Фам туни жоним уқубатлар била гар олмаса,
Ўрнидин тебранмай анжумнинг тамошоси недур?

...Хатту рухсорин тилаб фам шоми чексам ўтлуғ оҳ,
Ҳар шаардин кўк шабистонида очилғай гуле

байтида эса юлдузлар ошиқ чеккан ўтли оҳлардан осмонда очилган гуллар тарзида талқин қилинади.

Анжуми ашкун тўкар тонг отқуча мендек сипеҳр
Йўқламиш ул ҳам магар бир меҳри оламгардини.

Чархи сойир гүйё ошиқдурурким, кечалар
Бор анинг ҳам мен каби кўп ашкию оз уйқуси

байтларида юлдузлар ошиқ каби бир гўзал ишқида ўрганган сипеҳрнинг кўз ёшлари сифатида ифодаланса, кўплаб байтларда улар ошиқнинг оғир аҳволига ачинаётган фалакнинг кўз ёшлари тарзида талқин қилинади. Шоир қаламига мансуб:

Анжум эрмаски, эрур афлок ашки донаси,
Ҳар тун аҳволимға баски чархи гардун йиғлагай.

...Йиғламиш гоҳи кавокибдин кулуб, гаҳ субҳдин,
Чархким ҳолимға фам шоми тамошо айламиш.

...Қатиғ ҳолимға чарх айлаб тапонча бирла күк юзни,
Нужуми ашким этти нилуфар баргини шабнамлиғ.

...Чарх анжум ашкими сочиб недин киймиш қаро,
Ҳажр шоми тутмағон бұлса Навоий мотамин

каби қатор-қатор ёрқин байтлар шулар жумласидандир. Улар-нинг барчасида юлдузларни күз ёшига қиёслаш ҳусни таълил асоси ҳисобланади.

Юқоридаги байтларда ҳусни таълил санъатини құллашдаги анъянавий талқин күзге ташланиб туради. Лекин шоир ижод қылған лавҳаларда янги, бетакрор талқинлар устунлик қиласы. Навоий юлдузларни шу тарзда шарҳлар экан, мутлақо бетакрор, айни чоғда бир-биридан ҳайратомуз күплаб лавҳалар чизади.

Анжум эрмаским, фалак миръоти ичра тушти акс,
Баски дур сочилди ер узра күзум уммонидин

...Анжум эрмаски, тушубдур чарх күзгусига акс,
Баски ёғди ғам туни ер узра ашким жоласи

байтларига дикқат қиласы. «Осмондаги юлдузлар эмас, балки ҳижрон күнлари күзимдан түкілған беҳисоб ёшлар фалак күзгуси – осмонда акс этмоқда», деган маъно ифодаланади уларнинг ҳар иккениңдә. Шоир аввало осмонни күзгуга ўхшатиб, юлдузларни ошиқнинг ерда түккан күз ёшлари акси тарзида талқин қылмоқда. Чинакам ҳайратомуз тасвир!

Ана шундай мүйжизавий лавҳаларнинг бир қаторида юлдузларни гардун жисмидаги терлар сифатида тасвирлаб, улардан ошиқ кечинмаларининг бүрттирилған ифодасини чизишда мөхирона фойдаланилғанлығы күзге ташланади.

Ҳажр шоми анжум эрмастурки, оҳим ўтидин
Қатра терлардурки, зоҳир қилди гардун ҳар тараф.

...Анжум эрмас, қатралар күк сақфида айлар аён,
Дурри оҳимким, фалак тоқиға ҳар тун чирманур.

...Дема нужумки, күк терлар оҳим ўтидин,
Ки шоми ғам анга күп шуълаю шарор борур.

Аввалги икки байтда: «Ҳижрон кечаси осмонда кўринган юлдузлар эмас, балки оҳим ўти етгач, гардун жисмида пайдо бўлган терлардир», деган фикр ифодаланган бўлса, учинчи байтда бу фикр янада такомиллаштирилиб, фалак жисмида терлар зоҳир бўлишининг сабаблари ёритилади.

Эмас ғам шоми анжум қатралар оҳим тафидин бил,
Не тонг кун кўзгусин гар тийра қилса ушбу нам бир кун

байтида бу хил фикр яна бошқачароқ акс этади. «Ғам кечаси кўринган юлдузлар менинг оҳим тафтидан юзага келган қатралардирки, улар бир кун қуёш кўзгусини хира қилса ажаб эмас», деб таърифлайди шоир осмон ёритгичларини. Бу ўриндаги ҳусни таълил юлдузларни терга, қуёшни кўзгуга қиёслаш заминига таянади.

Шоирнинг ижодий хаёлот доираси ниҳоятда кенг, ниҳоятда кучли. Осмонда порлаган юлдузларга термулган ижодкор энди уларни сипеҳр ўз қулоғига тиқиб олган оппоқ момиқ пахталар тарзида талқин қиласди.

Кавқаб эрмас, пахталар тиқмиш қулоғифа сипеҳр,
Ул қуёш ҳажрида тунлар баски афғон айладим.

...Чарх анжумдин қулоққа пахталар тиқти магар,
Ғам туни топмиш Навоий чеккан афғондин малол.

Юлдузларнинг кўриниши билан қулоққа тиқиб олинган пахталар ўтрасидаги қиёсга асосланган шоир ана шундай ажиб лавҳалар чизган. Шу тарздаги талқин ҳусни таълилнинг янги бир бетакрор ифодасини яратишга имкон берган.

Ғам туни анжумни оҳим ўқлари захмиға чарх
Ул момуклар балки, қўймишдур ясаб марҳам била

байтидаги шу хил санъат эса юлдузларни ошиқнинг оҳ ўқлари ярасига қўйилган марҳамлар тарзида талқин қиласди. «Ҳижрон тунида кўринган юлдузлар фалак, чархнинг менинг оҳим ўқлари ҳосил қилган яраларига қўйиб олган марҳамлар – пахта парчаларидир» дэя изоҳлайди шоир ушбу байтида. Яна янги, бетакрор тасвир, яна бир ажойибот!

Бул ажаб ҳолимға гар ҳижрон туни кулмас фалак,
Нега анжумдин күрунди хасми ғаддоримға тиш?

байтидаги ҳусни таълил ҳам кутилмаган талқин – юлдузларни ошиқ ахволи устидан кулаётган фалакнинг душманларча тиржайиб, оппоқ тишларини кўрсатаётгани тарзидаги ифода туфайли ўқувчини ўзига ром қилади.

Фироқ шомида анжум эмаски, оҳимнинг
Ўти шафақ бўлуб, ўлди жудо шарап ҳар ён

байтида юлдузлар ошиқ оҳи ўтидан сачраб отилаётган учқунларга нисбат берилса,

Эмас анжум, қазо кўк мазраъида сочти ғам тухмин,
Вале тўқти кўзум ғам шоми мундоқ дона ондин кўп

байтида юлдузларни қазо томонидан осмон жўякларига сочилиган ғам уруғлари тарзида талқин қилиниб, ҳусни таълилнинг гўзал бир намунаси яратилган.

Навоий юлдузларни гардун жисмидаги яралар ёхуд унинг лабидаги учуклар тарзида шарҳлар экан, ўқувчини яна ҳайрат дарёсига чўмдиради.

Яралар анжум ўлди, қон шафақ ул ой фироқида,
Хаданги оҳким, ўтган кечга гардунга ёфдурдум

байтида ифодаланган фикр, яни: «Ой юзли гўзал ҳажрида ўтган кечга гардунга ёфдирган оҳим ўқлари ҳосил қилган яралар қони, шафақ яралари юлдуз бўлиб кўриняпти», ҳақиқатан ҳам завқёб бўлса,

Шафақ узра эмас анжумки, гардун тафтида оҳим
Ҳарорат онча кўргуздики, эрни бўлди табхола

мисраларида юлдузлар ошиқ оҳи қиздириб юборгани туфайли гардун лабига тошган беҳисоб учуклар тарзида тасвирланадики, бу хил ҳусни таълилга таҳсин ўқимай туролмайди киши.

Навоий юлдузларнинг учиши ҳодисасини асос қилиб олган ҳолда анчагина ёрқин бадиий лавҳалар яратади. Чунончи,

Чарх мен саргашта ёшидин хижил бүлдики күп,
Анжуми ашки шиҳобосо югурди бу кеча

мисраларида ошиқнинг беҳисоб кўз ёшларидан хижил бўлган чархнинг ҳар томонга югуриб чопаётган ашки доналари сифатида тасвиirlанади.

Ул шиҳоб эрмаски, майдони аро гўй ўлғали,
Саъд кавкаблар тушар ерга қилиб кўктин гурез

байтида эса: «Учар юлдузлар эмас, балки маҳбубам майдонида тўп бўлишни истаган баҳт юлдузлари ер томон шошилиб келяпти» деган ажиб бир маъно ифодаланади.

Шоир юлдузлар ҳолати, ҳаракатидан муҳим ижтимоий фояларни ифодалашда моҳирона фойдаланади. Масалан:

Ҳар тун чу фалак боргоҳи вазъи нигундур,
Гардун кўзи гўё бу жиҳатдин тўқадур ёш

байтида юлдузлар ҳаёт адолатсизлиги туфайли қадди эгилган фалак кўзларидан отилиб чиққан кўз ёшлари тарзида шарҳланса,

Тўкуб ферузагун кўк мотамингга гавҳари анжум,
Сени ферузаву гавҳар хаёли айлабон мафтун

мисраларида: «Ферузагун осмон сенинг мотамингдан йиғлаб юлдузларини гавҳар қилиб сочаяптию, сен эса ҳануз ферузаю гавҳар хаёли билан мафтунсан», деган муҳим фалсафий – ахлоқий фикр фоят таъсирчан жилолантирилган.

Чарх гўёким чекар меҳнат юкин давр аҳлидин
Ким, бори жисмида анжумдин тер ўлмиш, қадди хам

байтида ифодаланган ижтимоий-фалсафий фикр янада теран, янада таъсирчан. «Гўё давр аҳлидан изтироб, алам тортаётган чархнинг жисмида юлдузлардан терлар пайдо бўлгану, қадди эгилган», дея ифодалайди шоир ушбу фикрни.

Чекармен оҳим ўтин ҳажр дардидин ҳар шом,
Сипеҳр сорики, мунча нужум шамъи ёнур

байтида ошиқнинг ҳажр дардидан чеккан оҳ ўтлари осмонга кўтарилиб, юлдуз – шамъларни ёндириши тарзида талқин қилинади. Тасаввур қилинг-а: осмонда юз минглаб шамълар, уларни ошиқнинг оҳ ўтлари ёндиради-ю, юлдузлар чарақлаб кетади. Ошиқ кечинмаларининг бу хил файритабиий ифодаси юлдузлар ҳолатига асос бўлиб хизмат қилияпти. Бу хил таъсирчан тасвир шубҳасиз Навоий даҳосидан, унинг ижодий хаёлот оламининг қудратидан далолат беради.

Навоий ғазалиёти саҳифаларини варақлар эканмиз, табиатнинг гўзал манзараларини файритабиий шарҳланган кўплаб ҳусни таълил намуналарига дуч келамиз. Уларда табиатдаги бирон ҳолат ёки ҳодиса эмас, бир неча ҳолат ёки ҳодиса бадиий асосланар экан, муҳим ижтимоий – ахлоқий фикрлар илгари сурлади. Масалан:

Қатиқ ҳолимга чарх айлаб тапонча бирла кўк юзни,
Нужум ашқидин этти нилуфар баргини шабнамлиқ

«Менинг ҳолимга чидай олмаган чарх ўз юзига шапалоқ уриб кўкатириди-да, юлдузлардан кўз ёши тўка бошлади, улар эса нилуфар барглари устига тушиб шабнамга айланди», деган фикр мужассамлаштирилган ушбу икки мисрада. Диққат қилинса, шоир осмоннинг кўклигини, юлдузлар осмон кўз ёшига ўхшишини, осмон рангидаги нилуфарлар устидаги шабнам юлдузлардек чақнашини файритабиий шарҳлаяпти, буларнинг барчаси ошиқ аҳволидан алам чекаётган чарх – осмоннинг изтироблари ифодаси эмиш. Навоий бу лавҳа орқали табиат билан инсоният ўргасидаги узвий алоқани ҳам таъкидламоқда.

Субҳ, шафақ ва шамъ таърифи

Навоий ғазалиётида кенг қўлланган ҳусни таълил санъати субҳ тимсолидан фойдаланишга ҳам асосланади. Табиатнинг эрта тонг пайтидаги кўриниши, хусусан, осмоннинг қизғиши ранг билан тобланиши шоирларимизга ижодий илҳом бағишилаб, уларни гўзал бадиий лавҳалар яратишга ундаган. Лекин Атоий, Саккокий, Лутфий, Гадоийлар ғазалиётида субҳ тимсолидан ҳусни таълил санъатида фойдаланилганини кузатмаймиз. Даҳо ижодкор Алишер Навоий тонгги манзаралар асосида қатор рангин лавҳалар яратган.

Тонг тимсоли билан боғлиқ ҳусни таълил намуналарида субҳ аввало табиат, фалакнинг одамзод фафлати, нодонлигидан кулгиси тарзида талқин қилинади. Навоий осмондаги тонгги қизиллик билан инсонларга хос кулги ўртасидаги муайян ташбиҳий муносабатни ҳис этган ҳолда табиий манзарадан ёрқин туйғулар жилосини ифодалашда унумли фойдаланади.

Субҳнинг ҳар тонг эрур эл фафлатидин кулгиси,
Меҳр хонидин гумон қилмаки, ебдур заъфарон

байтини кузатар эканмиз, унда: «Субҳни тонгнинг қуёш дастурхонидан заъфарон тановул қилганлиги белгиси деб гумон қилма. У тонгнинг эл фоғиллиги устидан кулгиси, холос», деган фикр ифодасини кўрамиз.

Мен тўкуб ашк фалакдек, vale бехудлуғима
Дам-бадам ёримағур субҳни ҳайрон топтим

байтида эса тонгги қизиллик ошиқнинг фалак юлдузларидек кўп ашк тўkkанини кўрган субҳнинг кулгиси сифатида ифодаланади. Бу ўринда муболага ва ташхис санъатлари ҳусни таълил учун асос бўлиб хизмат қилаётганини кўриш қийин эмас.

Юзунг хижолатидин меҳр ўйла сарғармиш,
Ки, субҳ айлар анинг заъфаронидин кулгу

мисраларида қуёш, маҳбуба, субҳ тимсоллари заминида латиф ва янги талқин яратилган. «Сенинг юзингни кўриб хижолатдан сарфайиб кетган қуёшга назар ташлаган субҳ кулгудан ўзини тўхтатолмади. Ахир заъфарон – сариф модда кулгу келтирадида!» деб таърифлайди шоир ушбу ажиг манзарани.

Маълумки, субҳ – тонгги қизиллик чоғида осмон кўпинча йўл-йўл, тарам-тарам бўлиб кўринади. Аниқроғи, уфқдан кўтарилиб келаётган қуёш нурлари осмонда шундай манзарани ҳосил қилаади. Бу ҳолатни кузатган шоир уни табиат, фалакнинг алам-ғуссадан ёқа йиртишига нисбат бериб, кўплаб таъсиран лавҳалар кашф этади.

Сарғарив, ашкни тўкуб мендек яқо чок айламиш,
Бир ниҳоний меҳр ила то бўлди беором субҳ

байтида ифодаланган мазмунга диққат қиласылар: «Субҳ худди мендек бир яшириң ишқ билан беором бүлгап каби күз ёшини түкиб ёқасини чок айлади», деб тасвиrlаган шоир тонгты манзара – юлдузларнинг аста сўна бориб субҳнинг намоён бўлишини ниҳоятда таъсирчан ифодалайди. Табиат ҳодисасини бу тарзда файритабий талқин қилиш ҳусни таълилнинг яхши бир намунасини рӯёбга чиқарган.

Булғаниб кулга яқосин чок этар ҳар субҳ чарх,
Бир қуёш ишқида гӯё мен каби девонадур

мисраларида эса ошиқ билан чарх ҳолатлари ўртасидаги муштараклик – ҳар иккисининг қуёш юзли маҳбуба ишқида девона бўлиб, ёқа чок қилиши таъкидланган. Субҳнинг бу тарздаги талқини ҳам ҳусни таълил санъатини рӯёбга чиқаргани кўриниб турибди.

Чарх зулмидин не тонг сўгум сабуҳий вақтикум,
Субҳ ҳам бу гуссадин йиртар яқосин ҳар саҳар

байтидаги тасвир ҳам юқоридағига ҳамоҳанг.

Ҳажри шомидин осиб гардун қаро киз бўйнига,
Субҳ чок айлаб яқо, ҳолимға шеван қилдилар.

мисраларида эса субҳнинг ҳолати ошиқ аҳволига ҳамдардлик ифодаси тарзида талқин қилинган.

Жон топай дерсен сабуҳийдин, vale ғофилки, субҳ,
Чок этиб кўнглак сенинг ҳолингфа тутмишдур азо

байтидаги ҳусни таълил ҳам шу тарздадир.

Навоий ғазалиётидаги ҳусни таълил санъати ифодаларида шафақ тимсолига ҳам алоҳида эътибор берилади. Шоир табиатнинг ушбу ажойиб ҳодисасини диққат билан кузатган ҳолда бу тимсолдан ошиқ ҳолатининг муболағали тасвирини чизишида моҳирона фойдаланади.

Йўқ шафақ, мазлум қониға қолиб эрди сипеҳр,
Они ювған бағри ашким мавжидин кўлок эмиш

байтида шафақ тимсолидан муҳим ижтимоий ғоя – фалак – си-
пепхринг адолатсизлиги, шу туфайли мазлум қонига қолганли-
ги, ошиқ түккан күз ёшларидан пайдо бўлган денгиз мавжи бу
қонни юваётганини таъкидлаш мақсадида фойдаланилади.

Чарх агар ҳолима қон йифламади ҳажр туни,
Нега, бас, бўлди шафақдин юзи ул шом қизил?

байтида шафақ чархнинг ошиқ ҳолини кўриб қон йифлаши, шом-
нинг қизиллиги боиси шу эканлиги таъкидланади.

Эй Навоий, фам туни эрмас шафақким, чархни
Қилди гулгун қон ёшим дарёси ҳар дам чайқалиб

байтида ҳам шафақ ошиқ қон ёши дарёсининг осмонга тушган
акси сифатида талқин қилинганини кўрамиз.

Фам туни билмон шафақдур ё фалак миръотида
Акс кўргузгон кўзумнинг лаългун ёшимидур

байтидаги тасвир – муболага ва тажоҳули орифона санъатлари
асосидаги ҳусни таълил намунаси. «Фам кечаси кўринган манза-
ра шафақми ёки кўзларимдан тўкилган қонли ёшлар акси осмон-
га тушганми?», тарзидаги талқин табиатнинг бу хил кўриниши-
ни файритабиий жилолантириш оқибатидир.

Фалакнинг пардаи зайларин буким қилди шафақ гулгун,
Магарким ер юзидин кўз ёшим хуноби тошибур

мисраларидаги ҳусни таълил ҳам муболага заминида кашф этил-
ган бўлиб, ошиқнинг қонли кўз ёшлари ер юзидан тошиб осмонга
қадар етиб борганлигини таърифлашда ўз ифодасини топган.

Қатор ғазалларда шафақнинг ошиқ оҳу фифони туфайли фа-
лакнинг ўрганиши тарзида талқин қилинганини кўрамиз.

Шоми ҳажрида шафақ кўрсанг, Навоий, бил яқин
Ким, фалакни шуълаи оҳу фифоним ўртади.

...Қуёш юз ёшуриб, эрмас шафақким, ёна бу оқшом
Сипеҳр айвонига бош чекти шавқим ўти туғёни.

байтларидаги ҳусни таълил ифодалари шу тарздадир.

Чарх уза эрмас шафақким, ўртанурга аҳли дард
Тез этар ҳар тун қазо оташгаҳи даврон ўтин

Фам туни эрмас шафақдин шуълаким, маҳрумлар
Күйдуурулар оҳдин гардунни хирман ўтиға

байтларидаги ҳусни таълиллар эса ижтимоий ғоя ифодаси учун хизмат қилган. «Осмондаги шафақ эмас, балки қазо аҳли дардни янада кўп ўргаш учун ҳар тун даврон оташгоҳи ўтини тезлайди», маъноси шундан далолатдир.

Шом ила субҳ ар сориф оғриғ эмаслар, бас недур
Тун сочин ёйиб, қуёш йиртиб юзин, тутмоқ азо?

байти ҳам шу жиҳатдан завқиёб. «Шом билан субҳ сариф касалига мубтало бўлмаган эса, нега тун сочини ёзиб, қуёш эса юзини йиртиб аза тутяпти», маъносини ифодаловчи ушбу мисраларда шом билан субҳнинг қизғиши кўриниши уларнинг сариф касал билан оғришлари оқибати тарзида файритабиий асосланган бўлса, шомдан сўнг туннинг кўриниши сочини ёзиб йифлаётган аёлга, субҳдан кейин қуёшнинг кўриниши – тонг чоғида осмоннинг тарам-тарам қизил тусга кириши юзини юлиб аза туваётган шахсга нисбат берилган. Бинобарин, ҳар икки мисрада шом, субҳ, тун ва қуёшнинг ҳолатлари бадиий далилланган.

Шоир ўз fazалиётида тонг шамоли – насим, кундузги шамол – ел тимсолларидан ҳам ўринли фойдаланиб шоирона талқин усулининг бир қатор таъсирчан лавҳаларини яратган эди. Уларда насим ва ел гўзал маҳбубанинг чаманзорга қилган ташрифидан ошиқни огоҳлантирувчи ёқимли шабада шодлик, гўзаллик, висол хабарчиси тарзида ифодаланади. Чунончи,

Чамандин ел ривоносо келур ҳар дам, ажаб эрмас
Ки, гулгашти чаман айлар бугун сарви хиромоним

байтида табиий ҳодиса – чаманда шабаданинг эса бошлишига гўзал маҳбубанинг гулзорда сайр қилиши сабаб қилиб кўрсатилган эди.

Мұмтоз шеъриятимизда бұлутларнинг күриниши, ҳарекати асосида яратылған ҳусни таълил намуналари ҳам күп учрайди. Навоий ғазалиётида ҳам шу хил ифодалар мүл құлланған. Бұлутлар Навоий ижодида аввало ошиқ оқининг күкдаги күринишлиари тарзида талқин қилинади.

Дарёву булут эрмаским, оқим ила ашкимдин
Ҳам ер юзида күллар, ҳам күкта булултардир

Совуғ оқим бурудат солди олам узра қиши эрмас,
Булаттүйік – дуди оқимдин күрунмас осмон ҳар дам

каби байтлар шу жиҳатдан аҳамиятлидір.

Маълумки, субҳ ёки оқшом айёмида чиқиб келаётган ёки ботаётган қүйіш нурлари қызығыш ранг касб этади. Бу нурлар булултарни ёритар экан, уларга ҳам шу ранг күчади – осмонда қызығыш, гулгун булултар кезаётгандек туюлади инсонга. Табиатдаги шу хил манзара шеъриятдаги ҳусни таълил учун илҳом манбай бұлыб хизмат қиласы күпинча. Навоий ана шу манзара асосида ҳам бир-биридан латиф байтларни яратған.

Сипеҳр узра эмас гулгун булат, ҳар сориким тутмиш
Фалак миръотиға акси сиришким лаълфомидин.

Тутмамиш рангин булат күкники, оламни тутуб,
Акс күк миръотиға солғон сиришким қонидур

байтларидаги ҳусни таълиллар шу хил завқиёб мазмунга эга. Шоир күкдаги қызығыш булултар ҳақида сұзлар экан, уларни күк миръоти – осмон күзгусига тушған ошиқнинг қонли ёшлари акси тарзида талқин қиласы.

«Булат қызығыш эмас, балки оқим ўти парчалари пахта бұлакларидек осмонда сузіб юрибди-ю, қүйіш уларга туташиб, ҳар бирини аланталы бир байроққа айлантирибди», деган мұйыжизавий ифодани англаймиз бу мисралардан. Тасаввур қилинг-а: осмонда аланталанаётган қызил байроқтар бир-бирини қувиб кетмоқ да! Ошиқнинг ўтли оху фарёди парчалари улар. Осмонни қоплаган паға-паға булултарнинг шағақ чоғидаги қызығыш күринишини бу хил тасвирлаш учун улкан бадий даҳо, құдратли тафаккур, буюк ижодий хаёлот құvvати бўлиши керак ижодкорда!

Юзунг шаҳидлари туфроғини совурмиш ел,
Буким булут күрінур күкта қар тараф гулгун

байтидаги тасвир ҳам ғоят кучли. Шоир бу мисраларда ҳусни таълил усулига мурожаат қиласы экан: «Маҳбуба чеҳраси шаҳидларининг қизғиши туфроғи шамол туфайли осмонга күтарилиб, гулгун булутлар тарзида күрініпти», деган мазмунни ифодалайди.

Навоий ўз ғазалиётіда қора булутлар тасвирини чизар экан, шу усулдан фойдаланған ҳолда таъсирчан бадиий лавҳалар яратади. Жұмладан:

Деманғиз мушкин булутким, бұлди күк тоқи қаро,
Баски оқим дуди борди чарх айвонигача.

Бу байтда осмонни қоплаган қоп-қора булутлар ошиқнинг күк тоқи, «чарх айвони»ға қадар етиб борган оқи дудлари эканligи таъкидланади. Ташибиҳ, муболаға санъатлари асосида яратылған бу ҳусни таълил намунаси ҳам жозибали ва пурмазмундир.

Паёпай не әкін абри баҳорийдин чақин тушмак,
Булут узра бир учқун солди гүё шуылаи дардим

байтидаги ҳусни таълил бетакрорлығи билан лол қолдиради ўқувчини. Баҳор күнларида күп чақмоқ чақилиши гүёки ошиқ дарднинг шуыласидан бир учқун булутларға етиб боргани туфайли юз берармиш.

Шоир ўйнгоҳда күтарилған гард тимсолидан фойдаланиб ҳам маҳбуба ҳусни жамоли, лутфу назокати, ишқ ахлининг унга бүлған чексиз муҳаббатини таъкидловчи ажиб ифодалар яратадики, буни

Ийдгоҳда гард эмас, балким етишгач мақдамиң,

Құпти ердин садқа бұлмоқ истабон майдон санға

байти мисолида кузатиш мүмкін. «Ўйнгоҳда күтарилған гард эмас, балки сенинг қадамиң бу манзилга етишгач, бутун майдон ўзини сенға садқа қылмоқ учун ўрнидан күчди», деб таърифлайди шоир бу манзарани.

Барқ тимсоли ҳам Навоийнинг ҳусни таълил усули қўлланган фазалларида анчагина учрайди. Баҳор чоғидаги чақмоқ ва момақалдироқ ҳодисалари ижодкорнинг хаёлот оламини банд этиб, янги-янги бадиалар, нафис лавҳалар чизишга илҳомлантириши табиий. Навоий бу хил манзаралардан аввало ошиқ кечинмаларининг муболагали таърифида фойдаланади. Чунончи:

Барқ эмас, оламга қўймишдурки оҳимдин шарап,
Раъд эмас, гардунга чирмашмиш фифонимдин садо

байтини кўздан кечирсак, унда барқ – чақмоқ ошиқ оҳининг учқунлари, момақалдироқ эса фифонининг гардунга чирмашган садоси тарзида талқин қилинаётганини кўрамиз.

Барқ ҳар дам ҷоқилиб, ишнагач – ўқ тийра бўлур
Яъни ушмундин олинг умр ҷароғига ҳисоб

байтида эса ҳусни таълил санъати воситасида муҳим бир ижтимоий-ахлоқий ғоя ифодаланади. «Чақмоқ ҳар қачон чақилса, бир порлайди-ю йўқ бўлади, оламни яна қоронгулик босади. Бу билан гўё умр ҷароғи ана шундай қисқа, яъни умр гўё чақмоқнинг бир бор чақнаб ўчишига ўхшайди, огоҳ бўлинг, деяётгандай бўлади». Ушбу байтда чақмоқ умр қисқалигини одамларга эслатувчи бир восита тарзида ғайритабиий шаклда талқин қилинган.

Алишер Навоий ўз фазалларида қуюн тимсолига ҳам анча кенг мурожаат қилган эди. Шоир дашту саҳрода кўтарилиб чарх ураётган қуюнни ҳижрон водийсида дарбадар кезиб ўз дилдорини излаётган ошиққа қиёслаб бир қатор таъсирчан лавҳалар битган эди. Унинг қаламига мансуб

Ҳажр водийсинда саргардонмен андоқким қуюн
Ҳамқадам бўлса манга бир лаҳза боши эврулур

байтида эса қуюн янгича бир талқинга асос бўлиб хизмат қилганини кўрамиз. Мисралар мазмунига диққат қилсан, «Ҳажр водийсида қуюн каби саргардон кезаман, у менга ҳамқадам, ҳамдард бўлганида эса боши мен томон эгилади», деган фикр ифодасини кўрамиз. Ижодкор ушбу байтда қуюн бошининг баъзан бир томонга эгилиши ҳодисасига ишора қилиб, бу ҳолатни унинг

бечора ошиққа бўлган ҳамдардлиги ифодаси сифатида талқин қилар экан, инсон ва табиатнинг ўзаро илиқ муносабатларини таъкидлаяпти. Биринчи мисрада ўзини қуюнга қиёс қилган лирик қаҳрамон иккинчи мисрада саргарддон ошиқ билан қуюнни ёнмаён тасвирлашга ўтади. Шу он шоир ўзи дашту биёбонларда гувоҳи бўлган ҳодиса – қуюн бошининг баъзан эгик кўриниш касб этишини эслаб кетади-ю, ана шу табиий лавҳани ошиққа ҳамқадамлик, ҳамдардлик ифодаси сифатида шарҳлар экан, ҳусни таълил санъатининг нафис ва нозик, бетакрор ва таъсирчан намунасини яратади. Бу хил талқин Алишер Навоий даҳосига хос буюк бир фазилатни – табиатнинг энг ноёб манзараларидан сўз санъатининг ҳайратомуз лавҳаларини акс эттира олишини аниқ кўрсатиб туради.

Хусни таълил санъати намуналарида шамъ тимсоли ҳам кенг қўлланганини кўрамиз. Тўғри, бу тимсол Навоийгача бўлган ўзбек фазалиётида ҳам учрайди. Мавлоно Лутфий ўзининг

Чу мажлисингда ўзин шамъ дармиён кўрди,
Тилин кесиб ани расвойи анжуман қилдим

байтида йигинларда шамъдан фойдаланишни, унинг пилигини кесиб, алангасини равshan қилиш ҳодисасини назарда тутган ҳолда шамъ «тилининг» кесилишини унинг маҳбуба билан гўзаллик даъвосини қилгани учун берилган жазо сифатида файритабиий шарҳлаб, маъшуқанинг латофатини мадҳ этган эди. Саккокий қаламига мансуб:

Гул фунча бўлур кўрса юзини чаман узра,
Титрар кўруб ой энгини шамъ анжуман ичра

байтида шамъ ҳолатини бадиий тарзда шарҳлаш орқали маҳбуба чеҳрасининг бекиёс гўзаллиги таъкидланади.

Алишер Навоий ўз фазалларида бу тимсолларга тез-тез мурожаат қилган ва улар воситасида кўплаб таъсирчан бадиий лавҳалар чизган. У шамъни аввало инсонлар ҳамдарди сифатида тасвирлаб ҳусни таълилнинг сержозиба намуналарини яратган.

Ростларға чарх агар ҳар лаҳза қилмас сарзаниш,
Шамъ бас ҳар тун недин йиглаб куюб афғон қилур

байтига дикқат қиласылған. Үнда: «Чарх яхши одамларни ҳар лаҳза ранжитмаса, нега шамъ ҳар тун йиғлаб куяди, фифон чекади?» деган фикр мужассамланған. Шоир тунда ёнаётган шамънинг ҳолатини, унинг ёниши, эриб оқишини файритабиий шарҳлар экан, ушбу манырага ижтимоий адолатсизликни, яхши, түғри одамларнинг кулфат ческишини сабаб қилиб күрсатади. Шамънинг ҳолати билан ижтимоий ҳаёт ўртасида ҳәётий бүлмаган муносабат топиб, адолатпарварлық, инсонпарварлық ғоясини тоят таъсирчан, эсда қоладиган, дилдан учмайдиган бир тарзда ифодалайди. Ҳусни таълил санъатининг кучи ва жозибаси ушбу мисолда ёрқин күринади.

Навоий шамъни гүзәл маҳбубанинг шайдоси, эхтиросли ошиғи сифатида талқин қилиб ҳусни таълил усули воситасида чиройли бадиий лавҳалар яратади.

Нола қилмас тил чекибким, уйқу истаб ёрға,
Саргузаштидин кече дер гүйә афсона шамъ

байти ҳам тоят пурмазмун. Шоир үнда уйқуга ётган маҳбуба қошида ёниб турған шамъ тимсолини гавдалантириб, унинг алангаси ҳаракатини аста тебраниб ёнишини ёрни ухлатиш учун ҳикоя, афсона айттың бериш тарзида изоҳлаб, ҳусни таълилнинг яна бир бежирим ифодасини яратади.

Навоий ғазалиётида шамъ баъзан гүзәл маъшуқа ҳуснига шайдо бўлиб, унга ўхашашга интилувчи жисм сифатида талқин қилинса, баъзан у билан гүзәллик талашуви рақиби тарзида талқин қилинади. Жумладан:

Аҳли мажлис куйдирур тилин кесиб, бошин узуб,
Шамъ даъво қилса моҳи мажлис оройим била

байтида шамъ билан боғлиқ табиий ҳолатлар заминида ҳусни таълилнинг яна бир ёрқин намунаси яратилган.

Навоий битган ғазалларда шамъ аксар ҳолларда ошиқнинг садоқатли дўсти, ҳамдарди, ғамхўри тарзида талқин қилинади.

Шамъ ҳамдардимдуур ҳижрон туниким, мен киби
Ҳажр ўтида қоврилур ул доғи ўз ёғи била.

...Ростлиқ ҳаққи учун, эй шамъ, бир тун базмида
Чиқса сўз мендин, куюб беҳадду поён йиғлатил

байтларида шамънинг ошиқ дўсти сифатидаги фазилатлари таъкидланса,

Шамъ ул ой ҳажрида тун куймагим огоҳидур,
Дуди эрмаским, менинг ҳолимга ўтлуг оҳидур.

...Шамъ аввал оқшом – ўқ куйди фифоним ўтидин,
Ким, мен ўт сочқон булутдек тортиб афғон йигладим

каби қатор байтларда шамънинг тутаб ёниши, эриб оқиши ошиқ ҳолига ҳамдардликнинг ёрқин исботи сифатида ифодаланади.
Шамъ ҳолатининг бу хилдаги тасвири ҳамма ўринда ташхисга асосланган ҳусни таълил санъатини рӯёбга чиқарган.

Нега йиглаб анбарин зулфин кесар ҳижрон туни,
Ўлмагимни англабон гар шамъ тутмайдур азо?

байтида шамъга хос ҳамдардлик фазилати янги бир тафсилот – зулфини кесиши билан тўлдирилади. Бу ҳам ҳаётий лавҳа бўлиб, шамънинг яхшироқ ёниши учун унинг ипи – пилигини кесиб туриш ҳодисаси назарда тутилади.

Фам шоми гар ўтумфа бўлур шамъ ашкрез,
Парвоналар қаноти ели айлар они тез

байтида эса парвоналар тимсолининг қўшилиши билан янгича манзара касб этади.

Шеъриятимизда шамъ тимсолини парвоналар жўрлигига тасвирлаш анъанавий усуллардандир. Бу хил бадиий лавҳаларни деярли ҳар бир шоир ижодида кўплаб учратиш мумкин. Кўпинча бу хил тасвир ҳусни таълил санъати воситасида қўлланганини кўрамиз.

Алишер Навоий ўз ғазалиётида бу тимсолларга мурожаат қиласар экан, аввало, муҳаббатни улуглаш, инсонларга хос бу мўъжизавий туйғуларни шамъ ва парвона муносабатлари орқали ёрқин жилолантириш мақсадини кўзлади.

Эккали парвоналар кўнглида гўё тухми меҳр,
Ашқдин атрофида ҳам сув сочар, ҳам дона шамъ.

«Шамъ гүё парвоналар кўнглига муҳаббат уруфини жо қилмоқчи, шунинг учун ҳам дона сочиб, уларга кўз ёшларидан сув ҳам сепади», деган маънони англаймиз бу мисраларда.

«Шамъ ўтига ўзини урган парвона ўртаниши муқаррар, лекин у ўтдан шамънинг ўзи ҳам ўз ёғи билан қоврилади», деган фикр шоирнинг:

Ул ўтки ўргади парвонани, ҳамул ўтдин
Кўрунгки қовруладур шамъ доги ёғи била

байтида ўз аксини топган. Шоир ушбу табиий манзара воситасида муҳим ижтимоий foяни ҳусни таълил усули билан таъсирчан ифодалаган.

Парвона шамънинг қайси латофатига мафтун? Нега у шамъ атрофида тинмай чарх уради, ҳатто ўзини фидо қилиб, шамъ ўтига ўзини уриб ҳалок бўлади? Ҳусни таълил санъатига асосланган шоир бу саволга шундай жавоб беради:

Не учун шамъ оллида саргаштадур парвона, гар
Садқа қилмас ўзни онинг қомати раъносига

Қоп-қаро тундаги шамънинг ёниши шоирга мотам тутган кишининг ҳолатини эслатади. Нега у мотамда? Ҳа, у ўртанган парвона ҳалокатидан изтироб чекмоқда. Лекин бундан энди не фойда? Навоийнинг қуйидаги байти шу хусусда:

Ўртабон парвонани, эй шамъ сўнгра не осиф,
Йигламоқ чирмаб қаро, мотамлик элдек шеванинг.

Шоир шамъ кўринишининг майда тафсилотларигача кузатиб, улар воситасида ошиқ кечинмаларининг теран тасвиirlарини чизади.

Ҳажр ўтидин шом агар мендек эмас бехоб шамъ¹
Риштаи жонига невчун солди печу тоб шамъ?

байтига диққат қилсак, шамъ пилиги – ипининг буралиб ёниши мисолида чиройли ҳусни таълил намунаси яратилганини кўрамиз. «Шом маҳали мен каби ҳажр ўти туфайли изтироб чекиб ухламай чиқмаса, нега шамъ ўзининг жон ипига бунча печу тоб

солади, бураб қийнайди, азоб беради», деб таърифлайди Навоий бу ҳолатни. Шамъ учидағи ип буралиб ёнаяпти. Шоир буни шамънинг ошиқ каби азоб чекаётганига йўяди ва юқоридагича чиройли далиллайди.

Маҳвашимдек демаким, бўлмиш либоси лаългун,
Мен киби қон ёшдин ўлди гарқаи хуноб шамъ

мисраларида эса шамъ танасининг ёниш айёмида қизғиши бўлиб кўриниши асосида яна бир жозибали талқин яратилган. «Шамънинг кўйлагини маҳбубамнинг қизил либосига ўхшатмагин, у мен каби қонли ёш тўқавериб бошдан оёқ хуноб, қонли сувга гарқ бўлган», деб таърифлайди шоир бу манзарани, яъни шамънинг қизғиши кўриниши қонли ёшлар билан бошдан оёқ кўйлаги қизил ранг касб этган инсон ҳолига қиёсланган.

Гуллар жилвасининг латиф талқини

Кўп асрли шеъриятимизнинг бадиий ривожи табиатнинг инсониятга бахшида айламиш бебаҳо неъмати – гуллар тимсоли билан узвий боғлиқдир. Олам безаги бўлмиш ранго-ранг гуллару, гунчалар, муаттар жамбили райҳонлар, оромбахш нарғису бинафшалар шоирларга беадад завқу илҳом бахш этиб, бир-бираидан нафис, бетакрор, айни чоғда пурмазмун ва ҳайратомуз бадиий тимсоллар, теран ва зебо бадиий лавҳаларнинг яратилишига асосий манбаъ бўлиб хизмат қилган.

Даҳо ижодкорлар хилма-хил гулларнинг аксу таровати, уларнинг гўзаллик оламидаги муносаби үрни ҳақида фикр юритиб, ақл бовар қилмайдиган бежирим ифодалар, бир-бираидан мунаққаш ихчам, миниатюр тимсоллар кашф этиб, шеърият шайдолари дилларини хушнуд этганлар, бадиий дилларини камолотга етаклаганлар.

Хусни таълил санъатида гул тимсолидан унумли фойдаланиш соҳасидаги анъаналаримиз XV аср бошларидаёқ шаклланган эди. Бу даврда яшаб ижод этган Атоий, Саккокий, Лутфий, Гадоий каби шоирларимиз fazалиётида ушбу тимсол асосида яратилган кўпгина ҳусни таълил намуналари билан танишмиз. Ўз салафларининг мазкур тимсолдан фойдаланиб, ҳусни таълил ифодаларини яратиш анъанасини атрофлича ўрганганди Навоий бу соҳада ажойиб кащфиётларга эришди.

Шоир ғазалларидан ўрин олган ҳусни таълил санъати намуналарида ҳам хилма-хил гуллар тасвирига кенг ўрин берилган.

Навойй гулни аввало маҳбуба ҳуснига шайдо бўлиб, унинг писолига муштоқ ошиқ тарзида талқин қиласди.

Гул эмас, ҳар ён юзунг даврида оро қилғали,
Ҳалқа урмишлар жамолингға тамошо қилғали

байтидаги гул таърифи шу хилдадир. Диққат қилинса, чамандаги гуллар ёр жамолини томоша қилаётган ошиқларга қиёс қилишаётганини кўриш қийин эмас. Ҳусни таълил санъати бу ўринда ташхисга асосланган.

Кечакундуз қилма гулбонгингни бас, эй андалиб,
Ким, санга беш кун бу гулшан ичра меҳмон бўлди гул

байтидаги файритабиий талқин ҳам ниҳоятда завқиёб. «Бу гулшанда гул сенга беш кунлик меҳмон, шундай экан, кечакундуз куйингни тўхтатмай, меҳмонинг кўнглини ол!» деган теран фалсафий ғоя ифодаланган ушбу байтда.

Қатор байтларда шоир гулни гўзал маҳбубага тақлид қилувчи, унга ўҳшашга интилувчи тарзида талқин қилганини кузатамиз.

Сенга тақлид қилмиш гулки, осиб кўза бўйнидин,
Тикан устига они турғизиб гардун адаб қилмиш

байти фикримиз далили бўла олади.

Шоир мазкур тимсолга мурожаат қилиб, унинг воситасида ҳусни таълилнинг бетакрор ифодаларини яратар экан, гулнинг ранги, ҳолати, хусусиятларидан келиб чиқади.

Гул паришон ўлди-ю, сарви сиҳи топти шикаст,
Бог аро гулгашт ул сарви гуландом айлагач

байтидаги ҳусни таълилда гул баргларининг очилишини паришонликка нисбат берилган.

Даҳр бўстонида буким чок эрур гул кўнглаки,
Булбул аҳволиға гўёким азосидур анинг

Бу чаманда күнглакин гул чок айлардин иши
Булбул аҳволиға ҳар кун шеван эрмиш, англадим

байтларида «гул кўйлагининг чок»лигини унинг булбул ҳолига
мотам тутаётганлиги ифодаси тарзида изоҳланган.

Кўнглакин чок айламиш андуҳдин гул, чун яқо
Чок қилса найласин булбулнинг ўлмай кўкси чок

мисраларида ҳам шу хил талқин янада батафсилоқ ифодалан-
ганлиги кўзга ташланади.

Шоир баъзан гул рангининг қизиллигини мутакаррир лафз
санъатидан фойдаланган ҳолда ғоят таъсирчан ифодалайдики,
унинг

Бодадин гул-гул кўруб ул юзни онинг ҳажридин
Чок-чок ўлғон кўнгулдек таҳ-батаҳ қон ўлди гул

байтидаги файритабиий талқин фикримиз далилидир.

Гул эмаским, қон этиб афлок бахтим ахтарин,
Қилди тифи зулм ила юз пора онинг пайкарин

байтида эса қизил гуллар ошиқнинг фалак зулм тифи билан қонга
ботирилган бахти юлдузи парчалари эканлиги таъкидланади.

Навоий қизил гул рангини файритабиий талқин қилас экан,
булбул тимсолини ҳам қўшган ҳолда янги ва бетакрор бадиий
лавҳалар чизади.

Не учун киймиш қизил тўн даҳр бустонида гул,
Гар оқизмоқ истамас ошуфта булбул қонини

байтида гулнинг қизиллиги қотил кийимиға нисбат берилиб, ошиқ
ва маҳбуба муносабатлари мажозий тарзда ифодаланган.

Гулнинг қизил рангини ташхис санъати асосида уялиш рам-
зи сифатида талқин қилиш шеъриятимиздаги анъанавий усул-
лардан. Мавлоно Атоий қаламиға мансуб:

Жамолинг васфини қилдим чаманда,
Қизорди гул ўёттин анжуманда

байтидаги шу хил таъриф кўпчиликка маълум. Навоий ана шу анъанани давом эттириб, бу усулни янада такомиллаштирган ҳолда

Хижолатдин қизормиш гул, таҳаррук сарвдин кетмиш,
Магар боф ичрадур гулчеҳралик сарви хиромоним

Юзунгдин чаманда сув бориб ўзидин,
Қизормиш ўёттин гули оташин ҳам

каби таъсирчан ҳусни таълиллар яратади.

Навоийнинг бир қатор ғазалларида гуллар рангининг ўзгариши ҳусни таълил усули воситасида изоҳланганини кузатамиш. Сариф гулни шу тарзда таърифлаш

Ҳар қизил гулким, юзунг шавқида олиб исладим,
Еткач оҳим шуъласи, они сариф гул айладим

байтида ҳам кўзга яққол ташланади. Бу ўринда қизил гулнинг ошиқ оҳи шуъласи туфайли сариф гулга айлангани таъкидланяптики, бу хил тасвирда ҳусни таълил санъати ифодасини кўриш қийин эмас.

Гул қизил, сориф эмас, гулшанда, сен кўрган замон,
Оқ гул эрдиким, неча ранг ўлди ул юз рашкидин

Ҳар гули раъно қизил, сориф кўринур, важҳи бор
Ҳар дам айлар они чеҳранг инфиоли ўзгача

байтларида боғдаги қизил, сариф гуллар ранги шу санъат воситасида талқин қилинади. Биринчи байтда: «Гулшандаги гуллар қизил, сариф эмас, балки оқ гуллар сени кўрганда юзингга рашк қилганидан турли рангга кирган», деб таърифланса, кейинги байтда нафис – гули раъонинг қизил, сариф ранглар касб этиши унинг маҳбуба жамоли олдида уялиб кетгани оқибати тарзида изоҳланади. Ҳаётий ҳолат – гулшандаги оқ, қизил, сариф гуллар рангини бу хил файритабий талқин қилиш шоирнинг ҳусни таълил санъатидан моҳирона фойдаланишидан далолат бериб турибди.

Навоий гул юзидаги шабнамни ҳам шу санъат воситасида жозибали таърифлаб, таъсирчан лавҳа чизади:

Гул уза шабнам эмас, ул юзда тер монандиким,
Инфиолидин ботибдур терга гул барги тари

байтидаги талқин ҳам гулнинг уялиши билан боғланади. «Гул устидаги шабнам эмас, балки гул барги уялганидан терга ботгандир», деган ифода фоят чиройли чиқкан.

Шеъриятимизда бир қатор ҳусни таълил намуналари фунча тимсолига асосланган.

Алишер Навоий ушбу тимсолга мурожаат қиласар экан, табиий-ки салафларининг тажрибаларини назарга олмай иложи йўқ эди.

Шоир аввало фунчанинг шакл хусусиятларига асосланган ҳолда унинг ҳолатини файритабии тарзда талқин қилиб ажойиб лавҳалар чизади:

Чаманда фунча эмаским, бўлубтур ул гул учун
Фигони анчаки, қон боғланибтуур юраги.

Фунчанинг жажжи юракчага ўхшаши, унинг зимнида эса қизил гул баргларининг камол топишини назарда тутган шоир ташхис ва ташбиҳ санъатлари асосида ана шундай бадиа яратган.

Энди очила бошлаган фунчанинг кўриниши ҳам файритабиий далиллашга хизмат қиласиди, буни шоирнинг:

Фунчай хандонки дерлар мунфаилдур оғзидин,
Лек кулмак бирла истар қилса дафъи инфиол

байти мисолида кузатиш мумкин. «Очилаётган фунча маҳбуба оғзидан уятда, лекин у кулиши билан ўз уялишини яширмоқчи бўляпти», деб тасвирлайди Навоий фунчанинг аҳволини. Фунча учидан қизорган гул баргларининг намоён бўлишини фунчанинг кулишига нисбат берган шоир ташхис санъати воситасида нафис бир файритабии лавҳа чизган.

Гадоийнинг юқорида келтирилган тасвирига ҳамоҳанг бу байтидаги ҳусни таълил янги эмас, албатта. Бу ҳолатни асар шоирнинг ёшлиқ чоғларида яратилганлиги билан изоҳлаш тўғри бўлар.

Боф аро хат ичра оғзингдин қизориб, сарғариб
Фунча зангор либоси бирла бошин буркади

байтидаги тасвир ҳам мӯъжизакордир.

Маҳбуба оғзи ғунчадан ҳам мўъжазроқ, нафисроқ. Шу туфайли у ўзидан катта бўлган ғунчага ҳурмат кўрсатади. Буни шоир:

Фунча оғзига агар тобеъдур оғзинг, йўқ ажаб,
Ҳурмат асрар, не учунким, ул улуғдир, бу – кичик

байтида ифодалайди.

Навоий шабнамли ғунчанинг кўринишидан янада ҳайратомузроқ ифода яратади:

Бу гулшан ғунчасида жола эрмаски, тиш иржайтиб,
Кулар ошуфта булбул навҳасига бевафолиғдин.

«Гулшандаги ғунча устида кўринган шабнам эмас, у, ошуфта булбулнинг гул бевафолигидан чекаётган оҳ-фарёди устидан тишини иржайтириб куляпти», деган файритабиий далиллаш ифодасини кўрамиз ушбу байтларда.

Очилиб келаётган ғунчаларнинг кўринишидан илҳомланган Навоий уларни маҳбуба дуоси учун очилган оғизлар тарзида файритабиий талқин қилиб, шундай ажойиб мисралар битган эди:

Ғунчалар хандон эмас гулшандаким, ҳар соридин
Оти гулрўйим дуосин қилғали гулзор оғиз.

Навоий ғазалиётида лола тимсоли заминида қўлланган ҳусни таълил намуналари ҳам анчагина. Шоир ўз салафлари анъаналарини давом эттириб, ушбу тимсолдан фойдаланар экан, кўплаб янги ва бадиий лавҳалар яратади. Уларда ҳам, аввало лоланинг шаклий ҳусусиятлари файритабиий талқинни ифодалашдаги асосий восита ҳисобланади.

Дема тофу лола даҳр ичра, ажал қоплони бил,
Ким кийиклар қонидин боштин оёқ рангин эрур

байтида лолалар ажал қоплони қўлида ҳалок бўлган беҳисоб кийиклар қони тарзида талқин қилинса,

Эмастур сабзаву лолаки, жола тошидин гардун
Кўкартиб ер юзин ҳар сори зоҳир айламиш қонин

байтида улар гардуннинг жолалар тоши туфайли азоб чекаётган ер юзи қонлари сифатида изоҳланади.

Гүйё Фарҳоддек ҳамроуз учун барқ ўтидин
Лола эрмас, бағриға ҳар сори қўймиш тоғ доф

мисраларида эса лолалар тоғнинг барқ ўтидан ўз бағрига қўйган қизғиши доғларига нисбат берилади.

Лола эрмас, урди ўт гулшанга бир гул ҳажридин
Ўртаниб ҳар дам Навоий нола қилмоғи била

байтида лолазор ошиқ Навоийнинг маҳбуба ҳажрида ўртаниб ўзининг маҳзун нолалари билан гулшанга урган ўтлари тарзида файритабиий ифодаланса,

Эмас бօғ ичра сариг лола, занбақ билки ҳар сори,
Янги доғ ўртаб ул гул ишқидин сарғарди руҳсори

байтида бօғ ичидағи сариг лолалар маҳбуба ишқида ўртаниб, ранги сарғайған сунбул гуллари сифатида акс эттирилади.

Мумтоз шоирларимиз ижодида ҳусни таълил учун асос қилиб олинган ўсимликлардан яна бири бинафшадир. Унинг кўрининши, хусусан, бошининг эгиклиги ҳамда кўкимтири ранги маҳбуба латофати назокатини янги бадиий лавҳаларда таъсирчан ифодалашга имкон берарди.

У ёки бу тимсолнинг шаклий ҳусусиятларига таяниб ҳусни таълил ифодаларини яратиш Навоийнинг бинафша тасвирланган ғазалларига ҳам хосдир. Бошқа ижодкорлар каби шоир ҳам бинафша гулининг қуйига қараганлигини кишиларнинг хижолат бўлиш, уялишдаги ҳолатига қиёслаб, ажойиб бадиий лавҳалар чизади. Чунонччи:

Зулфинг оллида бинафша суда кўргач аксин,
Қўймади ёна бошин юқори қилмоққа ўёт

байтларида бинафша «бошининг қўйилиғи» унинг маҳбуба зулфи олдида уялиб, бошини ердан кўтара олмаслигига нисбат берилса,

Бинафша солхўрд элдекки бош солди қуий, гүё
Яқин англаб жазони анга даъб ўлди қайфурмоқ.

байтида эса бу ҳолат янгича талқин қилинади. «Бинафша айб қилиб қўйиб, жазони кутаётган кекса кишиларга ўхшаб бошини эгиб олибди», деган маънони ифодаловчи ушбу байт ҳусни таълилнинг чиройли намуналаридан биридир.

Бинафшанинг нега бўлмиш димоги мунча улуғ,
Ки, ул сенинг хатинга хиндуйидурур муйруқ

байтида бинафшанинг кўриниши бурни катта димоғдор кишиларга қиёс қилинганини кўрамиз.

Навоий ғазалиётини кўздан кечирар эканмиз, ўзигача бўлган шоирлар ижодида деярли учрамайдиган нарғис тимсоли ҳам Навоий яратган ҳусни таълил лавҳаларига хослигини кузатамиз. Ушбу гулнинг инсон кўзини эслатгани туфайли гўзаллик тимсоли сифатида тасвирлангани шеъриятимизда кўп учрайди. Ҳусни таълил қўлланган қатор байтларда нарғиснинг шабнамдан кўз ёш тўкиб йиғлаши асос қилиб олинади. Масалан:

Чун бу гулшан бевафодур, жом давриға тўкар
Неча пора сиймким, умрида нарғис қозғанур.

...Даҳр боғидин вафосизлиқ магар фаҳм этмади,
Нега шабнам ашкидин фан қилди нарғис йиғламоқ

байтларида шу фикр исботига дуч келамиз.

Субҳ май чекиб олтин пиёлада нарғис,
Кўзининг уйқусиға мубиби кушод этадур

байтидаги тасвирда сариф рангли нарғис май тутиб ўз уйқусини қочираётган кишига нисбат берилади.

Ғазалиётдаги ҳусни таълил ифодаларида сарв тимсоли ҳам муносиб ўрин тутади. Шоирларимиз бу тимсолдан маҳбуба фазилатларини бўрттириб тасвирлаш соҳасида кенг фойдалангандар. Сарвнинг тик қомати, шамол пайтида ҳар томон аста тебраниши манзаралари маҳбубанинг латофати, ҳусусан, тик қоматини мадҳ этишда ҳусни таълил ифодалари учун фоятда қўл келган.

Алишер Навоий ҳам мазкур анъанани давом эттирган ҳолда бир қатор таъсирчан лавҳалар яратган. Жумладан:

Сарв ўлмади боф узра оҳим ели бирлан ҳам,
Боқ кўз учи бирланким, қаддингфа салом этмиш

байтида сарв дарахтларининг шамол пайтида у ён-бу ёнга тебраниши уларнинг маҳбуба қаддига бераётган саломи тарзида файритабиий талқин қилиниб, ёр қоматининг сарвлардан ҳам тикилиги ва гўзаллиги бадиий восита билан таъкидланганлигини кўриш қийин эмас.

Қоматинг хижлатидин савсан ўлубтур неча ранг,
Ё бу навъ этмиш ани шуълаву дуди оҳим

байтидаги шибҳи ҳусни таълилда эса шоир савсан тимсолига мурожаат этиб, унинг ранг-баранглигини ошиқ оҳининг шуълаю тутунлари таъсири билан далиллайди.

Навоий ғазалларида кенг қўлланган тимсоллардан яна бири райҳондир. Шоир ундан табиат гўзаллигини ҳусни таълил санъати орқали тасвиirlашда кўп фойдаланади.

Айлади найсон зулоли ер юзин ойинагун,
Анжуму кўк аксидур анда раёҳину ўланг

байтининг биринчи мисраларида найсон ёмғиридан сўнг ер юзининг кўриниши ойинага қиёсланиб, шу асосда райҳону ўланлар юлдузли осмоннинг шу ойинадаги акси сифатида файритабиий изоҳланади.

Навоийнинг мазкур санъатдан фойдаланиб, бетакрор ва кутилмаган бадиий лавҳалар яратиш маҳорати қўйидаги байтда ҳам яққол кўзга ташланиб туради:

Совуриб гул хонумонинму қуюн рангин экин,
Ё фалак бедодидин сарви равонга тушти ўт.

Байт маъносини кузатайлик: «Гул хирмонларини совурган қуюн рангин, яъни қизғиши бўлиб кўриняптими ёки фалак жабру жафоларига чидай олмаган тик сарв дарахтига ўт тушганми?», деб сўрапяти шоир. Ушбу тажоҳули орифона заминидаги ҳусни таълилда

икки ажойиб тимсол мужассамлантирилган: гулларни совурган қизгиш қуюн ва аланг олиб ёнаётган баланд сарв дараҳти. Иккаласи ҳам гўзал, ҳайратомуз. Шоирнинг мақсади эса реал воқеълик – қуюннинг қизгиш кўринишини кейинги мисра билан далиллаб, айни вақтда шу орқали муҳим ижтимоий ғоя – адолатсизлик, зулмни коралаш тоясини ғоят таъсиручан, эсдан чиқмайдиган тимсол – ёнаётган сарв воситасида ифодалашдан иборат.

Лирик шеъриятимиздаги кўплаб ҳусни таълил ифодалари ранг-баранг ҳайвонлар, қушлар тимсолига асосланган. Масалан, шоир маҳбуба латофатини мадҳ этар экан:

Сайдгоҳда қочмас андин сайдким, жон бергали
Секребу ўйнаб, нишоту завқ этар изҳор сайд

байтида охуларнинг ов маҳали сакраб қочишлари уларнинг шодликлари ифодаси сифатида файритабии шарҳланган эди. Булбул кабутар, қумрию тўти каби қушларга хос гўзаллик, сеҳрли овоз, ўзаро вафодорлик сингари фазилатларни файритабии шарҳлаш орқали ушбу санъатнинг бир-биридан ажойиб лавҳалари яратилган.

Хусусан, Навоий ғазалиётида қушлар тимсоли ҳам муносиб ўрин тутади. Уларнинг хусусиятлари кўриниши, сайраши, нолалари шоирга ошиқ қалбининг нозик кечинмаларини ёрқин ва таъсиручан ифодалашга имкон беради.

Навоий хусусан, булбул тимсолига алоҳида диққат қиласди.

Булбул эрмас, чиқти кўксум чокидин кўнглум қуши,
Хажр ўқи пайконлари бирла ясаб болу парин

байтида булбул кўнгул қушига қиёсланса,

Бу гулшан аро бўйи вафо етмади гулдин,
Булбулғаки, минг навҳа била даъби фифондур

байтида булбул навоси унинг олам бевафолигидан чекаётган нола, фифони тарзида ифодаланиб, муҳим ижтимоий ғоя бадиий мужассамлантирилган.

Шоир булбулдан бошқа қушлар – тонг қушлари навосини ҳам адолатсизликдан нолиш ифодаси сифатида талқин қилиб, юқоридаги каби ижтимоий ғояни акс эттиради:

Боги даврон гуллари чун бевафодур, тонг эмас
Кеча гар тонг қушларининг нолаи шабхези бор

Бошқа бир ғазалда тонг қушлари навоси Навоий ноласидан
ўрганиш оқибати тарзида талқин қилиниб чиройли ифода яра-
тилган:

Тонг қуши тортар эса кеча тонг отқунча наво,
Эй Навоий, қилур ул ишни санга ўтканибон

Қуш тимсолидан ошиқ кечинмалари ифодасида фойдаланиш
маҳорати, хусусан, мана бу байтда ёрқин ифодаланган:

Номаи ҳажрим анга етмадиким, элтур қуш
Йиқилур ерга ҳаводин қаноти чурканибон

Ошиқ ўзи ёзган дардли мактубни қуш қанотига боғлаб дил-
дорга йўллаган экан, маҳбубага етиб бормабди. Шоир шу ҳоди-
сага муболагали файритабиий сабаб кўрсатиб, ҳусни таълилнинг
ёрқин ва гўзал ифодасини яратади: ҳижрон аламларидан ўртан-
ган дил дарди мактубдан қуш жисмига кўчиб, унинг қанотлари-
ни куйдирибдию, осмондан ерга қулатибди. Ошиқ туйғулари-
нинг бу тарздаги тасвири албатта, ҳайратга солади ҳар бир ки-
тобхонни. Янги ва бетакрор бадиий ифода бу!

Номаи ҳажрим кабутар парларин гар ўртамас,
Ул қаро хатлар қаноти узра ҳар сори недур

байтида эса юқоридаги каби талқин – ошиқ номасининг қуш
қанотини куйдириши кабутар қанотидаги қора чизиқлар воси-
тасида янада ҳаётйроқ ифодаланган. Аниқроғи, муболагали
бадиий тасвирга ҳаётй далил келтирилган: кабутар қанотида-
ги табиий чизиқлар файритабиий – номадан кўйиш оқибати тар-
зида талқин қилинган. Ошиқ номасини элтувчи қуш сифатида
кабутарнинг танланиши ҳам ҳаётй далилни кучайтирган. Зеро,
мактубларни асосан кабутар орқали йўллангани – ҳаётй
ҳақиқатдир.

Мумтоз шеъриятимизда яратилган кўпгина ҳусни таълил на-
муналари қимматбаҳо тошлар: лаъл, дур, жавоҳир ва бошқа-
ларга хос рангинлик, ёрқинликни файритабиий талқин қилишга

асосланади. Улар маҳбуба лаби, тишига хос латофатни ушбу санъат воситасида бегакрор ва жозибали ифодалашга имкон берган.

Навоий ўз фазалиётида лаъл тимсолига мурожаат этиб, латиф иборалар кашф этади.

Оташин невчун эрур лаълу муффарриҳ ёқут,
Бодаи ишқ агар қилмади кон ичра нуфуз

байтида лаълнинг қизиллиги кон ичиди ҳам ишқ бодасининг мавжудлиги билан далилланади. Қизил рангнинг рамзи бўлган ушбу тимсол аввало маҳбубанинг беҳад гўзаллигини ҳусни таълил воситасида жилолантиришга хизмат қилган. Чунончи:

Гар лабинг оллида даъво қилмади изҳор лаъл,
Бўйни невчун боғланиб осилди мужримвон лаъл

байтида ёқут тақинчоқнинг гўзаллар бўйнига осилиши унинг маҳбуба лабига даъво қилиши билан далилланади. Ушбу файри-табиий асослаш маъшуқа лабининг лаъл-ёқутдан ҳам тиниқлиги, қизиллигини таъкидлашга хизмат қилган.

Гўйиё тўти хатинг бирла лабингдин сўрди нутқ,
Ким, либос ўлди зумуррадгун анга минқор лаъл

байтида ҳам маҳбуба лаби устидаги майин туклар билан лаъл рангидаги лабидан баҳраманд бўлган тўтининг кийими зумуррадгун – яшил ва тумшуғи қизил ранг касб этгани ифодаланар экан, ҳусни таълил маъшуқа латофатининг ушбу икки фазила-тига ўқувчи диққатини жалб қиласди.

Гар Навоийнинг сўзи ширину рангиндуру не тонг,
Ким эрур кўнглида доим ул шакаргуфткор лаъл

мисраларида эса Навоий фахрия усули билан ўз шеърларининг «ширину рангин»лигини маҳбубанинг шакаргуфткор лаъл лаби доим ўз кўнглида эканлиги билан далиллайди. «Лаъл» сўзи бу ўринда истиора тарзида қўуллангани кўриниб турибди.

Шеъриятимизда қалам, қофоз, дафтар тимсоллари заминида яратилган ҳусни таълил намуналари ҳам анча. Бу тимсолар-

нинг мазкур санъат воситасидаги тасвирини XIV-XV аср ғазалиёттида кўп учратамиз. Алишер Навоий ғазалиёттида ҳам қалам тимсолига асосланган ҳусни таълил ифодаларига дуч келамиз. Масалан:

Шикоф эрмас қаламдаким, фироқим шарҳи ёзғондин
Ёқо чок айлабон чирмаб қаро бўлмиш анга мотам

байтида қалам учининг ёриклиги, яъни сиёҳдан қора бўлганини ошиқ ғамига қуюб ёқасини чок, кийимини қора қилғанлиги билан далиллайди. Ушбу файритабиий талқин ошиқ кечинмалари ни муболағали тасвирлашда шоирга қўл келгани кўриниб турибди.

Битиди ҳар сари ушшоқиға вафо битигин,
Магар, ушалди етишкан замон қалам бизга

байти ҳам пурмазмун. Ошиқларнинг барчасига мактуб ёзиб, Навоий – бедилни маҳрум қолдирган маҳбуба ҳақида сўзлар экан, «Бизга навбат етганда, қалами синиб қолган-да», деган файритабиий сабаб кўрсатмоқда шоир.

Навоийнинг:

Сариф коғазмудурким, сўзи ҳажрим айладим таҳрир,
Ва ёхуд шуъла тушти сафҳаға ул сўз этиб таъсир

байтидан ўрин олган ҳусни таълилдаги далил қатъий бўлмай шартлидир, шунга кўра бу ўринда шибҳи ҳусни таълил қўлланган дейиш тўғрироқ бўлади. «Мен ҳажрим сўзини таҳрир қилаётган, ифодалаётган қофознинг ўзи сарифми ёки бу сўз таъсир этгач унга ўт туташиб сарғайдими?», деб ёзади шоир. Бу ўринда «сўз» сўзи ийҳом санъати ифодаси бўлиб, бир вақтда «оташ» ва «сўз» маъноларида қўлланган.

Номадин мумкин эмас, эй шўх, ҳолим англамоқ,
Ўртанур коғаз, фироқим шарҳи чунки ёзилур

байтида: «Эй шўх гўзалим, менинг номамни ўқиб, ҳолимни англай олмайсан, чунки фироқим шарҳини ёзар эканман, қофоз ҳам ўртаниб, ёзувларни ўқиб бўлмай қолади», деган муболағали тас-

вирда маҳбуба ошиқ ҳолини унинг номасидан англай олмасли-
гига файритабий сабаб ифодаланган.

Узору лаъли лабинг васфини қачон ёздим,
Оқиб кўзум ёши гулранг бўлди қон коғаз

байтида эса қоғознинг гулранг ранги ошиқнинг қонли кўз ёшлари-
нинг қоғозга томиши оқибати тарзида талқин қилингани.

Алишер Навоий битган:

Навоий дафтари ҳажринг ёзиб кўз тўкти хунобин,
Чу очсанг саҳфа-саҳфа, кўргусен қон ўтканин таҳ-таҳ

байтида дафтар тимсоли ўз аксини топган. Шоир бу тимсол асоси-
да ҳам бир-биридан гўзал бадиий ифодалар ижод қилган. Мазкур
байтга дикқат қиласайлик: «Навоийнинг дафтари ҳажринг дард-
ларини битар экан, кўзлар қон ёш тўқди. Бу дафтарни варақласанг,
унинг саҳифаларидағи қонларни кўришинг аниқ», деган мазмун
ифодаланади унда. Мантиқий асос қани бу тасвири? Девон саҳи-
фаларида қандай қон излари учрайди? Маълумки, қўллэзмадаги
баъзи парчалар алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадида қизил сиёҳ
 билан ёзилади. Шоир юқоридаги тасвирида ана шу ҳолатни файри-
табий тарзида талқин қилаётгани кўзга ташланиб турибди.

Кўрмаган бўлса юзунг мусҳафини тифли чаман
Нега гул дафтари авроқини барбод берур

байтида ҳам дафтар тимсолига дуч келамиз. Шоир бу ўринда
уни мажозий тарзда қўллаб «гул дафтари» деган истиоравий
ифода яратади. Байтдаги ҳусни таълил эса гул баргларининг тўки-
лишини файритабий шарҳлашда ўз ифодасини топган. «Чаман
болалари юзунг мусҳафини кўрмаган бўлсалар, нега гул барглар-
ини узиб ўйнайдилар», мазмунидаги ушбу мисраларда бола-
ларнинг гул баргларини юлиб ўйнашлари назарда тутилиб, шу
ҳодисага бадиий сабаб кўрсатилади. Гүё болалар гўзал маҳбуба
юзини кўриб, ҳайратланганларидан чамандаги гулларни пайҳ-
он қиласилар. Ушбу байтда «тифли чаман» иборасини насим
сифатида ҳам талқин қилиш мумкин, албатта.

Шеъриятимизда яратилган кўпгина ҳусни таълил намуналари
афсонавий ривоятларда тасвириланган ҳодисаларни файрита-

бийи, гайри илмий ифодалашга асосланади. Ушбу анъана XIV-XV асрлардан бошланган, десак хато бўлмас.

Алишер Навоий бу хил анъаналарни изчил давом эттирган ва ривожлантирган ҳолда афсоналардаги воқеаларни файритабиий далиллаш соҳасида бир қатор ёрқин лавҳалар яратди. Унинг

Нега зулматқа инар Хизр суйи,
Топмаса нўши зилолингдин ўёт

байтларида оби ҳаёт Хизр суви дея аталиб, унинг зулматда бўлиши ҳақидаги афсона файритабиий шарҳланган. Лутфий ва Гадоийлар байти таъсирида битилган ушбу мисралар Навоийнинг илк ижодига мансуб, десак хато бўлмас.

Мавлоно Лутфий қаламига мансуб

Исо фалакка ошти, чун бўлди лабинг жон бергучи,
Шармандалиқдин кетмаса кўкта анга не бор эруп

байтида Исонинг осмонга кўтарилиши ҳақидаги афсонани эслатайтган шоир бунинг сабаби унинг маҳбуба лаби олдидаги шармандалигидир, дея изоҳлайди. Бу файритабиий далил, зоро Исонинг осмонга кўтарилиши «Инжил» китобида мутлақо бошқача ифодаланган.

Навоий қаламига мансуб

Еру кўкка истабон пайдо эмас Хизру Масиҳ,
Қочтилар гўё дудогинг оби ҳайвонин кўруб

байти ҳам юқоридаги мисралар билан ҳамоҳанг. Афсоналарда айтилишича, Хизрни ер юзида учратиш анча мушкул, Исо эса осмонга чиқиб кетган. Ҳар икки шахснинг бу хил ҳолати файритабиий талқин қилинган. Улар гўё маҳбуба оғзининг ҳаёт суви каби бекиёслигини кўргач, ер юзидан қочиб кетишган эмиш.

Эй, хату лаълинг қошида мунфаил Хизру Масиҳ,
Не ёшунмоқдур гар эрмаслар хижил Хизру Масиҳ

байтида эса ушбу талқин янада кучайтирилган. Бу мисраларда Хизрнинг маҳбуба хатти, яъни лаб устидаги майин туклари олди-

да, Масиҳнинг эса лаъл лаби қошида хижил бўлғанларидан яшириниб юрганлари таъкидланади. Ўқувчи ушбу байтда Хизрнинг яшил кийимда юриши, Масиҳнинг эса нафаси билан ўликларга ҳам жон багишлаши ҳақидаги афсонага ишора қилаётгани, уларнинг хижилилиги эса маҳбуба хатту лаълининг гўзаллиги ва жонбахшилигидан эканлигини осонгина англаб ета олади.

Ул ёшингай зулмат ичра, бу фалактин ёнмағай,
Кўрсалар хатту лабингни ногаҳон Хизру Масиҳ

байтидаги ҳусни таълил эса мазкур афсоналарнинг яна янги жиҳатларига таянади. Аниқроғи, Хизрнинг зулматда бўлиб, оби ҳаёт ичганлиги, Исонинг эса ҳануз осмондан тушмаётганлиги ҳақидаги ривоятлар асос қилиб олинган. «Хизр билан Масиҳ хатting билан лабингни кўрсалар, униси зулматга, оби ҳаёт мавжуд бўлган ер қаърига яширинган, буниси эса осмондан тушолмаган бўларди», мазмунидаги ушбу мисраларда ана шу ривоятларга файритабиий сабаб кўрсатилгани кўзга яққол ташлашиб турибди.

Мени Мажнундек тутуптур дашт демангким, бу дашт
Тоғлар эрдики, ҳомун қилди кўнглум қайғуси

байтида Мажнун ҳақидаги афсона ҳақида гап боради. Унга кўра Мажнун тоғлар ичиди яшайди. Шоир тасвирлаган ошиқ эса Мажнунга ўхшайдио, лекин даштда сарсон кезади. Шу ҳодисага асос излаган шоир: «Бу дашт аслида тоғлар эди, лекин кўнгллимдаги қайғу уларни парчалаб, даштга айлантирган», деган файритабиий далил келтиради.

Магарки, мен каби элдин қочарни айлади варзиш,
Кийиклар ичраки, Мажнун тамоми умр югурди

байтидаги талқин янада ўзгачароқ моҳият касб этган. Маълумки, ошиқлар сардори ҳисобланган Мажнун Лайли ишқида тоғларда сарсон кезиб, ҳайвонлар орасида яшайди. Шеъриятда шоирлар ошиқни Мажнунга қиёслайдилар. Юқоридаги байтда эса, аксинча, Мажнун Навоий тасвирлаган ошиққа қиёсланган: Мажнун шу ошиқ ишини ўзи учун намуна билиб, ундан садоқат илмини ўрганиб, унинг каби кийиклар ичиди умр ўтказган эмиш.

Афсонавий воқеъликни шу тарзда ғайритабиий изоҳлаш ҳусни таълил ифодасидан бошқа нарса эмас. Бу восита орқали ошиқ тимсоли жуда бўрттириб тасвирланган.

Топти Мажнун шуҳрату қолди менинг қиссам ниҳон,
Ким, ўлар ҳар ким фасонамни бидоят айласа

байтидаги ҳусни таълил ҳам кутулмаган кашфиёт бўлиши билан таъсирчан. Унинг мазмунига дикқат қиласайлик: «Мажнун ҳақидаги афсона, унинг номи шуҳрат топди, лекин менинг қиссам номаълум бўлиб қолди, чунки кимки менинг афсонамни бошласа, ўша замон ҳалок бўлади», деб ифодалайди шоир ошиқ аҳволини. Бинобарин, Навоий тасвирлаётган ошиқ қиссасининг эл ичида тарқалмаганига сабаб, бу қиссани бошлаган ҳар бир кимсанинг воқеалар таъсирида ўша ондаёқ ўлиб қолиши экан. Шундай экан, бу қисса эл ичида тарқалиб улгурмаган. Аслида эса бу афсона Мажнун афсонасидан ҳам дардчилроқ, фожиалироқ, демокчи бўлади шоир.

«Фавойид ул-кибар» девонидан ўрин олган:

Теша бирла қозди тоғ Фарҳоду мен тирноғ ила,
Эй кўнгул, меҳнат чекарда дема они мен кеби

байтидаги ҳусни таълил ҳам эътиборга лойиқ. Шоир ошиқнинг Фарҳодга нисбатан кўпроқ азият чекканини таъкидлар экан, ўз фикрига қуидагича далил келтиради: Фарҳод тоғни теша билан қазган бўлса, ошиқ тирноғи билан шу машаққатли ишни бажарган. Шундай экан, ошиқни Фарҳоддан устун қўйиш асослидир. Бу ўринда шоир даъвоси гайритабиий асослангани кўриниб турибди.

Навоий кашф этган ҳусни таълил намуналари китобот санъатига ҳам асосланади. Бу хил бадиият мавжуд бўлган асарларда у ёки бу ҳолат ёки ҳодиса ҳарфлар шакли ёки имлоси билан далилланади. Чунончи:

Нуқтаи холинг недин ширин лабинг устиладур,
Нуқта чун остин бўлур ҳар қайдаким ёзилса «лаб».

байтидаги ҳусни таълил ҳам китоботнинг ҳусни таълил учун хизмат қилиши ифодаси. Маҳбуба лаби устидаги хол ҳақида сўзлаётган шоир «ҳар қаерда «лаб» сўзи ёзилса, нуқта унинг («б»

ҳарфининг) остига қўйиладику, шундай экан, нега хол ўрнида (лабнинг устида) эмас», дея таажжубланади.

Мумтоз шеъриятимиздаги ҳусни таълил намуналарида қанд, новвот, асал тимсолларига ҳам кенг мурожаат қилиб келинган. Ширинлик рамзи бўлган бу тимсоллар асосан маҳбуба лабининг тотлилиги, ҳаётбахшигини таъкидлаш учун хизмат қилиб келган. Атоий, Лутфий, Гадоий каби ижодкорлар бу ширинликларнинг ҳусусиятлари, одамлар ҳаётидаги ўрнини ғайритабиний тасвирилаш орқали маҳбуба латофатини таъсирчан лавҳаларда ифодалашга эришганлар.

Алишер Навоий ушбу анъанани давом эттириб бир қатор ёрқин лавҳалар яратган. Шоир қаламига мансуб:

Чу шаккар қилди ширинликни даъво,
Эшиккач лабларинг қилди шакарханд

мисраларида гўзал маҳбубанинг шакарханд қилиши, майнингина жилмайшишга унинг ўзлабига қараганда шакарнинг ширинроқ эканлиги ҳақидаги даъвосини эшитиши асос қилиб кўрсатилса,

Ўзин шаккар деса лаълингфа монанд,
Қилай тишлаб ани парканд – парканд

байтида қанднинг тишлаб ейилиши унинг маҳбуба лабига ўхшашлиги ҳақидаги даъвосига жазо тарзида талқин қилинади.

Мумтоз адабиёт вакиллари маҳбуба лабининг латофатини бадиий ифодалашда писта тимсолига ҳам мурожаат қилиб, бир қатор жозибали лавҳалар яратганлар.

Навоий ўз ҳусни таълил ифодаларини кашф этар экан, сув тимсолига ҳам бот-бот мурожаат этиб туради, сувнинг гоҳ равон, гоҳ шарқираб оқиши манзаралари воситасида жозибали лавҳалар яратади.

Оригина сув уни кулмак садосидур, магар
Ким, су ўзидин борур айлаб фараҳ ул кулгудин

байтидаги тасвир ғоят ҳайратомуз. «Ариғдаги сув овози унинг кулгисидандир, сув бу кулгидан, ўз кулгисидан шавққа тўлар экан, ўзидан кетяпти, яъни беҳуш оқиб боряпти», деган маънони ифодаловчи бу мисраларда сувнинг товуши чиройли ифода учун исос вазифасини бажарган.

Гўзал маҳбуба ва садоқатли ошиқ қиёфалари

Алишер Навоий ўз салафларининг бой ва гўзал анъаналарини изчил давом эттирар экан, гўзал маҳбубанинг ҳусну жамоли, путфу назокати, рафторию ширин каломини эҳтиросли мисралар зимнига жо айлар экан, бошқа кўплаб санъатлар қатори ҳусни таълилдан ҳам унумли фойдаланган эди. Даҳо ижодкор қашф этган ўнлаб файритабиий талқин лавҳалари ўзининг мунаққашлиги, таровату латофати билан китобхонни мафтун этади. Фикримизни шоир ғазалиётидаги кўплаб нафис мисоллар билан далиллашимиз мумкин. Жумладан, «Фаройиб ус-сигар» девонидаги

Дема кундуз, қоронғу тун эди, чун пардадин чиқтинг,
Жаҳонни қилди кундуздек юзунг меҳрининг анвори

байтни кўздан кечирайлик. Ушбу мисраларда: «Кундуз дема, қоронғи тун эди-ю, сен пардани кўтаргач, юзинг қёшининг нурлари жаҳонни кундуздек ёритиб юборди», деган мазмун ифодаланганини кўрамиз. Демак, шоир қўёш чараклаб турган кундузни файритабиий шарҳлаб, уни гўзал ёр чеҳрасининг намоён бўлиши билан далиллайди. Байтдан кузатилган мақсад эса маҳбуба юзининг ғоят гўзаллигини таъкидлаб кўрсатишдан иборат эди.

Сипеҳр баҳриға боқсанг, юзунгта акс дурур меҳр,
Кўрунур ики қўёш чун бўлур қўёшқа су ўтру

байтида ҳам маҳбуба юзи қўёшга ўхшатилади. Лекин бу ташбиҳни шоир ғоят нафис ифодалаган. Байт мазмунига дикқат қиласайлик. Унда: «Сен осмон денгизига боқсанг, юзинг акси қўёш бўлиб кўринади, ахир қўёш акси сувга тушса ерда ҳам, осмонда ҳам қўёш пайдо бўладику», деган мазмун ифодаланган. Демак, шоир қўёш акси сувга тушганда сувда ҳам, осмонда ҳам қўёш кўринишини файритабиий изоҳлаб, ердаги қўёш – маҳбубам, осмондагиси эса унинг юзи, акси холос, деган ҳайратомуз ҳусни таълил лавҳасини яратган.

Хижлатда не терларки кавокибдин оқизди,
Ой кўрди чу хуршиди жамолинг арақ ичра

байтидаги ҳусни таълил ҳам таҳсинга сазовор. Унда шоир аввал юлдузларни ойнинг кўз ёшларига қиёслайди-да, «Нега ой юлдузлардан кўз ёш тўкяпти?» деган саволни қўйгандек: «Чунки у сенинг жамолинг қўёши – юзингни терлар ичида кўриб қолган, шу туфайли аламига чидай олмай кўз ёш қиляпти», деган файритабиий далил келтиради. Бинобарин, тунги самовий манзара маҳбуба латофатининг бир қиррасини шу тарзда сафобахш тасвирлашга хизмат қўлдирилган.

Шоир маҳбубанинг қадди-қомати ҳақида қалам тебратар экан, файритабиий далиллаш заминида теран foяларни илгари суриб, кутилмаган бадиий кашфиётлар яратади. Мана бу мисолга эътибор қаратайлик:

Май дема, қушлар қанотининг елидин бўлғуси
Нахли қаддинг мойил ўлмоқ ҳар тараф рафтор аро

байтида шоир гўзал маҳбубанинг нозик қаддини васф этиш мақсадида: «Эй гўзал, юраётганингда ҳар томонга мойил бўлининг (эгилишинг) га сабаб сен ичган май эмас, балки қушлар қанотининг эпкинидир», деган маънони ифодалар экан, шеъриятимиз учун янгилик бўлган ҳусни таълил лавҳасини кашф этган эди.

Эрур ҳар сори ушшоқ оҳидин, мендин эмас, буким,
Бўлур нахли қадига жилва айлар чоғда ҳам ҳар ён.

«Маҳбубамнинг боғда хиром айлар чоғда ҳар ёнга эгилишига мен сабабчи эмасман, атрофида турган беҳисоб ошиқларнинг оҳи туфайли унинг қадди шу ҳолга тушяпти», мазмунини акс эттирган ушбу байтда ҳам гўзал паривашнинг чиройли хатти-ҳаракати файритабиий шарҳланиб, унинг маънавий қиёфаси янада ёрқинроқ жилолантириляпти.

Навоий гўзал маҳбубанинг қадду қомати, латофатини

Қоматингдин азми саҳро қилди гулшандин тазарв,
Тоғ сори ўйлаким фарёд этиб кабки дарий

байтида ҳам foят жозибали тасвирлайди. Шоир: «Сенинг қоматиниңни кўрган тустовуқ фарёд уриб тоққа қочиб кетган какликка ўхшаб саҳро сари жўнаб қолди», деб таъкидлар экан, тустовуқ-

нинг саҳрода, тоғ каклигининг тоғда яшашини уларнинг маҳбуба қоматидан уялиб қочиб кетиши тарзида файритабий далиллайди.

Маҳбуба оғзининг кичиклигини таърифлар экан, шоирларимиз кўплаб безавол тасвирлар чизганлар. Бундай ифодаларда ҳусни таълил санъати ҳам кенг қўлланган.

Навоий шу мавзуда қалам тебратар экан, аввало, маҳбуба оғзининг фоятда кичиклигини ҳусни таълил воситасида жуда таъсирчан изоҳлайди.

Оғзинг гумони эрди Навоийда, шукрким,
Нутқунг яқинға қилди бадал барча шакларим

байтида ифодаланишича, Навоий, яъни лирик қаҳрамон – ошиқ маҳбубанинг оғзи бормикан, йўқмикан деган шубҳада экан, бу шубҳа «бадал бўлибди» – йўқолибди. Бунга сабаб эса маҳбубанинг нутқи, сўзлаши бўлибди. Яъни маҳбуба сўзлаганида ошиқ ўз маҳбубасининг оғзи борлигига ишонч ҳосил қилибди, олдинги шубҳаларидан қутулибди. Бинобарин, байтда келтирилган асос файритабий.

Шоир ўзининг:

Фарид ҳолим агар ёр сўрмаса, не ажаб
Ки, оғзи йўқлуғидин йўқтурур маҳалли савол

байтида эса: «Ёрим менинг фарид аҳволимни сўрамаса, ажабланарли жойи йўқ, чунки оғзи йўқ бўлгани учун савол ҳам беролмаяпти-да!», мазмунини ифодалар экан, маҳбубанинг ҳол сўраб савол бермаслигига унинг оғзи йўқлигини сабаб қилиб кўрсатадики, бу файритабий талқиндан бошқа нарса эмас.

Навоий тасвирлаган бир қатор ҳусни таълил лавҳалари маҳбуба лабларининг ширинлигини файритабий изоҳлашга бағишланган эди. Жумладан:

Ёр оғиз очмасқа дардим сўргали топтим сабаб,
Кўп чучукликтин ёпушмишлар магар ул икки лаб

байтида маҳбубанинг ошиқ аҳволини сўрашга оғиз очмаслигига унинг лаблари ширинлигидан бир-бирига ёпишиб қолганлиги

сабаб бүлгәнлиги таъкидланиб, мазкур санъатнинг бетакрор на-
мунаси яратилган эди.

Сўз демай икки шакардек лабиким, банд ўлмиш,
Кула олмастин иши эмди шакарханд ўлмиш

байтида эса ширинлигидан лаблари ёпишиб қолиб, гапиролма-
ётган, ҳатто кула олмай, фақат табассумгина қилаётган маҳбу-
ба тасвири шу санъат туфайли фоят таъсирчан чиққан.

Дам урмассан лабинг ширинлигин васф айласам гүё,
Ики лаълингни бир-бирга ёпуштирида шакар ҳар ён

байтида эса юқоридагига ўхшаш ҳусни таълилнинг маҳбуба лаб-
ларининг ширинлигидан ёпишиб қолганлиги бошқа бир воқеъ-
лик, яъни шоир томонидан маҳбуба лаблари васф қилинар экан,
унинг маҳбубанинг дам урмаслиги, индамай туришига далил
сифатида келтирилган.

Хаттинг ичинда лабингнинг ики холи не ажаб,
Икидур нуқта, ёзилур эса хат ичидা «жон»

байтида эса гўзал маҳбуба лабидаги майнин туклар орасидан
ўрин олган икки хол васф этилган. Ана шу гўзалликни шоир
«жон» сўзи араб ҳарфлари билан ёзар экан, унга иккита нуқта
қўйилиши билан файритабии изоҳлайди, ваҳоланки сўздаги
нуқталар билан лабдаги холлар ўртасида ҳеч қандай боғлиқ-
лик йўқ.

Шеъриятимиздаги ҳусни таълил намуналарида маҳбуба қоши
тимсолининг бадиий ифодаси кўп учрайди. Уларда қошнинг
қўриниши, ўрни, ранги турли файритабии талқинлар учун асос
қилиб олинади.

Ё қошинг бирла чу қилди даъвий,
Қатл учун бўғзига солилди кериш

байтида: «Ёй сенинг қошинг билан гўзаллик талашган эди, бу
гуноҳи учун у ўлимга буюрилиб, бўғзига кериш солинди», маз-
мунни ифодаланган. Маълумки, ёй эгилиши учун учларини ке-
риш – мустаҳкам ип билан тортилади. Шу ҳолатга асосланган

шоир юқоридагиға ғайритабиій талқинни ифодалагани күрениб турибди.

Демакка фитна таълимин бұлуб ҳам,
Қулоғинг сори бош әлтиптур ул қош.

Магар сочингни тийдинг фитнадинким,
Паришонқол аёғингға құяр бош

байтларидаги ҳусни таълиллар ҳам завқиёб. Бириңчи байтда маҳбуба қошининг ёйсімөн, әгрілігі ва уннің қулоққа яқын жойлашишига бадиий бир сабаб құрсағилған: у әғилип олиб дилдор қулоғига шивирлаганича, фитна үргатаетір. Иккінчи байтда таъқидланишича, маъшуқа қошнинг сұзларига учмаган ва сочига озор етказмаган, шу туфайли миннатдор ёр оёғига бош қүйиб шукроналик изҳор этмоқда. Эътибор қылған бұлсанғиз, кейинги мисраларда ҳаёттій бир ҳолат – гүзәл дилдор сочларининг узунылығыдан оёққача тушишига ишора қилиніб, унға чирайли сабаб құрсағилған күзге ташланиб турибди.

Кейинчалик ушбу байт таҳрір қилинған күренинде. «Бадоеъ үл-васат» девонидан ўрин олған:

Гар ниҳоний фитна таълим айламас, бас, не учун
Бошини чекмиш баногүшинггача қошинг сенинг

байтида «фитна» сүзи «ниҳоний» сүзи билан түлдирилған, «қулоғинг» сүзи «баногүшинг» билан алмаштирилған. Натижада байт мазмуни ойдиналашған, таъсирчанлық кучайған.

Бир-бирига бошларин пайваста невчун қылдилар,
Фитна ангизи агар йўқтур ул икки қош аро

мисраларыда эса икки қошнинг ўзаро яқинлиғи, ҳар икковининг фитна ҳақида маслаҳатлашаётгандар тарзіда бадиий талқин қилинади.

Гар эрмас насси қотиъ қатл учун ҳар күз била қошинг,
Начук бас зоҳир этмиш ҳар бири «сад» устида бир «нун».

байтида шоир китобот санъатидан моҳирона фойдаланиб, маҳбуба қошларини анъана бўйича «нун» (н) ҳарфига, кўзларини

«сад» ҳарфига ўхшатиб маҳбубанинг шу аъзоларининг кўринишини «насс» сўзининг ёзилишига қиёслар экан: «Ҳар қайси қошу кўзинг мени қатт этиш учун қатъий далиллар, чунки уларнинг иккови ҳам (иккала қош-кўз ҳам) «насс» – ўлим ҳукмини зоҳир қиляпти, яъни ўнгдаги қош билан кўзинг ҳам, чапдаги қош билан кўзинг ҳам «Ўлим!», «Ўлим!» деб тургандек кўриняпти», деган маънони ифодалайди.

Навоий гўзал маҳбубанинг нафис ҳаракатлари, нозли боқишлигини мунаққаш мисраларга муҳрлаш учун ҳам ушбу ажойиб санъатдан усталик билан фойдаланганди. Куйидаги байт шундай бежирим ифодалардан биридир:

Ноз ўқи бирла кўзум мардумин этting мажруҳ,
Ашки гулгун дема, захмидин анинг қон томадур.

Шоир тасвиралинича, ошиқ кўзидан ерга гулгун ёш томчилари тўхтовсиз томмоқда. Бунинг сабаби кўз ёшларининг рангнлиги эмас, маҳбуба ноз ўқи билан ошиқ кўзидаги қорачиқни мажруҳ этган, шу туфайли ерга томаётган томчилар ярадан оқаётган қоннинг ӯзидир. Бинобарин, ҳаёттий бир ҳодиса – кўз ёшларининг ерга томишига маъшуғанинг ноз ўқи таълил қилиниб, назарда тутилган ғоявий-бадиий ният – дилдор нозининг латофатини таъкидлаш мақсадига эришилган.

Даҳо ижодкор Алишер Навоий маҳбуба ҳатти-ҳаракатлари, ҳолатини файритабиий талқин қилиш воситаси орқали ҳам ҳусни таълил санъатининг нозик ва нодир ифодаларини яратади. Унинг бу соҳадаги бадиий салоҳияти жумладан:

Кўргач оҳимни ғазабдинму қизарди ул узор,
Йўқса ул ҳумрат бу ўтнинг тобидин бўлди асар

байтидаги ҳусни таълил тажоҳули орифона усулига асосланган. «Менинг оҳ тортаётганимни кўргандан сўнг маҳбубам юзи ғазабдан қизордими ёки унинг юзидағи қизиллик оҳим ўтининг таъсириданми?», деган маъно ифодаланган бу мисраларда.

Шоир шарқ аёлларининг одобу ахлоқи ифодаси бўлмиш этнографик манзараларни акс эттиришда ҳусни таълил санъатидан фойдаланиб, қатор безавол бадиий лавҳалар чизади.

Енг била невчун ёпар оғзин такаллум ҳолида,
Лабларидин шаҳд олиб йўл очмаса гуфторига

байти шу жиҳатдан бетакрор. Сўзлаётган маҳбубанинг баъзан
енги билан оғзини тўсиши ҳодисасига чиройли далил топган
Навоий: «У, лабларидаги асални яширинча олиб, сўзга йўл оч-
маётган бўлса, нега енги билан оғзини яширяпти», маъносини
ифодалайди.

Ёрким қилмас жафову жабр этмас раҳмдин,
Ким, манга қўргузмаган жавру жафоси қолмамиш

байтидаги ҳусни таълил ҳам фоятда таъсирчан. Маҳбуба ўз оши-
фига жабру жафо қилмай қўйибди, лекин бу меҳр-шафқат ифо-
даси эмас, ёрнинг жабру жафоси тугаб қолганлиги туфайлигина
ошиқ бу ташвишдан халос бўлган-да! Маъшуқанинг ўз жабрини
тўхтатишини бу тарзда далиллаш шоир маҳоратининг ёрқин ифо-
даси, албатта.

Навоий ўзининг қатор-қатор ҳусни таълил ифодаларига ошиқ
ҳолати ва ҳаракати, туйғу ва ҳиссиётларини файритабии тал-
қин қилиш учун асос қилиб олади.

Улар лирик қаҳрамон портрети, нозик ва мураккаб кечин-
малари, ранг-баранг туйгуларини ёрқин ва таъсирчан ифодалаш-
га қўл келади. Айни вақтда ушбу бетакрор бадиий лавҳалар,
ҳайратомуз бадиий ифодалар даҳо ижодкор салоҳиятининг сер-
жило қирралари ҳақида ишонарли таассуротларни рӯёбга чиқа-
ради. Фикримиз далилини қўплаб сержозиба байтлар мисолида
қўришимиз мумкин. Жумладан, «Бадоеъ ул-васат» девонидаги

Эмас жунундин, агар тоғларда бўлса маконим,
Ки, қолди баҳри сиришким тубида мулку диёрим

байтида шоир ошиқнинг дарбадарлиги, беватанлиги, шу туфай-
ли тоғлардан макон топганини таъкидлар экан, бу ҳолатга бедил
«мулку диёри»нинг унинг кўз ёшлари денгизи остида қолиб кет-
ганлигини сабаб қилиб кўрсатади. Ушбу бадиий лавҳада мубо-
лағанинг гулувв деб аталган энг юқори даражасига мурожаат
қилиш воситасида лирик қаҳрамон ҳиссиётлар оламининг таъ-
сирчан файритабии ифодасига эришилганига ишонч ҳосил қил-
май иложимиз йўқ.

Үйла сув қылди бало күхсорини оҳим ўти,
Ким, олиб күксумга урғунча топилмас хора ҳам

байти юзаки қараганда кучли бир муболага далолатидек кўри-
нади. Аслида эса шоир ушбу санъатни файритабииш шарҳлаш
мақсади билан қўллаганди. Мисралар мазмунига диққат қиласай-
лик: «Аламимдан кўксимга урмоқчи бўлсан, тош ҳам топилмай-
ди, чунки оҳим ўти бало тоғини эритиб, сув қилиб юборган», деган
маъно ўз аксини топган бу лавҳада. Ижодкор каашф этган бу
хил бетакрор тасвир ошиқ қиёфасини ҳайратомуз бир тарзда акс
эттиришга хизмат қилган.

Чок айлармен яқо ул қоши ёни кўргач ўқ,
Ким хадангин отса ҳойил бўлмағай кўнглак манга

байтидаги далиллаш ҳам фоятда таъсиран. «Қошлари ёйдек
ёримни кўргач, ёқамни чок қиласман, сабаби у ўқ отса кўйлагим
тўсиқ бўлмасин дейман-да!» деган нафис бир маъно ўз ифодаси-
ни топган бу мисраларда.

Ер узра тим-тим қон ёшим гўёки томмиш дам-бадам,
Ким, нақди васлинг байъифа кўзлар санаар бир-бир дирам

байтидаги ҳусни таълил бу жиҳатдан фоят нафис, жозибадор.
Шоир ўзи тасвирлаётган ошиқ кўзидан тим-тим томаётган кўз
ёшлари сабабини гўё унинг, бедилнинг ёр висоли бойлигини со-
тиб олиш учун дирам санаётганилиги билан изоҳлайди. Байтда
кўлланган учта мутакаррир лафз бир хил тасвирнинг таъсиран-
лигини янада оширган.

Тандин ўқунгни чексалар, оғирддин эрмас шеваним,
Андин қилурмен навҳаким, айру тушар жондин таним

байтидаги ҳусни таълил ўз мазмундорлиги, талқиннинг янгили-
ги билан ажралиб туради. «Танимга теккан ўқингни сугуриб
олар эканлар, фарёд қиласман. Йўқ-йўқ, оғриқдан эмас, балки
жонимга тенг бўлган ўқингдан ажралиб қолаётганим туфайли
изтироб чекаман», деган маъно ифодаланган ушбу таъсиран
мисраларда. Бинобарин, шоир танидан ўқ тортиб олинаётган
ошиқнинг ингришишларини унинг ана шу ўқдан айрилиб қолиши-

дан құрқиб фарәд чекиши тарзидар экан, ғайритабиий далилга сүянади.

Ул пари құнглумдадурким, сүзлашурмен, демаким,
Телбалиқдин ўз-ўзум бирла такаллум айларам

байтида құлланған ҳусни таълил ҳам Навоийнинг гүзәл кашфи-ётларидан. Шоир унда ўз-ўзи билан сүзлашаётган инсон ҳолатини кутилмаган бир тарзда шархлады. «Мен севган пари менинг күнглимда, мени ўз-ўзи билан сүзлашаяпти, деб ўйлама, ахир мен күнглимдаги пари билан сүзлашаяпман», деган ажиб маъно ифодаланған бу мисраларда. Диққат қилинса, биринчи мисрадағи фикр париларнинг құзға құримаслиги, яширинча исталған ўринга, ҳатто инсон қалбига ҳам кириб олиши мумкинлиги ҳақидағы халқ афсонасига асосланғанини қўриш қийин эмас. Шу заминда ғайритабиий далил кашф этилған.

Васлинга кечрак етишсам, лутф этиб узрумға боқ,
Ким, қадам ўрнин супурмай күз била қўймон аёқ

байтидаги ҳусни таълил муболағали тасвир учун хизмат қилған. «Сенинг қошингта кечроқ этиб борсам, лутф этиб мени кечиргин, чунки мен сен томон юрар эканман, ҳар қадаминг ўрнини кўзим, яъни киприкларим билан супуриб бораман», маъносини ифодаловчи ушбу мисраларда ошиқнинг ёр висолига кечикиб бориши сабаби ғайритабиий далил асосида таъкидланған.

Буки дерлар кимиёдур ишқ, бовар қилмасанг,
Қилғуси юз важҳ ила собит узорим олтуни

байтидаги ҳусни таълил алоҳида аҳамиятга эга. Аввало, ушбу мисралар мазмунини англаб олайлик: «Ишқ–кимё дейишарди, тұғри экан, ишонмасанг юзимга боқ, юзим олтини, яъни юзимнинг олтин каби сарғайиб кетганинги бу сүзининг ростлигига юзта ҳужжат келтириши, юз жиҳатдан исботлаб бериши мумкин», деган маъно ифодаланған уларда. Шоир ўзи тасвиrlаётган ошиқнинг юzlари нима сабабдан сарғайиб кетганини ўрта асрларда кенг тарқалған фикр кумуш ва мисни кимё билан, яъни маълум кимёвий усууллар билан олtingа айлантириш мумкин, деган ғоя заминида далиллайди.

Юқоридаги айтиб ўтилган фикрлардан аён бўладики, мутафаккир ижодкор Алишер Навоий ҳусни таълил санъатининг адабиётимиздаги ривожига кучли таъсир кўрсатди. У хусусан:

– форс-тожик ва туркӣ тиллардаги лирик ва эпик шеъриятда ҳусни таълил санъатининг туттган ўрни, қўлланиш кўлами, хусусиятлари, фоявий-бадиий тасвирдаги имкониятларини ўнлаб, юзлаб ижодкорлар мероси асосида ўрганиб чиқди, юзлаб файритабиий талқинлар моҳияти ва бадиий нафосатини таҳлил қилиб, ушбу санъатнинг энг таъсирчан ифода усусларини аниқлади, ўтмиш ва замонавий шоирларнинг бу соҳадаги анъаналарини белгилаб, уларни адабиётимизга олиб кирди ва ривожлантириди;

– ўзигача яратилган туркӣ шеъриятда ҳусни таълил фақат маҳбуба малоҳату назокатини мадҳ этишга бағишиланган бўлса, Навоий бу санъатнинг имконият доирасини янада кенгайтириб, файритабиий талқинга асосланган далиллаш усули лирик қаҳрамон маънавий қиёфаси ва руҳиятини жозибали ва таъсирчан ифодалаш учун ҳатто ижтимоий фояларнинг бадиий тасвири учун ҳам фоятда мақбуллигини исботлаб берди;

– анъанавий ҳусни таълил тимсоллари асосида янгича бадиий талқинлар яратиш мумкинлигини юзлаб файритабиий далиллар билан тасдиқлади;

– шеъриятимиздаги ҳусни таълил хазинасини илгари қўлланмаган кўплаб бадиий тимсоллар билан бойитди, ҳаётий манзараларни энг нозик тафсилотларигача кузатиш ва улардан файритабиий талқин лавҳаларини яратишда фойдаланиш маҳоратини юзлаб бадиий лавҳалар билан далиллаб берди;

– ўзининг «Девони Фоний»дан ўрин олган форс-тожик тилидаги фазалларида ҳам ушбу санъат имкониятларидан моҳираона фойдаланди. Шоир бу асарлардаги ҳусни таълил лавҳаларида ўзбек тилида яратган файритабиий талқинларни тақрорламай янги мазмунни, янгича бадиий шарҳларни каашф этди;

– ижодкор мана шу мӯъжизакор санъатдан фойдаланаар экан, китобхонлар оммасининг билим ва ҳаётий тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда улар учун осон англаб олиниши мумкин бўлган талқин ва тимсоллар яратиш кераклиги, ўта мураккаб ифодаларни қўллашдан эҳтиёт бўлиш кераклиги хусусида ҳам таълим берди;

– Навоий яратган неча юзлаб ҳусни таълил лавҳалари шоир замондошлари ва салафлари учун бадиий маҳорат мезонлари бўлиб хизмат қилди.

ТҮРТИНЧИ БОБ

НАВОЙ АНЬАНАЛАРИ ИЗИДАН

XVI –XIX асрлар шеъриятида Навоий анъаналари

Буюк соҳиби калом Алишер Навоий ижодининг бошқа барча қирралари қаторида унинг ҳусни таълил санъати соҳасида эришган йирик муваффақиятлари ҳам кейинги даврда қалам тебратган кўплаб шоирларимиз бадиияти камолига сезиларли ижобий таъсир кўрсатмай қолмади. Унинг ҳам лирик мероси, ҳам ўлмас достонлари бадиий нафосатини синчиклаб ўрганиб, бекиёс санъаткорлик сирларини касб этишга интилган Бобур ва Машраб, Нодира ва Увайсий, Мунис ва Оғаҳий, Муқимий ва Фурқат каби кўплаб ижод аҳли ҳусни таълил маҳоратини ҳам эгаллаб, ўзларининг бир-биридан ноёб асарларида файритабии далиллаш усулининг юзлаб янги ва таъсирчан лавҳаларини яратдилар. Ана шундай обидалар туфайли ҳусни таълилнинг янгидан-янги ифода усуллари кашф этилди, унинг тимсоллар олами янада кенгайди, тилимизнинг бойлиги ва гўзаллиги янада ёрқинроқ намойиш этилди.

Зукко шоира Нодира асарларида ҳусни таълил санъати заминида яратилган бир қатор нодир бадиий лавҳалар учрайди. Улардан баъзиларида мумтоз шеъриятимизга хос анъаналар таъсири кўзга ташланиб турса, бошқаларида янгича талқинлар, бетакрор ифодалар бўртиб туради.

Чарх узра сонма кавкабким, чароғон тунлари
Дуди оҳим шуъласи учқунларидиндур нишон

мисраларида ҳусни таълилда fazалиётимиздаги анъанавий талқин такрорини кузатиш мумкин. Шоиранинг

Нодира, оҳим синонидин таваҳҳум тортибон,
Чарх майдонидадур чобуксувори офтоб

байтида эса «Эй Нодира, менинг оҳим ўқларидан қўрқиб қолган, ваҳимага тушган офтоб чарх майдони – осмонда бир отлиғ суворий янглиғ уёқдан буёққа қочиб юрибди», деган таъсирчан маъно акс этади. Нодира қуёшнинг ҳаракатини ошиқ оҳи ўқларидан қўрқиб югураётган чавандозга нисбат берар экан, файритабииш шарҳ туфайли янги бир бадиий манзара чизишга эришган.

Масиҳ азми сипеҳр айлаб қуёшга бўлди ҳамсоя,
Бўлур ҳиммат била афлок устида мақом айлаб

байти ҳам foятда нафис жаранглайди. Шоирларимиз Исо-Масиҳнинг осмонга кўтарилиши ҳақидаги афсонани файритабииш шарҳлаб, бетакрор бадиий ифодаларга эришганларини юқорида кўриб ўтган эдик. Нодира шу афсонани бошқача изоҳлайди, яъни ушбу ҳодисани Исонинг халққа кўрсатган меҳрибонликлари оқибати сифатида шарҳлар экан, унинг бу ҳиммати қуёшга қўшни бўлиш шарафига эриштирди, дея муҳим ахлоқий foяни эсдан чиқмайдиган бир тарзда ифодалашга эришган.

Шоира қаламига мансуб:

Гуҳар ўзини садаф ичра айлади пинҳон,
Чу зоҳир айлади ул лаъли обдор ҳадис

байтида қўлланган ҳусни таълил ҳам қадимий ифоданинг янги бир қиррасини кашф этиши билан эътиборга лойиқдир. Адабиётимизда гавҳарнинг садаф ичидаги камол топиши ҳодисасини маҳбуба гўзаллигини ҳусни таълил воситасида мужассамлаштириш тажрибаларига кўп дуч келганмиз. Шоира эса шу ҳолатни «Гавҳар ўзини садаф ичига яширган, яъни маҳбуба тишлари унинг оғзида кўринмай, пинҳон турганди, дилбарнинг сўзлаши лаълу (офизу) гавҳарлар намоён қилди» тарзida ифодалайди. Гап шундаки, байтда маҳбуба тишларининг нафосати ҳақида сўз очилмайди, лекин зукко ўқувчи шоиранинг foяви – бадиий ниятини англаб ета олади. Бинобарин, Нодира китобхонни фикрлашга, байтда яширилган чиройли ҳусни таълил моҳиятини кашф этишга даъват этади.

Фуборим ишқ водийсида барбод ўлди андоғким,
Биёбонларда Мажнун тўтиё излар губоримдин

байтдаги бадиий кашфиёт ҳам гоят мароқли. Лайли ва Мажнуннинг фожиавий муҳаббатлари, асар қаҳрамонлари чеккан кулфату изтиробларни ғайритабииш шарҳлаш ҳам шеърияти-мизга хос ёрқин анъаналардан. Лекин Нодира юқоридаги байтда Мажнуннинг дашту биёбонларда нолон кезишини ўзи тасвирлаётган ошиқ изларидан тўтиё қидираётган шахснинг хатту ҳаракатига нисбат берар экан, ўқувчими ҳайратга солади.

Шеъриятимиз шамъ ҳолатини ошиқ аҳволига нисбат бериб, ғайритабииш шарҳлаш мисолларига кўп дуч келганимиз. Нодира эса шу ҳолатни ошиқнинг муайян кечинмалари, туйғулари билан боғлаган ҳолда янгича талқинларни илгари суради. Жумладан:

Ғайрнинг базмидадур ул моҳитобон бу кеча,
Ўрганур ҳолим кўруб шамъи шабистон бу кеча

байтида шамънинг қуйиб ўртанишини шоира тасвирлаётган ошиқнинг ўз маҳбубаси бевафолиги, унинг ўзгалар базмида эканлигидан чекаётган беҳад изтиробларига ҳамдардлиги ифодаси сифатида ғайритабииш шарҳланадигани кўзга ташланиб туради.

Нодиранинг шайхлар ибодатини ғайритабииш шарҳлаган

Санамлар ишқина тоқат қиломайин ночор,
Ёшунди савмаага зуҳд ўлиб баҳонаи шайх

байти ҳам бетакрорлиги билан таажжубга солади бизни. «Гўзаллар ишқига тоқат қила олмаган шайх зуҳдни баҳона қилиб ибодатхонага яшириниб олди», деган мазмундаги ушбу мисралар фақат янгилиги билангина эмас, балки шоиранинг жасорати ифодаси сифатида ҳам аҳамиятлидир.

Нодира ижодида бундай салоҳиётли ҳусни таълил намуналарини унинг форсий шеъриятида ҳам анчагина учратиш мумкин. Кўринадики, ҳассос шоира улуғ Навоий анъаналарини ушбу санъат соҳасида ҳам ривожлантира бориб, адабиётимизни кўплаб ёрқин бадиий лавҳалар билан безатди, замондош шоирлар, келгуси давр ижодкорларига бу санъат моҳияти, нафосатини тасдиқловчи асарлари билан намуна бўлди.

Хусни таълил санъати XVIII-XIX асрлар Хоразм адабиётида кенг қўлланди. Хусусан, Мунис ва Огаҳийлар ижодида ушбу санъатнинг кўплаб нодир намуналари яратилди.

Шермуҳаммад Мунис шеъриятини кузатар эканмиз, унда адабиётимиздаги бошқа анъаналар қатори хусни таълилдан фойдаланишга ҳам алоҳида эътибор берилганининг гувоҳи бўламиз. Мунис ижод қўлган дастглабки хусни таълил намуналари шеърияти-мизда қўлланган шу хил ифодаларни деярли айнан тақрорлашдан иборат бўлганини кўрамиз. Бу шоирнинг илк ижодига хос бўлиб, Мунис ҳали бу соҳада кашфиётчилик даражасига кўтарилимаган эди. Фикримиз далилини унинг ғазалиётидан ўрин олган:

Ёшурдинг то қўёшдек оразингни парда остида,
Эрур оҳим шарори, кўк уза эрмастурур юлдуз.

...Тунки юз очиб чиқдинг базмдин томошоға,
Ҳар сори кавокибдин очди ҷархি гардон кўз.

...Ирнинг зулоли жонбахш ўлғач ҳалойиқ ичра,
Хижлатдин оби ҳайвон зулматда гўша тутди.

...Лола эрмас, дашт ароким холу руҳсоринг ғами
Лахта-лахта тўкмиш айлаб доғлиғ қўнглумни хун.

...Ҳеч кўзга зоҳир ўлмас ҷашмаи ҳайвон суйи,
То анга юзланди жонпарвар зулолингдин ўёт.

...Ҳар кеча шуълаи ғаминг бирла куярман, ўйлаким,
Йиғлабон ашқин оқизиб, ҳолима ўрганур ҷароғ

каби қатор байтлари мисолида кўриш мумкин.

Лекин шоир тез орада ҳусни таълилнинг янги ва бетакрор, айни чоғда мазмунан баркамол ва бадиий жиҳатдан нафис ва безавол намуналарини кашф этиш сирларини англаб етди ва кўплаб гўзал, чиройли лавҳалар яратди. Буни

Бўлмаса жинси жамолингға ҳаридор офтоб,
Не учун зарпошлиғлар айлар изҳор офтоб?

Сенки шоҳи ҳуснсен, ҳар кун қилиб қуллуқ санга,
Сажда айларга қўяр туфроққа руҳсор офтоб.

...Не учун шому саҳар бошинг уза айланмасун,
Кўрмамиш ҳуснинг киби бу чархи даввор офтоб.

каби байтларида яққол кузатиш мумкин. Аҳамиятли томони шундаки, бу хил ифодаларда Муниснинг салафлари ижодида қўлланган ҳусни таълил намуналарининг айнан тақрорланмай, уларни файритабиий асослашнинг янги қирралари билан бойитишга интилишини кўрамиз.

Мунис ўз салафлари бўлмиш шоирларнинг қуёш тимсолидан ҳусни таълил санъатини намойиш қилиш учун фойдаланишдаги тажрибаларини, ҳусусан, Алишер Навоийнинг бу соҳадаги ютуқларини ўрганиб чиқиб, уларнинг анъаналарини янада ривожлантиришга интилди ва бир қатор ноёб ва таъсирчан бадиий манзаралар яратди. Шоирнинг:

Давр этар бу ким қуёш ҳар кун фалак майдонида,
Рост айттайким, эрур меҳри рухинг жўяндаси

байтига диққат қиласайлик. Унда «Қуёш ҳар куни фалак майдони – осмонда кезгани кезган. Ростини айтсан, у сенинг юзинг қуёшини излаб тополмай сарсон бўлиб юрибди», деган мазмун ифодалangan. Лутфий, Навоий каби буюк ижодкорларнинг бу соҳадаги чизган лавҳаларини эслатувчи ушбу байт шу хил ифодаларни тақрорляяпти, деб айтсақ, хато бўлур эди. Чунки шоир қуёшнинг кезишига унинг маҳбуба рухсорини излаётганини файритабиий сабаб қилиб келтирас экан, бу тафсилот билан анъанавий ифодаларни тўлдирган, янгилаган.

Моҳ рўйинг то тулуъ этти малоҳат буржидин,
Гоҳ қизартур, гоҳ сарғайтур қуёш рангин уёт.

байтида қуёшнинг кундузи сарғайиб, тонг ва шафақ чоғида қизарип кўринишини унинг маҳбуба ой юзидан уялиб, турли ҳолатта тушиши тарзида файритабиий изоҳлар экан, анъанавий ҳусни таълил ифодаларига муайян янгилик киритади.

Мунис қаламига мансуб

Авжи ҳусн узра эрурсан офтобеким, санга
Иқтисоби нур учун ҳар кун қўяр юз офтоб

байтидаги ғайритабиий талқин гарчи анъанавий ифодалар билан ҳамоҳангдек бўлиб кўринса ҳам, диққат қилган китобхонунда нозик бир янгиликнинг мавжудлигига ишонч ҳосил қила олади. Гап шундаки, шоирнинг салафлари офтобнинг маҳбуба юзидан нур касб этишини таъкидлаб, ҳусни таълилнинг нафис ифодасига эришган бўлсалар, Мунис бу хил талқинни янада кучайтириб: «Офтоб ҳар куни сенинг рухсорингдан нур касб этиш учун юзини юзингга қўяди», дея фоят кутилмаган ифода яратади. Ҳар куни офтобнинг маҳбуба юзига тушиши унинг маҳбуба чеҳрасидан нур олиш учун юзига юзини қўйиши тарзида ғайритабиий шарҳланганини кўриш қийин эмас.

Моҳ рухсоринг намоён айлабон чиқсанг агар,
Кун хижолатдин юзига шомдин тортар ниқоб

байтидаги ҳусни таълил ҳам анъанавий тасвирга янгича бир мазмун бахш этиши билан қимматлидир. Маълумки, қуёшнинг маҳбуба чеҳрасидан хижолат чекишини ўтмиш шоирлар бир қатор байтларда ғайритабиий талқин қўлганлари ҳақида юқорида тўхталиб ўтган эдик. Мунис эса шу хил талқинни тўлдириб, кунботар чоғда шом қоронгусининг бошланишини ҳусни таълил воситасида шарҳлаб бетакрор манзара чизишга эришади. Ошиқ мафтун бўлган гулчехранинг ойдек юзи олдида ўзининг унга тенглашолмаслигидан изтироб чекаётган қуёш уялганидан шом пардасини юзига ниқоб қилиб тортибди. Табиат манзарасининг бу хил бадиий тажассуми таҳсинга сазоворлиги кўзга ташланиб турибди.

Мунис ижодида ой, қамар, ҳилол тимсолларидан ҳам ғайритабиий шарҳлаш мақсадида кенг фойдаланилгани кўзга ташланаиди.

Ҳуснунг била ой баҳс қилиб эрди, кўр эмди,
Ким доғи хижолат била юзи қарорибдур

байти ой тимсоли асосидаги ҳусни таълил намуналарини эслатса ҳам, «доғи хижолат» иборасини қўллаш билан ой юзининг қорайишини батафсилроқ асослаш туфайли улардан ажраб туради. Шоир ўзининг

То ҳилол этти қошинг олдида саркашлик аён,
Тоби хижлатдин тани ҳам боши вожунроқ эруп

байтида ҳилолнинг шаклий кўринишига ишора қилган ҳолда унинг маҳбуба қошларига даъво қилса ҳам, барибир у қошларга нисбатан тескари эканлигини таъкидлайди. Зеро, қош пастига қараган ёй шаклида бўлса, ҳилол унга нисбатан терс кўринишида эканлигига ишора қилиниб, бунга унинг маҳбуба қошига рашк қилиши файритабий сабаб тарзида кўрсатилади.

Шоир гўзал маҳбубанинг холларини таърифлар экан, бетак-рор, янги бадиий ифодалар яратади. Унинг қаламига мансуб

Юзунгда холи мушкинлар эмаским, мардуми чашмим
Жамолинг шуъласи бирла эриб ҳар сори томфондур

байти ана шундай ноёб бадиалардан бири. «Юзингдаги мушкин хол эмас, балки кўзим қорачиғи сенинг жамолинг шуъласи билан эриб, ҳар ёнга сочилганда, улардан бири юзингта томган», деган мазмунга эга ушбу мисраларни ҳусни таълил санъатини қўллаш соҳасидаги нафис бир кашфиёт, деб атасак хато бўлмас. Кўриниб турибдики, шоир унда дилбар чеҳрасидаги холнинг пайдо бўлишига чиройли бир бадиий сабаб кўрсатмоқда.

Мунис шабнам тимсолидан фойдаланган ҳолда бир қатор нафис байтлар битганки, улардаги ҳусни таълил ўзининг бетак-рорлиги билан ажралиб туради. Чунончи,

Гул узра бўлди шабнам аракрез,
Гўёки ҳуснунг кўргач чўйли.

ҳамда

Лола узра шабнам эрмаским, арақ зоҳир қилур,
Юзланиб ҳар дам анга рухсори олингдин ўёт

байтларида гул ва лола устига тушган шабнам томчилари уларнинг маҳбуба чеҳрасини кўргач, уялиши тарзида файритабий шарҳланган. Биринчи байт Алишер Навоийнинг шу тарздаги мисраларини ёдга туширса, иккинчиси мутлақо янгилиги билан эътиборни тортади. Зеро, лоланинг шабнамли кўриниши шеъриятимиздаги ҳусни таълил ифодаларида ўз аксини топмаган эди.

Мунис машҳур афсоналар мазмуни асосида ҳусни таълил ифодаларини яратар экан, уларнинг ўзи тасвирлаётган маҳбуба

ва ошиқ тимсоллари билан муносабатини анъанавий мисолларга қараганда бошқачароқ шарҳлаш йўлидан боради. Унинг

Қўйди Фарҳод ила Мажнун манга Мунис мерос,
Масканим бўлса агар тоғ ила саҳро наилай

байтида ошиқнинг тогу саҳрода кезишига буларнинг Фарҳод ва Мажнун томонидан унга мерос бўлиб қолганлиги фойритабии сабаб қилиб кўрсатилади. Бу хил талқин шоир салафларининг ана шу тимсолларга талмиҳ тарзида мурожаат қилиб яратилган қатор ҳусни таълил ифодаларидан ўзининг янгилиги билан ажраби туради.

Шоирнинг ҳаёт суви ҳақидаги афсонага асосланган ҳусни таълил намуналарини ҳусни таълил фил ишора санъатига нисбат бериш мумкин. Жумладан, шоир қаламига мансуб

Агарчи чашмаи ҳайвон сүви жонбахшу тотлиғдур,
Вале мўъжизнамо лаълинг зулолидин ўётлиғдур

байти фикримиз далили бўла олади. Гап шундаки, «Оби ҳаёт чашмасининг суви жонбахш ва шириндир, лекин у сенинг мўъжизакор лабинг зулоли олдида ўётликдир», деган маънони англатувчи ушбу мисраларнинг ўзида шоир айтмоқчи бўлган фикр ниҳоятда умумий ва мавҳум ифодалангандек кўринади. Байтда ҳусни таълилга хос фойритабии шарҳ ҳам аниқ кўзга ташланиб турмайди. Муниснинг мазкур ифодаси оби ҳаёт суви ҳақидаги афсонани эсга олгандагина тугал мазмун касб этади. Яъни, шоир «Ҳаёт суви уятлидир» деб таъкидлар экан, бу сувининг зулматдан жой олгани ҳақидаги афсонага ишора қилиб, «уялгани учун ер остига кириб кетган» тарзида тушуниши назарда тутади. Ана шу ишорани сокит қилсак, байт маъноси чала бўлиб қолиши аниқ.

Андин эрмиш бенишон Анқоқи топмиш инфиол,
Парфишонлиғ чоғи кўнглумнинг пару болин кўруб

байтида ифодаланган: «Кўнглумнинг парфишонлиғ чоғида пару болини тўкишини кўрган Анқо уялганидан бенишон йўқолгандир», мазмунини англаш этиш учун ҳам ушбу афсонавий қушни кўриш қийинлиги ҳақидаги ривоятга қилинаётган ишорага диқ-

қат қилиш зарур бұлади. Зеро, байтда ана шу афсонага файритабиий сабаб қилиб қүшнинг очиқ күнгил олдида хижолат чекиб яшириниши таъкидланяпти.

Шоирнинг

Нуқтаи холи ғалат тушмиш лабининг устида,
Берса рухсат олғамен ул нуқтани андин ялаб

байтида құлланган ҳусни таълил ҳам Мунис назарда тутаётган, лекин мисраларда ғұз ифодасини топмаган ишорани англаб етиши ни тақозо этади. «Маҳбуба лаби устидаги хол бежо тушибди, агар ёрим рухсат берса, у холни ялаб олиб ташлардим», мазмунидаги ушбу байт үқувчида бейхтиёр «Нега шоир бу холни «ғалат», «бежо» деб атаяпти?», деган савол пайдо қилиши муқаррар. Мутафаккир шоир эса бу ўринда Алишер Навоий томонидан илк бор таъкидланган ифодага, яни: «Лаб» сўзи ёзилса (араб ёзувида), нуқта бу сўз охиридаги ҳарф («б»-...)нинг тагига қўйиладику», деган фикрига ишора қиляпти. Шеъриятдан хабардор бўлган китобхон бу ишорани дарҳол англаб етиши муқаррар.

Жилва қилғоч қоматинг боғ ичра ҳам бўлди ниҳол,
Расмдур таъзимким, бўлғай бийиклар иззати

байтида боғ ичидағи ниҳолнинг қадди әгилишини унинг маҳбуба қомати олдида таъзим қилиши тарзида файритабиий талқин қилинар экан, бу хил илтифотнинг моҳиятини англаш учун халқимизга хос яхши бир одат – кичикларнинг катталарни иззат қилиб, уларга таъзим бажо этиш анъанасига ишора қилинаётганини кўрамиз. Лекин бу «иззат» маҳбуба бўйининг ниҳолдан узунлигини эмас, балки шоир назарда тутаётган «бийиклик» маҳбуба қаддининг ниҳолга қараганда гўзалроқ, тикроқ эканлиги билан изоҳланади-ки, зукко китобхон буни осонгина англаб етиши мумкин.

Муниснинг бир қатор ҳусни таълилий ифодалари ижтимоий ҳаёт воқеълигини файритабиий шарҳлаш асосига қурилганлиги билан алоҳида диққатга сазовордир. Хусусан, унинг қаламига мансуб

Ҳар сори боқсам элга мунгсиз киши топилмас,
Гүё жаҳонга қилмиш дарду ғамим сироят

байти бу жиҳатдан аҳамиятлидир. Унда шоир барча элнинг мунглилигига ошиқ дарду фамининг жаҳон халқига таъсирини сабаб қилиб кўрсатади. Гўё барча олам аҳли шоир тасвирлаётган ошиқнинг чеккан изтиробларига ҳамдард эканлигидан мунгли эмиш. Бу хил шарҳнинг файри ҳаётий, файритабиийлигини таъкидлашга ҳожат ҳам йўқ, деб ўйлаймиз.

Шермуҳаммад Муниснинг ҳусни таълил санъатини қўллаш соҳасидаги бу маҳорати бошқа ижодкорлар, хусусан, Оғаҳий ва Феруз, Табибий ва Аваз каби Хоразм шоирлари учун бадиий мактаб бўлиб хизмат қилди.

Ушбу санъатнинг лирик ва эпик тимсоллар яратишдаги аҳамиятини теран англаган Муҳаммадризо Оғаҳий ҳам ҳусни таълил асосида кўплаб бетакрор ва безавол, ёрқин ва таъсирчан байтлар битди. Уларнинг замирига диққат қилсак, аввало, шоир бадиий хаёлот оламининг фоят кенглиги билан бизни ҳайратлантиради. Мана бу тасвирга назар ташлайлик:

Бу оқшом маҳвашим рухсори ой бирла талошибдур,
Эмас анжум, фалак аҳли очиб кўзлар қарошибдур.

Оқшом чоғи. Кўкда тўлин ой сокин сузмоқда. Муаттар гулзор оралаб кезаётган гўзал маҳбуба ой юзига боқиб тўймайди. Оғаҳий қалами ушбу манзарани шоирона ифодалар экан, нурли қамарни ҳам ер гўзали чеҳрасига сукланиб боқиб, у билан ҳуснда мусобақалашаётгандек талқин қиласди. Эътибор қилсак, биринчи мисранинг ўзидаёқ ҳусни таълил санъати моҳирона қўлланганига ишонч ҳосил қиласмиз. Зеро, гулзордаги гўзал маҳбуба билан кўкдаги тўлин ойнинг ўзаро муносабатини ҳусн талашиш тарзида шарҳлашнинг ўзи ҳусни таълил ифодасидир. Лекин шоир бу билан чекланмай, иккинчи мисрада янада ёрқинроқ бадиий лавҳа яратади. Ой билан маҳбуба тортишувини ҳайрат билан томоша қилаётган юлдузлар гўзаллар мусобақасини қизиқиб кузатаётган фалак аҳлининг кўзлари сифатида талқин қилинади. Ҳар икки мисра биргаликда бадиий тасвирнинг бетакрор ва безавол намунасини юзага келтирган.

Шу фазалнинг тўртингчи байтида яна бир ажойиб бадиий манзара чизилган:

Фалак меҳри булутдин юзга чекмиш пардаи мушкин,
Магар боқиб қўёшим юзига кўзи қамошибдур.

Баҳор айёмида тез-тез юз бериб турадиган табиий бир ҳолат – чақнаб турган қүёш юзини кутилмаганда қоп-қора булутлар түсиб қўйишини тасвирилаган Огаҳий ушбу манзарани файритабиий тарзда шарҳлаши билан асарда васф этилаётган гўзал маҳбубанинг қуёшдан ҳам латофатлироқ эканини нафис бир тарзда таъкидлашга хизмат қиласидиган мисра битади, гўё фалак меҳри қуёшмонанд маҳбуба чиройидан кўзи қамашиб юзига мушкин (қора) парда тортиб олибди.

Қуёшнинг ҳолати ва ҳаракати (аслида Ер ҳаракати)ни файритабиий тасвирилаш туфайли маҳбуба малоҳатини таъкидлаш мумтоз шоирларимизнинг кўпдан-кўп байтларида ўз ифодасини топган. Огаҳий ҳам ўз шеъриятида ушбу анъанани давом эттирап экан, ҳусни таълил санъатининг янгидан-янги имкониятларини кашф этади, кутилмаган манзаралар чизади. Жумладан, унинг «Қуёш» радифли ғазали ана шундай бебаҳо лавҳаларга бойлиги билан ажралиб туради. Шоир матладаёқ анъанавий ҳусни таълил талқинига мурожаат қиласиди:

Эй, жамолингға гар эмас, волаву ҳайрон қуёш,
Айланиб бошингға нечун бўлди саргардон қуёш?

Қуёшнинг (аслида Ернинг) ҳаракатини файритабиий шарҳлаётган ижодкор бу ҳолатни унинг гўзал маҳбубага ошиқлиги туфайли ёр бошидан айланиб саргардон кезиши тарзида изоҳляяпти.

Иккинчи байтда бу хил тасвир янада ривожлантирилади.

Шуъла ичра нега гарқ ўлмиш тани бошдин оёқ,
Оташин ишқинг аро гар бўлмаса сўзон қуёш.

Қуёшнинг ҳолати файритабиий тарзда унинг гўзал маҳбубага бўлган муҳаббати, ёр ишқи оташида куйиши – сўзон бўлиши тарзида шарҳланмоқдаки, бу тасвирда Огаҳийнинг бадиий кашифчилигини ҳам кўриш мумкин.

Учинчи байтдаги бадиий лавҳа ҳам фоят жозибалидир.

Юз қўйиб ҳар кун эшикинг ёстанур не важҳ ила,
Гар санго қилмоқ ўзини истамас дарбон қуёш.

Шоир ўзининг янги талқинида маҳбуба эшигига ҳар куни тушадиган қуёш нурлари ҳақида сўз юритар экан, бу ҳолатни қуёшнинг ёр уйига дарвозабонлик қилиш истаги ифодаси сифатида шарҳлайди. Қуёш тимсоли яратилган яна кўпгина байтларда Огаҳий ҳусни таълилнинг ҳайратомуз намуналарини бадиий акс эттирган.

Гул тимсоли асосида ҳусни таълил санъатидан кенг фойдаланиш ҳам Огаҳий ижодига хосдир. Шоир гулларнинг очилиши, уларнинг ҳолати тасвири заминида тароватли бадиий лавҳалар чизади. Масалан, «Гул» радифли бир ғазалида шоир:

Суртмак истаб оёқинг туфроқига ҳар саҳар,
Оразин шабнам суви бирла юб айлар пок гул

деб таърифлар экан, гуллар юзидағи шабнам сувини ёр оёғи туфроғига юзини сурмоқ истаган гулларнинг шабнам суви билан юзювиши тарзида файритабииш шарҳлайди. Шу хил радифли бошқа бир ғазалида эса шабнам суви янги мазмунни ифодалайди:

Дема шабнам боғ ароким, бевафолиғ дардидан
Сочғусидур ҳар саҳар ашкини дона-дона гул

байтида шабнам томчилари бевафоликдан куйиб йиглаётган гулларнинг дона-дона кўзёшлари тарзида талқин қилингани.

Умуман, Огаҳийнинг баҳор ва Наврӯз, боғ ва чаман, гул ва фунча таърифига бағишлиланган исталган шеърини ҳусни таълил санъатисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шоир баҳор айёмидаги бадиий воқеълик манзараларини файритабииш тасвирлаш жараённида ушбу санъатнинг бир-биридан мунаққаш обидаларини яратади. Уларнинг аксарияти – янги, бетакрор бадиий лавҳалар. Масалан:

Бўлиб хуррам, табассум зоҳир айлар ҳар саҳар фунча,
Магар топмиш ул ой кўйи насимидин асар фунча

байтига назар ташласак, тонгда фунчаларнинг аста очилиши табассумга қиёс қилиниб, фунчаларнинг маҳбуба куйи насимидан – ёр кўчасидан эсаётган майнин шамолдан ором топғанлиги бу ҳодисага сабаб қилиб кўрсатилганини англаб етамиз.

Огаҳий чаманзор, гулшанларга гўзаллик баҳшида айлаган турли хил шажару сабзалар, хусусан, сарву райҳонлар ҳолати, ҳаракатини шу тарзда файритабии тасвирлаш воситасида ёрқин манзаралар чизади. Жумладан,

Жилва густохона қилди то қадинг ёнида сарв,
Бўйига ел кож уруб, ҳар дам қилур қаддини ҳам

байтида сарв дараҳтининг шамол туфайли эгилишига файритабии сабаб излаган шоир маҳбубага қарата: «Сен ёнида турган чоғингда сарв ўз қаддини қоматингдан афзал кўриб, кулиб кўйган эди, шамол унинг елкасига бир туширди-ю, қаддини букиб қўйди» мазмунидаги гўзал талқинни битган эди.

Ҳа, шоир кашф этган ҳусни таълил манзараларининг асосий қисми янгилиги, бетакрорлиги билан ажralиб туради. Огаҳий бадиий даҳосининг кенглиги шеъриятимизда илгари чизилган бадиий лавҳаларнинг кашф этилмаган қирраларини очишга имкон беради.

Мана бир мисол:

Холи магар ўғридул лаб шаҳди учун келган,
Ким они солиб ораз ўтиға азоб этмиш

байтида маҳбуба ҳолини ўғрига қиёс этиш – ҳусни таълилга асосланган тимсол яратиш Огаҳийгача бўлган шеъриятимизда анчагина учрайди. Шоир эса шу талқинни сақлаган ҳолда ёр оразини ўтга қиёслаш тариқасида юзидаги ҳолнинг янгича шарҳини яратган.

Огаҳийнинг ҳусни таълил санъати асосидаги байтлари талқинининг янгилиги билангина эмас, қолаверса, бадиий тимсолнинг ҳаёт мантиғига мувофиқлиги билан ҳам алоҳида ажralиб туради. Гап шундаки, ушбу санъат заминидаги байтларда файритабии сабаб келтирилса ҳам, мантиқий асоснинг бузилмаслиги талаб қилинади. Масалан, фунчаларнинг очилиш ҳолатидаги кўринишини назарда тутган шоир

Очилир саҳар сабодин дема, фунча мушти ҳар тун
Очибон қўли оёсин қиладур санга дуо гул

дея тасвирлар экан, фунчани мушттга, очилган фунчани дуо учун кўтарилиган қўлга нисбат беради, бинобарин, ҳаётий ҳолат билан

файритабиий талқин мантиққа мос келади, бошқача қилиб айт-
ганда, очилаётган фунча билан дуо қилаётган құл үртасида мұ-
айян үхашашлик мавжуд.

Шоирнинг «Шамъ» радифли fazalidagi

Ҳар кеча тинмай қилур сүзу гудоз изҳор шамъ,
Гүйә мандек эрур бир ошиқи дийдор шамъ.

Не учун девоналардек йиглабон йирттар ёқо,
Ул париваш ишқида гар худ эмастур зор шамъ?

Бир нафас йүқтүрки чиқмас дуд шуыла бошидин,
Күйгуси мандек магар ғам үтиға бисёр шамъ.

Риштаи жони куюб ҳар дам топар жисми гудоз,
Бир ниҳони дардға гүё эрур дучор шамъ.

каби қатор-қатор байтларнинг ҳар бирида ҳусни таълил асосида-
ги сержилва лавҳалар үрин олган. Уларда ёнаётган шамънинг
хилма-хил ҳолатларини файритабиий шарҳлаш, далиллаш асо-
сида үқувчи хотирасида бир умрга үрнашиб қоладиган жозиба-
ли лавҳалар жилоланиб туради.

Хусни таълил санъатининг бир қатор гүзәл намуналарини
хассос ижодкор **Мұқимий** fazallariда ҳам учратамиз.

Шоир шеъриятида хусусан ой тимсолидан маҳбуба латофати
ва ошиқ изтиробларини жозибадор тарзда жилолантиришда
маҳорат билан фойдаланилганини кузатамиз. Бу соҳада каш-
фиёт яратышга интилган шоир ойнинг турлича күринишлиарини
қаламга олар экан, янгича тасвирлар чизишга эришади. Чу-
нончи:

Ой малоҳатда етолмай юз хижолатлар билан,
Бўлди кам-камдинки бу ҳусни камолингни кўруб

байтида тўлин ойнинг аста камайиб ҳилол ҳолатига киришини
унинг маҳбуба малоҳатидан хижолат бўлиши оқибати сифа-
тида файритабиий тарзда шарҳланиб, ҳусни таълилнинг анъа-
навий талқинларидан фарқланиб турувчи ифодаси кашф этил-
ган эди.

Илгари маҳтоб эди, эмди фуруғи қолмади,
Ё магар чекдингму билмайманки, шаб бозор кам

байти ойнинг гоҳ ёрқин, гоҳида эса нурсизроқ бўлиб кўриниши маҳбубанинг бозорга гоҳ тез-тез, гоҳида камроқ чиқиши билан боғлаб янги бир ҳусни таълил ифодаси яратилган. Бу ўринда шоирнинг: «Ой ўз нурини маҳбубам чехрасидан касб этади-да» деган нозик бир ифодасини англаш ўқувчигина байдаги кашфиётнинг моҳиятини тушуна олиши мумкин.

Муқимий ўзининг Андикон зилзиласига бағишлаб ёзилган тарихида халқ аҳволини:

Ҳолифа ул қавмни беихтиёр,
Ой куюб, йиглади қон осмон

дея тасвирлар экан, ойнинг тутилиши ва шафақ ҳолатини файритабии акс эттириб, бу фожиа даҳшатларини янада ёрқинроқ ва таъсирчанроқ таърифлашга эришган эди.

Муқимий яратган кўпгина ҳусни таълил ифодалари гуллар, лолаларнинг ҳолатини файритабии талқин этишга асосланади. Бу хил тасвирлар анъанавий ҳусни таълил ифодаларини эслатиб турса ҳам, баъзи бир қирралари билан уларга янгича таровату нафосат бағишлайди. Шоир қаламига мансуб:

Боф аро ёлғиз жигархун мен эмас, гулларни ҳам,
Лола қўнглин доғ қат-қат дийда хунбор айладинг.

байтида гулларнинг қат-қат баргию, лола ичидағи қора доғ таъкиди анъанавий бўлса ҳам уларнинг «дийда хунбор» ҳолати, яъни устидаги шабнам томчиларининг қизил барг устида қизил қон бўлиб кўриниши уларнинг қонли кўз ёшлиари сифатида талқин қилиниб тасвирланиши чирой бахшида этган.

Юз очким, фунчалар гулшанда сансиз,
Қила олмас, нигоро, ханда сансиз.

байтидаги ҳусни таълил шу жиҳатдан аҳамиятли. Фунчаларнинг очилишига маҳбубанинг гулшанга ташриф буюриши файритабии сабаб қилиб кўрсатиляпти. Бу хил талқин ҳам анъанавий-

дек туялади. Лекин «Ғунчалар сенсиз ханда қила олмайды» деган таъкид тасвирга янгилек бағишилаган.

Субҳидам кириб, жоно, боғ ичинда жавлон қил,
Доманинг насимидин ғунчаларни хандон қил

байтида анъанавийдек кўринган ҳусни таълил «доманинг насимидин» тафсилоти билан тасвирга бетакрорлик бахш этган. Зеро, бу хил тафсилот Муқимий салафлари ижодида учрамайди.

Шоир ўзининг қатор байтларида ҳайвонлар, қушлар тимсолидан фойдаланиб, чиройли тасвирлар чизади. Жумладан даштларда кезиб юрган оҳу тимсолидан фойдаланган ҳолда ҳам гўзал ҳусни таълил талқинларини яратади.

Умрлар овораи дашти Хўтандурлар магар,
Оҳуни шаҳлолигидин шармсор айлар кўзинг.

Оҳуйи Чин кўрди-ю, шаҳлолигидин қон ютуб
Рашқдин овораи дашти Хитодур кўзларинг.

Икки фаттон кўзларингни ҳасратида рашқдин
Бўлмаса овора нечун тинмас оҳуйи Хўтан

Оҳу кўруб кўзингни хижил бўлмаса нечун
Оворалиғда умри ўтар кўху дашт аро

байтларида шоир Хўтан, Чин оҳуларининг тинмай саҳрода дарбадар кезишига уларнинг маҳбуба кўзлари олдидағи хижолати, рашки файритабиий сабаб қилиб кўрсатилаётгани кўзга ташлашиб турибди.

Хиромини кўруб товуслар боғларда рашқидин,
Чидолмай эрта-ю кеч бу сабабдин оҳу афғони

байтида товуслар қийқириғи уларнинг маҳбуба хиромини кўргач, рашк қилиб оҳ-фарёд этиши тарзида файритабиий талқин қилинадики, бу хил тасвир шеъриятимизда илк бор қўлланиши билан эътиборимизни ўзига жалб этади.

Сухандон тўтиларни лол айлаб бир такаллумда,
Тамошалар қилиб саҳрони, эй ширин адо, ҳорманг

мисраларида эса маҳбуба сўзлаётганда сухандон тўтиларнинг жимиб қолиши файритабиий изоҳланган.

Эмас шайдо десанг кабки дағи рафторима, жонон,
Нега шавқи хироминг бирла ул кўҳсор айлансин

байтида чиройли қадам ташловчи бедананинг тоғ аро тинмаслигига унинг маҳбуба рафтори олдидаги хижолатлиги файритабий тарзда асос қилиб кўрсатилган.

Муқимий яратган ҳусни таълил ифодаларининг аксариятига хос кашифийчилик анъанавий талқинларнинг хилма-хил тафсилотларини қўшиш билан янгилаш тарзида кўзга ташланади. Жумладан:

Лола бағри доғ қат-қат қон очилгай ҳар баҳор,
Мен каби бўлғон магар гулгун қабоға мубтало

байтида лоланинг бағри қат-қат доғ эканлиги унинг ошиқ каби қизғиши кийим кийган дилдорга ошиқлиги билан изоҳланса,

Ашкими қонға бадал қилдим бу боис бирлаким,
Шұхлар мойил руунатга ҳиноға мубтало

байтида ошиқнинг қонли ёш тўкишига сабаб гўзалларнинг хино билан панжаларини қизартиришга мойиллиги эканлиги таъкидланади.

Очмаган бўлсанг ниқобингни чаманда не учун
Мунтазир – нарғис, паришон – гул, қилур булбул наво

мисраларида баҳор чоғидаги боғ манзараси бор тафсилоти билан маҳбуба чеҳрасининг шайдоси сифатида талқин қилинганини кўрамиз. Нарғису гуллар ҳолати, булбул навоси – барчаси гўзал маҳбубага ошиқлик оқибати тарзида шарҳланар экан, файритабиий сабаб рӯёбга чиқади.

XIX асрнинг II ярмида ва XX аср бошларида сермаҳсул ижод қилиб, адабиётимизни юксак инсоний foялар билан бойитган Зо-киржон Фурқат шеъриятида ҳам ҳазрат Навоийнинг бадиий анъ-аналари ривожлантирилди. Жумладан, шоир ҳусни таълил санъ-

атидан фойдаланиш соҳасида ҳам бетакрор лавҳалар яратиб, шеър мухлислари эътиборини қозонди.

Фурқат ғазалиётида аввало анъанавий ҳусни таълил талқинлари анча кенг қўлланган. Чунончи,

Юз ила қўзунг ғами овора қилди нечаким,
Сўзишимдин ўрганиб шамъи шабистон йиглади.

Кечалар анжум эмас, ерга тўкулгач он қадар
Раҳм этиб ҳолим кўруб гардуни гардон йиглади.

Хам булуб шамшод қадди, синди шохи сарвни,
Чун зуҳур этти назокат боғида раънолигинг

каби бадиий талқинларда анъанавийлик кўзга ташланиб туради. Фурқат ўз ғазалларини битар экан, янги, бетакрор лавҳалар яратишга ҳам алоҳида дикқатни қаратиб, бегубор ва таъсирчан ифодалар чизади. Масалан:

Билгач ўзина лозим ўлмоқни поймолинг,
Кирдинг, чаманда гуллар тушти ера ўёла

байтида гулларнинг тўкилиши, уларнинг маҳбуба чехрасидан уялиб, унинг оёқларига бош қўйиши тарзида изоҳланган. Диққат қилинса, бу ўринда анъанавий талқин баъзи янги тафсилотлар билан тўлдирилганлиги туфайли ўзгача бир латофат касб этганини кўриш қийин эмас.

Фурқат гул тимсолига мурожаат қиласи экан, факат мумтоз шеъриятимиздаги анъанавий талқинларни тақрорлаш билан чекланмай, янгича изоҳлашга ҳам интилиб таъсирчан лавҳалар яратадики, буни шоир қаламига мансуб:

Юзларингдин шарм этиб гулшанда, эй рухсор гул,
Кўринур ҳар йил баҳор айёмида бир бор гул.

Ўлмағонмуди хижолатлар чекиб ўтган баҳор,
Боз бош чекмиш уятмасдин ажаб беор гул.

Шул эди бу журмиға лойиқ жазоким, боғбон
Боғлаб айлантурди чандон кўчау бозор гул.

байтларида яққол күриш мумкин. Бириңчи байтда гулнинг ҳар йил баҳорда бир бор юз очишига сабаб тарзида унинг маҳбуба рухсоридан уялиши таъкидланади. Иккинчи байтда «Үтган йил очилиб, шарманда бўлган эди, бу йил яна бош кўтарибди, шу беорлиги учун боғбон уни боғлаб, кўчама-кўча айлантириб шармсor қилибди», деб таърифлар экан, гул сотиш ҳодисасини файритабий тарзда фоят таъсирчан далиллайди.

Шармдин бошига чекти чодирин товуси боғ,
Жилвайи тарзи хироминг кўрмай ўз рафторида

байтида ҳам ҳусни таълилнинг янгилиги яққол сезилиб туради. «Сенинг чиройли юришингга ўхшаб қадам ташлай олмаган товус уялганидан бошини чодири билан тўсиб олди» ифодасида товуснинг ўз қанотларини ёзиши унинг уялиши ифодаси тарзида талқин қилиниб, нафис бадиий лавҳа яратилган.

Айлаб истигно чекардин сурманинг овозасин,
Йўқ этиб дошлар аросинда ниҳон айлар кўзинг

байтидаги бадиий ифода ҳам бетакрор. Маълумки, сурма тоғ жинслари орасидан жой олади. Шу ҳақиқатни асос қилиб олган шоир: «Сурманинг ўзига ҳасад қилишини сезган кўзинг уни тоғ тошлари орасига яшириб йўқ қилди» дея ҳаётий воқеъликнинг файритабий талқинига эришади. Бу хил ифода шоир салафлари ижодида учрамайди.

Фурқат шамшод тимсолига мурожаат қилиб, бир қатор янги бадиий талқинлар яратган. Хусусан:

Хам бўлуб шамшод қадди, синди шохи сарвни,
Чун зуҳур этти назокат боғида раънолифинг

байтида шамшод дарахтининг кўринишини унинг гўзал маҳбуба қошида таъзим қилиши тарзида изоҳланган бўлса,

Таарруз айласа шамшод қаддинг нахлига, ё раб,
Кесулсун аррада боши, ҳама жисми тароф ўлсин.

...Жисми ўлди шона-шона оқибат шамшоднинг,
Ул санам қаддига қилғон даъвии бежосидин

байтларида шамшед дарахтини кесиб олиб, уни майды тилиб тароф ясалиши ҳодисаси файритабий талқин қилинади, гүё бу ҳолат унинг маҳбуба қоматидан ўз қаддининг гўзалроқ эканлиги ҳақидаги ноўрин, асосиз даъвосига берилган жазо эмиш. Бу мисраларда шоирга хос мантиқий далиллаш маҳоратини яққол кузатиш мумкин.

Рашкидин гардун қилур ҳар ой бошида кўп жадал,
Билмагай юз узра қошингдин ҳилол эркан ғалат

байтидаги тасвир ҳам янги, мароқли. «Фалак ҳар ой бошида ўз ҳаракатини тезлаштириб, тезроқ ҳилолни осмонда кўрсатиб, унинг ёр қошидан латифроқ, нозикроқ эканини намойиш этишга шошилади. Лекин у ўз ҳилолининг маҳбуба қопсига ҳеч қачон тенг келолмайдиган бир кўринишга эга эканини билмайди», деб таъкидлар экан, ҳар ой бошида ҳилолнинг кўринишига бетакрор файритабий сабаб келтиради,

Дерлар илкинг зийнатига чекти бош ердин хино,
Йўқ-йўқ, ул бечораға бир поймолинг орзу

мисраларида ҳам шоир маҳорати ифодасини равшан кўриш мумкин. «Хино сенинг қўлларингни безатиш мақсадида ердан бош кўтаради, дейишади. Йўқ-йўқ, у бечора сенинг оёқларинг ўзини босиб ўтиши орзусида ердан бош кўтарган» деб таърифлар экан, хинанинг қўлгагина эмас, оёққа ҳам қўйилишига файритабий сабаб кўрсатган.

Шоирнинг fazалидан ўрин олган:

Чеккан фифонимизфа ҳажрида қурт-қушлар
Ҳар кечаси ётолмай тонг отқучা чириллаб

байтидаги янги бир ифодада ҳам тун пайти қурт-қушларнинг чирилашига файритабий сабаб кўрсатилган, гүё улар ошиқнинг ҳижрон айёмида чекаётган оҳ-фарёди туфайли ухлай олмай безовта бўлаётган, ошиққа ўз ҳамдардликларини изҳор этишаётган эмиш.

Тушганму мадрасаса оғзу белинг ҳадиси,
Ҳар ҳужрадин чиқодур овоз қийлу қола

лардаги ҳусни таълил ҳам нафис ва пурмазмунлиги билан ажрабиб туради.

Партави хуршид санмин ерда ки, даври фалак
Ера вурмуш оғитобин моҳи тобоним кўриб

байтида қүёшнинг нур сочишига маҳбуба латофатидан ҳайратланган фалакнинг ўз офтобини ер томон йуллаганини сабаб қилиб кўрсатади.

Душар ўт шамъ дилина бу сабабдинки, қилур
Тил узатиб кечалар ул моҳитабон ила баҳс

байтида шамънинг ёнишини унинг дилидаги ўт ифодаси эканини таъкидлар экан, бу ҳодисанинг сабаби шамънинг кечалари гўзал маҳбуба билан ҳусн талашиб баҳслашгани оқибатидир, деяғайритабий талқин қилган эди. Шамънинг нур таратишини бу тарзда шарҳлаш ўзбек шеъриятида учрамайди.

Фузулий ўзининг яна бир fazalida

Янги ой ўлмиш қошинг савдосининг саргаштаси, –
Шаҳрдин шаҳра кезар, оворалартек моҳу сол

байтида: «Ҳилол қошинг савдосининг саргаштаси бўлиб, девоналарга ўхшаб шаҳарма-шаҳар кезиб юрибди», деган мазмунни ифодалаган эди. Эътибор қилинса, бу хил ҳусни таълил ифодасида бизга яхши таниш бўлган бир бадиий талқин – ойнинг ошиқ йигит севган маҳбуба қошига шайдо бўлиб осмонда кезиб юришини акс эттирган тасвир такрорланаётгандек туюлса ҳам, унга қўшилган тафсилотлар – ҳилолнинг гўзал қиз қошига ўхшай олмаганилиги туфайли шаҳарма-шаҳар кезиши, бошқача қилиб айтганда, ҳилолнинг девоналардек шаҳарма-шаҳар кезишига унинг маҳбуба қошига тенг келолмагани туфайли изтироб чекиб, ўзини қўярга жой тополмай сарсонлиги сабаб қилиб келтирилаётгани, бу хил тафсилотлар эса талқинга янгилик, бетакрорлик баҳш этаётганини кузатиш мумкин.

Ушбу асарнинг матласи ва кейинги байтларида қўлланган файритабий талқинларда эса шоирга хос кашфиётчилик, янги ва бетакрор бадиий лавҳалар чизиш соҳасидаги салоҳияти яққолроқ қўзга ташланади. Матланинг

Чарх ҳар ой бошина солмиш қошиндин бир хаёл,
Бу жиҳатдантур ҳар ой бошинда ўлмоқ бир ҳилол

мисраларида ҳар ой бошида ҳилолнинг кўриниши шу айёмда чарх гўзал маҳбуба қоши ҳақида хаёл суриши билан далиллаётгани ушбу фикрнинг, ҳусни таълил мазмунининг янги кашф этилган бадий тоғ сифатидаги аҳамиятини таъкидлаётган бўлса,

Субҳ қилдинг жилва, кун олди ўзин бир гўшай,
Шом арз этдинг рухинг, шамъни эритди инфиол

байтида янгича талқинлар ўқувчини ҳайратга солади.

Шоир талмиҳли ҳусни таълил туридан ҳам моҳирона фойдаланиб, бетакрор ҳусни таълил намуналарини яратади. Жумладан:

Ожиз ўлмиш йиқмога оҳ ила кўҳи Кўҳкан,
Найласин мискин, унинг ишқи ҳам ул миқдор эмиш

байтидаги ғайритабии талқинга диққат қиласлил. «Кўҳкан ўз оҳи билан тоғни йиқитишга ожизлик қилди, бечора нима қилсин, унинг ишқи ҳам ўша тоғ миқдорича эди-да», мазмунини ифодаловчи ушбу бадий лавҳада Фарҳод Бесутун тоғини оҳи билан йиқитолмаганига унинг ишқи шу тоғ миқдорида эканлиги сабаб килиб келтириляпти.

Бошқа бир ғазалида Фузулий яна Кўҳкан тимсолига мурожаат қилиб:

Кўруб муҳлик маним чеврамда барқи ишқ түфёни,
Қочиб бир тоқقا чиқди Кўҳкан қутқармаға жонин

тарзидаги ҳусни таълил ифодасини яратганди. «Менинг чеҳрамда ишқ түфёни барқини кўрган Кўҳкан ўз жонини қутқармоқ учун бир тоққа қочиб чиқди», мазмуни акс этиб турган ушбу мисраларда тоғ устидаги Фарҳод ошиқ юзида ишқ түфёни барқини кўриб, кўрқиб кетганидек тоққа қочиб чиққан йигит сифатида талқин қилинганди.

Сенинг-ла даъвийи ҳусн этигани-чун мулки ҳусн ичра,
Фалак таъзир этиб Лайлини расвойи жаҳон этмиш

байтида эса Лайли чеккан аламу изтиробларга унинг ошиқ севган маҳбубага ҳусн даъвосини қилгани сабаб қилиб келтирлади.

Магар таркиби Исо ҳоки кўйи даргоҳингдиндир,
Ки турмиш хокидин ғадр – ила азми осмон этмиш

мисраларида эса маҳбуба кўчасининг тупроғидан яратилган Исо ўша тупроқни тарк этиб осмонга қочиб кетгани таъкидланади. Бу ўринда душманлар томонидан ўлдирилган Исонинг ер юзини ташлаб осмонга учиб кетгани ҳақидағи афсонага файритабий сабаб келтирилаётгани кўзга ташланади,

Эшит дарди дилим, афсонаи Мажнуна майл этма,
Ким, ул афсонадин ҳам англалан мутлақ бу мазмундир

байтидаги ҳусни таълил ҳам шу тарздадир.

Шоир ўз фазалларида маҳбуба қиёфасини яратишда ҳусни таълил воситасидан унумли фойдаланади. Масалан:

Ботди гул чеҳраси гулшандаги хижолат терина,
Сабаб улдуруки, этар орази гулнор ила баҳс

байтида эса маҳбуба рухсорининг ҳар қандай чиройли гуллардан ҳам латифроқ экани ёрқин ифодаланган. Гулшандаги гулнинг чеҳраси хижолат терига ботибди, бунинг сабаби эса унинг севимли маҳбуба юзи билан баҳс қилиши, ўз узорининг гўзалроқ эканини даъво этиши экан. Шеъриятимиздаги шу хил тасвирларга ҳамоҳанг ушбу мисраларда шоирнинг анъянавий ҳусни таълил талқинларига мурожаат этиб турганини кўриш мумкин.

Сувда акси сарв эмасдурким, қўпориб боғбон,
Сувга солмиш сарвни, сарви хиромоним кўруб

мисраларидаги файритабий талқин ғоят жозибали. Шоир сувда сарв аксини кўраркан, «Йўқ, йўқ, бу сарв акси эмас, балки боғбон менинг сарви равонимни кўриб қолгач, ўз сарвини қўпориб, сувга ташлаб юборган», деб фикрлаётгандек бўлади. Сувдаги сарв аксини бу хилда файритабий талқин қилиш янгилиги билан ўқувчи ни хайратлантиради. Фузулий қаламига мансуб

Гарчи шамшодда чүх лофи латофат бордур,
Тилинур айласа ул сарви хиромон била баҳс

байтидаги ҳусни таълил ҳам ўзбек шоирлари, Алишер Навоий
ғазалиётидаги файритабии тимсолларни ёдга туширади.

Фузулий туркий тилнинг беҳисоб бойликларидан унумли
фойдаланиб, ҳусни таълилнинг бир-биридан нодир бадиалари-
ни кашф этади. Чунончи:

Билмас эрдим: билмак оғзин сиррини душвор эмиш,
Оғзини дерларки йўх, дедикларича бор эмиш

байтида маҳбуба оғзи бор-йўқлигини билиш қийинлигини таъ-
кидлаётган шоир бу фикрга сабаб кўрсатиб: «Оғзини йўқ дейи-
шарди, айтганларича бор экан», мисрасини келтирап экан, «бор»
ва «йўқ» сўзлари асосида сўз ўйини қиласи. Зоро, иккинчи мис-
радаги «айтганларича бор экан» жумласи маҳбуба оғзининг
йўқлигини тасдиқлайди, агар «бор» сўзини ўз маъносида англа-
сак, оғзи бор бўлиб чиқади.

Фузулий айниқса ошиқ ҳолатини тасвирлашда ҳусни таълил
санъатидан фойдаланиб бир қатор ҳайратомуз лавҳалар чизган
эди. Жумладан:

Душмазам кўнглуна, яъни олубам ўйла заиф,
Дарди ишқинг-лаки, кўзгуда кўрунмас асарим

байтида «Менга севикли маҳбубам ўз кўнглидан жой берма-
ди, чунки ишқ дардида шунчалик заиф бўлибманки, ҳатто кўзгу-
да аксим ҳам кўринмайди», маъноси ифодаланганди бўлиб, ёр ма-
рҳаматидан бенасибликка дилдор уни кўрмаслиги, чунки севги
дарди заифлаштирганидан ошиқ акси кўзгуда ҳам кўринмаётга-
нини сабаб қилиб келтиради. Муболагали бу хил ҳусни таълил
чиндан ҳам фоят таъсирчан. Шоирнинг:

Дам-бадам гар тушса кўздин дурри ашким, важҳи бор:
Ёш ушоғлардур етим, онларда йўх расми адаб

байтидаги ҳусни таълилда ҳам ажойиб бир шарҳ ифодалангани-
ни кўрамиз. «Кўзларимдан дам-бадам ашким дурлари оқаётган
бўлса, бунинг сабаби бор: улар етим болалар-да, одоб расмини

билишмайди», мазмуни ифодаланган бўлиб, файритабиий талқ-ин сўз ўйинига асосланган: «ёш» сўзи биринчи мисрада «кўз ёши» маъносида, иккинчи мисрада эса «бола» маъносида қўлланган бўлиб, «етим» сўзи эса ўз маъносидан ташқари «дурри ашким» иборасидаги «дур» сўзига алоқадор, яъни «дурри ятим» – катта, чиройли дур тарзидаги фикрни таъкидлашга хизмат қиляпти.

Жом қўлин ўпди, ҳасад қилди қора бағрими хун,
Етди сув жисмина, рашк олди танимдин ором

байтидаги ҳусни таълил ифодасида ҳам нафис бир талқинни кўрамиз: ошиқнинг бағри хун бўлиб оромидан жудо бўлишига май жомининг маҳбуба «қўлини ўпиши», яъни жомни қўлига олиши сабаб қилиб кўрсатилади.

Бу хил бежирим ва таъсирчан ифодаларни шоир ғазалиётидан яна кўплаб келтириш мумкин.

Шоир яратган

Эй, Фузулий, кўзларимда қолмамиш ёшдин асар,
Баски, сепдим кўз ёшин сийнамдаги ўтларга мен

байтидаги ҳусни таълил ифодаси ҳам янгилиги билан ўкувчини ўзига мафтун қиласида. Шоирга мурожаат қилаётган ошиқ ўз кўзларида ёшдан асар ҳам қолмаганини таъкидлар экан, бунга барча кўз ёшларини кўксидаги ўтларни учираш учун сепиб тутгатганини сабаб қилиб кўрсатяпти.

Ҳусни таълил санъатининг бундай ноёб намуналарини Фузулий ғазалиётидан яна кўплаб келтириш мумкин.

Юқорилардан кўриниб турганидек:

– шоир Муҳаммад Фузулий араб, форс-тожик, озарбайжон адабиётлари билан бир қаторда ўзбек шеъриятини, хусусан, Алишер Навоий ижодини ҳам синчковлик билан ўргангандан ва бошقا санъатлар қатори ҳусни таълил соҳасидаги анъаналарни давом эттирган ва ривожлантирган ҳолда ушбу соҳада муҳим муваффақиятларга эришган;

– шоир яратган ҳусни таълил ифодаларида Алишер Навоий анъаналарининг таъсирини яққол кузатиш мумкин; бу – Фузулийнинг ҳаёт манзараларини синчковлик билан кузатиб, улар

асосида мазмунан етук ва бадий жиҳатдан баркамол, жозибали ва таъсирчан бадий лавҳаларни жилолантиришида кўзга ташланиб туради;

– шоир битган файритабиий талқин ифодаларининг аксарияти тимсолларнинг ранг-баранглиги, янги ва бетакрорлиги билан ажralиб туради. Бу, ўз навбатида Фузулийнинг ҳусни таълил санъатини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшганидан далолат бериб туради.

Ҳусни таълил санъатидан фойдаланиш анъаналари XX аср ўзбек адабиётида ҳам давом этди ва ривожлантирилди. Ушбу санъатнинг кенг бадий имкониятларини назарда тутган ўзбек шоирлари ундан баракали фойдаланиб, бетакрор нафис ифодалар яратдилар.

Замонавий шеъриятимизда ҳусни таълил жилолари

Кўп асрли мумтоз шеъриятимизнинг бой ва гўзал бадий анъаналарининг XX аср адабиётига, замонавий шоирлар ижодига ҳам баракали таъсир кўрсатиши адабий тараққиёт қонунларига хос ижодий жараён эди. Ўтмишда яратилган улкан фоявий-бадий бойликлардан кенг кўламда фойдаланмай туриб янги давр адабиётини яратиш мушкул эди, албатта. Шу туфайли барча ёзувчиларимиз давр ижтимоий-ахлоқий муаммоларини бадий акс эттириш маҳоратини эгаллашга интилар эканлар, аждодлар меросига ҳам кенг мурожаат қилиб, инсон руҳияти, унинг ички олами, ранг-баранг туйғулар мавжини жилолантиришнинг кўплаб тасвирий усувлари қаторида ҳусни таълил имкониятларидан ҳам атрофлича истифода этдилар. Аввал файритабиий далиллаш ифодаларини Ҳамза ва Авлоний, Ҳабибий ва Файратий,Faфур Ғулом ва Ҳамид Олимжон каби шоирлар ижодида кузатган бўлсак, кейинчалик, 60-йиллардан Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби ёш қалам усталари лирик шеъриятида учратамиз. Янги давр адабиётидаги файритабиий далиллаш лавҳалари ижод ахлининг фақат мумтоз анъаналар давомчиларигина бўлиб қолмай, бу соҳада бир қатор янгича тасвир усувларини шеъриятимизга олиб кирганлари янгича тимсоллар восита сида замондошимизнинг маънавий қиёфасини янада нафисроқ ва жозибадорроқ гавдалантиришга эришгандаридан далолат беради. Фикримиз исботини Ҳабибий, Абдулла Орипов ҳамда

Эркин Воҳидовлар ижодидаги ҳусни таълил намуналарида яққол кузатишмиз мумкин.

Кекса арунавис шоир Ҳабибий мумтоз шеъриятимиздаги ҳусни таълил анъаналарини давом эттириб ҳаётий ҳолат ёки ҳодисаларни файритабииш шарҳлаш заминида кўпгина нодир байтлар ижод қилиб, улар воситасида нозик инсоний кечинмалар, муҳаббат туйғуларининг ҳаяжонли лаҳзаларини ғоят таъсирчан акс эттиришга эришган эди. Шоирнинг «Ўхшар» радиифли фазалидан ўрин олган:

Тишингга ўхшаёлмасдан қизорди рашк этиб маржон,
Ва лекин қатраи шабнам бўлиб дурри хушоб ўхшар

мисраларида маржон рангининг қизиллиги унинг маҳбуба тишиларига ўхшай олмагани учун рашқдан шу тусга киргандилиги тарзида талқин қилиниб, ҳусни таълил санъатининг янги ва нафис бир инфодаси яратилган эди. «Қўзғолур» радиифли фазалдаги

Сакрар оҳу тоғда бу кўз рашкидин, юз рашкидин,
Лолалар жисмида, аммо қип-қизил қон қўзғолур

байтида ҳам тоғдаги оҳунинг сакрашлари-ю, лолаларнинг қип-қизил ранги ҳар иккисининг гўзал дилдорнинг кўзу юзига рашки оқибати сифатида файритабииш шарҳланади.

«Латиф» радиифли фазалда шоир булбулнинг тонгги нолаларини унинг гул ишқидаги латиф навоси тарзида жилолантириб, Лутфий ва Навоий санъаткорлигидан ижодий фойдаланишнинг яхши бир намунасини акс эттирган эди:

Ҳар тун фифону нолай булбул нечук деманг,
Достон ўқиб гул ишқида қилғай наво латиф.

Ҳабибий ўзининг таржибандида ҳам ҳусни таълилнинг бетакрор ифодаларини яратган эди. Чунончи:

Ширин ҳидлар билан олам муаттар бўлса тонг чоги,
Магар мушкин сочингни тебраниб ўтмиш сабо дерлар

байтида тонг чогидаги ёқимли ҳидларнинг олам ичра таралишини севимли дилдорнинг мушкин соchlарини тебратган сабонинг

иши сифатида талқин қилиш ҳам ҳусни таълилнинг эсдан кўта-
рилмайдиган ифодасини вужудга келтирган.

Шоирнинг «Пардоз айлади» мусажжаъ фазалидаги

Гул-гул ёниб яшнаб тўлиб, гулшанга кирганда кулиб,
Гуллар кўриб хандон бўлиб баргин поёндоz айлади

байтида ҳам фақат ташхис эмас, балки ҳусни таълил санъати-
нинг ҳам анъанавий бир ифодаси янгича бир тарзда намоён бўла-
ётгани кузатилади. Зоро, ижодкор мазкур мисраларда гул барг-
ларининг тўкилишига маҳбубанинг боқقا кириб келишини са-
баб қилиб кўрсатмоқда.

«Фарзона» мураббаъсидан ўрин олган

Ҳар дам хиром айлаб кирсанг гулзорা,
Гуллар кўксин йиртиб қилғай юз пора,
Севги куйин куйлаб булбул бечора,
Ўз ишқидан тинмай ўқир афсона

мисраларида ҳам гулларнинг очилиши, булбулнинг тинмай куй-
лаши уларнинг ёр ташрифидан хурсандлиги ифодаси сифатида
ғайритабиий шарҳланадётганини кўриш қийин эмас.

Юқорида келтирилган мисолларда анъанавийлик, Алишер
Навоийнинг бетакор ҳусни таълил ифодаларининг таъсири
кўзга ташланиб туради. Лекин устоз Ҳабибий бир қатор байт-
ларда мумтоз шеъриятимиз учун янги кашфиёт бўлган бадиий
лавҳаларни ҳам кашф этиб, китобхонлар таҳсинига сазовор
бўлган эдилар. Жумладан, «Кўрмадим» радифли фазалидаги

Лаб очолмай фунчалар ҳайратда қолди бир кўриб,
Сўзга лаб очганда сенек сўзга гўё кўрмадим

байтида фунчаларнинг очилмай турганига уларнинг ширинсўз
маҳбубанинг нутқини эшишиб уялгани оқибати тарзидағи ғайри-
табиий сабаб кўрсатилганди. Бу хил ифоданинг янгилиги кўзга
ташланиб турибди. «Тенгдоши» деб сарлавҳаланган фазалдаги

Чаманда ҳар кеча ноз уйқудин тургунча таннозим,
Булуллар сув сепиб ўтгай, супургай субҳ фарроши

байтидаги ҳусни таълил ҳам нафислиги билан бизни ҳайратлантиради. Зеро, унда шоир тонгги ёмғир ва тонг елининг «фаррошлиги»ни уларнинг гўзал маҳбубага мафтунилиги билан изоҳлайди. Ваҳоланки, тасвирланган ҳодиса баҳорги манзарани акс этириди холос, унинг маҳбуба гўзаллигию латофати билан ҳеч қандай мантиқий алоқаси йўқ. Кашф этилган ушбу бадиий лавҳа эса шоир хаёлотининг нозик тажассумигинаидир.

Шоирнинг баъзи фазалларида кетма-кет икки ёки уч байтда ҳусни таълил санъати қўлланади. Масалан, «Оҳу бара» фазалидаги

Гул юзингни кўрди гуллар қўзғалиб рашку ҳасад,
Жисмида бўртиб униб чиқсан тикан эрмас, яра.

Сарву гулларга баҳона тебраниш келса насим,
Лекин имлашга дебон: «Бу ҳусну қоматга қара!»

байтларида кетма-кет иккита ҳусни таълил ишлатилган бўлиб, ҳар иккиси ҳам бадиий талқиннинг бетакрорлиги билан ажralиб туради. Биринчи байтда «Гуллар сенинг юзингни кўргач, рашку ҳасад ўтида ўрганиди-да, жисмида тикан эмас, яралар пайдо бўлди», деган маъно ифодаланган бўлиб, гул танасидаги тиканлар ҳасад туфайли юзага келган яралар сифатида фойритабии шарҳланиб, маҳбуба латофати нафис бир тарзда далилланади. Кейинги байтда эса гулларнинг насим туфайли майин тебраниши уларнинг тасвирланаётган гўзал дилдор «ҳусну қоматига қара!» деган маънодаги ишораси тарзида фоят нозик бадиий манзарани мужассамлантиради.

«Ойжамол» сарлавҳали фазалнинг 2,3,4 – байтларида эса гайритабии шарҳлаш усулиниң хилма-хил ёрқин ифодалари яратилган:

Кунда бир чиқиб хуршид оразингни шавқида,
Тўхтамай кезар доим, кўкда саргарон бўлди.

Сенда эгма қошларни кўрдию хижолатдан
Янги ой булат ичра беркиниб ниҳон бўлди.

Сабзалар оёғингга юзни суртиб ўпгайлар,
Бу шарафдин онларга боғ аро макон бўлди

Агар аввалги байтда қўлланган ҳусни таълил ифодаси анъанавий файритабиий шарҳни такрорлаётгандек бўлса, кейинги икки байтдаги санъатлар талқинларнинг янгилиги билан кўзга ташлашиб туради. Зеро, янги ой – ҳилолнинг булат ортидаги қўриниши нинг унинг маҳбуба қоши олдидағи хижолатдан булат орқасига яшириниши ифодаси тарзида шарҳланиши шеъриятимиз учун янги ҳодиса бўлса, боғда сабза – майсаларнинг ўсишига сабаб қилиб уларнинг ёр оёқларига ўз юзларини суртиб ўпишларига берилган мукофот сифатида асосланиши бетакрор бир бадиий ифода эди.

Шоир таржибандидан ўрин олган

Сочиб ўз атрини гулшанда райҳону, гулу, сунбул,
Дамодам тебраниб ҳар ёнга сарву аргувон ўйнар

байтида боғдаги сарв билан аргувонларнинг шамол таъсирида у ён – бу ён тебраниши уларнинг гўзал раққоса ўйинидан завқлашиб рақс тушиши тарзида шарҳлангани ҳам янги бир талқин эканлиги билан дикқатимизни тортади. Худди шунингдек «Пиёла» газалидаги

Жонон десам ажаб йўқ, зарҳал, гўзал, музайян,
Чертсам, кулиб, жаранглаб қилғай садо пиёла

байтидаги ҳусни таълил ҳам ниҳоятда завқиёб. Хассос шоир ушбу байтда пиёлани чертганда чиқадиган жарангни унинг шодиёна кулгиси тарзида файритабиий шарҳлаб, ёддан кўтарилимайдиган тимсол яратган.

Ҳусни таълил санъатининг бир қатор нодир намуналарини истеъоддли ижодкор Абдулла Орипов шеъриятида ҳам учратиш мумкин. Мумтоз адабиётимиздаги азалий анъаналарга содиқ қолган шоир ҳаётий лавҳалар заминида таъсирчан ва ёрқин файритабиий ифодалар яратган эди. Унинг илк шеърларида ёк ҳусни таълил асосидаги латиф манзаралар чизилганини кузатиш мумкин. Абдулла Орипов ўзининг «Тоғлар» деб аталган лирик шеъриятида забардаст, қўркам тоғларга мурожаат қиласиган:

Биздан кўзин узолмай ҳеч кеч
Қуёш қўёр ёстиғига бош

мисраларида қүёш ботишини нафис ҳусни таълил воситасида тасвирлар экан, анъанавий ифодаларни тақрорламай, шафақ манзарасини қўёшнинг кўз узолмаслиги тарзида гайритабиий, лекин гўзал бир тарзда акс эттирган эди.

Шоир ўзининг муҳаббат мавзусига бағишлиланган дилбар шеърларида ҳам ошиқ йигитнинг кўнгил изтиробларини файритабиий тасвир асосида ғоят жозибадор мужассамлантиради:

Тунда ҳам жимгина ёш тўқди осмон,
У менинг ҳолимга йиғлар эди, бас.

Тунда ёғаётган ёмғирни маҳзун бедил аҳволига ҳамдардлик билдириб, кўз ёши тўкаётган осмоннинг йифиси сифатида талқин қиласар экан, шоир мумтоз шеъриятимизга хос анъанавий ҳусни таълил ифодасини янгилашга интилади.

Абдулла Орипов хусусан, арманлар диёрини, унинг жафокаш халқини қаламга олар экан, файритабиий талқин воситасида эсдан чиқмайдиган бетакрор ва пурмазмун лавҳалар чизганди. Ўзининг

«Нечун тим қорадур арман кўзлари?» деган саволига жавобан:

Йифидан бўлармиш кўзлар тим қора...
Ҳеч ким арманчалик тўқмаган кўз ёш

деб ёзар экан, шоирнинг ҳусни таълил усулини қўллаш соҳасидаги маҳорати ярқираб кўринган эди.

Абдулла Ориповнинг Ўзбекистон шарафига, халқимиз мадҳига бағишлиланган асарларида ҳам анъанавий ҳусни таълил ифодаларининг янгича мазмун касб этганини кузатиш мумкин. Қуёш тимсолининг мумтоз ижодкорларимиз, хусусан, улуғ Навоий ғазалларида инсоннинг садоқатли ҳамдарди сифатида талқин қилинганини юқорида қайд этиб ўтган ва фикримиз далолати сифатида қатор-қатор ҳусни таълил намуналарини келтирган эдик. Абдулла Орипов шу анъанани янгича бир лавҳа билан ривожлантирасар экан, ўзбек деҳқонининг файрату шижоатига ҳайратланиб боқаётган қўёшни

Кўрдимку манглайнинг тер билан қотиб
Бераҳм оташга берганингни тоб.

Кўрдимку тепангда ўзин йўқотиб
Ҳайратдан лол қотиб қолганин офтоб

мисраларида таърифлайди. Диққат қилсак, қуёшнинг чошт-гоҳ пайтида ҳаракатсиз, қотиб қолгандек кўриниши унинг ҳай-рати ифодаси сифатида талқин қилингани, офтобнинг табиий ҳолати файри ҳаётий шарҳланиб, гўзал бир бадиий лавҳа вужудга келтирилганини кўришимиз қийин эмас.

Шоир асарларида юлдуз тимсолининг ҳам янгича гайритабии талқинини кўрамиз. Мумтоз адабиётимизда анжум, ахтар, юлдуз тимсолларини аксар ҳолларда кўзёши ифодаси тарзида талқин қилиниб келингани аён. Абдулла Орипов ҳам ўз шеърида юлдузларни анъанавий тарзда – кўзёши сифатида қаламга олади-ю, лекин улар воситасида янгича, замонавий бир гояни ифодалайди:

Дўстлар, кўкда юлдузлар эмас,
У, Улуғбек кўзидаги ёш!

Натижада ушбу анъанавий тимсол буюк алломанинг фожиали тақдирини бетакрор бир тарзда акс эттиришга хизмат қилдирилган. Абдулла Орипов ижодида бир хил ёрқин ҳусни таълил ифодалари кўплаб яратилган.

Шоир ижодида анъанавий ой тимсолидан ҳам янги ижтимоий гояни ҳусни таълил усули асосида унумли фойдаланилгани ҳам кўзга яққол ташланиб туради. Анъанавий гайритабии ифодаларда осмоннинг тунги ёриттичи гоҳ маҳбубага ошиқ бўлиб, осмон узра дарбадар кезайтган сиймо сифатида, гоҳ унга қул бўлган, шу туфайли жисмига тамға босилган эрксиз мавжудот тарзида тасвирланган бўлса, Абдулла Орипов унинг кўк узра кезишига гўзал диёримизга, унинг ажойиб халқига мафтун бўлиб тунлари уларнинг ором олиши учун эртаклар сўзлаётган меҳрибон момо тарзида шарҳлаб

Оппоқ рўмолига ўраб куртагин,
Ухлайди қиш бўйи бу зангор чирой.
Фақат, ором ол, деб сўйлаб эртагин
Кезади далалар тепасида ой

каби сержило мисралар биттанди. Кўриниб турганидек, ижодкор ойнинг юртимиз осмонида тинимсиз кезишига унинг элга эртак сўзлаб ором бағишаётганини сабаб қилиб келтиради.

Қалам ҳақида қанча-қанча завқиёб ҳусни таълил ифодалари яратилгани илм аҳлига аён.

Лаълининг ширинлигин бир кун битар эрди қалам,
Боши зону ичра қолди ул чивинлар илгидин

деб лутф қилганди мавлоно Лутфий.

Абдулла Орипов қалам фазилатларини янгича баҳолаб ажо-
йиб мисралар битган.

Эркалангиз қаламни олиб,
Ўпид қўйинг уни мулоим.
Шўрлик ўзи яланғоч қолиб
Кийинтирад эгасин доим.

Мумтоз шеъриятимиз бадииятини чуқур ўрганган Эркин
Воҳидов ҳусни таълилнинг янги-янги талқинларини яратди.
Шоир бу санъатдан айниқса «Ёшлик девони»га кирган фазал-
ларида кенг фойдаланди. У аввало гул тимсолига мурожаат
қилиб, таъсирчан лавҳалар битади. Чунончи, «Шоҳи гул» фаза-
лидаги

Шоҳи гул эрмас бу, ўтлиф –
Юзларинг ҳижронида
Интизор боғ кўксидан
Чиқкан фифону оҳи гул

мисраларида шоҳи гулни гўзал маҳбуба висолини интизорлик
билин кутаётган боғнинг кўксидан чиқкан оҳу фифони, дея талқ-
ин қиласди.

Карнай гулининг
Оғзи очиқ, волаю ҳайрон,
Наргиснинг, ажаб,
Икки кўзи санда бўлибдур

байтида карнай гулининг кўринишини оғзи очилиб, ҳайратлана-
ётган инсонга нисбат бериб, ғайритабииш шарҳласа, наргиснинг
ҳолатини икки кўзи интизор ёр йўлига термулаётган ошиқ аҳво-
лига қиёслаб эсдан кўтаришмайдиган бадиий манзара яратади.

Севмоқ уят эмасдир,
Хар кимда бу бор савдо.
Құй, күп қизорма, ғунча,
Бошингни әгма мунча

байтидаги ғунча тимсоли ҳам бетакрор. Унда ғунча оғзининг қызиллигини унинг қызориши рамзи, бошининг әгиклигини хижолати белгиси сифатида файритабиий талқин қилинади.

Бүй чүзіб ҳар ён қарайдир,
Бундаман, деб айт, санам.
Қоматингни бир күрарга
Кечадан хұммор сарв

байтида боғдаги сарв дарахтларининг шамол пайтидаги тебра ниши бүй чүзіб ўз дилдорини излаётган, унинг қоматига ошуфта бўлган инсон ҳаракатига қиёсланиб, файритабиий шарҳланишини кузатамиз. Шоир тасвирлаган шабнам тимсоли ҳам бизни ҳайрат дарёсига чўмдиради:

Офтоб ҳижронида тонг
Сабзаларга қўйди нам.
Ўйлаким, киприкларимни
Унда бир девон юки

мисраларида шабнам офтоб ҳажрида изтироб чекаётган тонг-нинг сабзалар устига тўккан кўз ёши деб талқин қилинса,

Тун билан йиглабди булбул
Ғунча ҳажри доғида.
Қўз ёши шабнам бўлиб
Қолмиш унинг япроғида

байтида шабнам булбулнинг кўз ёшлари тарзида таъсирчан ифодаланган.

Эркин Воҳидов ўз девонида тасвирланган лавҳалар тимсолини яратишида ҳам мазкур санъатдан унумли фойдаланади.

Чунончи, «Узум» радиофлиғазалида ушбу меванинг кўрининши ниҳоятда ёрқин ифодаланар экан, ҳусни таълимининг қатор талқинлари моҳирона яратилғанлигини кузатамиз.

Термулур шабнамли япроқ
Остидан пинҳон узум,
Лабларингга етмоқ истаб
Тонг саҳар гирён узум.

байтида узумнинг япроқлар орасида кўриниши маҳбубани инти-
зорлик билан кутиб термулаётган ошиқ ҳолатига нисбат бери-
либ, файритабии талқин қилинса,

Тарк этиб кўшкун, саватга
Қўйди бош излаб сени,
Чарх уриб бозор ичидা
Бўлди саргардон узум

байтида узумнинг саватларга солиниб, бозорга олиб борилиши
шу тарзда талқин қилинади. Гўё узум маҳбубани излаб саватга
ўтириб олиб, бозорда саргардон кезганмиш. Шоир узумнинг май-
га айланиш жараёнини ҳам шу хилда шарҳлаб, эътиборга лойик
манзаралар чизади:

Кимки ошиқликни даъво
Айласа шулдир жазо:
Оқибат хум ичра бўлди
Маҳкуми зиндан узум.

Майнинг маҳбуба лабларига тегишини ҳам шоир жуда нафис
таърифлайди:

Хум ичидা неча йил
Хун бўлмоқ эркан қисмати,
Лабларингга тегди охир
Бир пиёла қон узум.

Шоир бошқа бир ғазалида чаросу гилослар рангининг латофа-
тини файритабии шарҳлаб ёзган эди:

Дегайларким, чаросу
Ол гилос олмиш лабингдан ранг,
Лабинг тегса ҳасад қилгум
Гилос бирла узумдан ҳам.

Эркин Воҳидов ижтимоий веқеълини акс эттиришда ҳам ҳусни таълил санъатига кўп мурожаат қиласди. Чунончи, қалам таърифига бағишлиланган ғазалдаги талқинлар алоҳида эътиборга лойиқ. Шоир қаламни:

Рост, қалам – тимсоли шеър,
Тимсоли тиф, тимсоли ҳақ.
Бошини минг кесдилар
Бош эгмади асло қалам.

Ишқ ғамин айтсан қаламга,
Ич-этин куйдирди ул.
Севгидек ўт йўқ жаҳонда,
Мен каби сўзона йўқ

каби ёрқин мисраларда тасвирлар экан, қаламнинг тараашланишини, ичидан қора графитнинг ўрин олганлигини унинг боши кесилиши, ич-этини куйдирини сифатида ғайритабиий талқин қилиб, ғоят таъсирчан лавҳалар яратади.

Шоир ҳаётимизда қўлланиладиган турли буюмлар ҳолатини ғайритабиий талқин қилиш воситасида ажойиб бадиий ифодалар битади. Унинг «Мағрурлик ҳақида» деб номланган шеъридаги талқин бу жиҳатдан аҳамиятли:

Гарчи шунча мағрур турса ҳам,
Пиёлага эгилар чойнак.
Шундай экан, манманлик нечун,
Кибру ҳаво нимага керак?
Камтарин бўл, ҳатто бир қадам
Ўтма ғуур остонасидан.
Пиёлани инсон шунинг-чун
Ўпар доим пешонасидан.

Чойнак билан пиёланинг муносабати, чойнакнинг чой қўйиш оница пиёлага эгилиши, пиёланинг инсон лабига тегишини ғайритабиий шарҳлаган шоир мағрурликни фош этиб, камтарликни улуғловчи ажойиб асар яратган. Мана бу талқин-чи:

Бош тебратар соат кафири,
«Шошил, одам, ўтмоқдадир он.
Ҳар нарсанинг бўлар охири,
Бош тебратиб қолма сўнг, инсон!».

Соат кафгириининг ҳаракатини одамлар ҳолатига қиёс қилиб, файритабий шарҳлаш муҳим бир ижтимоий-ахлоқий ғояни ёддан чиқмайдиган тарзда ифодалашга имкон берган.

Шу мавзуга бағишлиланган қуидаги мисраларда ҳам вақтни ардоқлаш ғояси үзининг таъсирчан бадиий ифодасини топган.

Биздан ортда сургалмасин деб,
Бизлар билан чиқсин деб йўлга.
Соат қилиб,
Занжир ўтказиб,
Боғлаб олдик фурсатни қўлга.

Шоирнинг «Садоқат» деб сарлавҳаланган кичик шеъри ҳусни таълил санъатини қўллашнинг нодир намуналаридан бири-дир, десак хато бўлмас.

Кекса қарагайнинг
Илдизин очиб,
Тортдилар қўш арқон солиб белидан.
Лекин у тупроққа панжасин санчиб,
Сира қўзғалмасди
Унган еридан.
Ниҳоят, гурс этиб ерга қулади,
Бутаб, сўнг кўтариб кетдилар, бироқ –
У ўз панжасида олиб жўнади
Яшаган еридан
Бир сиқим тупроқ.

Дарахтни илдизи билан ағдарганда, унинг илдизига тупроқ парчаларининг илашиб чиқиши ҳаётий манзара. Шоир ана шу табиий манзарани файритабий шарҳлайди. Бу шарҳга кўра, тупроқнинг ўзи илдизга илашиб қолгани йўқ, балки кекса қарагай онгли ҳолда ўзи яшаган она тупроқнинг бир парчасини ўзи билан олиб кетяпти. Кўриниб турибдики, оддий ҳаётий лавҳанинг шу хил файритабий талқини муҳим бир ғояни ўта таъсирчан ифодалаш имконини берган. Бу ўринда шоир бадиий хаёлотининг нақадар кенглигини таъкидламай иложимиз йўқ.

Шундай қилиб, Эркин Воҳидов мумтоз адабиётимизга хос хилма-хил санъатлар, ҳусусан, ҳусни таълил санъатидан адабий жараёнда унумли ва ўринли фойдаланиши ёрқин бадиий лавҳалар яратиш имконини беришини исботлади.

ХУЛОСА

Шеъриятимизга XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV аср бошлирида кириб келган ҳусни таълил санъати ўзининг таъсирчанилиги, бетакрорлиги, енгил ҳазиломуз табиати, хусусан, ҳалқ оғзаки ижоди билан ҳамоҳанглиги, ўзида бир неча бадиий санъатни жамлаши каби қатор хусусиятларига кўра тез орада шеър аҳлининггина эмас, кенг ўқувчилар оммасининг ҳам диққат-эътиборини қозонди. Табиат ва ижтимоий ҳаётнинг ранг-баранг манзараларини файритабиий талқин қилган ҳолда инсоний гўзаллик, севги ва садоқат, меҳру вафодорлик туйғуларининг ғоят таъсирчан, бетакрор ва сержило ифодаларини яратишга имкон берувчи ушбу бадиий усул даҳо шоирларимиз ижодида муҳим адабий кашфиёт дарражасига кўтарилди. Хоразмий ва Сайфи Саройи, Атоий ва Лутфий, Саккокий ва Гадой каби кўплаб соҳиби каломлар ушбу санъат асосида ишқий кечинмаларнинг қатор-қатор ёрқин лавҳаларини битиб, маҳбуба латофатини янгича бир тарзда мадҳ этишга, табиат ва инсон муносабатларининг очилмаган қирраларини қаламга олишга эришдилар. Адабий далиллашнинг ушбу янгича усули ижодкор бадиий салоҳиятининг янада кенгроқ намоён бўлишига, шоирлар бадиий хаёлот олами кўламининг янада кенгайишига йўл очди. Мазкур санъат соҳасидаги ҳамкорлик файритабиий талқин усулининг янгидан-янги қирраларини ҳам кашф этишга имкон яратди.

Ҳусни таълил санъатининг ривожланишида Алишер Навоий ижодининг аҳамияти катта бўлди. Форс-тожик ва туркий адабиётлардаги файритабиий талқин усули намуналарини атрофлича ўрганиб тадқиқ этган шоир бу санъатнинг ижодкор бадиий салоҳиятини ёрқин намойиш этишга ишонч ҳосил қилиб, ундан ўз лирик ва лиро-эпик шеъриятида кенг фойдаланди. Даҳо шоирга хос ижодий кашфиётчилик тамойили, бадиий тафаккур кўла-

мининг кенглиги, хаёлот оламининг чексизлиги ҳусни таълилнинг юзлаб сержило ва файзиёб, ҳайратомуз ва тъсирчан лавҳаларининг яратилишини таъминлади.

Шоир ўз устозларининг бу соҳадаги анъаналарини изчил давом эттирар экан, мазкур санъатни фақат маҳбуба латофатини мадҳ этиш учунгина эмас, айни вақтда лирик қаҳрамон маънавий қиёфасини яратишда ҳам, ижтимоий ғояларни бадиий ифодалашда ҳам моҳирона фойдаланиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилиб кўплаб янгича талқинлар яратди.

Ҳусни таълил санъатига бўлган бу хил ёндошиш адабиётимизга кўпдан-кўп янги файритабии талқин тимсолларини олиб кириш имконини берди. Шеърнитимиздаги ҳусни таълил ҳазинаси юлдузлар ва булутлар, барқ ва қуюн, шамъ ва парвона каби ўнлаб янги тимсоллар билан бойитилди. Даҳо ижодкор ҳусни таълил ифодаларида ёндош бадиий санъатлардан, ҳусусан муబалаға, ташхис, тажоҳули орифона, талмиҳ каби тасвирий воситалардан кенгроқ фойдаланиш мумкинлигини ўз асарлари билан исботлаб берди. Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарида замондош шоирлар ижодига баҳо берар экан, улар яратган ҳусни таълил ифодаларига алоҳида эътибор қаратиб, бу санъат ривожига сезиларли ҳисса қўшди.

Алишер Навоийнинг ҳусни таълил санъати соҳасидаги анъаналари шоир издошлири ижодида ушбу усулнинг янада кенгроқ қўлланиши, янги бадиий талқинларнинг, янги тимсолларнинг адабиётимиздан кенг ўрин олишига хизмат қилди. Шеърнитимизнинг Машраб ва Ҳувайдо, Нодира ва Увайсий, Мунис ва Оғаҳий, Муқимий ва Завқий каби йирик намояндалари ушбу санъатдан фойдаланиб кўплаб ажойиб бадиий лавҳалар битдилар, олдин қўлланган тимсолларнинг имконият доираларини кенгайтириб, янгича файритабии шарҳлар яратдилар.

Мазкур шеърий санъатга бўлган эътиборни XX аср шеъриятида ҳам яққол кузатиш мумкин. Ҳамза ва Авлоний, Ҳабибий ва Файратий,Faфур Ғулом ва Ҳамид Олимжон, Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов каби қатор ижодкорлар замонавий воқеъликни, замондошларимизнинг ёрқин қиёфаларини чизища, муҳим ижтимоий-аҳлоқий ғояларни тараннум этишда ҳусни таълил имкониятларидан ҳам унумли фойдаландилар.

Ушбу ажойиб бадиий тасвир усули XXI асрда ҳам шоирларимиз ижодидан муносиб ўрин эгаллаши шубҳасиз. Унинг кенг

имкониятларидан мумтоз шеъриятимизнинг ранг-баранг бошқа анъаналари қатори ҳусни таълил санъатининг назарий ва амалий жиҳатларини пухтароқ эгаллаш, даҳо шоирларимизнинг бу соҳада эришган ижодий ютуқларини атрофлича ўзлаштириб, давримизнинг буюк муваффақиятлари, мустақил мамлакатимиз фуқароларининг ёрқин қиёфаларини жилолантиришда унумли фойдаланишини тақозо этади. Ижодкорнинг бадиий тафаккур истеъдодини ёрқин намойиш этувчи бу шеърий санъат кашфиётчи аҳли қаламга ҳайратомуз ифодалар, лавҳалар, тимсоллар яратиш имконини бериши шубҳасиз.

Бундан анча йил аввал «Пахтакор» стадионида театрлаштирилган томоша намойиш қилинган эди. Майдонда уруш манзаралари: солдатлар ёв аскарлари билан жанг қиласар, баъзилари ҳалок бўлса, баъзилари ярадор бўлиб йиқиларди. Микрофондан эса қайсиdir рус шоирининг уруш мавзусидаги таъсирчан бир шеъри жарангларди. Уни қуйидагича таржима қилиш мумкин эди:

Яраланди солдат, ўз ҳузурида
Онасин кўрмоқни қилди илтижо.
Она келди, ўғил унинг бағрида
Йигирма кун нафас олди соз, расо.
Йигирма кун она мижжа қоқмади,
Йигирма биринчи тун чоги мудроқ
Унинг кўзларига ингандан бир он
Қалбининг беором садоси ногоҳ
Онаси оромин бузмасин учун
Солдат ўз юрагин тўхтатди мутлоқ.

Демак, йигирма биринчи тун чоги меҳрибон онаси кўзларини мудроқ босганда, ўз қалби садоси унинг уйқусини бузмаслиги учун солдат юрагини уришдан тўхтатибди. Ҳақиқатда эса шу тунда она мудрар экан, солдат юраги тўхтаб қолган. Шоир бу ҳодисани файритабиий талқин қиласар экан, фарзанднинг ўз онасига бўлган меҳрини ўқувчи қалбини ларзага келтирувчи бир тарзда акс эттирган. Ҳусни таълилнинг бекиёс қудрати шу қадар кучли, шу қадар таъсирчан. Шундай экан, ушбу усул фазилатларини касб этиб, ҳаёт ҳақиқатини ёрқин ифодалаш малакасини эгаллаш шоирларимиз учун кўплаб бадиий кашфиётлар яратиш имкониятини бериши аниқ. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби

етук ижодкорларнининг юқорида биз таъкидлаган кашфиётлари фикримизнинг ёрқин далили бўла олади, деб ўйлаймиз. Ушбу ажойиб бадиий тасвир усулидан ижод жараёнида баҳраманд бўлиш учун:

- кўп асрли мумтоз адабиётимиз истиқлол даврида ҳам шеъриятимизнинг ғоявий-бадиий камолоти манбаларидан бири бўлиб хизмат қилишини доимо ёдда тутиш;
- мумтоз шеъриятимиз назариясини ва амалиётини илмий асарлардан фойдаланиб атрофлича ва чуқур ўрганиб бориш;
- даҳо ижодкорларимиз ва етук қалам соҳиблари меросини, уларнинг бадиий маҳорати сирларини изчил ўзлаштириб бориш;
- мумтоз шеъриятимизда қўлланган хилма-хил ижодий услулар, санъатлар моҳиятини англашга интилиш;
- бошқа шеърий санъатлар қаторида ҳусни таълил усулига хос фазилатларни ҳам теран ўрганиб, файритабиий талқин маҳоратини аста-секин эгаллаб бориш;
- табиат, ижтимоий ҳаёт воқеъликларини, замондошлиаримизнинг ахлоқий фазилатларини кузатиб, ушбу санъатнинг ёрқин ифодаларини яратишга интилиб бориш;
- Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Омон Матчон каби шоирларимизнинг ҳусни таълил санъатини қўллаб, бетакрор ва ёрқин, таъсирчан ва жозибали бадиий лавҳалар, тимсоллар яратишдаги муваффақиятлари, бу соҳадаги санъаткорликлари сирларини кашф этиб бориш муҳим аҳамиятга эгадир.

МУНДАРИЖА

Жозибали тадқиқот	3
Муқаддима	5
Биринчи боб. Ҳусни таълил – энг гўзал санъат	9
Иккинчи боб. XIV–XV асрнинг I ярми шеъриятида ҳусни	
таълил санъати	38
Мавлоно Атоий кашфиётлари	42
Лутфий – ҳусни таълил устаси	49
Учинчи боб. Алишер Навоий ғазалиётида ҳусни таълил	
ривожи	70
Бадиий идрок этиш маҳорати	70
Ҳусни таълилнинг тимсоллар олами. Қўёш, ой ва юлдузлар	
васфи	103
Субҳ, шафақ ва шамъ таърифи	116
Гуллар жилласининг латиф талқини	128
Гўзал маҳбуба ва садоқатли ошиқ қиёфалари	146
Тўртнчи боб. Навоий анъаналари изидан	156
XVI –XIX асрлар шеъриятида Навоий анъаналари	156
Замонавий шеъриятимизда ҳусни таълил жилолари	183
Хулоса	195

Адабий-бадиий нашр

АНВАР ҲОЖИАҲМЕДОВ

ҲУСНИ ТАЪЛИЛ САНЪАТИ

Муҳаррир
Гавҳар МИРЗАЕВА

Техник муҳаррир
Елена ДЕМЧЕНКО

Мусаҳдиқ
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Компьютерда саҳифаловчи
Феруза БОТИРОВА

Босишга 8.04.2008 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоғи 6,25. Шартли босма тобоғи 10,50.

Адади 1000 нусха. Буюртма № 82.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кӯчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 368-36-89;

Маркетинг бўлими – 128-78-43

факс — 173-00-14; e-mail: yangiasravlod@mail.ru

ISBN 978-9943-08-284-7

A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-08-284-7.

9 789943 082847

